

Детектив романлар туркумидан

Жеймс Хэдли Чейз

# СОТҚИН

Детектив роман



*Детектив романлар туркумидан*

**Жеймс Чейз**

# **СОТҚИН**

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2017 йил

УЎК: 821.111-312.4=512.133

КБК: 84(4Ббр)6

Ч 324

— Илгиз  
адабиети

**Жеймс Чейз**

Сотқин/детектив роман: — Т.: «Sano-standart»  
нашриёти, 2017 йил. — 228 бет.

*Саргузашт-детектив романлари билан бутун жаҳон китобхонларига таниш бўлган Жеймс Чейзнинг ушбу «Қопқон» номли асаридан сўнг Италия шаҳарларида дарбадар кезиб юрган йигит ва унинг фаройиб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.*

**Тақризчи:**

Музаффар Чоршанбиев,  
адабиётшунос

УЎК: 821.111-312.4=512.133

КБК: 84(4Ббр)6

ISBN 978-9943-4882-8-1

2018/10.  
640

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

№ 32146  
291  
© «Sano-standart» нашриёти, 2017



## 1-БОБ

- 1 -

Тун яримдан оққанди. Қўлларини плашининг чуқур чўнтақларига солиб, шляпасини кўзларигача бостириб кийиб олган Керриден Олд-Комптон-стрит кўчаси бўйлаб, шошмай кетиб борарди. Лондон марказидаги кўплаб ресторанлар, тунги клуб ва кўплаб кўнгилочар жойлар жойлашган Сохо кўчаларида одам кўп эмас эди: кечқурун авжига чиққан ёмғир ҳаммани ичкарига ҳайдаган эди.

Олд-Комптон ва Фрит-стрит кўчалари туташган жойда Керриден сигарет чекиб олиш учун тўхтади. Гугурт алангасини шамолдан ҳимоя қилаётиб, кутилмаган қадам товуши эшитилиб қолмайдими, деб қулоғини динг қилди – бироқ ҳеч нарса эшитмади. Елкаси оша орқага қараб, сув босиб кетган бўм-бўш кўчанигина кўрди. Шундан сўнг қўлидаги гугурт чўпини ариққа ташлаб, Фрит-стрит кўчасига қайрилди.

Мана, йигирма соатдан бери унинг назарида ҳеч қандай сабабсиз икки ёки уч киши унинг орқасидан кузатиб юришганга ўхшаб туюлаётган эди.

Аслида, бу нарса биринчи марта бўлаётгани йўқ эди. Уруш даврида унинг орқасидан гестапо тушар, ҳозир, маълум бир вазифаларни бажараётганда ҳам, полиция билан учрашгиси келиб қоларди. Ўзига ҳос сезгиси туфайли Керриден доим кетидан тушганлардан қочиб кета оларди. Бироқ ҳозир у ким ўзи билан шунчалик қизиқиб қолган бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаётган эди. Тўғри, у билан орани очди қилишни жуда хоҳлайдиган душманлари етарли, бироқ у яшириниб юргани йўқ ва орқасидан бир сутка кузатиб юргандан кўра уни бемалол уйдан топишлари мумкин. Бу воқеа Керриденни қизиқтириб қолган ва айни пайтда асабига ҳам тегаётган эди.

Тасаввури алдамаганига амин бўлиш мақсадида у кетидан келаётганлар ўзини бемалол тута олишлари учун бугун атай ёмғирда кўчага чиққанди. Яна ҳеч нарсага эриша олмади. Керриден ўзининг юрган йўлларида яна орқага қайтди, кичкина кўчаларга кириб чиқди – бироқ орқасидан тушганлар худди шарпа каби кўзга кўринмас эдилар.

Якингинада, Фрит–стрит кўчасининг охирида «Аметист» клуби бор эди. Керриден ўша ерга боришга қарор қилди: сирли душманлари уни кўчада пойлаб тураверишин. Балки, уларни ойнадан кўриб қолар. Нима бўлганда ҳам, ёмғирда кутиб туриш уларни анча совутади.

– 2 –

«Аметист» клуби боши берк кўчада жойлашган бўлиб, Сохонинг истаган пайтда полициядан яшириниш ва кундузи ҳам, кечаси ҳам ичкилик топа олиш мумкин бўлган шубхали жойларидан бири эди. Качонлардир бу ерда вино омборхонаси жойлашган бўлиб, ҳозирда бинонинг олд қисми ёрқин лимон рангига бўялган, катта хонасига чарм креслолар ва усти ойнали столлар қўйилган, девор бўйлаб эса чанг босган кўзгулар турарди. Барда баҳайбат гавдали, юзида доим тунд ифода бўлган олифта Зани турарди.

«Аметист» клубининг хўжайини Зани Сохода зимдан олиб бориладиган ишларнинг бирортасидан ҳам орқилмасди. Бу баҳайбат гавдали, сочлари қора, юзининг тузилиши қоратанлиларникига ўхшаш бўлган барман Керриденнинг ёдига даҳшат фильмлардаги жиноятчи, қотиллар ёки монстрлар коллекциясидаги бадбашараларни соларди. Гориллага смокинг қандай ярашса, энг яхши тикувчи тиккан костюм, оқ кўйлак, йирик ҳол–ҳол галстук ва чал қўлининг жимжилоғидаги катта олмос узук унга ҳам шундай ярашар эди.

Залда йигирматача эркак ва аёллар ўтиришган бўлиб, Керриден барга олиб тушадиган зинадан тушаётганда ҳамма ўгирилиб унга қаради. Тамаки тутуни орасидан уни шубҳали назарлар кузатиб туришарди. Шовқин-сурон тиниб қолганди. Керриден доим кийиб юрадиган ҳарбийча бичимдаги плаш, унинг кенг елкалари ва бошини тутиши доим шу ерда бўладиганларда ишонч туғдирмасди. Бу ернинг доимий мижозларига янги келган одам полициячи бўлмаса-да, бу ердагиларнинг дунёсидан ҳам эмаслиги яққол кўриниб турарди.

Барга кириб келишининг бу ердагиларга таъсирига бутунлай бепарво бўлган Керриден бар пештахтаси олдига борди.

– Сен шу ердалигингни менга айтишганди, – катта-кон панжасини унга узата туриб, деди Зани, – бироқ мен ишонмагандим, алдашяпти, деб ўйлаган эдим. Сенинг ўрнингда мен бу исқирт мамлакатга қайтиб келмаган бўлардим.

– Мендан хотиржам бўлавер, – унга узатилган қўлни сезмагандек, жавоб берди Керриден. – Агар заҳарланмаган бўлса, бир стакан виски бер.

Хонанинг қарама-қарши томонида оқ-қизил рангли катак-катак қўйлак ва кулранг пахмоқ шим кийиб олган эрикқина эркак жуда усталик билан роял чалаётган эди.

– Заҳарланмаган, – юзида қотиб қолган табассум билан деди Зани, – экстра-класс. Мана, синаб кўр, – у Керриденга стакан ва шиша узатди. – Сен Штатларда бўлиб келдинг-а?

– Ха, бироқ у ерлар жонимга тегиб кетди. Шароитни ўзгартирмоқчи бўлдим.

Зани тушунгандек бош силкиб қўйди.

– У ёқларда полицияни жуда синчков дейишадими-а?

– Бир кун келиб бирортаси оғзингни ўз шишани билан юмиб кетса, мен ажабланмайман...

Занининг кулгиси сўнди.

- Бўлди, бўлди, ҳазиллашяпман... Ишларинг қалай?
- Ҳар ҳил, – эҳтиётлик билан жавоб берди Керриден.
- Мен билан ҳеч ким қизиқмадими?
- Йўқ. Жуда узоқ йўқ бўлиб кетдинг... – Зани қизиқсинган кўйи Керриденни бошдан оёқ кўздан кечирди. – Энди нима қилмоқчисан?
- Ишинг бўлмасин. Қанчалик кам нарса билсанг, дўстларингга шунча кам айтиб берасан... Айтганча, Роулинсни кўрмадингми? Мабодо, у мен ҳақимда суриштирмадими?
- Баъзида кириб туради, – бепарво оҳангда деди Зани, – бироқ сен ҳақингда ҳеч сўрамаган. Сен жўнаб кетганингдан сўнг у кўтарилиб кетди – катта инспектор бўлди. Ҳисобга олиб қўй.
- Демак, полиция унинг кетидан тушган. Зани айғоқчи эканлигини кўпчилик билмас, бироқ Керриден учун бу сир эмасди.
- Кимдир мен билан қизиқяпти. Бутун кун изимдан юришибди.
- Нима бўлибди? Гестапо, менимча, икки йил кетингдан тушди, бироқ тута олгани йўқ.
- Бир марта тутишди, – деди Керриден. Унинг юзи тундлашди. – Бу гапни қўя турамиз. Мен ҳозир нима гаплигини билишим керак. Сен ҳеч нарса билмайсанми?
- Менми? Менинг нима алоқам бор? Мен ҳеч нарса эшитмадим ва ҳеч нарса билмайман...
- Керриден мулатнинг қора юзига синчковлик билан қараб қўйди, сўнгра эса елка қисди.
- Майли, ҳеч нарса билмасдан юравер–чи. У вискисни охиригача хўплаб, пулини тўлади–да, ўрнидан турди.
- Мен шу ерда бир оз ўтира тураман. Кўчада челақдан қуйгандек қуяяпти.
- Бемалол ўз уйингдек ўтиравер!.. Аёл керакмасми?
- Бундай ишлар учун мен қариб қолдим.

Керриден сурбетларча жилмайиб, бепарволик билан роял олдига кетди.

– Салом, Макс, – пианист билан саломлашди у.

Макс лабларини очмай, чалишда давом этди:

– Салом.

Керриден пианистнинг бармоқларидан кўзини узмади: унинг юзида хурмат ифодаси бор эди. Худди уни мусиқа қизиқтираётгандек эди гўё.

– Макс, сен бирор нима биласанми?

Макс «Тун ва кун»ни чала бошлади.

– Сени бир келишган аёл сўрагани, – ҳали ҳам лабларини очмай, деди у. – Уч кун бурун бу ерга Крю билан келган эди.

Керриден сигаретасининг кулини қоқиб, пианистнинг қўл ҳаракатларини кузатишда давом этди.

– Ким экан у аёл?

– Тасаввур ҳам қила олмайман. Чет элликка ўхшайди, ёш, сочлари қора, кўзлари катта–катта. Исми Жанна. Менга Крю ундан кўрқаётганга ўхшаб кўринди.

– Унга нима керак экан?

– У мендан қаерда яшашингни ва бу ёқларга қайтиб келган–келмаганигни сўради. Мен иккала саволига ҳам «йўқ» деб жавоб бердим.

– Шунинг ўзими?

– У яна айтдики, агар сенинг келганинг ҳақида Крюга хабар берсам, беш фунт олар эканман.

Керриден қошларини чимирди.

– Афтидан, мен Крю билан гаплашиб қўйишим керак, шекилли.

– Сен бу ерга яна келасанми?

– Балки келарман. Нима бўлганда ҳам, раҳмат. Сендан қарздорман.

– Мен бунга айтмаяпман, – хитоб қилди пианист. – Дэффи сени кўрса хурсанд бўларди.

Керриден жилмайди.

– Ха–я, у қалай?

– Катта қиз бўлиб қолган. Қомати худди Гарбога ўхшайди, ўзим ҳам кўз ташлаб юрибман. Кўрсанг танимайсан.

Керриден чўнтагидан беш фунтлик пул олиб ғижимлаганча, билдирмай клавишлар устига ташлади.

– Индаймай юришда давом этавер, дўстим, – деди ва нари кетди.

– 3 –

Крю... Тўрт йил ичида Керриден уни бутунлай ёдидан чиқариб юборган эди. Яхшилаб ўйлаб кўриб, у рангсиз сочлари узун ва костюмининг петлицасига доим қизил гул тақиб юрадиган йигитни эслади.

Крюнинг аслида кимлиги доимо сирли эди. Ҳеч ким унинг қаердан пул топишини билмасди. Баъзилар у аёллар хисобига яшайди, деса, бошқалар уни айғоқчи дейишар, ақлироқлар эса индамасликни маъқул кўришарди. Крю ҳеч қаерда ишламас, бироқ кўпинча қоронги тушиши билан Пикадиллида ёки Лейстер–Сквердаги шоҳона барларда санғиб юрар эди. Керриден у билан бир марта покер ўйнаётганда тўқнаш келган эди. Крю ўйинга қўшилмагунча Керриден ютаётган эди. У қўшилгач омад Керридендан юз ўгирди. Учинчи сафар ўйнашаётганда Керриден Крюнинг айёрлик қилаётганини сезиб қолиб, унинг бошига пиводан бўшаган шиша билан туширди.

Ким билади, балки у менга нисбатан гина сақлаб юргандир, ўйлади Керриден. Бироқ ўзи тўрт йилгача гина сақлаб юриш мумкинлигини тасаввур қила олмади ва бу нарса унга ёввойиликдек бўлиб туюлди, бироқ, ким билади, ўч олмагунча тура олмайдиган одамлар бор... Ага! Крю орани очди қилмоқчи бўлган бўлса, бу жуда хавфли

«Мени сўраган аёл ким бўлди экан? – бурчакдаги стол олдида виски ичиб ўтирар экан, ўз-ўзидан сўради Керриден. – Чет элликка ўхшайдиган, кўзлари катта-катта бу аёл ким бўлиши мумкин?» У ўзига таниш бўлган аёлларни эшлашга ҳаракат қилиб, бекорга уринди – уларнинг ҳеч бири бу тасвирдаги аёлга ўхшамас эди. Аёллар унинг ҳаётида муҳим ўрин тутган вақтлар бўлган, бироқ ҳозир уни ҳеч қизиқтиришмас эди. Уруш қийинчиликлари Керриденга айрим нарсаларсиз ҳам яшаш мумкинлигини ўргатганди.

Керриден ўрнидан туриб, бар пештахтаси олдига борди.

– Юқорида деразаси кўчага қараган хона бўлса керак-а? – Занидан сўради у.

– Нима эди? – шубҳаланиб сўради Зани.

– Мен кўчага қарамоқчиман.

– Яхши, – жавоб берди Зани. – Эффининг хонасида бор. У ҳали ухлашга ётгани йўқ. Ҳозир уни чакираман.

Зани пештахтанинг орқасидаги эшикни очиб, қаттиқ шуштак чалди ва кичқирди:

– Эффи, бу ёққа қара! – Сўнгра Керриденга ўгирилиб, сўради: – Кўча сенга нега керак бўлиб қолди?

– Бировнинг ишига бурнингни сукма, – қурукқина килиб, деди Керриден. – Жим бўл, асабимга тегяпсан.

– Шу арзимаган гапни ҳам гапира олмайманми?

– Жаҳингни юм! – унинг гапини кесди Керриден. – Жуда кўп гапириб юбординг.

Пештахта ортидаги эшикда Эффи кўринди. Керриден кизни охириги марта кўрганида сўн беш рашда – кичкинагина, келишмаган, ориққина қизча эди. Ҳозир Керриден шошиб қолди – киз шу уч йил ичида бутунлай ўзгарган эди. Қўёнтишлигини айтмаса, у чиндан ҳам гўзал эди.

Керриденни кўриб, қиз қип-қизариб, кўзлари чарақлаб кетди.

– Салом, Эффи. Сен мени эсингдан чиқариб юбормадингми? – сунъий бепарволик билан сўради Керриден.

У ўзи қизнинг жони–дили эканлигини билар ва бунга истехзо билан қарар эди. Қизни олти йил муқаддам Зани ўз клубининг эшиги олдида топиб олган эди. Қиз ота–онаси ва ўтмиши ҳақида гапиришдан бош тортганидан унинг уйдан қочиб кетгани кўриниб турарди. Очликдан ўлай деяётган, ҳамма ёғи кир, лаблари ортидан иккита катта тиши кўриниб турган бечора қиз кўрган одамда ачиниш уйғотарди. Ўша пайтда Занига ошпаз керак эди. У қизга ўзиникида қолишни таклиф қилди ва ўшандан бери, ҳамма сингари, уни ҳам шафқатсизларча ишлатарди.

– Хайрли кеч, мистер Керриден, – паст товушда саломлашди қиз.

Қизнинг уялаётганини кўриб, Зани ишшайди. Эффининг Керриденга муносабати унга кулгили туюлаётган эди.

– Мистер Керриден билан хонангга чиқиб, у деразадан кўчагами, яна бошқа ёкками – қарашига қўйиб бер.

Керриден Эффининг кетидан кетар экан, ўзини хира ёритилган йўлакда кўрди. Орқаларидан эшик ёпилиб, мусиқа садолари ва шовқин овози тиниши билан Керриден қизнинг қўлларидан ушлаб, ўзига тортди.

– Қалай, мени кўрганингдан хурсандмисан? Балки ундай эмас, дерсан, бироқ мени бирор марта ҳам эсламаганингга ишончим комил!

– Йўқ–йўқ, тескариси! – хаяжон билан деди қиз. – Мен сизни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман! Онт ичман! Шунчаки мен сизни яна қайта кўришдан умидимни узган эдим!

– Ва янглишибсан... Эффи, менга сен етишмадинг. – Керриден қизнинг қўлларини қўйиб юбормай, унга тикилди ва бирдан ўзидан ажабланди: чиндан ҳам қизни



соғинганини ҳис қилди. – Сен худди эртақдагидек ўзгариб кетибсан... Гўзал қиз бўлибсан!

Эффи аста кўлини бўшатиб, лабларига теккизди.

– Бундай деманг... Бу ёлғон.

– Сен лабингни айтяпсанми? Ахир бу арзимаган нарса. – У бирдан хаёлига келган нарсани охирини ҳам ўйламай, гапириб юборди: – Мен шундай операцияларни қиладиган хирургни биламан. Хурсанд бўласан. Кўлимга пул тушиши билан ҳаракатни бошлаймиз. Кўп кутмайсан, бир, узоғи билан икки ой кутасан.

Керриден шу оннинг ўзидаёқ айтган гапига пушаймон еди. У доим шундай ишлар қилиб юарди: масалан, ўтган ҳафта гул сотиб ўтирган кампирга кўлига тушган бойликни кўрганда юзида пайдо бўлган ифодани кўриш учунгина беш фунт берди. Ўша куни кечкуруннинг ўзида эса театр олдида актёрларнинг фотографияларини томоша қилиб юрган бечорагина кийинган йигит ва қизга партерга иккита билет сотиб олиб берди ва ҳайратдан қотиб қолган ёшларни кўриб, жилмайганча нари кетди. Бироқ бу сафар бундай қилиши керак эмас эди!.. Эффининг кўзларида пайдо бўлган миннатдорчилик ифодаси уни саросимага солиб қўйди. Керриден қиз доим унга сўзсиз ишонганини эслади. Уруш даврида, қисми Лондонда эканлигида Керриден бўш вақтларини кўпинча клубда ўтказар ва Эффи билан валақлашини учун ошхонага кириб, унга идиш-товоқ ювишга кўмаклашар эди. Буни у қизга ачинганидан қилар ва айна вақтда ўзининг кўнгилчанлигидан фахрланар ҳам эди. Бироқ ҳаммаси бошқача бўлиб кетди: Керриден ўзи чиндан ҳам Эффининг марҳаматига мухтожлигини сезиб қолди. Бир куни қиз Керриденга ҳеч нима қилмаслигини сўраб, ҳар куни Худога ёлворишини бўйнига олди. Шунда Керриден шунчаки кулиб қўя қолган эди. Бироқ, ғалати туюлса-да, гестапо кўлига тушиб қолганда айна унинг учун дуо қилишларини билиш хаёли унга куч бериб турган эди.

Бу қиз ҳеч бир иккиланишсиз унга ишонадиган бу ёру дунёдаги ягона инсон эди... Бундай нарса қайси эркакка ёқмайди? Қайси эркак севимли эканини билишни истамайди? Керриден қизнинг дуолари устидан истаганча кулиши мумкин эди, бироқ эртами, кечми унинг қизга боғланиб қолиши турган гап эди. Бу ёш қизчанинг унга бўлган ишончи Керриденнинг юрагида аллақачонлар ёдидан чиқиб кетган ҳисларни уйғотаётган эди.

Эффи унга диққат билан, олдида суяк турган, бироқ хўжайинининг рухсатисиз уни ола олмайдиган ит вафодорлиги билан қараб турарди.

– Бир ёки икки ой! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!..

– Анигини айта олмайман. Ҳаммаси қачон қўлимга пул тушишига боғлиқ.

Керриден бу гапни ўзидан жажли чиққан ҳолда, гижиниброқ айтди. Бу турдаги операция қанча тураркин? Юз фунтми, икки юзми? У бунга ҳатто тасаввур ҳам қила олмаётган эди. Бундай ваъдани бериш учун одам ўта тентак бўлиши керак! Бироқ айтилган сўз – отилган ўқ...

Эффи Керриденнинг оҳангидаги тажангликни сизди.

– Мистер Керриден, сизнинг ўзингизга пул керак. Менга эса шошилиш эмас... Шундай ёрдамни таклиф қилганингиз учун ҳам раҳмат.

– Майли, майли, кўрамиз, – деди Керриден ва бирдан кутилмаганда суюниб кетди. Ахир чиндан ҳам, қизнинг дуолари учун миннатдорчилик билдиришга унинг қурби етади. – Кетдик, мени тепагача кузатиб қўйгин. Бу ҳақда кейин гаплашамиз.

Керриденнинг жилмайганидан кўнгли жойига тушган қиз зинадан тепага югуриб кетди.

«Ўлишга тўғри келса ҳам, ваъдамни бажараман, Бу қиз шунга арзийди» – ўйлади Керриден.

– Бу ёққа, – эшикни оча туриб, деди Эффи.

Хона кичкина ва қоронғи эди. Керриден каравотга урилиб кетди.

– Чирокни ёқма, – қизни огоҳлантирди у. – Мен биттасига яхшилаб қараб олишим керак.

– Кимга? – безовталиқ билан сўради қиз.

– Мен ўзим ҳам шуни билмоқчиман.

Деразадан Фрит–стрит кўришиб турарди. Кўчада чирок ёниб турар, бироқ ҳеч ким кўринмасди. Керриден қоронғиликка тикилганча, бир неча дақиқа қимир этмай турди.

– Улар шу ерда бўлса керак, – ғижиниб, деди у.

У деразани очиб, бошини чиқазди: юзига ёмғир томчилари урилди. Деразанинг пастиди қия кетган том бор эди.

– Нима қиляпсиз? – Керриден оёғини деразадан чиқараётганини кўриб, қиз қичқириб юборди.

– Яқинроқдан кўрмоқчиман.

– Йиқилиб тушасиз–ку! – Қиз унинг кўлидан ушлаб олди. – Керак эмас, йиқилиб тушишингиз мумкин, деяпман сизга!

– Бўлмаган гап! – деди Керриден – Хавотир олма, мен бундай машқларга ўрганиб кетганман.

У бир қўли билан деразанинг раҳини ушлаб, томдаги сув қувурини пайпаслаб топмагунча сирпаниб кета бошлади. Эффига у ҳозир йиқиладигандек бўлиб туюлди. Қараб туришга юраги бўлмай, юзини кўллари билан беркитиб олди. Қизнинг аҳволини кўриб, Керриден ҳайратга тушди.

Томнинг черепицалари ҳўл ва сирпанчиқ эди. Агар у сирганиб кетса, агар сувнинг қувури унинг оғирлигига дош бермаса, боши билан пастга учиб тушади. Бироқ бу нарса уни тўхтата олмади: у бу ҳақда ўйламаётган ҳам эди. Керриден кўшни уйнинг ғишт деворигача етиб олмоқчи бўлаётган эди – у ердан бутун кўча кўришиб турарди.

Кувур қисирлашни бошлаганда, Керриден кўзлаган жойига етиб келганди. Пастга қараб, Керриден ўйлаган режаси тўғри бўлганига амин бўлди: Фрит–стрит кўчаси кафтдек кўриниб турарди. У кетидан кузатиб юрганларнинг яшириниб олган жойларидан бирор бир ҳаракат ёки сигарета чўғи кўриниб қолар, деб диққат билан ҳар бир эшик, ҳар бир бурчакни қарай бошлади.

У ёмғирни ҳам, совуқни ҳам унутиб, анча вақтгача қимирламай турди, бироқ ҳеч нима сезмади. Унинг оёқлари қотиб қолган, қўллари кувурни зўрға ушлаб турарди. Кўзлари қоронғиликка ўрганганда, ниҳоят, сабрининг мукофоти бўлди: эшик ўрниларидан бирида одам шарпаси кўринди. Ўтиб кетаётган таксининг чироғи бир сонияга томоғигача плашининг тугмаси тақилган, бошига ҳарбийларники каби қора берет кийиб олган эркакни ёритди.

Керриден бу одамнинг бутун кун бўйи кетидан юрганлардан бири эканига бир дақиқа ҳам шубҳа қилмади. У бу одамни ҳеч қачон кўрмаган ва совуқ ва ёмғирга қарамай кўчада қоровуллик қилиб туришга уни нима мажбур қилганини ҳам билмасди. Ва унинг ортидан ёлғиз биргина шу одам юрмаганига ҳам ишончи комил эди. Афтидан, Крю клубга олиб келган қиз ҳам шулардан бири бўлса керак.

Эффининг хонасига қайта туриб Керриден қора беретли одамга эътибор бермасликка қарор қилди: бу топишмоқнинг ечимини у Крюдан билиб олади.

Эртаси куни эрталаб соат тўққизларда Керриден Крю хонадонининг эшиги олдида турарди.

У Занининг ялиниб, уйига қайтиб кетишга ундаганига қарамай, тунни креслода ўтириб, оёқларини стол устига қўйганча «Аметист»да ўтказган эди. Тонг отганда у яна томга чиқди, бироқ қора беретли одам энди йўқ эди. Хавфсизлигини сақлаш ниятида Керриден клубдан орқа девордан ошиб ўтиб кетди. У таксида Чаринг-Кросс-Роудгача бориб, сартарошхонага кирди ва сочсоқолини олдирди. Сўнгра қахвахонада нонушта килиб, қахва ичиб ва газеталарни варақлаб, узоқ ўтирди. Қора беретдаги одам кўринмади. Ниҳоят, у кетишга қарор қилиб, бир соатча тор кўчаларда айланиб юрди. Кетидан ҳеч ким юрмаганига амин бўлгач, ўйлаган режасини бажаришга киришди. Крюнинг тўрт хонали хонадони «Друри-Лейн» театри ёнидаги исқирт кичкина кўчалардан биридаги тамаки дўконининг юқорисида жойлашган эди. Уйга кириш учун кираверишни тўсиб турган иккита сасиб ётган ахлат қутиси ёнидан ўтиб, хира ёритилган майдончагача зинадан кўтарилиш керак эди.

Крюнинг Уэст-Энддаги уйларда ўзини тутиши ва кийинишидан уни дипломат ёки Харли-Стритдаги – албатта аёллар касалликлари бўйича – билимдон врачлардан деб ўйлаш мумкин эди. Унинг кўриниши жуда салобатли эди, гаплари ҳам одамни ўзига маҳлиё қиладиган бўлиб, кўпинча одамлар у ҳақида нотўғри фикрга келишарди. Одамлар уни ўзига тўқ деб ўйлашарди, бироқ унинг бойлиги фақат ташқи кўриниши-ю, ўзини аристократлардек тутати билиши ва бармоқларининг эпчиллигида эди.

Крю чўнтакесар бўлиб, унинг шундай эканлигини ҳатто бутун Уэст-Эндни беш бармоғидек яхши билади-

ган Керриден ҳам билмасди. Крю полициядан ва қамалиб қолишдан жуда кўрқар, шунинг учун ўз қурбонларининг таваккал қилса арзийдиганларининг устидагина тўхта-ларди. У билдирмай суҳбатдошининг соатини ечиб оли-ши, плаш остидаги костюм чўнтагига солиб қўйилган кармонни олиши, кўйлак манжетидаги запонкани ечиб ола олиши мумкин эди – буни у қилган бўлиши мум-кинлиги рўпарадаги одамнинг хаёлига ҳам келмасди. Тўғнағич ёки узукларни ечиб олиш, аёлларнинг сумка-сини очиб, пулини олиш – ку унинг учун болалар ўйини эди.

Керриден Крюнинг хонадонига етиб келганда ёмғир тўхтаган эди. Куёшнинг хира нури кўчанинг ифлослиги-ни янада бўрттириб кўрсатаётганди. Керриден хайрон эди. Унинг назарида ҳар доим соч–соқоли олинган, яхши кийинган ва бир оз кибрли Крю бундай жойда яшаши мумкин эмас эди. У ҳатто, Зани нотўғри манзил бер-ган, шекилли, деб тамаки дўконининг олдида туриб ҳам қолди. Унга ҳеч ким эътибор бермаётганди. Бутун кўча бўйлаб юк ташувчи ва енгил автомобиллар қаторлашиб турарди.

Юк машинасини бўшатиб, қопдаги картошкаларни ташиётган эркакнинг олдидан ўтиб, Керриден тепадаги қаватга кўтарилиб, атрофга қулоқ солди, бироқ кўчадан келаётган шовқин уйдаги ҳамма овозларни босиб ке-таётган эди.

Керриден уйнинг эшигини қаттиқ–қаттиқ тақиллатиб, эшикка қулоғини тутди. Анчагача ҳеч қандай товуш эшитилмади, сўнгра кимнингдир юрга-ни эшитилиб, қулфнинг шақирлаши эшитилди ва эшик очилиб, Крюнинг юзи кўринди.

Керриден йигитни тўрт йилдан буён кўрмаган, бироқ вақт учар чўнтаккесарни жуда ҳам ўзгартирмаган эди. Фақат салгина озиб, сочлари тўкилган ва кўзларининг атрофида ажинлар пайдо бўлган эди. Умуман олганда

эса, бу бир пайтлар Керриден адабини бериб қўйган ўша олифта Крюнинг ўзгинаси эди.

Келган одамни кўриб, Крюнинг ранги ўчиб кетди, ўзини орқага тортиб, эшикни ёпиб олмоқчи бўлди, бироқ Керриденвақтида оёғини эшик тирқишига тиқиб қолди.

– Салом. Мени кўришни ўйламаганмидинг?

– Мен ҳозир сизни қабул қила олмайман, – товуши титраб, деди Крю. – Сиз бевақт келибсиз.

Керриден, истехзо билан кулди ва куч билан эшикни итариб, Крюни орқага қочишга мажбур қилди ва кичкина даҳлизга кирди.

– Мени ёдингдан чиқармадингми?

Керриден Крюнинг пешонасидаги оқ чандиққа маъноли қараб қўйди.

– Агар янглишмасам, Керриденсиз-а? – безовталиқ билан жилмайиб, деди Крю. – Мен айна пайтда кетмоқчи бўлиб тургандим – иш бўйича учрашувим бор эди. – У Керриденнинг совуққина қараб турган кулранг кўзларига қараб, асабийлик билан бармоқларини тортқилай бошлади, кейин эса бирдан қўлларини шимининг чўнтагига тикди. – Мени кечирасиз. Бошқа сафар учрашармиз.

Крю ўзини бепарво кўрсатмоқчи бўлиб, ғалати жилмайди. Бироқ бу қилиғи ўхшамаётган, унинг нимадан дир қаттиқ кўрқаётгани билиниб турарди. Керриден атрофни кўздан кечирди. Сарик ва қизил лолалар солиб қўйилган ғаройиб вазага кўзи тушиб, хайрон қолди.

– Пешонангнинг манави шилингани ҳали ҳам ўтиб кетмабди–да, – деди у қўли билан Крюнинг пешонасига йшора қилиб. – Яқинда яна битта шунақаси бўлади, деб кўнглим айтиб турибди.

Крю орқага бир қадам ташлаб, Керриденга даҳшат тўла кўзлари билан қараганча, деворга қапишиб туриб қолди.

– Сизга нима керак?

	Alisher Navoiy
2018/10.	nomidegi
640	O'zbekiston MK

– Сен ёлғизмисан? – сўради Керриден.

– Ҳа... Бироқ сиз яхшиси менга тегманг. – Унинг юзидан тер сув бўлиб оқарди. – Менинг адвокатим...

Керридендек одамга адвокати тўғрисида гапириш ўта бемаънилик эканини тушуниб турган Крю жим бўлиб қолди.

– Сиз яхшиси менга тегманг, – яна қайтарди у.

– Ўт бу ёққа, – буюрди Керриден. – Гаплашамиз.

Крю истамайгина бўйсунди. Керриден унинг кетида хонага кириб, орқасидан эшикни ёпди. У бунчалик шиннам, ёруғ, дид билан жиҳозланган хонани кўришни ҳеч ҳам кутмаган эди. Ҳамма ёқда лола ва нарғиз гуллар солинган вазалар қўйилган бўлиб, хонани гулларнинг анвойи ислар тутган эди.

– Хар холда қулайлик нима эканлигини билар экансан,а? – катта креслонинг суянчиғига ўтирар экан хайратланди Керриден.

Диванга суяниб турган Крю ҳозир ҳушидан кетгудек аҳволда эди. Керриден унга диққат билан қаради: одатда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бу одамнинг ҳозир нимадан шунчалик қўрқаётганини у тушунмаётганди. Крюни фирибгарликда айблашганда ҳам у ўзини хотиржам ва ишонч билан тута оларди. Бир пайтлар уни уришга Керриденни мажбур қилган нарса ҳам шу эди.

– Сенга нима бўлди? – кескин сўради у. – нега титра япсан?

Крю нимадир дегандек, ғалати товуш чиқарди:

– Ҳеч нарса... Менга ҳеч нарса қилгани йўқ...

– Сен нимадандир қўрқаётганга ўхшайсан, – йигитдан кўзини узмай, деди Керриден. – Бироқ ҳеч нарса қилмади, деяпсанми, демак, шундай. – У бирдан товушини пасайтириб, сўради: – Бу Жанна деганлари ким?

Хонага ўлик жимлик чўмди, бу жимликни фақат камин устида турган соатнинг чиқиллаши ва Крюнинг



оғир–оғир нафас олиши бузиб турарди. Унинг лаблари тўхтамай титраётганди.

– Сендан яна бир марта сўряпман: сен уч кун бурун «Аметист»га олиб борганинг Жанна деганлари ким?

– Кетинг, – деди Крю. – Агар мени тинч қўймасангиз, полиция чақираман.

– Тентак бўлма.

Керриден чўнтагидан бир қути сигарета олиб, биттасини ёндирди, гугуртни эса камин устига ирғитди.

– У аёл Максдан мени сўрабди. Бу эса, тасаввур қиляпсанми, мени қизиқтириб қолди. У аёл ким?

– Ёлғон, – зўрға деди Крю. – У сени билмайди ва ҳеч қачон кўрмаган ҳам. – У қўли билан томоғини қиса бошлаган ёқасини тортиб қўйди. – У сени сўраганини қаердан билдинг? Бу ёлғон.

Крюнинг ўзини тутиши Керриденни қизиқтириб қолганди. Унинг кўриниши бировдан кўрқаётгандек бўлиб, бироқ Керриден унинг кўрқаётган одами ўзи эмаслигини кўриб турарди.

– Сен уни танитайсан, – деди Крю. – Бу менинг бир танишим. У билан нима ишинг бор?

Керриден оғзидан тутун чиқариб, Крюни кузатишда давом этди.

– Сени уришимни хоҳлаяпсанми? – бепарволик билан деди у. – Агар гапирмайдиган бўлсанг, шундай бўлади ҳам.

Крю атрофга қараб, букчайиб олди. Сўнгра бирдан қонанинг ичкарасидаги эшикка қаради. Кўзлари билан қудди нимадир демоқчи бўлгандек, эшикдан яна қайтиб Керриденга қаради.

– Яхшиси менга тегма, – титраётган лаблари зўрға қимирлаб, яна қайтарди у.

У худди уйда ёлғиз ўзи эмаслигини айтмоқчи бўлгандек, яна эшикка қаради. Керриден ўйланиб қолди ва ўз

навбатида кўзини эшикдан олиб, Крюга қаради. Крю тасдиқлагандек, бошини силкиди.

– Менга Жанна ҳақида гапириб бергин, – ўрнида кўзгалаётиб, хотиржам товушда деди Керриден.

– Нимани айтиб берай? – Крю яна кўрқув билан эшикка қаради. – Шунчаки танишим...

– Мана бу эшикнинг орқасида нима бор? – ово чиқармай Крюга яқинлашар экан, шивирлаб сўради Керриден. У Крюнинг юзидаги тер томчиларини кўрди, йигитнинг сочидан келаётган бриллиантининг иси димоғига урилди. – У аёл нима билан шуғулланади? Каердан келиб қолган у? – баланд овозда сўради у.

Крю эшикни кўрсатиб, учта бармоғини кўрсатди.

– Мен у ҳақида ҳеч нарса билмайман. Биз кўчада танишиб қолгандик... Нима демоқчилигимни тушуняпсанми? Чиройлигина аёл...

– Улар учтами? – шивирлаб сўради Керриден.

Крю бошини силкиди. У ўзига кела бошлаган, аста-секин ўзига ишончи ҳам қайта бошлаган эди.

– Мабодо сен қора берет кийган кичкина одамни танимайсанми?

Крюнинг эндигина қайта бошлаган ўзига ишончи қаёққадир ғойиб бўлди, худди Керриден унинг қорнига урган каби, оёқлари чалишиб кетди.

– Ким ҳақида гапираётганингни тушунмаяпман, – зўрға деди у ва бирдан асабийлик билан бақира кетди – Йўқол! Етар! Меникига бостириб киришга ҳақинг йўқ! Йўқол бу ердан! Мен сени кўришни ҳам истамайман!

Керриден хахолаб кулиб юборди.

– Бу ҳаммаси уларнинг жонига теккан бўлса керак. Мен ҳам чарчадим, – нафрат билан деди у ва озини кўтариб, бақирди: – Ҳой, учовинглар чиқинглар бу ёққа! Мен сизлар шу ерда эканингизни билиб турибман!

Крю креслога ағанади: у худди нафас олмаётгандек эди. Сўнгра эшик очилаётганини кўриб, чуқур нафас

олди ва қотиб қолди. Хонага қўлида автоматик маузер ушлаган қора беретли одам кириб келди.

- 2 -

Керриденга қурол ўқталишлари биринчи марта эмасди. Бундай ҳолатларда у асабийлашиб, жаҳли чиқиб кетарди, чунки истаган тентак ўзичами ёки бирининг буйруғи биланми бемалол қорнингга қараб ўқ узиб қолиши мумкинлигини биларди. Сенга қурол ўқталадиганлар ичида тепки босмоқчи бўлмаганлар бўлади, бироқ иложи бўлди – отиб қолишни кутадиганлар ҳам бўлади.

Қора берет кийган одам арзимаган сабаб билан ҳам отадиган одамлар сирасига кирарди. Рақибининг қаҳрли кўзларига қараб, Керриден буни дарров тушунди: бундай одамлар учун инсон ҳаёти – эски кийимдаги бир доғ ёки тирноқ остидаги кирдек каби. Маузер фақат кўрқитиш асбоби эмас, балки ўлим элчиси ҳам эди.

– Азизим, фақат қимирламанг, – деди қора беретли эркак.

Унинг талаффузидан Керриден поляк эканини тушунди. У кўзини тўғри юрагига қаратилган пистолетдан узиб, эшикка қаради. У ерда қора свитер ва қора шим кийиб олган кўкраклари катта, сочлари қора аёл турарди. Унинг қорамтир кўзлари ёрқин қилиб бўялган лаблари билан ёпишмаётган эди; пешонасида чандиқ бор эди. Унинг оёқлари узун, бели ингичка бўлиб, бутун гавдаси эса ўғил боланики каби эди. Айниқса одамнинг диққатини тортадиган нарса унинг қаттиқ, нафрат ва аламга тўла кўзлари эди.

– Салом, Жанна, – жилмайиб, деди Керриден. – Қуролсиз гаплашиб бўлмайдимиз?

– Илтимос, ўтиринг ва қўлингизни қимирлатишга уринманг, – совуққина қилиб деди аёл. – Биз сиз билан гаплашиб олмоқчимиз.

Керриден жилмайишда давом этса—да, бироқ лаблари қотиб қолганди. У қўрқиб кетганча пистолетдан кўзларини узмаётган Крюга қараб қўйди.

– Шунинг учун шунча пайтдан бери менинг изимдан юрибсизларми? – қизиқди Керриден. – Бундоқ қарасам, қўрқоқ одамсизлар, шекилли...

– Илтимос, ўтиринг, – қатъий қилиб, деди аёл.

Қора беретли одам пистолет билан креслони кўрсатди.

– Ана у ёққа ўтиринг, – деди у.

Керриден елкасини учириб қўйиб, кўрсатилган жойга ўтирди.

Очиқ эшик олдида учинчи одам кўринди – баланд бўйли, ориқ ва қўли битта. Унинг юзини кўндалангига чандиқ кесиб ўтган бўлиб, бир учи чап кўзини беркитиб турган қора боғич остида эди.

– Ҳаммаси жойидами? – аёлдан сўради у. – Менинг бу ерда бўлишим шарт бўлмаса, иш билан шуғулланмоқчи эдим.

Шубҳа йўқ: бу одам инглиз, сўзсиз – яхши оиладан ва университет маълумоти бор ва шу гуруҳни бошқаради. У ҳақиқий жентелмен бўлиб, кўриниши Крюнинг ясама салобатини бўрттириб турарди.

– Ҳа, жойида, – жавоб берди аёл. – Агар мана буни ўзинг билан олиб кетсанг яхши бўларди, – аёл қўли билан Крюни кўрсатди. – У бизга халақит беради.

– Албатта, – бир қўлли одам қўли билан Крюни имлади. – Кетдик.

У худди ҳамма унинг гапига қулоқ солишларига ўрганган одам оҳангида гапирарди. Крю зўрға судралиб ҳаракат қилар экан, бир қўли йўқ одам Керриденга қаради ва унинг юзида жилмайиш пайдо бўлди.

– Энди танишиб олсак ҳам бўлади, – деб, қўли билан аёлни кўрсатди, – Жанна Персиньи. Пистолетли одам – Ян, унинг фамилиясини айта олишнинг ҳеч иложи йўқ.

Мен – Ренлиман, Найжел Ренли. Жанна айтмоқчи бўлган гапга диққат билан қулоқ солишингизни сўрайман. Пи- столет учун узр – бу зарурат учун – сиз ҳақингизда у хавфли одам, дейишганди. Ян сиз билан уришаман, деб ўлиб қолаётгани йўқ, агар хаёлингизга биз билан оли- шиш келиб қолса, мен ҳам хафа бўлиб қолган бўлардим... Мана, мен ҳамма гапни айтиб бўлдим, энди эса кетишим керак. Қолган гапларни Жаннадан эшитасиз. – У боши билан чиқиб кетаётган Крю томонга имлади. – Бу одам биз билан эмас. Тасодифан учрашиб қолдик. Бунга ким кўпроқ афсус қияпти, билмайман ҳам... Кўпроқ биз бўлсак керак.

Ренли жилмайиб хайрлашганча, орқасидан эшикни ёпиб, чиқиб кетди.

Керриден шляпасини ечиб, олов рангидаги қуюқ соч- ларини силаб қўйди. Шу сочларини деб махсус отрядда- гилар унга «Ғишт» деб лақаб қўйишган эди. Керриденга ўхшаганлар доим аёлларнинг эътиборини тортиб ке- лишган. Унинг ияги тўртбурчак бўлиб, лаблари қатъият билан қимтилган, бурни ён томонга сал қийшайган эди. Унинг кулранг кўзларининг қараши одамни тешиб юбо- рай дер, юзидаги истехзоли жилмайиш одамни чўчитар- ди. У ўзининг кўнгилчанлиги билан эмас, мушаклари ва кучли табиати билан ажралиб турар, бироқ баъзи пайт- ларда таъсирчан бўлиб қолиб, бундан ўзи ҳам хижолат чекарди.

Креслода ўтирганча, рўпарасидаги аёл ва Янга қараб, у ҳозир рўй бераётган воқеалардан ҳеч нарса тушун- маётганини ҳис қилди. Бу иккала одам унга уруш даври- да Францияда учратган одамларини – ўйлаб ўтирмасдан ўқ узадиган Қаршилиқ ҳаракати тарафдорларини эсига солиб қўйганди. Бир қўлли одам эса бутунлай бошқа тур- даги одам эди. «Қизик, – ўйларди у, – бу одамларни бир- бири билан нима боғлаб турган экан?» Ренли унга ёқиб кетган эди. У бундай – ўз ишларини жимгина, одамлар-

га кўз-кўз қилмай бажарадиган кўркмас, қатъиятли, ишонса бўладиган одамларни кўп кўрганди.

Аёл стулни суриб Керриденнинг қаршисига – стол олдига ўтирди, Ян ҳайкалдек қимирламай, маузерини ўқталганча турарди.

– Сизга тегишли бир неча саволга жавоб бера оласизми? – қўлини стол устига қўйганча, Керридендан кўзини узмай сўради аёл.

– Мен нега сизнинг саволларингизга жавоб беришим керак? – эътироз билдирди Керриден. – Бу нимаси? Жин урсин, мени ким деб ўйлаяпсизлар?

Қуролни ҳам унутмай туриб, у аёлнинг жиғига тегмоқчи бўлди, бироқ аёлнинг юзи тош қотгандек эди.

– Бир ишни бажариш учун бизга одам керак... ўта махфий иш. – Жанна инглиз тилида ҳеч қандай акцентсиз гапирар, фақат баъзида сўз тополмай қолаётганди.

– Фақат сиз айни бизга керак одам эканлигингизга биз олдиндан ишонч ҳосил қилишимиз керак. Хато қилишга бизнинг ҳақимиз йўқ.

– Ҳамма ишларингизга тупурдим! Бекорга вақт ўтказаяпсизлар!

– Сизга ахир пул керак эмасми? Қиладиган ишингизга яхши ҳақ тўлаймиз.

Керриден истехзо билан жилмайди.

– «Яхши» деганингиз қанча?

Уларбир-бирларига тикилиб туришар экан, Керриден уларни стол эмас, бутун бир жарлик ажратиб турганини ўйлади. Ўтиб бўлмайдиган жарлик. Буни сўз билан тунтириш қийин эди: буни ҳис қилинарди. Аёлнинг ўзини тутишида ачиниш, севги, кўнгилчанлик туйғуларини бутунлай рад қиладиган шафқатсизлик сезилиб турарди. Унинг гўзаллигига қарамай бу аёлга хушомад қилиш Керриденнинг хаёлига ҳам келмаган бўларди – бу аёлнинг эркак кишини ўзига тортиши худди манекен каби

эди. Энди бу аёлни нима тошга айлантириб қўйганини топиш қолганди.

– Балки, минг фунтдир, – хотиржамлик билан деди қиз.

Керриден аёлнинг кийимига, Яннинг эски ва кир бўлиб кетган плашига қараб, кулганча, деди:

– Ҳа, айна «балки»!

– Мен минг фунт дедим. Ярми ҳозир, қолган ярмини иш тугагандан сўнг.

Керриден аёл ҳазиллашмаётганини тушунди ва бу нарса уни ажаблантирди. Минг фунт – ахир бу жуда катта пул!

– Гап қандай иш ҳақида кетяпти?

– Сизнинг шахсингизни тасдиқлайдиган бир неча саволга жавоб беришга тайёرمىсиз? – яна сўради Жанна.

Аёл худди буйруқ бериш ва истаганини қилишга ўрганган одамдек хотиржам ва ўзига ишонган тарзда гапирар эди.

– Қандай савол эканига қараб.

Керриден биринчи раундда аёл ғолиблигига ишора илиб, жилмайди. Бунинг устига бу сирли гап–сўзлар уни қизиқтириб қолган эди.

– Сиз чиндан ҳам Мартин Керриден, бўйдоқ ва ўттиз уч ёшдамисиз?

– Кўринишимдан ўхшамайманми?

Керриден иягини силаб, Янга қаради. Поляк ундан кўзини узмаётган, бироқ пистолетини пастга туширган эди.

– Сизнинг ҳеч қачон муқим иш жойингиз бўлмаган, – гапида давом этди қиз. – Сиз турли-туман фирибгарликлар билан шуғуллангансиз. Бу ишларни ўн етти ёшингиздан бошлагансиз, фоҳишахоналарда ўйин автоматларини бошқаргансиз. Кейин бокс билан шуғуллангансиз, ярмаркаларда иштирок этгансиз. Йигирма уч ва йигирма беш ёшлар орасида бекор юрмаган-

сиз, бильярд ўйнаб пул топгансиз. Кейинроқ гид бўлиб ишлай бошлагансиз, америкалик саёҳларни Париж ва Берлинга олиб боргансиз, француз ва немис тилларида бемалол гапира оласиз. Булар ҳаммаси жонингизга текканидан сўнг бир америкалик миллионерга тансоқчи бўлиб ишлай бошлагансиз. Бу миллионер доим хаёлида уни ўлдиришмоқчи, деган фикр билан юрган... Мен нотўғри айтмаяпманми?

– Баъзи майда-чуйдаларни айтмадингиз, бироқ умуман олганда, шундай. Давом этинг, – деди яхшигина ажабланган Керриден.

– Ҳозир майда-чуйдаларга ўтамиз, – Жанна бир қанча вақтгача қўлларига қараб жим турди, сўнгра бошини бир силкиб, давом этди: – 1938 йили ташқи ишлар вазирлиги билан алоқаси бор бир шахс сиздан буюк давлат элчисининг муҳим аҳамиятга эга бўлган хужжатларини ўғирлаб беришни сўраган. Шу ўринда мабодо бу иш ўхшамаган тақдирда расмий ҳукумат томонидан ҳеч қандай ёрдам бўлмаслиги тўғрисида ҳам огоҳлантирилгансиз. Сиз уч юз фунтга бу ишни бажаришга рози бўлгансиз. Ва очик сейф олдида сизни элчихонанинг секретари кўриб қолади... Уни ўлдиришга тўғри келади.

Жанна бир оз тин олиб, яна қўлларига қаради.

Керриден паришонхотирлик билан иягини силади. У аёлнинг гапларини эшитмаяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

– Сизни қидираётганлардан яширина олдингиз ва хужжатларни тегишли жойга юбордингиз. Икки ой давомида полиция сиз ташқи ишлар вазирлигига ишлаётганингизни билмасдан, ўзингизни тутиб берасиз деб, сиздан кўз узмади. Бироқ сиз эҳтиёткор эдингиз. Сизни панжара ортига жўнатиш учун улар етарли исбот топиша олмади. Тўғрими?

Керриден бепарво жилмайди.

– 1939 йили сиз Британия яширин хизматининг жосуси бўлиб, немисларнинг урушга тайёрланаётгани ҳақида



ахборот йиғиб, бутун Европани айланиб чиққансиз. Германияда сизни полиция сезиб қолади ва сиз уйга қайтасиз. Улар сизга кейин таклиф қилишган ишга бормай, разведка билан алоқани уздингиз. Уруш бошланганда, армияга бордингиз. Кейин махсус отряд составида эканлигингизда Дюнкеркда яраландингиз. Бу гаплар ҳам тўғрими?

– Эринмасангиз, давом этаверинг. Яхши чиқяпти, – креслога қулайроқ ўрнашиб олиб, кулди Керриден.

– Сиз бир неча марта душманнинг орқа томонига ўтдингиз, – жим туриб, сўнг яна давом этди Жанна. – Кейин сизга хавфлироқ вазифа топширишди – сиз айғокчи бўлдингиз.

«Айғокчи» сўзини эшитиб Керриден лабларини каттиқ қимтиди, қошларини чимириб, шипга қаради. Хатто ҳозир, орадан икки йил ўтиб ҳам, у бу ҳақда эсласи келмасди.

– Сизни кўп марта парашютда Франция ва Германияга ташлашди. Сиз қимматли маълумотлар йиғардингиз, бироқ сизнинг асосий вазифангиз баъзи номақбул кимсаларни, икки томонга ишлайдиган жосусларни, фашист олимлари ва асирлардан бошқа йўл билан билиб бўлмайдиган ахборотларни суғуриб ола оладиган бир аёлни йўқ қилиш бўлган... Сиз бу одамларни бемалол топар ва йўқ қилар эдингиз.

Жаннанинг совуқ ва қатъий овозини тинглар экан, Керриден ўша пайтда бўлиб ўтган вақеаларни эсга олди. Асирларни гапиришга мажбур қила оладиган аёл... У ажойиб эди – кичкинагина, териси нозик ва кўзлари катта-катта... У сизни қучоғига олса бўлди – унинг ифлос бир мавжудот эканлигини билиб турсангиз ҳам томирларингизда қонингиз жўш ура бошларди... Керриденнинг кўз олдига аёл Керриден уни ўлдирмоқчи эканлигини тушунган вақтидаги юзи – гўзал юз ортида бирдан пасткашлик, сотқинлик, қўрқоқлик кўриниб қолган юзи

келди. Керриден унинг юзига қараб отган ва йирик калибрили ўқ аёлнинг юзини мажаклаб юборган эди.

Бу хотиралардан Керриденнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб, юраги гурсиллаб кетди, Бу уни хушига келтирди. У ўтирган жойида кимирлаб, аёлга қахрили кўзлари билан тикилди.

– Бир куни сизни гестапо ушлаб олади, – гапида давом этди қиз. – Улар сиз ўз дўстларингиз кимлигини ва вазифангиз нималигини айтишингизни талаб қилиб, сизни узоқ қийнашади. Бироқ қийноқларга қарамай, сиз уларга ҳеч нима айтмадингиз. Айти иттифоқчилар Германияга кириб келишган пайтда эса сиз қочишга муваффақ бўлдингиз.

– Етади, – қизнинг гапини бўлди Керриден. – Мендан нима истайсизлар? Бу гаплар ҳаммаси нима учун? Менинг шахсий ишларимни тинч қўйинглар, акс ҳолда мен бу ердан кетаман.

– Яна бироз, илтимос. Бузарур. Урушдан сўнг сиз ўзингиз учун мос келадиган машгулот топа олмай Штатларга жўнаб кетдингиз ва у ерда контрабанда билан шугулланиб, бир йилни ўтказдингиз. Америка полициясига сизнинг фаолиятингиз ёқмади, бироқ сиз у ердан кочиб кетишга эришдингиз. Мана, бир ҳафтадан бери чўнтагингизда бир чақасиз Лондонда юрибсиз. Кучингизни қаерга сарф қилишни ҳали билмаяпсиз. Рэкетирлардан пул ўндириб юрибсиз, бироқ ҳатто шу гангстерлар ҳам полиция қарамоғи остида. Биз сизга иш таклиф қиляпмиз... Сизга минг фунт олиб келадиган иш.

– 3 –

Ягона қўли чўнтагида, хонага Ренли кириб келди. У бирров Керриденга қараб олди-да, сўнгра бепарволик билан Жаннага яқинлашди.

– Қалай? – далда бераётгандай, жимийиш билан сўради у. – Сиз ҳақингизда кўп нарса билар эканмизми?

– Агар бўш вақтингиз кўп бўлса, яна анча–мунча маълумот йиғишингиз мумкин, – қуруққина қилиб деди Керриден.

У қўлини чўнтагига тикар экан, Ян дарров пистолетини унга ўқталди.

– Қўлингизни чиқаринг, фақат секин, – деди поляк.

– Худо ҳақи! – чўнтагидан бир қути сигарета чиқара туриб, деди Керриден. – Мен ҳамма нарсани секин қиламан.

– Куролингни ол, – Янга қараб буюрди Ренли.

– Олмайман, – деди Ян. – Мен унга ишонмаяпман. Сен нима десанг деявер, мен ўз фикримда қоламан.

– Сизнинг ишингиз нимадан иборат эканлигини тушунтиришимиздан олдин сиздан сўрайдиган яна битта саол бор, – Яннинг гапларига эътибор бермай, деди аёл.

– Яна қайтараман, мен унга ишонмаяпман, – яна гапиришга ҳаракат қилди Ян.

– Ўчир овозингни! – овозини кўтарди аёл. – Мен гапираман!

– Сен бечорага оғиз очишга ҳам қўйишмаяпти, – истехзо билан полякка деди Керриден.

– Менинг сизга яна битта саволим бор, – Керриденга қараб дона–дона қилиб деди Жанна: унинг кўзлари ялтираб кетди.

– Сўранг! Қани?

Аёл иккиланиб қолди, сўнгра Ренлига каради.

– Сен сўра.

– Албатта... Илтимос. бизга кўкрагингиз билан орқангизни кўрсатинг. Нега сўраётганимизни тушуниб турибсиз, деб ўйлайман. Биласизми, сизнинг чиндан ҳам Керриден эканлигингизга биз жуда ҳам ишонмаяпмиз. Бизнинг досъемизда сизнинг расмингиз йўқ. Бирок орқангиз ва кўкрагингизда чандиқлар борлиги маълум. Биз эса... хуллас биз ҳар қандай хатонинг олдини олишимиз керак.

Керриден ўрнидан турди. Етар!.. Унинг кўзлари ғазабдан қорайиб кетган, лаблари қаттиқ қимтилган эди.

– Қимирламанг! – пистолетини ўқталиб, бақирди Ян. – Яна битта ҳаракат ва отиб ташлайман! Мен жуда яхши отаман: навбат билан битталаб ҳамма бармоғингизга отишим мумкин. Мен ҳазиллашмаяпман!

Керриден ўзини қўлга олиб, креслога чўкди.

– Мени сизларнинг олдингизда ечинади, деб ўйла-япсизларми? – мазах билан деди у: бу билан у Яннинг ғашига тегмоқчи эди. – Жин урсин сизларни!

Орага оғир жимлик чўкди. Ян олдинга бир қадам ташлади, бироқ Ренли унинг билагидан тутиб қолди.

– Етар! – бақирди инглиз. – Ҳаммаси нотўғри!.. Бор, Крюни қоровуллаб тур! Бор деяпман сенга!

Ян тутақиб кетди.

– Биз вақтни йўқотяпмиз! – ғазаб билан бақирди у. – Менга қўйиб беринглар! Бу одам креслода ўтириб олиб, устимиздан куляпти! Менга уч дақиқа беринглар, унга кулишни кўрсатиб қўяман!

– Аҳмоқ! – нафрат билан деди Жанна. – Сен шундай қиласанми? Сен-а?

Поляк қизга қараб чирт ўгирилди. Унинг лаблари тит-рарди.

– Бу ҳаммаси куруқ гап, – узук-юлуқ товушда деди у.

У бошқа ҳеч нима демади. Керриден креслодан сак-раб туриб Яннинг пистолетини тортиб олди ва ўша пистолет билан полякнинг бошига туширди. Қолган иккитаси қимир этишга ҳам улгуришмади. Поляк, гандираклаганча бир нечта қадам ташлади, деворга урилиб, секин полга сирпаниб тушди. Жанна ва Ренли индамай Керриденга қараб туришарди.

– У ҳақ! Етар шунча гап! Мен тўйдим. – Хунук жилмай-ганча, Керриден маузерни плашининг чўнтагига тикди ва шляпасини олиш учун энгашди. – Чин сўзим – ўзимни йўқотиб қўяман, деб ўтиргандим, – давом этди у. – Бўлди хайр. Бошқа менинг йўлимдан чиқмасликларингизни

маслахат бераман. Кейинги сафар бундай кўнгилчан бўлмайман.

– Ажойиб иш, – ҳайратланиб, деди Ренли. У бошини силаб, зўрға ўрнидан тураётган Янга ўтирилди. – Бориб Крюга қара. Етарлича ахлоқлик қилиб бўлдинг.

Ян бир оғиз ҳам сўз демай, қўшни хонага кириб, эшикни шарақлатиб ёпди. Ренли яна гап очганда Керриден ҳам эшикка қараб йўналган эди.

– Сиздан узр сўрайман, биз ўзимизни нотўғри тутдик. Нима бўлганда ҳам, балки ишбилармон одамлардек гаплашиб олармиз?

Керриден елкаси оша қаради:

– Биз тил топиша олмасак керак.

– Афсус, – деди Ренли. – Биз сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз ва яхшигина тўлашга тайёرمىз. Минг фунт – яхши пул. Ақлингизни йиғиб олинг, жуда бўлмаганда гапимизни эшитинг. Ян тентак. У доим пистолет ёрдамида ҳамма нарсани ҳал қилса бўлади, деб ўйлайди. Мен бошидан бунга қарши эдим... Ҳуш, сизни ишонтириш учун нима қилай?

Керриден ёйилиб кулди.

– Майли, кўндирдингиз. – У шляпасини кўлида ушлаганча, истаган пайтда туриб кетиши мумкинлигини билдиргандек, креслонинг тирсак қўйгичига ўтирди. – Қандай ёрдам ҳақида гап кетяпти?

– Биз сизнинг чиндан ҳам Керриден эканлигингизга ишонч ҳосил қилишимиз керак, – жавоб берди Жанна. – Бу жуда муҳим.

– Албатта, – қизнинг гапини тасдиқлади Ренли. – Биласизми, агар сиз тўғрингизда янглишиб, ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтадиган бўлсак, бизни катта нохушликлар кутяпти. Бу ўта махфий иш. Биз бир марта янглишиб бўлдик. Бу тентак Крю менинг хужжатлар турадиган кармонимни ўғирлаб, бизни шантаж қилмоқчи бўлди. Қанча овора бўлиб, уни қидириб топиб, энди мана уни кўздан қочирмаслик учун шу ерда жойлашдик. Уни

нима қилишни ҳали ҳам билмаймиз... Агар сиз чиндан ҳам Керриден бўлсангиз, танангизда чандиқлар – гестапо ишининг излари – бўлиши керак.

Керриден бурнидан сигарета тутунини чиқариб, елкасини қисиб қўйди, сўнгра костюмини ечиб, қўйлагининг енгини шимарди: иккала қўлининг тирсагидан юқорироғида оқ чандиқлар бор эди.

– Кечқурунлари қўлимга кишан солишарди, – тунд овозда тушунтирди у. – Ва мен совуқ қотиб қолмаслигим учун уларни қиздиришарди... Шу етарлими?

Эрақ ва аёл иккаласи Керриденнинг қўлларидаги чандиқларга ачинишсиз, кўркмай, шунчаки қизиқиш билан қараб туришарди.

– Гестапонинг тасавури бой эмас экан, – ўзининг юзидаги чандиқни ушлаб қўяр экан, деб қўйди Ренли. – Мана буни менга қиздирилган милтиқ найзаси билан килишган.

Керриден унга диққат билан қараб қўйди.

– Сиз ҳам улардан ўз улушингизни олганмисиз?

– Эҳе! Мен ҳам, Жанна ҳам!.. – деди Ренли. – Ҳаммаси гўгри келяпти, – деди у кизга қараб, – бу чиндан ҳам ўша. Чандиқда кишанларнинг маркаси бор.

– Яхши, – деди Жанна. – У ҳолда энди гаплашсак бўлади.

Ренли Керридендан нари кетди ва камин устидаги кутидан сигарета олиб, ёндирди.

– Бу одатдаги ишлардан эмас, – сигаретининг ёнаётган учига қараб, деди у. – Ва жуда хавфли. Мен сиздан бошқа бу вазифани яхшироқ бажарадиган бошқа ҳеч кимни билмайман. Биз ўзимиз ҳаракат қилдик, бироқ натижасиз. Агар сиз рад қилсангиз, ким яна қилиши мумкин, тасаввур ҳам қила олмайман.

– Ҳўш, гап нима ҳақида, ахир? – сўради Керриден.

– Бир одамни топиб, йўқогиш керак, – жавоб берди Ренли. – Ва шу ишни биз сизга топширмақчимиз.

### 3-БОБ

– 1 –

«Сизга минг фунт тўланади. Ярми ҳозир, ярми эса иш бажарилгандан сўнг».

Креслода ўтирганча Ренлининг гапларига қулоқ солар экан, бу гап Керриденнинг қулоғида жаранглайверди. «Ярми ҳозир, ярми эса иш бажарилгандан сўнг...» Таваккал ишлар доим шундай бошланарди. Хавфли ишларни бажаришнинг устаси деган обрўни Керриден ҳеч қандай қийинчиликсиз орттирган эди. Унинг уруш пайтидаги қахрамонликлари тўғрисида бўрттириб айтилган гаплар одамларни у ҳақида кўрқшни билмайдиган одам, деб ўйлашларига сабаб бўлган эди. Унга одатда ўзининг ҳаётини тикиб таваккал қилмайдиган одамлар мурожаат қилишарди... Бу одамларнинг чўнтаклари одатда лик тўла пул бўлар, кўзлари – тугмачадек кичкина кўзлари эса ялтираб турарди. Керриден бу одамларнинг гапларини ҳам ҳозир Ренлини диққат билан тинглаганидек, диққат билан тинглар, нархини ошириб улар билан савдолашар, ўз ҳаракатларининг режасини тушунтирар эди. Улар Керриденга ўз сирларини ишонишар, кўрқадиган нарсаларини яширишмас ва кучли, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, хавфдан кўрқмайдиган ишончли одам топдик, деб хурсанд бўлишарди. Ва ҳамма унинг гап-сўзига алданиб, унга ишониб олдиндан пул бериб қўйишарди... Улар алданишганини кейинроқ, бир-икки кундан сўнг Керриден мижозни чақириб, хотиржамлик билан, фикрини ўзгартиргани ва бу иш учун бошқа одам топишни маслаҳат бергандан кейи тушуниб қолишарди. Баъзилар кўрқмай пулларини қайтиб беришни талаб қилишар, бироқ унинг совуқ назар билан қараб туришидан эҳсоналари чиқиб, ҳазиллашяпман, деб қутилишарди. Уларга Керриден доим «Менинг устимдан шикоят қилишинглар

мумкин» деб бир хил жавоб берар ва қўлларини чўнтагига тикқанча, шляпасини кўзларига бостириб олиб, истехзо билан жилмайиб, нари кетарди.

«Ярми ҳозир, ярми иш бажарилгандан сўнг...» Бундай қилиб пул топишлар унга бемалол тўқчиликда кун кечириб имконини берарди. Нимага энди бу сафар ҳам шундай қилиш мумкин эмас? – Ренлининг сўзларини тинглар экан, ўйларди Керриден. Фақат ҳозир унга таклиф қилишаётган иш олдингиларига ўхшамас эди. Ва бу учала одам ҳам олдин унга мурожаат қилганларга асло ўхшашмас эди.

Ренли Жаннага қараб, деди:

– Менимча, мен ўзим давом эттирганим яхшироқ. Бироқ агар қолгинг келаётган бўлса...

Аёл Керриденга қарамай ҳам чиқиб кетди ва Керриден аёл чиқиб кетиши билан хона хувиллаб қолгандай бўлганини ҳис қилди. Ренли шкафдан бир шиша виски ва иккита стакан олди.

– Ҳали вақтли, бироқ шундай бўлса ҳам, бир ичамиз.

У стаканларга виски қуйиб, биттасини Керриденга узатди.

– Жанна бўлмаганда бемалол гапираман. Аслида бу ҳодиса арзимаган бир бемаъни нарса... Сизнинг соғлигингиз учун, – стаканини кўтарар экан, деди Ренли.

Керриден бош ирғаб, бир қултум ичди. Агар Ренлидан беш юз фунт ундира олса, у ҳолда Эффининг операцияси учун тўласа бўлади... Қизнинг қанчалик хурсанд бўлиб кетишини кўз олдига келтириб, ичи ёришиб кетди. Яхшилаб ролини ўйнаши керак бўлади, шу ҳолдагина бу хонадан чўнтагида пул билан чиқиб кетиши мумкин.

– Ҳа, ғалати ҳодиса, худди китобдаги воқеаларга ўхшайди, – ўйламоғи, қайтарди Ренли. – Бу воқеа чиндан ҳам содир бўлганига одам ишонгиси келмайди. Шундай бўлса–да... Сизга Жанна ғалатироққа ўхшаб кўринмадими?



– Ҳаммангиз шундай кўриняпсиз, – совуққина қилиб деди Керриден. – Кулгили учлик. – Махфий жамиятми-ей?

– Шунга ўхшаган, – жилмайди Ренли. – Сиз бизни жуда яхши тушуниб турибсиз, чунки ўзингиз ҳам шундан ўтгансиз. Биз шунинг учун ҳам сизга мурожаат қилишга қарор қилгандик. Сиз бизга ёрдам беришдан бош тортсангиз ҳам, бизни сотмаслигингизни биламиз.

– Чиндан ҳам сотмайман, – унинг гапини тасдиқлади Керриден. – Лекин рози бўлишга мажбур эмасман. Ишга яқин гапиринг.

– Албатта, – Ренли бир оз жим туриб, яна гапида давом этди. – Француз Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатида қатнашган гуруҳ орасидагилардан биз учовимиз қолганмиз, холос. Аввалига биз тўққизта эдик – иккита француз: Пьер Гурвиль ва Жорж, иккита француз аёл – Жанна ва Шарлотта, иккита поляк – Ян ва Любош ва учта инглиз – Гаррис, Мэллори ва мен.

– Тушунарли, – деб қўйди Керриден. Бундай унча катта бўлмаган гуруҳлар унга таниш эди. Уруш йиллари у хизмат тақозоси билан бундай мустақил ва деярли фанатларча иш кўраётган бир талай ватанпарварлар билан боғланишига тўғри келган эди.

– Биз, асосан, поездларни қияликдан итариб юборар эдик, – айтиб бера бошлади ренли. – Биз доим жойимизни ўзгартиришимизга, кундуз кунлари яшириниб, операцияни кечасилари ўтказишимизга тўғри келарди. Биз ўта оғир ва мураккаб ишларни қилардик.

Ренлининг ягона кўзи ялтираб кетди.

– Бизнинг командиримиз ўта довурак ва ақлли Пьер Гурвиль эди. Ажойиб инсон... Мен майда-чуйдалар билан сизни қийнаб ўтирмоқчи эмасман. Фақат айтмоқчи бўлганим, биз унинг учун ҳамма нарсага тайёр эдик, бироқ усиз эса ҳеч нарса қила олмасдик. У одам ажрата олар ва кимга қандай вазифа беришни ва иложи бори-

ча бор имкониятлардан фойдаланишни жуда яхши тушунар эди. У бизни ўзимизни қурбон қила олишга ҳам ўргатарди. Жанна ва Гурвиль бир-бирларини севишарди, – гапида давом этди Ренли. – Айтиш мумкин бўлса, улар икки ёрти бир бутун эди. Бу фақат севги эмас, ундан юксакроқ нарса: икки юрак, икки калбнинг тутшиб кетиши эди...

Ренли стаканига қараб, қошларини чимирди.

– Мен гапдон эмасман, бироқ сиз бу нарса жуда муҳимлигини тушунишингиз керак. Улар бир бирлари учун яшардилар... Ва ўйламай ҳам туриб, бир бирлари учун жонларини фидо қилиша олар эди. Буни тушунтириш қийин...

– Бўлди, бўлди, – сабрсизланаётганини яширишга уриниб, деди Керриден. – Кейин эса, афтидан, ичингиздан кимдир бу Гурвиль деганларини сотган.

Ренли унга ўқрайиб қаради.

– Албатта, сизга бари-бир, ахир сиз Пьерни билмай-сиз-ку... Умуман, худди шундай бўлган.

Керриден вискисини ичиб тугатди. Гап нима ҳақда эканлиги энди унга аён эди. Сотқинлик – дунёдаги энг ифлос разиллик.

– Мен сизларга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Ҳозир тушунтираман, – жавоб берди Ренли. – Иложи борича қисқа қилишга ҳаракат қиламан. Жанна, Мэллори ва мен қўлга тушиб қолдик. Биз вазифа бажаргани бориб, ўз хатоимиз туфайли қўлга тушдик. Икир-чикирларини айтиб, сизни зериктирмакчи эмасман. Гестаподагилар биз Гурвилнинг гуруҳидан эканимизни билишарди. Бизни сўроқ қилишди. Бироқ улар фақат Пьер билан қизиқишди, чунки у то озодликда экан, поездлар ағдарилаверар эди. Жанна билан Мэллори мени сўроқ қилишларида иштирок этишди. – Ренли қўлини юзидаги чандикқа теккизиб, Керриденга жилмайиб қўйди. – Мен жуда ҳам довюракликни намоиш қила олмадим. Мен ҳатто оғриққа чидай олмаганларимда қичқирдим ҳам...

– Ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, – асабийлик билан кулиб, гап қотди Керриден.

– Ҳа... Гестапочилар Пьернинг яширинган жойини билмоқчи бўлишди, бироқ мен ҳаммасига чидай олдим... Ниҳоят улар чарчашди. Очиги, мен ҳам яхши аҳволда эмас эдим. Шунда улар Жаннага ёпишишди. Мен улар Жаннадан ҳеч нарса била олмасликларига ишончим комил эди, бироқ улар бошқача фикрда эдилар... Сўнгра улар яна мен билан шуғуллана бошлашди. Мен ҳушимни йўқотдим... Кейинчалик Жанна менга нима бўлганини айтиб берди. – Ренли бирдан ўрнидан туриб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. – Ҳеч тушуна олмайман!.. Мэллори бўйнига олди. Улар Мэллорига қўл теккизма-сларидан ҳам туриб, ҳаммасини айтиб беришини айтди.

Ренли хотиралардан тўлқинланиб кетди. Унинг юзи-да азобланаётгани акс этарди.

– Менинг кўзимни ўйиб олишди, кўлим эса шундай ҳолатда эдики, кесиб ташлашга тўғри келди. Жаннага келсак... Унга нималар қилишганини ўзингиз тушуна-сиз. Қанча нарсага бардош бердик ва ҳаммаси бекорга бўлиб чикди.

Ренли дераза олдига келиб, кўчага қаради.

– Бу ишлар ҳаммаси тутагандан сўнг биз учаламиз-ни битта камерага тиқишди. Мен оғриқдан ақлдан озай деяётгандим. Жаннанинг қони тўхтамаётганди. Мэлло-ри четроқда туриб, хотиржам кўринарди... Жанна унинг устига ёпирилди! У йиғлаб, бақириб, Мэллорини тоза қарғади. Мэллори эса бизга қараб, дегани шугина бўл-ди: «Тентаклар! Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз! Улар бизни бари-бир биттамыз гапирмагунимизча қийнашар эди. Пьер бунинг сабаби уруш эканлигини тушунади».

Керриден бу гапларни чала-ярим эшитаётганди. У ичида режа тузаётганди. Беш юз фунт! Балки, купроқ бўлар. Савдолашиб кўриш керак. Нега энли нархини кутариш мумкин бўлмас экан?

– Сизга Мэллори ҳақида батафсилроқ айтиб беришимга тўғри келади, – стаканини яна тўлдира туриб, деди Ренли. Керриден унинг қўли қалтираётганини сизди. – Брайан Мэллори учувчи эди. У ҳарбий асирлар лагери-дан қочиб, бизга қўшилганди. Мақтаса арзигудек йигит. Чиройли, қатъиятли, шижоатли, афтидан урушгача яхши яшаган... У ишончимизни жуда тез қозонганди. У икки-та соқчини ўлдириб, ҳафталаб орқасидан қувишларидан яшириниб қочган экан... Пьер Брайан гуруҳимизнинг энг яхши аъзоси эканлигини кўп марта айтганди – у одам таний оларди. Мэллори жуда довюрак бўлиб, энг таваккал операцияларга ҳам бемалол кетаверарди. Биз унга кучли ва ишонса бўладиган дўст деб қарардик.

– Мен бундай одамларнинг кўпини учратганман, – деб қўйди Керриден. – Улар пайти келмагунча ўзларини жуда яхши тутиб юришади. Пайти келганда эса бирдан нига бутунлай ўзгариб қолишади.

– Мэллори ҳақида бундай деб бўлмайди, – эътироз қилди Ренли. – Уни ўн марталаб тутишган ва у ҳар сафар қочиб кета олган экан. Ўша тунда унга нима бўлганини ёлғиз Худо билади. Тушуна олсам эди... У Пьернинг турган жойини айтиб беради, Шарлотта билан Жорж ҳам у билан бирга эдилар. Ҳайтовур, Любош, Гаррис ва Ян топшириқни бажаришга кетишган экан. Бироқ Мэллори гестапочиларга уларни тўлиқ тасвишлаб берган. Нима билса, ҳаммасини айтиб берган.

– Бу қачон бўлган эди?

– Тахминан бир ярим йилча бурун. Эҳе, биз анчагача нима қилишни билмадик. Бундан ташқари, бошқа сабаблар ҳам бор эди, масалан, пулимиз йўқ эди. Шундай дақиқалар бўлдики, бизга бу ўйлаганларимиздан ҳеч нарса чиқмайдиганга ўхшади. Бироқ, хозир ҳаммаси жойига тушди.

– Гурвилни ушлашдими?

– Ҳа. Жорж ва Шарлотта отишма пайтида ҳалок бўлишди, афсуски, Пьерни тириклай қўлга олишди. У икки ҳафталик қийноқлардан сўнг вафот этди.

– Сизларга эса нима бўлди?

– Бизнинг омадимиз келди. Қамокхонага бомба тушди. Вайроналар ичидан қочиб кетишга муваффақ бўлдик...

– Мэллори-чи?

– У ҳам қочди. Яна биринчи бўлиб – биз унга етиб олиш учун жуда бўшашган эдик.

– Энди сизлар уни ўлдирмоқчи бўляпсизларми?

– Ҳа. Жанна жуда узоқ вақт касал бўлди. У ақлдан озай деб қолди, бироқ уни қасос ўти, Мэллорини топиш истагигина қутқариб қолди. Биз у билан орани очди қилишга аҳд қилганмиз ва айтганимизни қиламиз. Нима бўлганда ҳам бунга эришамиз. Бу – номус иши.

– Бироқ мен нима ёрдам бера олишим мумкин? – оёқларини узатганча, қизиқиб сўради Керриден.

– Сиздан ёрдам сўрашни мен таклиф қилдим, – бўйнига олди Ренли. – Дўстларим рози бўлишди, бироқ сизга тўлиқ ишонишмаяпти. Биласизми, Шарлотта Яннинг хотини эди, шунинг учун, худди Жанна каби, Мэллорини топиш учун унинг ҳам шахсий сабаблари бор. Менинг шароитим ундай эмас, бироқ мен улар билан бирга қасам ичганман.

– Қолган иккитанглар қани?

– Улар вафот этишди, – хотиржам жавоб берди Ренли. – Мэллори уларни ўтган ҳафта ўлдириб кетибди.

Кутилмаганда Керриденнинг кўзлари қизиқиш билан ялтираб кетди.

– Ўтган ҳафта? Шу ерда, Лондонда, демоқчимисиз?

– Ҳа, – Ренли яна хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. – Биз Мэллорининг кучига етарли баҳо бермаган эканмиз. Унга қийин бўлишини билгандик, лекин бешо-

вимиз эплеймиз, деб ўйлагандик. Брайан ажойиб мерган, кучли, чаққон, арслондек хавфли. Одамларни овлаш ҳам унга таниш. Бироқ биз ҳам бу ишда янги эмасмиз, бундан ташқари, биз беш киши эдик... Энди эса режамиз муваффақиятига шубҳа қилиб қолдик. Атиги уч кишигина қолдик, Мэллорининг қаердалиги бизга маълум эмас. Гаррис қандайдир маълумотлар йиғиб, кўрсатилган манзилга бориб, қайтиб келмади: унинг жасадини Уинблдондаги қандайдир ховуздан топишибди. Ҳеч нарса исботланмаган бўлса-да, бу Мэллорининг иши эканлигини биз биламиз-ку. Любош ҳам унинг изига тушган эди. Унинг жасадини поезд мажақлаб кетган ҳолда темир йўлда топишди. Полициянинг фикрича – бахтсиз тасодиф эмиш... Шундан сўнг мен Жаннани ақллироқ бўлишга кўндирдим. Бизга ташқаридаги одамнинг ёрдами керак. Мэллори биз унинг ўлимини истаётганимизни билади. У химояланяпти ва ҳозирча бунинг уддасидан чиқяпти. Энди унинг орқасидан бошқа бир бегона одам тушиши керак. Биз одамлардан сўраб-суриштириб, сизни топдик. Сиз уни топиб беринг, қолганини биз ўзимиз бажарамиз. Фақат, огоҳлантириб қўяй: агар ғалаба қилмоқчи бўлсангиз – тезроқ ҳаракат қилиш керак. Мэллори сизга биз билан боғланишга имкон қолдирмаслиги мумкин, у ҳолда сиз ўзингиз у билан жангга киришишингизга тўғри келади. Шунинг учун ҳам биз сизга минг фунт тўлаймиз.

– Демак, гап қотиллик ҳақида кетяпти? – мулойимлик билан қизикди Керриден. – Бу нималигини сизлар яхши тушуняпсизларми?

– Сиз ўзингиз Мария Гауптман ва бошқа сотқинларни жазолаб, ўзингизни қотил деб ҳисоблагансизми? – аста сўради Ренли.

– Йўқ. Бироқ фарқини биласизми? У нарсалар қонуний қотиллик эди. Агар мен ҳозир кимнидир ўлдирадиган бўлсам, мени қамашади, суд қилишади, в. осийса ҳам керак.

– Буни бахтсиз ҳодиса ёки ўз-ўзини ўлдириш деб кўрсатиш мумкин, – деди Ренли. – Мэллори бизнинг ўртоқларимизни ўлдирганидек.

Керриден қўлидаги вискидан хўплади. У ўзини ўйлаётганга солди. Аслида эса, у қарор қабул қилиб бўлган эди.

– Энди муаммога менинг кўзим билан қараймиз, – деди у. – Демак сизлар учун мен ўзимни оловга ташлашимни истаяпсизлар. Шахсан менинг бу одамга қарши ҳеч қандай адоватим йўқ. Бундай одамлар кўп учрайди. Уруш пайтида одам отиш ва ҳозир отиш – ҳар хил нарса.

Ренли хўмрайганча, сигаретини ўчирди. Пешонасидаги чуқур ажинлар тиришиб, қошининг ўртасида тугун ҳосил бўлди.

– Мушук–сичкон ўйнашни бас қилайлик, – кутилмаганда жаҳл билан деди у. – Ха–ми ёки йўқ–ми?

– Фақат минг фунтга эмас.

Ренлининг юзи ёришди.

– Демак...

– Демак, мен ҳар қандай ишни бажаришга тайёрман, – унинг гапини кесди Керриден, – фақат тўғри келадиган нархга. Сиз мендан ҳаётимни таваккал қилишимни сўряпсиз. Бунинг учун минг фунт кам. Мэллори мендан чаққонроқ чиқиб, мени ҳам олдингилардек асфаласофинга жўнатмайди, деб ҳеч ким ишонч билан айта олмайди. Ёки бошқа вариант – мен ҳамма ишни кўнгилдагидек бажараман, бироқ хато қилиб қўяман – у ҳолда мени арқон кутаётган бўлади.

– Тушунаман. Аслида, гапларингиз тўғри. Афсус, биз бой эмасмиз, – деди Ренли. – Ҳаммасини йиғсак ҳам, бир ярим мингдан ортиқ бера олмаймиз. У ҳолда ҳам ўзимизга ҳеч вақо қолмайди.

Битта қўлли инглиз очиқ юзли бўлиб, Керриден унинг рост гапираётганини тушуниб турарди. Баҳс ҳеч қандай

натижа бермайди. Савдо бошланмай туриб, тугади. Керриден бир оз ўйлаб туриб, деди:

– Яхши, бир ярим мингга розиман. Очиғи, сизлардан кўпроқ суғуриб олмоқчи эдим.

– Эсиз! – кулиб, деди Ренли. – Бизда бори шугина. Шунинг учун мен очиғини айтиб қўя қолдим. Мен ҳали бошқалар билан ҳам маслаҳатлашиб олишим керак – улар рози бўлишмаса–чи?

– Нима дердим, маслаҳатлашинг. Ва билиб қўйинг: пулнинг ярми ҳозир, қолганини иш тугагач берасизлар, – ўзини жилмайишдан зўрға тутиб, деди Керриден.

– 3 –

Хонага Крю кириб келди – Ренли унинг Ян ва Жанна билан бўладиган гапларига халал бермаслиги учун хонадан чиқариб юборганди. Унинг креслосига ястаниб ўтириб олганча, жилмайиб ўтирган Керриденни кўриб, Крю чўчиб тушди.

– Яхшиси ўтириб олсанг бўларди... Титрашни бас қил, – деди унга Керриден. – Мендан сенга қараб юришимни илтимос қилишяпти.

– Улар нима қилишмоқчи? – минғирлаб сўради Крю. Унинг кўзларида кўркув бор эди. – Билмайсанми, улар мени нима қилишмоқчи? Сен ҳам уларнинг ўйинларида иштирок этяпсанми?

Керриден сигарета чекиб, тутунини Крюга қараб пуфлади.

– Балки иштирок этаётгандирман... Улар сени нима қилишмоқчилиги тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Ва бунга тупурдим. Уларни шантаж қилмоқчи бўлган бўлсанг, афтидан, сен ақлингни еб қўйибсан, шекилли.

– Ҳа, – Керриденнинг гапига қўшилди Крю. – Бирок мен уларни билмасдим... Бу аёл ҳамма нарсага қодир.



– Крю қўрқа–писа эшикка қараб қўйди. – Менимча, у ақлдан озган, шекилли.

– Чет элликлар ҳақида олдиндан башорат қилиш қийин, бироқ мен хулоса қилишга шошилмаган бўлардим.

– Улар бу ерда ўтиришганига мана, тўрт кун бўлди, – муштини очиб–ёпиб, деди Крю. – Мени доим кузатиб туришибди, бир қадам ҳам ташлай олмаяпман. Худди камоқдагидек... Чидаб бўлмаяпти.

– Уларнинг чўнтагига тушиш керак эмасди.

– Сенга айтиб беришдими? Мен пулсиз қолгандим, – Крю ўзини оқлай бошлади. – Умуман айтганда, бизнинг мамлакатимизда юришга уларнинг умуман ҳақлари йўқ!.. Уларнинг хужжатлари ҳам жойида эмас. Менга... менга ниҳоят элик фунт керак эди.

– Сен яхшиси уларни тинч қўйсанг бўларди, – деди Крюнинг минғирлайвериши жонига тега бошлаган Керриден. – Мендан ҳеч нарса умид қилмай қўя қол, менинг бу ерда ҳеч қандай алоқам йўқ. Бу кўнгилсизликларни ўзинг тилаб олдинг.

– Сен...

Крю қирқ саккиз соатдан бери ўзини қийнаётган фикрларни сўз билан ифодалашга қийналиб, гапини тугатмади. У Керриденга аянчли назар ташлади.

– Менинг асабларим ишдан чиққан. Улар нима хоҳлашаётганини билсам эди! Ахир улар... – У яна гапидан тўхтаб, лабларини тишлади ва диққат билан Керриденга тикилди. – Улар менга ишонимаяпти, мана мени нима хавотирга соляпти! Улар нимадан қўрқишяпти? Мен уларга сўз бердим ва ҳатто Инжил билан онт ичишимни ҳам айтдим.

– Сеникида Инжил борми? – мазах қилиб сўради Керриден.

– Йўқ, бироқ улар сотиб олиб келишлари мумкин эди, – жиддийлик билан жавоб берди Крю. – Мен харажатла-

рини тўлаган бўлардим... – Унинг овози титраб кетди. – Менга ишонишмаяпти! Нима қилишим керак?

Керриден эснаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди.

– Менга яна озгина виски қуйиб юбора оласанми? Айтганча, бу уларнинг шишасими ёки сеникими?

– Ишониб бўлмайдиган ҳодиса! – Керриденнинг саволини эшитмагандек, гапида давом этди Крю. – Шу аҳволга тушиб қолганимни-чи! Мен шундай бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим... Улар қандайдир Мэллори деганларини йўқ қилишмоқчи. – Унинг ёноқлари титраб кетди. – Бу қотиллик, бироқ уларга барибир. Анали аёл ҳам улар икковидан баттар. У сенга тошдан ясалганга ўхшаб туюлмаяптими?.. Мен олдин бунақасини ҳеч учратмагандим... Улар мени ўлдиришлари мумкин, деган фикрдан ҳеч қутула олмаяпман, – ингради Крю. – Тўғри, бундай ўйлаш тентаклик, бироқ мен ўзимни уларнинг ўрнига қуйиб кўряпман... Улар Мэллорини ўлдиришмоқчи, нимага мени ўлдириш мумкин эмас экан?

Крю Керриденнинг олдига келди.

– Ортиқ ухлай олмаяпман, асабларим қақшаган, – хўрсинганча, шикоят қилди у.

– Яхшиси мен билан ичгин, – ўрнидан тураётиб, деди Керриден. – Қара, кимга ўхшаб қолибсан.

– Нима, мени тамом бўлгансан, деяпсанми? – Крю ғижимланиб кетган дастрўмоли билан пешонасини артди. – Бу ақлдан озган поляк... У менга доим худди ҳозир ерпарчин қилиб ташлайдигандек қарайди...

Керриден стаканга анчагина виски қуйиб, Крюнинг қўлига тутқазди.

– Жинни бўлма, – деди у. – Тинчлан, улар сенга ҳеч нарса қилишмайди.

Стакан Крюнинг тишларига тегиб, жаранглаб кетди.

– Бу гапга ишонгим келяпти, – хўрсинди у, битта кўтаришда вискини ичиб. – Агар шундай давом этаверса, мен ақлдан озиб қоламан. Улар қачон қарама, мендан кўз узишмаяпти. Аёл эса... – у энг ёмони. Кутурганга ўхшайди. Сен тасаввур қила олмаяпсан.

Хонага Ренли ва Жанна кириб келишди. Крю қўрқиб, орқага тисарилди.

– Сиздан илтимос, Ян билан бирга боринг, – хотиржам товушда деди Ренли. – Сизни ҳадеб безовта қилаверганимиздан хижолатдамиз, бироқ бунга ўзингиз айбдорсиз, шундай эмасми?

– Йўқ, мен бормайман, – орқага чекиниб, бақирди Крю. – Етар! Ҳақингиз йўқ! Йўқолинглар!.. Илтимос, бу ердан кетинглар!

Крюнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва шу пайт хонага Ян кириб келди.

– Кетдик, – деди у.

Ҳолдан тойган Крю секин хонадан чиқиб кетди. Ян ҳам унинг кетидан чиқиб, орқасидан эшикни ёпди.

– 4 –

– Крю сизлар уни ўлдиришингиздан қўрқиб кетяпти, – истехзо билан деди Керриден. – Афтидан, полиция ҳақидаги романларни кўп ўқиган, шекилли.

– Биз сиз талаб қилаётган суммани тўлашга қарор қилдик, – Керриденнинг гапини эшитмагандек, деди Жанна.

Ажабланганидан ўзини йўқотиб қўйган Керриден Крюни ҳам эсидан чиқарди. У анча савдолашишни кутган эди.

– Ярмини ҳозир, қолган ярмини эса иш бажарилгандан сўнг, шундайми?

– Ҳа, – деди қиз.

Бирдан Керриденда шубҳа уйғонди: негадир ҳаммаси текис кетяпти. Афтидан, қаердадир тузоқ яширинган бўлса керак. Ёки у рақибларига юқори баҳо бериб юбордими? Керриден кўлидаги стаканни силаганча, кўзини Жаннадан узмай, креслода қотиб ўтирарди.

Аёл қўллари шимининг чўнтагида, хона ўртасида турар, юзи қилт этмасди. Ренли эса паришонхотирлик билан деразага қараб турарди.

– Яхши, – деди Керриден. – Энди бор гапни мирдан–сиригача айтиб беринглар ва мен ишни бошлайман. Менга бу йигитнинг расми керак, ёки яхшилаб тасвирлаб берасизлар. У қаерда бўлиши мумкинлигини биласизларми?

– Бизда расми бўлмаса керак, деб қўрқаман, – Керриденга ўгирилаётиб, деди Ренли. – Бироқ яхшилаб тасвирлаб бериш мумкин. Турар жойига келсак... Қўлимизда арқоннинг иккита учи бор: Гаррис ва Любош шундан фойдаланиб, ниҳоят Мэллорини топишган эди. Сиз ҳам шундай қилишингизга тўғри келади. Фақат жуда эҳтиёт бўлишни маслаҳат бераман, акс ҳолда сиз билан ҳам улар билан бўлгани каби воқеа рўй бериб ўтирмасин.

Керриден ёйилиб кулди. Ренли гапирар экан, у бутун шу вақт давомида ўзида Жаннанинг назарини ҳис қилиб турарди. Бу қарашнинг ўткирлиги уни пайида бўлиб туришга мажбур қилаётганди.

– Ваъда бераман. Хуллас, булар нима нарсалар экан?

– Аввалига бизга Мэллорини топиш қийин эмасга ўхшаб туюлганди. Бироқ у яхшилаб изини йўқотиб кетди. Биз у билан бўлган суҳбатларимиздаги майда–чуйдаларни эслашга ҳаракат қилдик, бироқ у ўзи ҳақида жуда кам гапирганди. Биз фақат Мэллорининг холасининг манзилини ва қиз ўртоғининг исмини биламиз. У холасининг манзилини мабодо вафот этиб қолгудек бўлса, керак бўлиб қолади, деган хаёл билан берган экан. Унинг холаси Уэндовер яқинида, Букингемширда яшар экан.

Любош ана шу аёл билан кўришгани бориб, жасади Уэн-довер билан Грейт-Миссендон орасидаги поезд йўлида қолиб кетди. Афтидан, Любош у ерга келганда, Мэллори ўша ерда бўлган бўлса керак. Мэллорининг дўстининг исми эса Рита Аллен ва у Рижент-стритдаги универмагнинг атторлик моллари бўлимида ишлайди. Унинг олдига Гаррис боради ва эртаси куни унинг жасадини Уимблдондаги ҳовуз ичидан топишади. Рита Аллен ўша атрофларда яшаса керак. Ва сиз мана шулардан фойдаланишингизга тўғри келади.

– Ва арқоннинг ана шу учларидан бири мени Мэллорининг олдига олиб боради, деган умиддаман, – деди Керриден. У вискисини ичиб тугатиб, стаканни стол устига қўйди. – Яхши. Кўрамиз, нима қилиш мумкин экан. Мен сизларга ҳар бир қадамим тўғрисида хабар бериб тураман.

– Биз бу ерда қоламизми, йўқми, ҳали билмаймиз, – деди Ренли. – Кўрамиз... – У тезгина Жаннага қараб қўйди. – Бироқ биз сизни қаердан топишни биламиз. Бизни йўқотиб қўйшдан кўркманг, – кулиб қўшиб қўйди Ренли. – Жуда хоҳлаган тақдирингизда ҳам бундай қила олмайсиз.

Қилинган шама очиқ кўриниб турар ва ҳеч қандай жилмайиш бу сўзларда яширинган пўписани яшира олмасди.

Керриден кулди.

– Э-э, мен қочиб қутулмоқчи эмасман!.. – Ўрнидан тураётиб, ясама қувноқлик билан қўшиб қўйди: – Энди бориш керак. Иш қизиққа ўхшайди. Сизлар мени танлаганингиз учун пушаймон бўлмайсиз, деб ўйлайман. – У қўлини плашининг чўнтагига тикиб, маузер чиқарди. Қуролни кўриб Жанна ва Ренли қотиб қолишди, бироқ Керриден пистолетни стол устига қўйганини кўриб, тинчланишди. – Уни сизларга қолдираман. У берет кийган

оғайниларингизга керак бўлиб қолиши мумкин. Менинг эса ўзимники бор.

Жанна ҳам, Ренли ҳам бир оғиз сўз айтишмади.

– Менга йигитни тасвирлаб беринглар.

Ренли костюмининг ички чўнтагидан конверт чиқарди.

– Мана бу ерда керакли ҳамма нарса бор.

– Ҳамма нарса? Пул ҳамми? – кулиб, кизикди Керриден. У конвертни сийпалаб кўриб, бошини тебратди.

– Пул йўқ! Ахир келишган эдик-ку – ярми ҳозир, ярми кейин деб?

Жанна шкафдан эски чарм портфель олди.

– Бизга тилхат ёзиб беришга розимисиз?

– Нима? – нотўғри эшитдим деб ўйлаб, қайта сўради Керриден.

– Бизга тилхат ёзиб беришга розимисиз? – қайтадан сўради Жанна.

– Албатта, албатта!

Керриден бу одамларнинг шунчалик соддаликларидан хайратга тушганди. Бу одамлар бу мамлакатда юришга ҳуқуқлари йўқ, ҳужжатлари жойида эмас. Шунга қарамай, қандайдир тилхатга ишониб ўтиришибди...

Ренли унга қоғоз ва ручка узатди.

– Пул-чи? – унинг ёдига солди Керриден. – Пулни стол устига қўя олмайсизми? Мен, албатта, сизларга ишонаман, бироқ иш – иш – да, шундай эмасми?

Жанна стол устига уч бойлам пулни ташладаида, сал шубҳали ҳаракат сезиши билан отишга тайёр бўлиб, бармоғини маузерининг дастагига қўйиб туриб қолди. Керриден стулни суриб, ўтирди.

– Агар мен сизларни алдамоқчи бўлсам, пистолетни бермаган бўлардим, тўғрими?

– Пулни санаб олинг, – қуруққина қилиб, деди аёл.

– Фақат менга олифтагарчилик қилманг, бу ишга рози бўлишимни ўзинглар сўрадинглар, – битта-битта қилиб

деди аёлнинг юзидаги нафрат аломати гашига тегаётган Керриден. – Сизларни мен қидириб топганим йўқ. Ҳар бир ишга ҳақ тўланиши керак, бу нарсани яхши билсанглар керак?

– Пулни сананг! – яна ҳам совуқ оҳангда деди Жанна ва унинг кўзлари ялтираб кетди.

Керриден елкасини қисганча, пулни тезда санаб чиқди.

– Ҳаммаси тўғри, – бир варақ қоғозга қўл кўяр экан, деди у. Сўнгра пулни портфелига солиб, портфелини қўлтиғига қисиб олди ва ўрнидан турди. – Эртага кечқурун «Аметист»да учрашамизми? У пайтга келиб, менда янгилик бўлиб қолиши мумкин.

– Яхши, – деди Ренли. – Биз ишни тез бажаришингизга умид қиламиз. Биз учун бу пулларнинг ўрни бор.

– Тасаввур қиляпсизми – мен учун ҳам, – кулгисини яшира олмай, деди Керриден.

– Биз сизнинг виждонли эканлигингизга ишонамиз, – яна эслатди Ренли.

– Албатта, бироқ бу ишончингиз сизларни мендан тилхат талаб қилишдан тўхтатиб қўя олмади, – Жаннага қараб, деди Керриден.

Аёл индамай унга тикилиб тураверди. Унинг катта қора кўзлари ўйчан, лаблари қаттиқ қимтилган эди.

– Учрашгунча.

Аёл кимир этмади. Керриден бир неча қадам ташлаб, эшик олдида орқасига ўгирилди. Ренли тилхатни олиб қўйган, Жанна эса пистолетини ушлаганча стол олдида қотиб турарди. Шароит жуда таранг, бироқ Керриденни чўчитадиған даражада эмас эди. Пул унинг қўлида!.. Ҳаммаси шунчалик ғайритабиий тарзда осонлик билан бўлди. Тўғри, бу одамлар янглишганларини тушунганларидан сўнг уни кўрқита бошлашади, бироқ Керриден бундай кўрқитишларга ўрганиб кетган. Улар бундан нарига ўтиша олмайди. Ян ҳам қўлидаги маузери билан

уни чўчита олмаётган эди. Агар бу учови жуда унинг гашига тега бошлашса, Занига бир оғиз шипшитиб қўйса, ҳаммаси жойида бўлади. Зани бажонидил полицияга етказди, айникса унинг мижози бўлмаган одамларни. Керриден уларни Занига кафтида етказиб беради.

– Демак, кўришгунча, – қайтарди Керриден ва кичкина дахлиз орқали зинага чиқди.

Етти юз эллик фунт! Энди Эффи операция қилдирса бўлади.

Кекса сотувчи дўконининг витринасини жиҳозлаш билан машғул эди: зўрға қимирлатаётган қалин бармоқлари билан сигарет қутиларидан пирамида ясарди. У бошини кўтарганда уларнинг кўзлари учрашди. Ўтиб кета туриб, Керриден унга кўзини қисиб қўйди.



Керриден ҳеч бир жойда узоқ яшамасди, шунинг учун уйининг шинамлиги билан мақтана олмасди. Лондонга қайтиб келгандан сўнг у муқаддас Георгий касалхонаси орқасида жойлашган гараж тепасидаги уч хонали квартирада яшай бошлаганди. Квартирани жиҳозлари билан ижарага олган бўлиб, хоналарни ҳар куни келадиган хизматкор аёл тозалар, овқатланиши эса кўчада бўлиб, кичкинагина, жиҳозлари кам ошхонадан деярли фойдаланмасди.

Хоналар қоронғи ва зах, кўчадан эшитилаётган шовқин, итларнинг товуши бир дақиқа ҳам тинмас ва одам диққатини бир жойга жамлашга имкон бермасди. Ётоқхонанинг деразаси ёруғни тўсиб турган баланд деворга қараган эди. Бироқ уйнинг тинч ва шинам эмаслигининг Керриден учун аҳамияти йўқ эди: у шунчаки атрофдаги нарсаларни сезмас ҳам эди. Квартира – бу ухлайдиган жой, шу туриши билан квартираси Керриденни қониқтирар ва ҳатто яхши томонлари ҳам бор эди: Уэст-Энддан узоқ эмас, деразаларида панжара бор, эман ёғочидан қилинган эшикнинг қулфи эса мустаҳкам эди. Уйнинг бошқа хоналарини эса ҳар хил идоралар банд қилган бўлиб, соат олтида хизматчилар кетишар ва бутун уйда, худди қалъада каби Керриденнинг ёлғиз ўзи – ҳар хил қизиқадиган кўз ва қулоқлардан нарида – қолар эди.

Керриден ижара уйига одатдагидан анча вақтли қайтди. У кичкина ресторанда овқатланиб олгач, шошмасдан Пикадилли орқали Гайд-Парк-Корнергача бориб, уйига вақтли келиб қолганди. Эшигини оча туриб у «Биг-Бен»нинг қўнғироғини эшитиб, бонг овозини санаш учун тўхтаб турди. Бу товуш ҳар доим унда

соғинч туйғуларини уйғотар, уруш давридаги Франци-яни – панароқ жойда яшириниб олиб Лондондан соат тўққиздаги янгиликларни эшитиб, «Биг Бен» жойида эканлиги, эртага ҳам жойида бўлиши ҳақидаги фикр билан ўзини овутганларини ёдига соларди.

Соат жарангининг охиргиси янграб бўлгач, Керриден квартирасига кириб, эшикни калит билан қулфлади, занжирини ҳам солиб, чироқни ёқиб, айланма зина орқали меҳмонхонага чиқди. Хонадаги туриб қолган зах хиди ва ўта тозалик камбағаллар касалхонасининг қабулхонасини ёдга соларди.

Плашини ечишдан олдин Керриден чўнтаklarини бўшатиб, Ренли унга берган конвертни кўриб қолди: конвертни бутунлай ёдидан чиқарган эди. У хафсаласизлик билан конвертни текислаб, ётоғига ўтди, чироқни ёқиб, сигарета тутатди ва ўзини каравотига ташлаб, маза қилиб оёқларини узатди. Омадли кун бўлди – етти юз эллик фунт!.. У бу пулларни бугуннинг ўзидаёқ банкка олиб бориб берди – кассир унга хайрон бўлиб қараб қўйди, кейин эса Кенсингтондаги ўзи бир пайтлар геста-почиларнинг қўлидан озод бўлгандан сўнг боргани пластик операциялар билан шуғулланадиган жаррохнинг уйига ҳам бориб келди. У жаррохга Эффи ҳақида гапириб берди: «Қанча бўлиши билан ишим йўқ, фақат уни операция қилинг, доктор» деди. Жаррох рози бўлди.

Керриден Эффига қўнғироқ қилиб, врач қабулига бориши ҳақида айтди ва кизнинг миннатдорлик сўзларини эшитишдан тортиниб, шоша–пиша телефон дастагини қўйиб қўйди.

Шундан сўнг у Уайтчепелда бир одам билан, Балхем–Хай–стритда эса бошқа одам билан учрашиб, у Америкадан плашининг астарида махфий олиб ўтгани иккита кичкина пакет қўлдан–қўлга ўтди. Сўнгра Керриден автобусда Уэст–Эндга қайтиб, овқатланди ва сўнгра уйига

қараб жұнади. Энди каравотида шипга тикилганча, ўзининг қилган ишларидан қаноат ҳосил қилиб ётарди.

Ишончли пулат панжаралар билан тўсилган жимжит хонасида у бирдан Жанна Персиньини эслаб қолди. Қизиқ, у ҳозир нима қилаётган экан?.. Эртага кечқурун клубда у аёлга бу вазифани бажармоқчи эмаслигини айтади. Уларнинг бу гапга муносабатини тасаввур қилиш мумкин! Жаннанинг кўзларида нафрат учқуни чакнайди, Ренли қадрдон дўсти уят иш қилаётганини кўриб қолгандек хижолат бўлади. Ян маузерига қўлини юборади...

Керриден истехзо билан жилмайди: судлашаверишин! Қўлларидан нима ҳам келарди?..

У Ренли берган конвертни эслаб қолиб, уни очди ва машинкада ёзилган матнни ўқий бошлади. Ёзилган нарсалар унга қизиқ эмас эди. Мэллори ким бўлибди? Ҳеч нарса англамайдиган исм... Керриден матнни зерикиб кетгани учун ўқиётган эди – ухлашдан олдин нима биландир машғул бўлиши керак-ку.

«Брайан Мэллори. 1916 йил, 4 февралда туғилган. Бўйи – бир метр саксон олти. Оғирлиги – саксон беш кг. Сочи – тўқ жигарранг, кўзлари жигарранг, териси оқ.

Алоҳида белгилари: лагердан қочиш пайтида яранганни сабаб – товуши паст ва бўғиқ. Бақира олмайди, бироқ аниқ-тиниқ гапиради.

Одатлари: жаҳли чиққанда ўнг қўл мушти билан чап қўлининг кафтига уради. Хурсанд бўлганда қўлларини ишқалайди. Сигаретани катта ва кўрсаткич бармоқлари билан ушлайди. Гутуртни катта бармоғининг тирноғига ишқалаб чақади. Ўзининг вазминлиги билан фахрланади, жуда кам кулади.»

Керриден кейинги маълумотга ўтди.

«Ягона қариндоши – холаси, мисс Хильда Мэллори, йигитни онасининг вафотидан сўнг тўрт ёшидан бошлаб тарбиялаган. Отаси билан алоқаси яхши бўлмаган, кам

учрашишган. Шунга қарамай отаси уни ўзининг мерос-хўри қилиб тайинлаган ва катта мерос қолдирган...»

«Ечиниб, бира тўла ётиб олиш керак», – кўзларини юмар экан, ўйлади Керриден. Бир неча дақиқа ўтди. У қимирламасди. Юзи аста-секин текисланиб, юзидаги кескин ифода йўқолди: у ухлаб қолганди.

– 2 –

Керриден каравотининг четида тиззасига чиройли оппоқ қўлларини қўйиб ўтирган Мария Гауптманни туш кўрди. Унинг юзи – бир пайтлар у Керриденнинг оёқлари остида ётганидек, мажақланиб, қонга беланган эди. У нимадир дейишга уринар, бироқ унинг бошидан фақат бир нечта тиши чиқиб турган тешиқдан қараб турган катта очилган кўзлари қолган эди, холос.

Керриден бу тушни биринчи марта кўрмаётган эди ва ҳар сафар Мария унга нимадир жуда муҳим нарса айтмоқчига ўхшарди. Бироқ ҳеч нарса демасди – шунчаки Керриденни кўрқитиб, каравоти четида ўтирар, ўтирар ва кетай демасди.

Керриден эшик тақиллашидан уйғониб кетди. Жағлари оғриётганини ҳис қилиб – уйқусида яна тишларини ғижирлатганди – бошини ёстикдан зўрға узди ва қулоқ солди. Тақиллатиш қайтарилганда у секин, овоз чиқармай меҳмонхонага чиқиб, чироқни ёқмай туриб пардани сурди ва деразадан кўчага қаради. Жанна ой ёруғида зўрға кўринарди – ҳали ҳам ўша қора шим ва қора свитерда, қўлларини чўнтагига тиқиб, тишлари орасида сигарета билан турарди.

Керриден ундан кўзини узмай, бир зум туриб қолди, сўнгра чироқни ёқиб, зинадан пастга тушди. Қизнинг бундай кеч келишининг сабабини тушунмаган бўлсада, иккиланмай эшикни очди.

– Килинг. Ёлғизмисиз?

– Ха, – деди Жанна кичкина даҳлизга кира туриб.

– Тепага кўтарилинг, – Керриден қоронғиликка қараб Ян ёки Ренли яқин орада панада яшириниб туришмаганига амин бўлгач, эшикни ёпди.

Жанна зинадан юқорига кўтарилди бошлади, Керриден эса унинг тикка гавдасига, аста тебранаётган тосига қараб, унинг кетидан келарди. Қиз меҳмонхонага кириб, камин олдида тўхтади.

– Шундай қоронғи тунда ярим кечада сизни бу ерда нима олиб келди? – остонадан туриб сўради Керриден. – Мен ётишга ҳозирланаётган эдим – кеча кечаси ёмон ухлаганман.

Аёл ундан кўзини олиб, ҳеч нарсани ўтказиб юбормасдан, ҳар бир майда нарсага эътибор бериб, хонани кўздан кечириб бошлади. Аёлни кузата турар экан, Керриден биринчи марта хонадаги жиҳозларнинг камбағаллигига – титилиб кетган гилам, пружинаси ўйнаб ётган кресло, усти доғ-дуғ столига эътибор берди.

– Озгина ичасизми? – тоқчадан жин шишасини олиб, кескин сўради у. – Қаердадир вермут ҳам бор эди.

Керриден аёлнинг бу ердалигидан асабийлашаётганини яшириш учун бироз ёлғиз қолгани ошхонага чиқиб кетди. Қўлида вермут билан қайтиб кирганида кўнглидаги безовталиқ босилган, бироқ асабларининг таранглиги ўша-ўша эди.

Жанна ҳали ҳам қимир этмай, индамасдан камин олдида турарди. Тишлари орасидан ҳуштак чалганча, Керриден стол устига бокалларни қўйди.

– Ўзингизни уйингиздагидек ҳис қилинг. Бу хилват жойни уй деб аташ қийин, албатта, бироқ менда бошқаси йўқ. – Керриден унинг оғирлигидан қисирлаб кетган креслога ўтирди. – Сизнинг соғлигингиз учун! – Керриден бир қултум ютиб, юзини буриштирди. – Очиғи, дабдала вермут экан...

Аёл ўзига узатилган бокални кўрмаётгандек эди.

– Сизнинг ваъда бериб, уни бузадиган одатингиз бор экан-а?

Керриден бундай очик хужумни кутмагани учун шошиб қолди, сўнгра кулди.

– Сиз мен ҳақимда ҳамма нарсани билиб олибсиз! – У узун оёқларини чўзиб юборди. – Бу тўғри. Мен ҳар доим ҳам ваъдамни бажаравермайман.

– Сиз бир ишни қилиб бериш тўғрисида келишасиз, пулини оласиз, сўнгра сизга топширилган ишни ташлаб кетасиз, – давом этди аёл. – Кун кечириш учун жуда осон пул топиш йўли, тўғрими?

Керриден бошини силкиди.

– Ҳа. Баъзан ҳатто жуда осон. – Керриден бепарволик билан жавоб берар экан, аёлнинг жуда хотиржамлигидан ажабланаётган эди. У аёл ғазаб билан унга ташланади, деб кутаётган ва агар у шундай қилса, хурсанд бўлган бўларди. Чунки бу ҳолда Керриден ўзига кўпроқ ишонган бўларди.

– Ва сизга пул тўлаганлар бутунлай умидиларини узадилар, шундайми?

– Ҳа, – қувноқлик билан деди Керриден. – Менга таклиф қилишадиган ишлар одатда махфий бўлади. Бироқ, сизларда менинг тилхатим бор, сизлар мени судга беришинглар мумкин, – кулиб, қўшиб қўйди у.

Жанна қўлидаги сигарета қолдиғини ўчириб, коктейлни қўлига олди ва бокал тепасидан Керриденга узоқ қараб турди. Керриден аёл бокалнинг ичидагини унинг юзига сепиб юборади, деб ўзини олиб қочишга тайёрланди. Бироқ аёл биттада бокалнинг ярмини бўшатдида, диван олдига келиб, ўтирди.

– Крю сизга бизнинг хужжатларимиз жойида эмаслигини айтган бўлса керак? Шундан келиб чиқиб, ўз-ўзидан биз Англияда яшаш ҳуқуқимиз йўқ, шундайми?

– Аслида, ҳа. Мен яна сизлар менинг тилхатимга ишонавермаслигини ҳам айтганман.

– Сиз Мэллорини қидирмоқчи эмассиз, шундайми?

Ҳозирги шароит олдингиларига ўхшамас эди. Бироқ Жанна бари-бир қочиб бўлмайдиган тушунтириб бериш дақиқасини яқинлаштирган эди, холос. Сал олдин, сал кеч – фарқи нима.

– Албатта, йўқ, – хотиржамлик билан деди Керриден.

– Агар бу сизларга керак бўлса, ўзингиз ўлдираверинглар. Ахир сизларнинг қўлингиздан келмагани учун бутунлай нотаниш одамни мен ўлдириб беришимни кутиш қулгили эмасми?

– Бироқ сиз пулларимизни индамай олдингиз-ку?

– Мен ҳеч қачон пулни рад қилган эмасман.

Керриден чўнтагидан сигарета қутисини олиб, қизга таклиф қилди. Жанна бир қадам ташлаб, қути ичидан бир дона сигарета олди. Керриден унинг ингичка қўли титрамаётганини сизди.

– Ким улардан менга мурожаат қилишларини сўраган экан? – давом этди Керриден. – Мени тинч қўйсангиз бўларди.

Жанна диваннинг суянчиғига суяниб, беғамлик билан оёқларини чалиштирди. Унинг бундай хотиржамлиги Керриденни саросимага сола бошлади.

– Сиз зарбага яхши дош бердингиз, – қизнинг жаҳлини чиқариш учун, деди у – Шунча пулни йўқотиш – ҳазилакам нарса эмас.

Қиз учрашганларидан бери биринчи марта жилмайди.

– Мени тентак деб ўйлаяпсизми?

– Йўқ, – кулиб эътироз билдирди Керриден. – Бироқ, ўта соддасиз.

– Тилхат сўраганим учун шундай деяпсизми?

– Тилхат билан пулингизни қайтара олмайсиз-ку.

– Албатта. Мен буни билардим. Тилхатни бутунлай бошқа нарса учун сўраганман.

Керриден сергак тортди. У бу одамларга баҳо беришда янглишмадими? Бошидан бошлаб унга ҳамма нарса силлиқ кетаётгандек туюлганди. Бироқ улар нима қила олишлари мумкин? Пуллар банкда...

– Қандай сабаб экан?

Жанна қўлидаги коктейлни тугатиб, унга бокалини узатди.

– Менга яна қуйинг.

Керриден ажабланганча яна коктейл тайёрлар экан, қиз гапида давом этди:

– Мен бу ерга сизни Мэллорини топишга кўндириш учун келдим.

Керриден хайрон бўлиб қошларини керганча, аёлга елкаси оша қаради.

– Кўндира оламан, деб ўйлаяпсизми?

– Ахир сиз рад қилмайсиз–ку? – Жанна олдинга энгашди. – У сотқин ва ўлимга маҳкум. Икки йил олдин сиз сотқинларни аямаган эдингиз.

– У сотқинми, сотқин эмасми, менга бари-бир, – деди Керриден қизга бокалини узата туриб. – Мен буйруқни бажарганман. Менинг у ёки бу эркак ёки аёлларга нисбатан ҳисларимнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ эди.

– Агар Пьерни билганингизда сиз иккиланиб ўтирмаган бўлардингиз, – деди аёл ва муштини шундай қисдики, бармоқлари оқариб кетди.

– Ҳа, мен уни танимасдим, – Керриден яна креслога ўтирди. – Дунёда Пьерлар сони мингта. Фақатгина сизлар бир–бирларингизни севганингиз учун...

Жанна бокални тушириб юбориб, сакраб ўрнидан турди. Кўзларидан учқун сачраётгандек эди.

– Сиз Мэллорини кидирасизми, йўқми? – важоҳат билан сўради у.



– Албатта йўқ, – ўзини ўнглаб олиб, бепарволик билан деди Керриден. – Ўзимни олов ичига отайми? Кечирасиз, бундай бўлмайди.

– Бу охирги сўзингизми? – жаҳл билан деди қиз: у бор кучи билан ичидан тошиб келаётган ғазабини босишга ҳаракат қилаётганди. Унинг кўкраклари кўтарилиб тўшар, ранги оппоқ оқариб кетган эди.

– Ҳа ва сиз ҳеч нарса қила олмайсиз. Қўлингизда менинг тилхатим бор, бироқ сиз судга мурожаат қила олмайсиз. Тўғри – Ян бор, ўйинчоқ пистолети билан, бироқ у менга тенг кела олмайди ва буни сиз ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Мен сизларнинг учалангиздан ҳам кўрқмайман! Пуллар менда ва мен уни сизларга бермоқчи эмасман. Мана, бўлди.

Жанна кутилмаганда тескари ўгирилиб, юзини ундан яшириб олди ва бир неча сония қимир этмай турди; сўнг-ра диван олдига келди. У ўтирганда Керриден аёл ўзига келиб олганини сезди. У энди нима бўлишини кутиб, сергакланди.

– Мен шундай бўлишини бошиданоқ кутган эдим. Бироқ Ренли нуқул сизга ишонишини айтган эди.

– У жуда ҳам ишонувчан, – аёлга диққат билан тикилиб, деди Керриден. У аёлнинг ғазабидан ҳам кўра хотиржамлигидан кўрқаётган эди. – Ренли ҳаммани ўзига ўхшатади, бу катта хато.

– Ҳа, катта хато. – Жанна ўгирилиб, камин устида осилган гравюрани томоша қила бошлади. – Бироқ бу сафар сиз охиригача боришингизга тўғри келади. Албатта, сиз ўз ихтиёрингиз билан қўшилсангиз бўларди, бироқ бунинг иложи йўқ ва биз сизни ваъдангизни бажаришингиз учун куч ишлатишга мажбурмиз.

– Зўр гап бўлди! – Керриден маза қилиб кулди.

Аёл унга ёнаётган кўзлари билан тикилди.

– Бу қуруқ кўрқитиш эмас. Биз сизга Мэллорини топишни топширганмиз ва сиз уни топасиз.

– Кизиқ, қаердан шунчалик ишонч?

Жанна бир оз жим турди ва Керридендан кўз узмай, секин деди:

– Крю ўлди.

– 3 –

Керриден Крюнинг сўзларини эслади: «Улар мени ўлдиришмоқчи деган фикр хаёлимдан кетмаяпти...»

Ҳозиргина эшитган гапидан Керриден дарров ўзига кела олмади: муздек тер босганини ҳис қилди. «Наҳотки мен уларнинг кучига етарли баҳо бермадим? Ёки у ёлғон гапираётганмикин?»

Керриден, ниҳоят ўзига келиб, қиздан сўради:

– У ўликми, тирикми, менинг нима ишим бор? Бу одам билан менинг ҳеч қандай боғлиқ жойим йўқ.

Қиз креслонинг суянчигига суянганча қўлидаги сигаретанинг кулини бармоғи билан ранги ўчган гилам устига черта бошлади.

– Сиз негадир яхши тушунмаяпсиз. Ўйлаб кўринг. Тирик Крю билан ишингиз йўқлиги ростдир. Бироқ ўлик Крю... Эҳе, сиз учун жуда катта аҳамияти бор!

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Крю сиз у ердан чиқиб кетганингиздан кейин беш дақиқадан сўнг отиб ташланган, – бепарволик билан деди Жанна. – Ҳали ҳам тушунмаяпсизми? Ўйлаб кўринг–чи!

Ўзидан кўра усталик қилишганини Керриден тушуниб турарди. Бироқ қандай қилиб? Қизнинг кўзларидаги совуқ тантана ифодаси унга ўзи ютқизганини айтиб турарди.

– Крюнинг тириги ҳам, ўлиги ҳам мен учун ҳеч нарса эмас.

– Улар бу гапга ишонимас керак.

– «Улар» деганингиз ким?

– Полиция–да, албатта!

Керриден энди тушунди ва ғазабдан қип–қизариб кетди. Пистолетда унинг бармоқ изларини топишади (Ян ўша пайтда қўлқопда бўлгани унинг ёдига тушди). Пул олгани тўғрисидаги тилхат эса исбот бўлади. У Крюнинг хонадонидан чиқиб келаётганини кўрганлар бор – тамаки дўконининг сотувчиси уни эслайди ва кўрсатма беради. Полиция мана неча йилдирки, унга ташланиш учун шароит бўлишини кутиб ётибди; уларга шу далиллар етарли бўлади.

– Ёлғон айтяпсиз! Крюни ўлдириш учун сизлар кўрқоқсизлар!

Жанна унга узоқ қараб турди, бироқ Керриденга жавоб қайтаришга арзимайдигандек, бир оғиз ҳам сўз айтмади. Керриден оёқларини чалиштириб ўтириб, сигарета тутатди, кейин эса сабрсизлик билан ўрнидан турди.

– Мени бу ишга аралаштиришга ҳаракат қила кўрманглар, – огоҳлантирди у. – Акс ҳолда ҳаммангизни ўзим билан тортиб кетаман.

– Бундай қила олмасангиз керак, – чиройли қўллари билан пешанасига тушган соч тутамини орқага тараб қўяр экан, секингина эътироз билдирди Жанна. – Крю билан бизнинг муносабатларимизни ким билади? Биз жуда эҳтиёткор эдик... Энди эса у ерда биз йўқмиз.

Керриден аёлга қараб туриб, иягини қашиди, сўнгра ўтирилиб, олдидаги коктейлни аралаштира бошлар экан, яна нима дейиш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади.

– Шунча гапни айтганингиздан кейин бу ердан хотиржам чиқиб кетаман, деб ўйламанг. Мен полицияни чакириб, бу ҳақда ўзимнинг фикримни айтиб, сизни уларнинг қўлига топширсам бўлди. Сиз бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрганмисиз?

– Жуда ҳам ақлли иш бўлмайди, – жилмайиб, деди Жанна. – Ақллироқ бошқа нарса топинг... Гапларингиз менинг гапларимга қарши. Улар мени ушлаб кетишла-

рига аминмисиз? Энг ёмони бўлганда менга бир неча ой қамоқ муддати беришади. Тўғрироғи, мени бу мамлакатдан чиқариб юборишади. Бироқ мен қайтиб келишим мумкин.

Аёл ҳақ, Керриден жуда ҳам ақлли гап қилмаган эди. У коктейлини майда-майда хўплаб, башараси тунд ахволда, тинмай нима қилишни ўйларди. Аслида шундай бўлиши табиий эди – бундай ўйинларда ҳар доим ҳам ютилавермайди. У эртами, кечми хато қилишини биларди. Энди ўзининг ютқизганини тан олиши ва, бу раунд охиргиси эмаслигига умид қилиши қолди.

– Яхши, – ўзини кулишга мажбур қилиб, деди Керриден. – Афтидан сиз менга бошқа йўл қолдирмадингиз, шекилли. Мен пулларингизни қайтараман. Сиз шуни хоҳлаяпсиз-ку, тўғрими?

– Йўқ, бизга пул керак эмас. Сиз уни олгансиз – энди ишни тугатинг, Мэллорини топинг!

– Жин урсин Мэллорини! – Керриден бақириб юборди. – Ўзингиз қидираверинг! Мен пулингизни эртага қайтараман.

– Сиз Мэллорини қидирасиз ёки пистолет билан тилхатингизни биз полицияга топширамиз. Танланг.

Керриден қотиб қолди.

– Ҳаддингиздан ошманг.

– Бу ерда ҳаддимизнинг борди-келдиси йўқ. Биз сизнинг қандай одам эканлигингизни тушуниб қолиб, эҳтиёт чорасини кўриб қўйгандик. Бошқа иложингиз йўқ, тушунинг.

Керриден яна жойига ўтирди. Агар бу одамлар Крюни бемалол ўлдира олишган бўлса, кўзларини юммай туриб, ҳамма айбни унга ағдаришлари ҳам мумкин.

– Ҳа, сизлар ютдинглар, шекилли, – тан олиб деди у.

– Бунга ўзингиз ёрдам бердингиз, – Жанна сигаретасини ўчирди.

– Крю–чи? Уни нима учун ўлдирдинглар? У сизларга ҳеч нима қилгани йўқ эди–ку!

– Бизнинг ишларимизга аралашининг хожати йўқ, – совуқкина қилиб деди Жанна. – Ҳеч ким бизнинг йўлимизга тўғаноқ бўла олмайди. Биз унга ишонмаётган эдик – бироқ сиз ўзингизни ақллироқ тутганингизда, биз уни ўлдирмаган бўлардик. Сиз бизни алдаган дақиқадан бошлаб, унинг иши ҳал бўлган эди. Бу нарса сизни назорат остида ушлаб туришимиз учун зўр имконият.

Бирдан Керриденнинг хаёлига, Жанна алдаётган бўлиши мумкин–ку, деган фикр келди. У Крюнинг ўлиб ётгани, аямай совуққонлик билан ўлдирилганини тасаввур қила олмаётган эди. Улар Крюни шунчаки яшириб қўйишган бўлса–чи?

– Сиз Мэллорини топишингиз шарт, – гапида давом этди қиз. – Сизда ҳамма маълумотлар бор. Биз аралашмаймиз, истаганингизча ҳаракат қилинг, бизга натижаси керак. Битта нарсани ёдингизда тутинг: сиз Мэллорини, албатта, топишингиз керак! Сизга уч ҳафта вақт берамиз.

– Кейин–чи?

– Агар топмасангиз, барча қилган ҳаракатларингизга қарамай топа олмадингизми ёки бизни чалғитдингизми, биз ҳал қиламиз Ҳамма нарса кўзда тутилган. Пистолет ва сизнинг тилхатингиз ишончли одамнинг қўлида. Агар бир ҳафта давомида сиздан ҳеч қандай хабар бўлмаса, ўша одам бу далилларни полицияга топширади. – Жанна Керриденга жиддий тикилиб туриб, гапини тугатди.

– Нега Ренли келмади? Ёки Ян? Нега сиз келдингиз?

Жанна худди бу савол ўринсиздек ҳаракат қилди.

– Ренли Крю ҳақида ҳеч нарса билмайди. Ян ўта асабий. Бундан ташқари, менга ортиқча одамнинг кераги йўқ.

– Демак, Ренли билмайди? Қотилликни эшитиб, хайратга тушади, шундайми?

– Балки. Бу муҳим эмас. – Жанна эшикка қараб юрди. – Сиз ҳаммасини тушундингиз. Алоқа қилиб тураминиз. Сизнинг ихтиёрингизда уч ҳафта бор. Мэллоридан эҳтиёт бўлинг: у жуда хавфли.

– Мен биринчи юра қолай, чироқни ёқиш керак, – деди Керриден.

У зинапоялардан тушиб, дахлиздаги чироқни ёқди ва ҳовлига чиқадиган эшикни очди. Юзига совуқ ҳаво урилди. Жанна тун қоронғилигига қараб, остонада Керриден билан ёнма-ён турарди.

– Биз ўз томонимиздан ваъдамизда тураминиз: Мэллорини топинг ва қолган пулни оласиз.

– Сиз ҳамма айтганимиз бўлади, деб катта кетманг, – ортиқ ғазабини ютиб тура олмай, деди Керриден. – Мен осонлик билан шантаж қилса бўладиган одамлардан эмасман ва яқин кунларда ўзингиз бунга амин бўласиз.

Унинг сўзлари қизга чақмоқдек таъсир қилди. Керриден илгари ҳам қизнинг совуққонлиги чин эмас, балки унинг ҳақиқий ҳиссиётларини яшириб турган никоб эканлигини сезган эди. Бироқ бу шунчалик ёввойиларча ҳислигини тасаввур ҳам қилмаганди.

Юзига чироқ ёруғи тушиб, Жаннанинг юзи бирдан ўзгарди: кўзларида яраланган ёввойи ҳайвоннинг кўзидаги каби ифода пайдо бўлди, сочлари ҳам тикка тургандек бўлди.

– Сиз эса мени алдаш осон эмаслигига амин бўласиз! – хириллаган товушда деди у. – Менга Мэллори керак! Ва мен учун сиз уни топасиз! Ҳа, ифлос ёлғончи, топасиз! Тутуриғи йўқ қахрамон! – Жанна охирги сўзни Керриденнинг кўзига қараб айтди. – Наҳотки сиз мени бошиданоқ сизнинг ўйин қилаётганингизни тушунмади, деб ўйлаяпсиз? Бироқ Мэллорини топишга ёрдам берса, мен учун ҳам барча йўл яхши, шунинг учун ҳам сиздан фойдаланишдан ор қилмаяпман. Уни топинг! – Қизнинг овози борган сари кўтарилар, кичкириққа айланиб кет-

ган эди. – Уни топинг, эшитдингизми! Акс ҳолда мен сизни аяб ўтирмайман! Арқонга осиласиз!

Керриден қизнинг ғазабдан кўкариб кетган юзига, ёнаётган кўзларига қараб ҳайратдан қотиб қолди.

– Мэллорини топинг! – хириллаган товушда деди қиз ва тун қўйнида ғойиб бўлди.

– 4 –

Плашининг белбоғини тақа туриб, Керриден ғазабини босиш учун аста кўшиқ айтарди. Биринчи бўлиб, Крюнинг чиндан ҳам ўлганига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар уни чиндан ҳам ўлдиришган бўлса, бу ялмоғиз айтганини қилишига шубҳа қилмаса бўлади. Бошиданок у қизнинг хавfli эканидан гумонсираётган бўлса, энди унинг эс-ҳуши жуда ҳам жойида эмаслигига ишона бошлаган эди. Крю қиз ҳақида «Кутурган» деган эди. Афтидан, чиндан ҳам шундай, шекилли.

Керриден шляпасини кўлига олди ва чироқни ўчирмай, ташқарига чикди. Агар унинг кетидан кузатишаётган бўлса, уни уйда экан, деб ўйлай қолишсин. У пастга тушиб, кўча эшикни очди ва тун қўйнида ғойиб бўлди.

Ярим соатдан сўнг Керриден кўзлаган жойида эди. Ифлос ва ҳўл кўчалар жим-жит, тамаки дўкони ҳам эрталабгача ёпик, Крюнинг квартираси ҳам қоронғилик қўйнида эди.

Керриден эшик олдида тўхтаб, эшик қулфини кўлидаги фонарь билан ёритди. У ҳар қанақа қулфни оча олар, бу қулфни очиш эса умуман осон эди. Бироз уриниб у эшикни очди. Бурнига гул хиди урилди. Ва яна бундан ташқари битта хид – порох хиди ҳам бор эди.

Керриден атрофга қулок солиб туриб, меҳмонхонага кирди ва кўлидаги фонарь ёруғида атрофни қарай бошлади. Ҳеч ким йўқ. Дераза дарпардалари туширилган бўлиб, полда лолаларнинг тўкилган гулбарглари ётарди.

Нариги хонадан чироқ ёруғида каравот, кресло, пардоз столчаси, кийим шкафи, сўлиб қолган нарғиз гуллари турган ваза ва илгақда осиглиқ кўк ипак халат кўриниб турарди. Керриден фонарь ёруғини пастга қаратди. Қўй терисидан қилинган гиламча устида ёнбошлаб, Крю ётарди.

Керриден чуқур нафас олганча жасадга яқинлашиб, энгашди. Маузернинг ўқи Крюнинг пешонасининг қок ўртасида кичкина тешиқ қолдирган эди. Ян, афтидан, кутилмаганда отган, шекилли, чунки марҳумнинг юзида на ҳаяжон, на кўрқув ифодаси бор эди. Уни ухлаб ётибди, деб ўйлаш мумкин эди.

Керриден тескари ўтирилди. Унинг хавотири тасдиғини топган эди: у ортиқ бу ерда бир сония ҳам қолишни истамади. Керриден ўлган одамнинг жасадини биринчи марта кўраётгани йўқ эди, бироқ бу қотиллик уни бепарво қолдира олмади. Қизиқ, жасад ҳали яна анча ётармикин? Тамаки дўконининг сотувчиси уни эслаб қолмаса эди... Хуллас, ҳаммаси жасадни топишганидан сўнг маълум бўлади. Аслида, бу ерга келиши керак эмас эди. Бу унинг навбатдаги хатоси бўлди. Жанна ҳазил қилмаётганини тушуниб етиши керак эди. Агар Керриденнинг бу уйдан чиқаётганини кўриб қолишса...

Керриден қўлидаги фонарни ўчирди ва диққат билан қулоқ осланча, нафасини ютиб, қотиб қолди. Қўшни хонада чиндан ҳам паркет қисирладими ёки унга шундай туюлдими? Сониялар жуда секин ўтарди... Керриден бир қадам ташлади, яна тўхтади ва бу сафар қисирлаган товушни аниқ эшитди. Агар у шунчалик диққат билан қулоқ солмаганда, бу товуш кўчадан келаётган шовқин ичида йўқ бўлиб кетган бўларди.

Қоронғилик қуюқлашгандек эди. Керриден қўлини чўзиб, эшик тутқичини топа олмади. У яна бир неча сония бўшлиқни пайпаслади ва бирдан, хонага кираётганда ёпган эшиги ҳозир ланг очиклигини пайқаб қолди.



Меҳмонхонада кимдир бор!.. Керриден фонарини тайёрлаб, олдинга қараб юрди. Сўнгра қоронғиликдан овоз эшитилди:

– Ренли, бу сенми?

Овоз қай томондан келгани номаълум бўлиб, ўзининг арвоҳ каби шивирлаши билан одамда титроқ уйғотарди.

– Бу ерда ким бор? – бақирди Керриден. Ва шу заҳоти ўзини ҳимоя қилиш инстинктига бўйсуниб, бир тиззасига йиқилди.

Хонани кўзни олгудек ёруғлик кесиб ўтди. Керриденнинг ёноғини ўқ ялаб ўтди. У қандайдир ноаниқ бир шарпани кўришга улгурган эди. Кейинги ўқни кутиб у полга ётиб олди, бироқ эшик ёпилгани ва кимдир зинадан пастга югуриб кетганини эшитиб қолди.

Керриден қонаётган юзини ушлаб, секин ўрнидан турди. Овози ва қоронғида мерганлик билан отганига қараганда бу Мэллори бўлиши мумкинлигини тахмин қилди.

## 5-БОБ

- 1 -

Қизнинг ҳеч қандай белгиларини билмагани ҳолда Керриден Рита Алленни бир кўришда таниди. Аттормлик моллари бўлимида учта сотувчи қиз ишлар, улардан биттасигина Мэллорининг таниши бўлиши мумкин эди, чунки қолган икки аёлнинг ёши тўғри келмас эди. Уларнинг ёнида Рита ёшлик ва мусаффоликнинг тимсоли бўлиб кўринарди. Бир-бирларига ёвқараш қилишларига қараганда, Рита ва унинг шериклари ўзаро жуда ахил эмаслиги кўриниб турарди.

Қолган икки аёлни ҳали кўрмай туриб, ёрқин қилиб бўяниб олган, тирноқлари қип-қизил малларанг кизни кўриб, Керриден айнан шу қиз Рита Аллен эканлигини сизди. Ғирт аёлларнинг бўлими бўлган бу жойда Керриден ўзини ноқулай ҳис қилаётган эди. Унинг оловранг сочлари ва кенг елкалари нозик ичкийимлар ёнида жуда эриш кўринаётган эди. У Рита Алленга қарар экан, уларнинг кўзлари учрашди ва йигит қизнинг кўзларида тадбирли қизиқишни кўрди, у ўзининг гавдаси ва кўришига эътибор билан қараб қўйганини кўриб, иши осон кўчишига ишонч ҳосил қилди.

Пештахта олдида ҳеч ким йўқ эди. Ёлғизгина бир мижоз – юзлари нозикдан келган кекса бир аёлга хизмат кўрсатишаётган эди. Керриденни кўриб кекса аёл хижолатликдан қизариб кетди вақўлидаги тасма ва тўрлар билан ясатилган ниманидир дарров яширди. Сўнгра унинг олдига йўл-йўлакай сочларини тўғрилаб, қип-қизил лаблари биланжилмайганча Рита Аллен келди.

– Сизга ёрдам керак эмасми? – сўради у.

Керриден қора ипак кўйлак остидаги вужуднинг келишганлиги ва эпчиллигини дарров ҳис қилди. Қиз ўт

тизларда бўлиб, етилган, эркак ва кийим ажрата оладиган ёшда эди.

– Керак. Мен бир жуфт пайпоқ сотиб олмоқчи эдим... Бироқ улар фақат талон бўйича сотилади, шекилли, а?

Керриден қиз унинг костюмининг, тилла соати ва нозик чармдан тикилган туфлисига уларнинг нарҳини тахмин қилаётгандек қараётганини хис қилди.

– Афсуски, шундай! – Рита кулиб юборди. Унинг кулгиси чиройли бўлиб, Керриден ҳам беихтиёр қўшилди.

– Демак, йўқ, – хафа бўлгандек, деди у. – Биласизми, мен бир ишим тушиб турган одамнинг хотинини ўзимга қаратмоқчи бўлгандим. Бироқ, афтидан талонларингиз йўқ, шекилли.

– Афсус, – чин кўнгилдан афсусланиб деди Рита. – Бирорта бошқа нарса қарашингизга тўғри келади. Фақат, ҳозирги пайтда совға танлаш осон бўлмай қолди.

– Ҳа, ўзим билан бирорта нарса олиб олсам булар экан, бироқ бу кемада кетаётганимдагина хаёлимга келди. – Керриден ичкийимлар қўйилган витринага қараб қўйиб, кейин майинлик билан жилмайди. – Эҳ, бу бўлимга келгунча қанча тайёрланган эдим, бари бекор бўлди!

– Унга сумкача сотиб ола қолинг, – Керриденни кўпроқ ушлаб туриш мақсадида таклиф қилди Рита.

– Майли бирор нарса топарман... – Керриден сотувчидан ҳайрат тўла кўзларини уза олмай, хижолатлик билан қўлидаги шляпасини ғижимлай бошлади. – Нима бўлганда ҳам, бу ерга кирмаганда сизни учратмаган бўлардим. Иккаламиз бир учрашсак бўлмайдими? Агар кечқурун магазинингиз ёнида айланишиб қолсам, бир кўришга умид қилсам бўладими?

Кизнинг хаворанг кўзларидан учқун чиққандек бўлди, бироқ у жилмайиб, бошини тебратди.

– Ҳеч ҳам. Мен бетоналар билан учрашувга чиқмайман.

– Тушунаман... Балки пулини қаерга сарфлашни билмаётган четдан келган бир одам учун истисно қиларсиз? Қиз яна бошини тебратди, бироқ бу сафар бўшашгандек эди.

– Иложи йўқ, деб кўркаман.

– Афсус, – хўрсинди Керриден. – Албатта, сиздек қизнинг харидорлари кўп бўлса керак. Ҳар бир оқшомингиз банд бўлса керак...

– Вой, айнан шундай эмас. – Қиз бир сонияга жилмайишдан тўхтади ва унинг кўз қараши ҳам қаттиқлашди. Агар Керриден қизни диққат билан кузатиб турмаганда буни сезмаган ҳам бўларди. – Наҳотки мен нотаниш эркаклар билан бемалол учрашиб юрадиганларга ўхшайман?

– Унда танишамиз! Агар кечқурун бўш бўлсангиз, иккаламиз бирга вақт ўтказсак нима бўлибди? Менинг исмим Стив Хенли. Сизникичи?

– Рита Аллен. Бироқ мен чиндан ҳам...

– Яхши, яхши, безовта қилиб қўйганим учун узр. Сизни кўрганимда шунчаки хаёлимга... Биласизми, бегона шаҳарда ёлғиз ўзим... Афсус...

Эркак ўзининг гапларини жуда ҳам жиддий қабул қилиб қолишидан кўркқан қиз шоша–пиша деди:

– Чиндан ҳам жуда бечорага ўхшаб кўриняпсиз, раҳим келиб кетяпти... Майли, фақат сиз учун! Бироқ мен ҳозир ўз эътиқодларимдан четга чиқяпман. Аслида эркаклар билан танишишда жуда қаттиққўлман.

Керриден жилмайди ва қиз ҳам унга мулойим жилмайиш билан жавоб берди. Рита ўзининг енгилтак эмаслигига ишора қилгандан сўнг, бошқа ҳеч қандай қаршилиқ йўқ эди.

– Демак, келишдикми?

– Сиз мен учрашаётган биринчи америкалик эмасиз. Очигини айтганда, сиз америкалик эркаклар аёллар кўнглига йўл топишни биласизлар!

– Чиндан ҳам. Кечқурун соат саккизда «Савоя» бариди. Келишдикми?

– Келишдик.

Кизнинг келишига Керриденнинг ишончи комил эди. Ҳаммаси у тахмин қилганидан ҳам осон кўчди. Пикадилли–Серкус майдонига кета туриб, Керриден бир нарсани ўйлаб қолди: Гаррис Ритани учрашувга таклиф қила олганмикин? Агар қила олган бўлса бу йигит фойдасига бўлмабди. Бироқ Керриден ўзига ишонарди. Унинг ҳаёти ҳовузда тугамайди.

– 2 –

– Меникига кетдик, – Керриденнинг қўлини қиса туриб, шивирлади Рита. – Мен бугунги кечанинг тугабини хоҳламаяпман... Шундай ажойиб кеча...

– Гапингга қўшиламан, – қизга оёғида туришга ёрдам берар экан, деди Керриден. – Сеникига бўлса сеникига-да. Қаерда яшайсан?

– Узоқ эмас – Уимблдонда. Таксида кетамиз. – Рита Керриденнинг пинжигга кирди. – Мен мастман-а? Мастга ўхшаяпманми?

– Бўлиши мумкин, – жавоб берди Керриден. Осонми? Беҳисоб коктейл, бир шиша шампан виноси ва учта катта порция бренди! – Мен ҳам жуда хушёр эмасман.

– Сен жуда ажойиб экансан, Стив. Сен билан учрашувни рад қилмаганимга хурсандман. – Қиз бор кучи билан Керриденнинг қўлини сиқиб, бошини унинг елкасига қўйди. – Пул ишлатишни биладиган эркакларни яхши кўраман. Кўпчилик эркаклар бирам хасиски... Иккаламиз вақтни зўр ўтказдик-а?

– Бўлмаса-чи! – тасдиқлади Керриден ва ўтиб кетаётган таксига қўл кўтарди. Ҳайдовчи машинани тўхтатар экан, Керриден ҳозиргина қиз билан ўтказган зиёфатни кўз олдида келтирди.

Барда ўтирган эркакларнинг бари Ритага кўз ташлашди: у ерда бўлган аёллар ичида Рита энг чиройли ва эркакларни ўзига тортадигани эди. Шунга қарамай, Керриден жуда зерикди. Бўлар–бўлмас гапларни гапириб ўтириш ва ўзини ўйноқи тутиш уни жуда чарчатган эди. Энди ҳозир ўлгудек чарчаган ва асабийлашган Керриденнинг биргина орзуси – уйга тезроқ етиб келиб Ритадан Мэллори ҳақида сўраш эди. Ҳозирги вазиятдан у шунчалик чарчаган эдики, Мэллори ҳақида бирор нарса била оладими, йўқми, фақат ундан Рита билан яқинлик қилишни сўрашмаса бўлди эди.

– Меникига борганимизда яна ҳам яхшироқ бўлади!  
– Керриденнинг хаёлидагиларни уққандек, деди Рита ва бекор пул сарф қилмаганига ишора қилгандек, яна унга ёпишди. – Менга ишонасанми?

– Бўлмаса–чи, – машина эшигини очаётиб, деди Керриден. – Қаёққа юрамиз?

Рита уйининг манзилини айтиб, чуқур нафас олдида, ўриндиққа ўзини ташлади.

– Таксида юришни яхши кўраман... Мени қаттиқроқ кучоқлагин.

Сўнгра қўли билан Керриденнинг сочларидан ушлаб ўзига тортди ва лаблари билан унинг лабини қидира бошлади.

Кизни ўпа туриб Керриден кўзининг кири билан хайдовчи билан улар орасидаги тўсиққа қаради. Бу гурбазанинг рекламаси бўлиб, унда кўл ваплот устида йигити билан кучоқлашиб турган чўмилиш кийимидаги чиройли қиз тасвирланган эди. Плакатда «Маза қилиб дам олинг» деган ёзув бор эди... Кучоғидаги малласоч аёл инграганча унга яна ҳам маҳкамроқ ёпишди. Шў «дам олиш»ми? – хўрсиниб ўйлади Керриден. Ёнида ўтирган аёл унга ёқмас, Керриден унга интилмаётган ҳам эди. Бироқ у ролини охиригача ўйнаши керак эди. Рита ўзини олмагунча у кизни кучоғидан қўйиб юбормади.

– Яхши... – хўрсинди қиз . – Сен жуда ажойибсан, Стив, – унинг кўзлари юмилди. – Мени шундай ушлаб ўтиргин. Уйкум келяпти.

– Майли, ухлай қол, – Керриден тескари ўтирилиб, лабини қўли билан артиб ташлади. Ва қўшиб қўйди: – Мен қочиб кетмайман.

Уни ҳайрон қолдириб, Керриденнинг елкасига суянганча, Рита чиндан ҳам ухлаб қолди, йигит эса такси ойнасидан қараб кетаётиб, Гаррис ҳақида ўйларди: Рита балки уни ҳам азизим, деб атаб, ўпиш учун ўзига тортгандир.

Нима бўлганда ҳам, Гаррис ўлган. Уни, афтидан Ританикидан чиқиб кетаётганида ўлдиришган бўлса керак. Керриден плаши остидаги револьверини пайпаслаб қўйди. Мэллори унинг ҳисобига янглишяпти – у Гаррис эмас.

Тун соат иккиларда такси Уимблдондаги кичкина ёлғиз уйлардан бирининг олдида тўхтади. Ҳайдовчи эшикни очганда Рита ўрнидан кўзғалиб, тезгина сочларини тўғрилади.

– Яхшимисан? – қизга машинадан чиқишга ёрдам берар экан, сўради Керриден.

– Ҳа. Брендининг охириги порцияси ортиқча бўлди, – Керриденнинг қўлини сиқиб, хиринглади қиз. – Худога шукр, ҳозир яхшиман.

Такси ҳайдовчиси билан ҳисоб–китоб қилар экан, Керриден Ританинг уйдан юз метрлар нарида дарахтлар билан ўралган катта ҳовузни кўрди. Гаррисни топишган ҳовуз шумикан?

– Тезроқ юр, – Рита унинг қўлидан тортди. – Мен ичгим келяпти.

– Сен ёлғиз ўзинг яшайсанми? – қизнинг изидан қоронғи даҳлизга кирар экан, сўради Керриден.

– Ҳа, бутунлай ёлғиз, – Қиз кулди. – Ажабланияпсанми?

– Бироз. Битта одам учун квартиранг қулай экан.

– Кирсанг–чи!

Рита уни меҳмонхонага олиб кириб чироқни ёқди.

«Ишқ уяси», ҳаёсизларча ўйлади Керриден. Хонадаги асосий жиҳоз диван эди. Эшик рўпарасида шиша ва бокаллар териб қўйилган буфет бор эди. Радиатор олдида катта тебранма кресло турарди. Полга ажойиб хитой гилами солинган, шипни эса иккита чироқ қахрабо нурлари билан ёритиб турарди.

– Уйинг шинамгина экан! – шляпасини диван устига отиб, деди Керриден.

– Ҳа, – жавоб берди Рита, – шинам...

Қизнинг овозида бирдан алам оҳанги янграганини сезиб, Керриден унга тикилиб қолди. Қиз буфет олдида туриб, қотиб қолган назар билан диванга қараб турарди.

– Хўш, сен нима ичасан? – бирдан ўзига келгандек, сўради Рита. – Фақат уйимнинг ҳамма хонаси шундай жиҳозланган, деб ўйламагин. Бу хона – ўзига хос.

– Менга скотч. Ўзим тайёрлайман... Бу ернинг нимаси ўзига хос?

– Ўтир. – Қиз ўз бокалига ичкилик солиб, буфетга ўрнатилган кичкина музлатгични очиб, муз олди. – Ўзига хос эмасми? Мен бу ерни «Ҳаракатлар театри» деб атайман. – Қиз елкасини қисди. – Биламан, мен ҳам ҳамма кабиман... Одатда шундай дейишади–ку, тўғрими?

– Нима тўғрисида гапиряпсан? – ҳайрон қолгандек сўради Керриден.

– Ҳеч нарса. Ҳаммаси яхши. – Қиз кутилмаганда жилмайди. – Мен бир зумда кийимимни алмаштириб чиқаман. Дам олиб тур.

«Бу гапни неча марта эшитганман!» – ўзига скотч қуяр экан, ўйлади Керриден. У таниган қанчадан–қанча яхши хулқли аёллар эртами–кечми шу гапни айтганлар! Қиз ҳозир хонадан чиқиб келади ва бир неча дақиқадан сўнг унинг эркалашини истаб қолади... Бу фикр унга ёқимсиз



бўлиб кетаётган эди ва у хўмрайганча у бурчакдан бу бурчакка қараб юра бошлади. Хона уни қизиқтирмаётган эди: бу ерда Мэллорига олиб борадиган ҳеч нарса: на шкаф, на қутилар бор эди.

Иккинчи қаватдан Ританинг қадам товушлари эшитилди ва Керриден даҳлизга чиқиб, чироқни ёқди ва бошқа хонага кўз ташлади. У ерда яланғоч полни қалин чанг босиб ётарди. Чиндан ҳам ҳамма хоналар ҳам меҳмонхонага ўхшаб ажойиб эмасди. Қизиқ, бу ерда яна нечта бўш хона бор экан?

Хонага Рита кириб келганда Керриден креслода тебраниб ўтирарди. Ёрқин қизил рангдаги ипак халат кийиб олган қиз Керриден унга яхшилаб қараб олиши учун остонада тўхтади. Бироқ Керриден ўз олдида фақат юзи бўялган қўғирчоқни кўраётганди, холос.

– Ажойиб! – Керриден қизни кўзлари билан дивангача кузатиб қўйди. – Ўтир, мен сенга ичишга нарса тайёрлаб бераман.

Рита ўтириб, у томонга ўтирилди; халатининг этаги унинг чиройли узун оёқларини кўрсатиб, очилиб кетди.

– Бир неча соатгина бурун биз бир-биримизни танимасдик! – хитоб қилди қиз.

Керриден жиддийлик билан бошини силкиб, қизга бокалини узатди.

– Шундай уйинг бўла туриб, нега магазинда ишлаб юрибсан?

– Яшаш керак-ку, – ўзини оқлаётгандек, деди Рита.

– У ерда шунақа яхши тўлашадими? – уйнинг жиҳозларини кўрсатиб, сўради Керриден.

– Албатта йўқ! Шунчаки мен ҳеч кимга қарам бўлишни истамайман. Етар бу ҳақда гапириш. – Рита унга қўлини узатди. – Бу ёққа кел, ёнимга ўтиргин.

Керриден ортиқ кутишни истамади. У бу ерга иш билан келган. Энди ишини бошлаши керак.

– Чекасанми? – портсигарини узатиб, таклиф қилди Керриден.

Хайрон бўлган қиз, бир оз жаҳл билан сигарета олди ва шунда Керриден қиздан кўзини узмай чўнтагидан гугурт қутисини олиб, чўпини бош бармоғининг тирноғига ишқалади. Бу трюк Ритага таниш эди – у енгил титраб кетиб, Керриденга қаради.

– Қизиқ-а? – қиз сигаретасини чека бошлаганда сўради Керриден. – Менга буни уруш пайтида танишганим бир йигит Францияда ўргатган эди.

– Наҳотки? – Рита унинг қўлини қўйиб юбориб, хотиржам кўринишга уринганча ёстиққа суянди.

– Қизиқ, баъзида арзимаган кичкина нарса ҳам одамда хотиралар уйғотади... Мен сенга гапираётганим ўша йигит учувчи эди. Биз у билан ҳарбий асирлар лагеридан қочгандан кейин танишган эдик.

– Уруш ҳақида гапирмайлик, – гап қўшди Рита. – Кел, яхшиси ўзимиз ҳақида гаплашамиз.

– Келишган йигит эди, – қизнинг сўзларини эшитмагандек, гапиришда давом этди Керриден. – Мен тез-тез ўзимдан «Унга нима қилди экан?» деб сўрайман. У томоғидан яраланган, шунинг учун шивирлаб гапирарди. Бир куни у менга катта ёрдам берган эди. Ўша йигитни яна бир кўришни жуда хоҳлайман.

Рита кўзларини юмиб олган, қалин қилиб сурилган пардоз воситаси остидан ранги оқариб кетгани кўриниб турарди.

– Ҳа, мана яна нима! У бир куни учрашиб туришлари учун суйган қизига деб уй ижарага олгани ва уни жиҳозлагани тўғрисида гапириб берган эди. Ва яна ўша пайтда кам учрайдиган қимматбаҳо нарса – музлатгичи бор буфет тўғрисида ҳам айтиб берганди. – Ританинг асабийлаша бошлаганини кўриб, Керриден жим бўлди ва сўнгра яна давом этди: – Мабодо сен у билан таниш эмасмисан? Унинг исми Брайан Мэллори эди.

Кўчадан шовқин билан машина ўтиб кетди. Кўшни уй олдида тўхтаб, эшиклари очилиб-ёпилди. Эркак кишининг қувноқ товуши эшитилди:

– Раҳмат, қария! Адашиб қолмассан-а? Тўғри кетаверасан ва ўнг қўлдаги иккинчи қайрилиш. Вокзал шундоқ тепалик этагида.

– Азизим, бунчалик бақирмагин! – қичқирди аёл. – Бутун кўчани уйғотасан. Берти ўзи йўлни билади... Тўғрим, Берти?

Ишлаб турган мотор овозини бошқа эркак товуши босиб кетди.

– Хавотир олманглар. Майли, учрашгунча!

– Яна бир карра раҳмат, қария! Зўр бўлди, вақтни зўр ўтказдик! Таклиф қилиш энди менинг навбатим!

Машина эшиги ёпилди.

– Хайр!

– Хайр, Берти! – чийиллади аёл.

– Хайр, болалар! Эҳтиёт бўлинглар, кейин онангизга айтиб бўлмайдиган иш қилиб ўтирманглар!

Мотор товуши эшитилиб, машина жўнаб кетди. Жимликда Ританинг овози ғалати жаранглаб эшитилди.

– Демак, сен ҳам шуларнинг биттасимсан? – У энди тўғри ўтириб олган, халатининг этагини бармоқлари билан ғижимларди. – Мен сезишим керак эди... Худойим, қанчалик тентак бўлибман-а!

Киз зўрға дивандан туриб, Керриденнинг олдига келди.

– Нега ахир мени тинч қўймайсизлар?! – У зўрға нафас олар, кўзлари ғазаб ва қўққувдан олайиб кетган эди.

– Мен бу ходисага алоқадор бўлиб қолишни истамайман.

– Сен томоғингача бу ботқоққа ботиб бўлгансан, – совуққонлик билан эътироз билдирди Керриден. – Гаррисни ўлдиришди.

Қиз қўлини оғзига олиб бориб, тинмай бақирганча, бармоқларини тишлай бошлади.

– Эшитишни ҳам истамайман!.. Ҳеч нарса билмайман!.. Мэллори мен учун ҳеч ким!

– Йўқ, қушча, сувдан қуруқ чиқиб кета олмайсан...– Қиз орқага тисарила бошлар экан, Керриден уни қўлидан ушлаб олди. – Гаррисни ўлдириб кетишди.

Рита унинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлди. Унинг рангсиз сочлари түзғиб, юзларини ёпиб қўйди. Керриденнинг қўлидан чиқа олмаслигини тушуниб, у йиғлай бошлади.

– Мени тинч қўй! Нималар деяпсан, тушунмаяпман... – ингради у. – Уни ўлдиришмаган, у ўзини ўзи ўлдирган. Газеталарда шундай ёзишган. Менинг бунга алоқам йўқ!

Керриден унинг елкасидан ушлаб қаттиқ силтади.

– Уни Мэллори ўлдирган. Гаррис сеникига келган, Мэллори эса бу пайтда уни кутиб турган... Ва сен энди «менинг ҳеч қандай алоқам йўқ!» деяпсанми?!

Рита яна унинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлди.

– Сен ақлдан озибсан! – қичқирди у. – Бу ерда Мэллорининг арвохи ҳам йўқ эди!.. У тентак ўзини ўзи ўлдирган!

– Сен шундай деяпсан, бироқ мен уни Мэллори ўлдирганини биламан. Агар сен бу ишга аралашмаган бўлсанг, яхшиси у қаерда яширинганини айт!

– Бу Гаррисларингиз ҳам шуни билмоқчи эди. Энди унга нима бўлганини ўзинг кўр! – Рита алам билан қўлини мушт қилди. – Уни Мэллори ўлдирган деган гапни қаердан олдинг?

– Мэллори қаерда? – ўдағайлади Керриден.

– Онт ичаман: ҳеч нарсадан хабарим йўқ! – Қиз кўзлари аланг–жаланг қилганча хонани кўздан кечирди. – Менинг ҳеч қандай алоқам йўқ!

– Бу гапларинг ёрдам бермайди, азизам! Нима бўлганда ҳам – менгами ёки полицияга – барибир гапиришингга тўғри келади... танла.

Полицияни эшитиши билан Ританинг ранги оқариб кетди ва секин тиззасига ўтириб олиб, йиғлай бошлади:

– Мен қаердан биламан?! Мен чиндан ҳам у ҳақида ҳеч нарса билмайман. – Қиз Керриденнинг қўлини ушлаб, унга бармоқларини ботирди. – Мен шундай туга-шини билардим! У билан борди–келди қилишим керак эмасди. Қандай тентаклик!.. Аввалига мен уни севардим, у менга уйланади, деб ишонгандим. Шунинг учун унга ўзимни бахшида қилгандим... Ҳа, унинг бир оғиз ширин гапини эшитиш учун мен ҳамма нарсага тайёр эдим!.. Бироқ меҳр дегани унга бегона ҳис эди.

Энди Ританинг оғзидан гап қуйилиб келаётган эди.

– У шу уйни сотиб олиб, мен билан маслаҳатлашмай ҳам хоналарни жиҳозлабди. Кейин эса менга шу уйда яшашимни айтди. Мен унга гап қайтара олмадим, ҳаддим сиғмади. Олти йил шу тарзда давом этди. Олти йил у мен билан нима қилса қилди, мендан кўча қизидан фойдалангандек фойдаланди. Унинг жонига тегмагунча шундай давом этаверади. У менга бир чақа ҳам бермайдди. Агар дўстларим бўлмаганда...

Керриден сабрсизлик билан ғимирлади.

– Етар. Эшитишни ҳам истамайман. Фақат унинг қаердалигини айтсанг бўлди. Сендан фақат шугина керак.

Рита сакраб ўрnidан турди.

– Ўша тентак ҳам шуни билмоқчи эди, энди эса сен уни ўлдиришди деяпсан. – Қиз даҳшат билан деразани кўрсатди. – Уни ўша ерда... ҳовуздан топишди. Полиция ва тез ёрдам машинаси келди. Мен чойшаб ёпилган замбилни кўриб нима гаплигини тушундим... Фақат мен у ўзини ўлдирган, деб ўйлагандим. Куйинганимдан, ақлдан озай деб қолгандим... – Қизнинг овози қичқирикқа айланиб кетди. – Мэллорини тинч қўй! У бахтсизлик олиб келади! Эшитяпсанми? У бахтсизлик келтиради!

– Тинчлан, – совуққина қилиб, деди Керриден. – Агар унинг қаердалигини билсанг, айт.

– Сизлар ҳаммангиз унга қаршисизлар-а? – сўради Рита бирдан унинг қўлини қисиб. – Анави қиз, берет кийиб олган паст буйли эркак? Мен уларни деразадан кўргандим – ҳовузга келишган эди. Сен ҳам уларнинг биримсан? Сизларнинг олдингизда унинг нима айби бор?!

– Бу сенинг ишинг эмас. Саволга жавоб бер: Мэллори қаерда?

Бироқ қиз Керриденнинг гапларини эшитмай, гапида давом этди:

– Сени магазинда кўрганимда улардан бири бўлишинг мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Сен менга меҳрибонлик қилдинг, зиёфат қилдинг ва яна ўзинг ҳаммасини буздинг. Мен қандай ҳаёт кечиришимни сен тушунаридинг!.. Менга ўлгудек пул керак. Яна озгина ва мен кўча аёлига айланиб кетаман. Ҳаммасига айбдор ўша!.. Мен камтаргина, тоза қиз эдим. Нима бало бўлиб уни учратиб қолдим... – Қиз Керриденнинг қўлини силади, йигитнинг эса кўнгли ағдарилиб кетди. – Бундай келишган ва сахий эркакни ҳар доим ҳам учратавермайсан... Ҳаммадан ёмони чоллар...

Керриден ирганаётганини яшира олмай, ўрнидан туриб кетди ва буфет олдига бориб, бир кўтаришда бокалини бўшатди ва хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади.

Рита бирдан ўзига келиб қолиб, шубҳали назар билан Керриденни кузата бошлади. Керриден бирдан тушуниб қолди: ахир қиз ундан пул кутяпти! Шу пайтгача бунга ақли етмаганига жаҳли чиқиб кетди.

– Мэллори қаерда яшириниб ётганини айтсанг ўн фунт оласан, – чўнтагидан ҳамёнини олар экан, ваъда берди у.

– Бирок мен чиндан ҳам билмайман, – пулдан кўзи ни узмай, деди қиз. – У ўзи ҳақида ҳеч нарса айтмайди, керак бўлганда кўнғироқ қилади. Мен ҳатто унинг манзилини ҳам билмайман.

Керриден елкасини қисди. Унинг сабри тугаган эди. Қизнинг қарашидаги очофатлик, хонадаги шахвоний бир кайфият – ҳаммаси унинг асабига тега бошлаган эди.

– Нима қиламиз, йўқ бўлса йўқ–да. – Керриден ҳамёнини йиғиштира бошлар экан, қизнинг ялинчоқ назарига кўзи тушиб, тўхтади. – Ўйлаб кўрдингми?

– Менга пул керак эмас, деб ёлғон гапирмоқчи эмасман. Ҳафтанинг охиригача бир чақам ҳам йўқ... Йўқ, менга пул жуда керак!

– У ҳолда бу пулни ишлаб қолишга ҳаракат қил, – қўпол товушда тўнғиллади Керриден. – Мэллори сенга ёзиб турармиди?

–Ҳа, бир марта, биринчи учрашувимиздан сўнг, – бир оз иккиланиб, жавоб берди Рита. – Ва ўшандан бери бошқа ёзмаган.

– Манзили албатта, конвертда ёзилмаган бўлса керак?

– Ҳа.

– Почта штампчи–чи?

– Эсимда йўқ.

– Бўлмаган гап! Сен бунга эътибор бермаган бўлишинг мумкин эмас! Хат қаердан эди?

– Данбардан эди, – сўниқ товуш билан деди Рита.

– У ерда таътилда эдимми?

– Билмайман.

–Агар бу пулларга эришишни истасанг, аниқроқ жавоб бер.

– Сен мени алдасанг–чи?

Қизнинг кўзларида қизғанчиқлик ифодаси чарақлагандек бўлди ва Керриден кўҳна мутахассислик

Ритада ўз изларини қолдирганига амин бўлди. У Ританинг олдига беш фунтлик қоғозни ташлади.

– Ҳозирча мана буни олиб тур. Қолганини менга керак нарсани айтганингдан сўнг оласан.

Қиз шоша–пиша пулни олди.

– Агар мен пулга шунчалик мухтож бўлмаганимда...

– Ўзингни оқламай қўя қол, – нафрат билан унинг гапини бўлди Керриден. – У сенга Данбар ҳақида ҳеч гапирмаганмиди?

Рита бир неча сония жим қолди, сўнгра истамайгина деди:

– Менимча у ўша ерларда қаердадир яшайди. Бир куни у гап орасида кичикроқ орол сотиб олиб, ўша ерда уй қурмоқчи эканлигини айтган эди.

– Бу гапга кўп бўлганми?

– Беш йилча бурун, энди танишган пайтимизда. Балки ёлғон гапиргандир, билмадим. У бу ҳақда бошқа оғиз очмаган.

– Айни қаерда эканлигини билмайсанми?

– Йўқ.

Керриден ўйланиб туриб, яна сўради:

– Мэллори олдингга тез–тез келиб турадимми?

– Калласига уриб қолганда келади. – Ританинг юзи тошдек қотди. – Баъзида ҳафтада икки марта, баъзан ойлаб кўринмайди.

– Уни охириги марта қачон кўргансан?

– Олтами, еттами ҳафта бурун. Аниқ эсимда йўқ.

Керриден қўли билан сочларини таради. Унинг назарида қоронғи кўчада адашиб қолганга ўхшарди.

– У сенга бирорта ўртоғининг номини айтмаганми?

– Э, йўқ. Унинг шахсий ҳаёти мен учун сир.

Керриден Ритага ўйламади қараб қолди. Ўн фунтга унча кўп нарса билиб олмади... Қизнинг рост гапирганига ҳам ишонч йўқ. Данбар яқинидаги оролда уй...



Эртакка ўхшайди. Ва бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Бутун кеч ва ўн фунтни арзимаган маълумот учун сарф қилиш шартмиди?

– Бошқа айтадиган гапинг йўқми? Унинг қариндошлари борми?

– Опаси бор.

Мана бу яхши хабар. Оролдаги уй, Уэндоверда хола-си, энди эса опаси.

– Сен қаердан биласан?

Рита яна довдиради.

– Бир мартақўнғироқ қилиб, Мэллорини сўраган эди. Керриден қиз алдаётганини сезди.

– Шу ергами? Қизиқ-ку? Акалар одатда сингиллари-га ўзларининг... қиз ўртоқлари ҳақида гапиришмайди.

– Мен қиз ўртоқманми?

– Сенинг кимлигининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, – қизнинг гапини кесди Керриден. – Биз Мэллорининг синглиси ҳақида гапиряпмиз. У сенга қачон қўнғироқ қилган эди?

– Анча бўлган, у билан танишганимиздан сал ўтгач эди.

– Синглиси мабодо сенга телефон рақамини қолдирмаганмиди? – бироз ўйлаб, сўради Керриден.

– Айтганча, қолдирган эди.

– Қандай рақам эди?

Рита шу заҳоти ўйлаб қолди: ҳозир савдолашса бўлади.

– Ўн фунт дегани нима?.. Озгина қўша олмайсанми? Менга пул қанчалик кераклигини тасаввур ҳам қила олмайсан...

– Рақам? – қуруққина қилиб саволини қайтарди Керриден.

Қизнинг кўзлари ўжарлик билан чакнаб кетди.

– Эсимда йўқ.

– Майли, ўзинг биласан. – Керриден елкасини қисди.  
– беш фунт олдинг, қолган бештаси ўзимда қолади. – У  
ўрнидан турди. – Мен чарчадим. Етар. Хайр!

– Сен ҳам ҳаммага ўхшаб бераҳм экансан! – алам би-  
лан қичқирди қиз. – Яна саккиз фунт бергин, айтаман.

– Беш фунт. Бу охирги сўзим. Хоҳламайсанми, керак  
эмас.

Рита Керриден алдамаяптими, деб унга диққат билан  
тикилди, унинг пулни хамёнига солаётганини кўриб,  
деди:

– Яхши. Шу ерда кутиб тургин. Мен рақамни  
қаергадир ёзиб қўйган эдим. Ҳозир олиб келаман.

Қиз чиқиб кетгандан сўнг бир дақиқа ҳам ўтмай одам-  
нинг этини жимирлатиб юборадиган ёввойи қичкирик  
сукунатни кесиб ўтди. Керриден эшикка қараб югурди,  
биноқ очишга улгурмай, ташқаридан қаттиқ зарба тову-  
ши эшитилди. Керриден бир зум эшик дастасини ушла-  
ганча қотиб қолди, кейин эса хонадан югуриб чиқди.

Ританинг жонсиз танаси зина олдида ётарди. Унинг  
боши ғалати тарзда орқага ташланган, узун яланғоч  
оёқлари эса қоронғи зина томонга чўзилиб қолган эди.

Қоронғилик қўйнидан бировнинг гавдаси кўринганда Керриден ўз квартираси эшигининг олдида чўнтагидан калитини қидириб, туриб қолганди. У шу заҳоти ўгирилиб қўлини плаши остига тиқиб револьверини чиқарди, бироқ шу пайт шошиб гапирган овоз эшитилди.

– Ҳаяжонланманг, бу мен – Ренлиман.

– Нима, бу ерда ўйин ўйнаяпсизми? Билдирмай келяпсиз! – ўшқирди ичида асаблари ишдан чиққанидан жахли чиқиб кетаётган Керриден.

– Мен сизни анчадан бери кутиб турибман, – асабийлик билан жавоб берди Ренли. – Гаплашиб олишимиз керак.

– Яхши, киринг, – кискагина қилиб, деди Керриден.

У эшикни очиб, меҳмонни қоронғи зинадан меҳмонхонага кузатиб чиқди ва жиққа ҳўл плашини ечди.

– Ҳўш, нима бўлди?

Чарақлаган электр чироқ ёруғида Ренлининг юзи чарчаган ва оқариб кўринарди. Эгнидаги кийимларидан гиламга сув оқарди.

– Улар Крюни ўлдиришибди, – хириллаб деди у.

Керриден унга бепарво назар ташлади. Крюнинг ўлимидан сўнг шунча ишлар бўлиб ўтдики, бу хабар унга ҳозир арзимаган нарса бўлиб туюлди.

– Нима бўлибди? Сиз энди эшитдингизми?

– Демак, сизнинг хабарингиз борми?.. – Ренли қўли билан юзини силади. – Бу ҳақда газетада аллақачон ёзишдими?

– Плашингизни ечинг. Қаранг, ҳамма ёқ сув бўлиб кетди, – деди Керриден. Ренли плашини ечар экан, у гапида давом этди: – Газеталарда ҳозирча ҳеч нарса йўқ. Кеча

кечкурун олдимга Жанна келганди. У менга агар Мэллорини топмасам пистолет ва тилхат полицияда бўлишини айтди. Куролда менинг панжа изларим бор, тилхат эса далил... Сизнинг бу гаплардан хабарингиз йўқми?

Ренлининг қулоғи гўё том битгандек эди. У устидаги плашини ечиб, полга ташлади.

– Бу қотиллик, – бўғиқ товушда деди у.

Керриден унга қизиқсиниб қараб қолди.

– Албатта қотиллик! Сизга нима бўлди? Сиз Мэллоридан қасд олмоқчи эдингиз–ку, бу ҳам қотиллик. Фарқи нима?

Ренли худди оёқлари уни кўтармаётгандек, ўзини креслога ташлади.

– Шундай совуққонлик билан ўлдириш... Ишониб бўлмайди! У ақлдан озган. Улар иккаласи ақлдан озишган. Бу ишга бош қўшган мен ҳам тентакман.

– Сиз қачондан бери оппоқ бўлиб қолдингиз? – ажабланди Керриден. – Охирги учрашганимизда сиз ўзингиз ҳам Мэллоридан қасд олиш орзусида ёнаётган эдингиз.

– Улар Мэллорини топишлари мумкинлигига мен ҳеч қачон ишонмаган эдим, – паст овозда деди Ренли. – Мен уларнинг режаларини жиддий қабул қилмагандим. Ҳеч ҳам, онт ичаман! – У ўзига келиб, ўрнидан турди. – Ҳозироқ полицияга бораман. Мен бу қотилликка алоқадор бўлиб қолишни истамайман.

– Бу ҳақда сиз кечроқ ўйладингиз, – деб қўйди Керриден. – Энди полицияга боришнинг фойдаси йўқ. Ҳаммадан бурун Мэллорини излаб топиш керак ва иложи бориचा тезроқ.

– Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз? Агар мен полицияда кўрсатма берадиган бўлсам, улар сиздан гумон қилишмайди! – хитоб қилди Ренли мушти билан диван суянчиғига урар экан. – Улар Крюнинг ўлимида сизни айблай олишмайди!

– Полиция ўзи анчадан бери мени тутмоқчи бўлиб юрибди, – хонада у ёқдан бу ёққа юрар экан, – деди Керриден. – Сизга ишонишармиди? Бундан ташқари, эртага улар мени бошқа қотиллик бўйича излаб қолишади.

Ренли бир сакраб тушди.

– Бошқа қотилликда? Бу билан нима демоқчисиз?

– Бугун кечқурун мен Рита Алленни уйига кузатиб қўйган эдим. У зинадан йиқилиб тушиб, бўйнини синдириб олибди.

– Бироқ бу қотиллик эмас...

– Ростдан-а? – деди Керриден. – Уни итариб юборишган. Бироқ гап шундаки, шу пайтда мен ўша ерда эдим. Эртами, кечми бизни ўша ерга олиб борган такси ҳайдовчиси полицияга мени тасвирлаб беради. Мен Крюнинг квартирасидан чиқиб келаётганимни кўрганлар ҳам бор – тамаки дўконининг сотувчиси. У ҳам эртами, кечми, мени эслаб қолади. Бир кун келиб бир ақлли калла бу иккала қотилликни солиштириб, керакли хулосани қилади.

– Ритани ким итариб юборган? – тажанглик билан сўради Ренли. – Ва уни итариб юборишганини сиз қаердан биласиз?

– Тушунмаяпсизми? Мэллори қилган.

Ренли бир сакраб тушди.

– Ишонмайман.

– У, афтидан, биз келганимизда уйда бўлган. Рита кўп нарса гапириб ташлади: бақириб, сирларини очиб ташлай бошлаган эди. Кейин менга бир нарса олиб чиқиш учун юқори қаватдаги хонага чиқиб кетганда, уни итариб юборган. Агар Мэллори бўлмаса, у ҳолда ким?

Ренлининг юзи оқариб кетди.

– Барибир ишонмайман, – шивирлади у ва беҳолгина креслога чўқди.

– Қизиқ. Биринчи учрашганимизда ўзингиз фақат Мэллори тўғрисида гапирган эдингиз: у унақа, у бунақа

деб... Хуллас, уни бераҳм қотил, деган эдингиз. Нега энди ҳозир бундай бўлиши мумкин эмас, деб қолдингиз? – Керриден Ренлига шубҳа билан қараб, овозини кўтарди. – Негадир ишонарли эмас... Сиз қандай қилиб Мэллорини ўлдириш режасига қўшилиб қолгансиз ўзи? Бу ишда сизнинг ролингиз қандай?

– Ҳеч қандай, – зўрға деди Ренли. У бир зум иккиланиб турди ва бирдан аҳд қилгандек, гапира кетди: – Мен бир умр омадсиз бўлганман. Афтидан, мен чинакамига катта бўлмаганман, шекилли. Болалигимдан бўш пайтларимни саргузашт романлар ўқиб ўтказардим. Фақат шуни яхши кўрганман ва ўзим ҳам шундай – арзон, сифати паст одам бўлиб етишдим... Жанна Мэллоридан қасд олишини айтганда, унинг фикри менга ёқди. Бироқ мен уни топа олишимиз мумкинлигига бир дақиқа ҳам ишонмагандим, акс ҳолда рози бўлмаган бўлардим. – Йигитнинг ҳорғин юзига қизил югурди. – Очигини айтсам, мен Англияга қайтишга, у ерда иш қидиришим кераклигидан кўрқаётгандим. Ахир илгари ҳам ҳеч нарсага ярамасдим, энди эса бир қўл билан...

Ренли раҳм қилишларини кутмаётганди: у шунчаки бор гапни гапираётганди.

– Мен улар билан Францияда бирга қолишни афзал кўрдим. Гаррис билан Любошнинг бир оз имкониятлари бор эди ва ҳаммамиз биргалигимизда пул ҳаммага баробар тақсимланарди. Зўрға кун кечирардик, бироқ ўзаро бирдамлик руҳи бизни қўллаб турарди. Ҳеч қандай ғамимиз, муаммоимиз йўқ эди. Хуллас, мен авантюра руҳидаги романларда яшагандек яшаётган эдим. Гарриснинг ўлими менга ёмон таъсир қилди, бироқ мен буни Мэллори қилганига ишонмайман. Гаррис ўзи ғалати йигит эди, у сувдан ўлгудек кўрқарди. Афтидан, у ҳовузга тасодифан тушиб кетган ва кўрқиб кетганидан қотиб қолиб, сувдан сузиб чиқа олмаган бўлса керак. Йўқ, мен аниқ ишонаман, бу ерда Мэллорининг алоқаси йўқ.

Кейин Любошга навбат келди ва менинг бошим қотиб қолди. Жанна оғзи кўпирганча Мэллорини айблай бошлади, бироқ у қаердан билади, бу ҳам бахтсиз ҳодиса бўлиши мумкин-ку? Любош ҳам поезддан тушиб кетгандир?

Ренли қўли билан тиззасини силаб, ранги ўчиб кетган гиламга тикилди.

– Жанна Мэллорини излаш энди менинг навбатим эканлигини айтди. Бироқ мен бундай қилишни хоҳламадим! Мэллори менга ёқарди. Ажойиб йигит эди! – Ренлининг юзи ёришди. – Ёқимтой йигит эди – ҳеч нарсадан кўқмасди. Онт ичиб айтаманки у гестапонинг жазосидан кўрқиб Пьерни сотган бўлиши мумкин эмас. Унда кўрқокликнинг асари ҳам йўқ эди.

Ренли ўйчанлик билан мўйловини силаб, хўмрайди.

– Ўшанда мен ташқаридан бирорта одамдан ёрдам сўрашни таклиф қилдим. Бироқ бунга Жаннани кўндириш осон бўлмади!.. Энди пушаймон еяпман. Ишонинг, сизни бу ишга тортганим учун чин дилдан пушаймонман.

– Мен ҳам пушаймонман, – тундлик билан қўшиб қўйди Керриден.

– Бироқ биласизми, мен охирги дақиқагача Жанна чиндан ҳам сизга Мэллорини ўлдиришни топширмоқчи эканлигига ишонмаётган эдим. Бугун улар ҳазиллашмаётганликларига амин бўлдим, – Ренли хавотир билан ўрнида ғимирлаб қўйди. – Ўша куни мен сизнинг кетингиздан чиқишим билан Ян Крюни отиб ташлабди. Қайтиб келганимда у менга Жанна бошқа ерга кўчишимизга қарор қилгани, Крюникига бориш хавfli эканини айтди. Мен албатта, бу ерда бир нохуш гап борлигига гумон қилдим, бироқ савол беришга юрагим дов бермади. Жанна Чансери–Лейн яқинидаги кичкина бир ифлос меҳмонхонадан жой олган эди, биз ўша ерга қараб жўнадик. Фақат кечқурунга борибгина Жанна

менга Крюнинг ўлганини айтди. У кўп гапирмади, бироқ Яннинг юзидан бечора ўғрини у ўлдиргани сезилиб турганди. Менга ҳамма нарса аниқ бўлди. Мен ортиқ улар билан бўла олмаслигимни тушундим. Ва сизнинг олдингизга келдим.

Керриден зўрға эсноғини босди. У чарчаган, боши оғирлашиб кетаётган эди.

– Яхши, келибсиз. Энди нима бўлади?

– Билмайман. Мен полицияга мурожаат қилмоқчи эдим, бироқ сиз қарши экансиз... Билмайман.

– Ҳеч қандай полицияга бориш йўқ! – сабрсизлик билан унинг гапини кесди Керриден. – Битта йўли – Мэллорини топиш. Унинг синглиси бор эканини биласизми?

– Синглиси? – Ренли ҳайрон қолди. – Холасини билардим, бироқ синглиси борлиги тўғрисида ҳеч эшитмаганман. Аниқ биласизми?

– Мэллорининг синглиси бир неча йил бурун Рита Алленга қўнғироқ қилган ва унга ўзининг телефон рақамини берган экан. Омадим келиб, мен Ританинг ётоқхонасидаги эски дафтарчасидан унинг рақамини топдим. Телефон дафтарчасида бу рақам бор экан. Энг Мэллори рассомлар шаҳарчасидаги Чейни-Уок кўчасида, 2 а уйда яшар экан. Мен бир оз мизғиб олиб, бугуннинг ўзида унинг олдига бориб келмоқчи бўлаётган эдим. – Керриден юзига ёпиштирилган пластирни ушлаб қўйди. – Ҳа, мана яна нима... Мен Мэллорини топдим.

Керриден Крюникига боргани ва у ерда нима бўлгани ҳақида гапириб берди.

– У сизни мен билан адаштирдими? – деди ҳайратда қолган Ренли. – Бироқ мен ҳам унга ҳеч ёмонлик қилган эмасман.

– Агар у сизни ўлдирмоқчи бўлган бўлса, қочиб кетмай, иккинча марта яна отган бўларди.

Бироқ Ренли ҳеч ўзига келмасди.



– Бироқ биз жуда яқин эдик! Ва бирдан...

– Бир нарсани тушунинг: у атай нотўғри отган.

– Йўқ, тасаввур қила олмаяпман, – бошини тебратди Ренли. – Сиз унинг Мэллори эканлигига ишончингиз комилми?

– Ким бўлганда ҳам, у бўғиқ товушда, тўғрироғи аниқ шивирлаган товушда гапирди ва сизни яхши билар экан.

– Ҳа, – зўрға деди Ренли. – Бу Мэллори, бошқа одам бўлиши мумкин эмас.

– Ҳа, майли, мен ухлагани кетдим, – деди Керриден. – Битта кеча учун менга етарли. Сиз қоласизми ёки ўзингизникиларнинг олдига кетасизми?

– У ерга қайтмайман. Агар рухсат берсангиз, шу ерда ётиб қоламан, эртага эса...

– Унда эртага ҳал қиламиз. Диванга ётинг. Ҳозир сизга кўрпа олиб келаман.

Ренлини жойлаштириб, Керриден ўз хонасига кириб, эшикни ёпди. Уйқуси келмаётган эди. У бир қўлли инглиз ҳақида ўйлаб кетди ва уни дўстлари олдига қайтишга кўндиришга қарор қилди. Ақлли иш бўлади: душман ичида ўз одаминг бўлади. Агар омади келса, пистолети ва тилхатини ҳам қайтариб олса бўлади. Шунда ҳамма нохушликлар орқада қолади.

Керриден туни билан ёмон тушлар кўриб чиқди. Бу сафар оёқ томонида Рита Аллен ўтириб, унга нимадир демоқчи бўларди. Бироқ у энди гап бошлаши билан қоронғидан қўл чиқиб келиб, унинг оғзини ёпарди. Бу Брайан Мэллорининг қўли эди.

Керриден эрталаб соат ўнда ошхонага кириб келганда Ренли қаҳва қайнатаётган эди.

– Газеталар Крю ҳақида бонг уришяпти, – безовталигини кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, деди у.

Керриден беихтиёр сочини силаб, тўнғиллади:

– Йўғей! Нима деб ёзишяпти?

– Полиция... Яхшиси, ўзингиз ўқинг. Газета меҳмонхонада.

– Рита ҳақида ҳеч гап йўқми?

– Ҳозирча йўқ. Тамаки дўконидаги сотувчи сизни тўлиқ тасвирлаб берибди.

Керриден истехзо билан кулди.

– Мен нима дегандим!

Хабар газетанинг биринчи бетига кўринарли жойда эди. Ўша ернинг ўзида тамаки дўконидаги сотувчининг ҳам расми бор эди. У репортерларга баланд бўйли, тўладан келган, эгнида плаш ва бошига фетр шляпа кийган эркак тахминан қотиллик содир этилган пайтда Крюнинг квартирасидан чиқиб кетганини айтиб берган. Полиция, дейиларди газетада, юқорида тасвирланган одамни қидиряпти, чунки ўша одам содир этилган қотилликка ойдинлик киритишидан умид қиляпти. Квартирадан ҳеч нарса йўқолмаган.

Ренли хонага қаҳва идиши ва тостлар солинган патнисни кўтариб кирди.

– Шошмай тулинг, улар Ританинг ўлигини топишгандан кейин чинакамига қимирлаб қолишади, – ўзига қаҳва қуя туриб, деди Керриден. – Мен ўзимга бирорта оқловчи далил топиб қўйишим керак.

– Ва тезда плаш ва шляпангиздан ҳам қутулишингиз керак, – маслаҳат берди Ренли. У ўзини қўлга олиб олган ва хотиржам кўринарди. – Агар уларни бу ердан топишса...

– Сиз ҳақсиз. Балки, сиз шу иш билан шуғулланарсиз? Мен чемоданни йиғиштириб бераман, сиз эса уни Фрит-стритдаги «Аметист» клубига, Эффи Рожерсга олиб бориб берасиз. Унга чемодан менданлигини айтиб, сақлаб туришини айтасиз. Келишдикми?

– Албатта, – рози бўлди Ренли. – Алиби нима бўлади?

– Буни ўзим ҳал қиламан, – унинг галини кесди Керриден. – Энди қулоқ солинг. Мен сиз ҳақингизда кўп ўй-

ладим. Айтишингизча, мени бу ишга торгганингиз учун пушаймонсиз. Гапингизга ишондим. Бироқ сиз ҳозир менга ёрдам қўлини чўзишга тайёрмисиз?

– Албатта! – иккиланиб ўтирмай, жавоб берди Ренли. – Кеча мен шунинг учун ҳам олдингизга келгандим. Хоҳласангиз полицияга бораман, хоҳласангиз...

– Мен дўстларингиз олдига қайтиб боришингизни хоҳлайман. – Ренли эътироз билдиришга бошлаган эди, Керриден унга қулоқ солмай давом этди: – Улар жуда айёр, қаровсиз қолдириб бўлмайди. Ҳамма нарса бўлиши мумкин... Бирдан пистолет билан тилхатни олишнинг имкони бўлиб қолса-чи?

– Сиз мендан кўп нарса талаб қиляпсиз, – чертиб деди Ренли. – Бошқача айтганда мен уларнинг орқасидан кузатишим керакми?

– Ўзингиз ҳал қилинг, йўқ бўлса йўқ. Бироқ сиз яна қандай ёрдам беришингиз мумкинлигини мен билмаяпман.

Ренли иккиланиб туриб, ниҳоят деди:

– Яхши. Мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан. Бироқ, бу менга ёқмаяпти. Агар улар ...билиб қолишса...

– Қандай қилиб? Уларга мен қўлингиздан чиқиб кетганимни айтинг. Мен Мэллори билан шугўлланаман. Бугун, албатта, унинг сингисининг олдига бораман. Ҳа, айтганча, унинг телефон рақамини ёзиб олинг – бирдан керак бўлиб қолишим мумкин. Мен у ерда тушга яқин бўламан. Сизни қаердан топаман?

– Биз Брюэр-стритдаги «Эндфилд» меҳмонхонасидамиз. – Конвертнинг орқа томонига Энн Мэллорининг манзили ва телефон рақамини ёза туриб, жавоб берди Ренли.

– Яхши. Мен нарсаларни йиғиштириб бераман ва сиз кетишингиз мумкин. Анави иккаласига Мэллорининг

синглиси ҳақида бир оғиз ҳам гапирманг. Бундан буён уларга ҳеч нарса демаймиз.

Ренли чемоданни олиб кетгандан сўнг Керриден Занига қўнғироқ қилди.

– Мен ўтган куни соат ўн иккигача клубда бўлганман, – нариги томонда Занининг овозини эшитгач, маънодор қилиб деди у. – Буни Максга билдириб қўй. Ва эллик фунт ишладим, деб ҳисоблайвер.

Зани бир неча сония жим турди. Фақатгина унинг бурнини тортгани эшитилиб турарди.

– Уларда сенинг тасвиринг бор, – ниҳоят, деди у. – Бундай далил кўпга етмайди.

– Демак, кўпга етказиш керак, – дона-дона қилиб деди Керриден. – Ҳаракат қил.

Яна жимлик.

– Майли. Мен айтганингни қиламан, бироқ ўхшамай қолса, мендан гина қилма...

– Ҳаракат қил, – қуруққина қилиб қайтарди Керриден ва телефон дастагини қўйди.

У бир қанча вақтгача телефонга хўмрайиб қараб турди. Бир пайтлар Занига бемалол ишонса бўларди, бироқ ҳозир клуб эгаси унга ёрдам бериш учун кўзи учмаяпти, шекилли. Бироқ унинг бошқа йўли йўқ эди.

Телефон жиринглаганда Керриден ётоқхонасига кириб кетаётганди. У қайтиб, телефон дастагини кўтарди.

– Ҳа, ким бу?

– Мен... Эффиман, мистер Керриден, – титраётган товуш эшитилди.

Керриден дарров тушунди: нимадир бўлган. Эффи илгари унга ҳеч қўнғироқ қилмаган эди. Ҳозир унинг товуши ҳаяжондан титраб кетаётганди.

– Эффи, нима бўлди?

– Ҳеч сизни топа олмадим! Бу ерга полиция келди. Мен улар Зани билан гаплашаётганларини эшитдим. У полицияга сизнинг манзилингизни берди.

Керриден қотиб қолди.

– Анча бўлдимми?

– Ун дақиқадан ошди. Полициячиларнинг биттасини танийман – Роулинс, катта инспектор. У қандайдир қотиллик тўғрисида гапирди.

– Эффи, арзимаган гап, хавотир олма. Қўнғироқ қилганинг учун раҳмат. Мен сенга бир одамдан чөмөданимни юборгандим, у ерда менинг нарсаларим бор, асраб қўй. Кечирасан, мен шошяпман. Хайр!

У телефон трубкасини қўйиб, ўйланиб қолди. Кўча эшиги қаттиқ тақиллади. Хонасини йиғиштирадиган миссис Якобснинг ўз калити бор, демак, у эмас. Ким келганини билиш қийин эмас...

Керриден овоз чиқармай дераза олдига келиб, парда орқали ҳовлига қаради. Иккита бақувват эркак уйдан кўзларини узмай туришарди. Улардан бири Роулинс эди.

Керриден ўз вақтида кўп олишувларда иштирок этган ва ҳеч қачон ўзини йўқотмаган эди. Унинг изидан полициячиларнинг келиши ҳам биринчи марта эмас эди. Керриден нима қилишни биларди.

У тезгина ётоқхонасига кириб, шкафини очди ва у ерда осиглиқ турган енгил пальто билан шляпасини кийди. Шкафнинг пастида шундай шароитлар учун ичида керакли нарсалар тайёрлаб қўйилган кичкинагина рюкзак бор эди. Керриден ўшани олди вастоли тортмасидан бир тўплам пул олиб, чўнтагига тикди. Меҳмонхонадаги эшик энди қаттиқроқ тақиллай бошлаган эди. У илжайди, рюкзакни елкасига осиб, даҳлизга чиқди. Шундай бошининг тепасида туйнук бор эди. Керриден дарчани очиб, бир сакради ва дарчанинг четини ушлаб, қўлига кўтарилди.

Ҳовли томондан уни мўри тўсиб турарди. Роулинснинг қандай берилиб ишлашини билгани учун Керриден уйни кўча томондан ҳам кузатишаётганига амин эди. Шунинг учун томнинг ўртароғидан юриб, гаражлар-

га яқинлашди. Охиридан олдинги бокс бўш экан. Керриден дарчани кўтариб туриб, эҳтиётлик билан чанг босган зах чордоққа чиқди. Кейин нарвондан тушиб, секин гаражнинг эшигини очди ва кўчага қаради. Роулинс ва унингхамроҳи унга орқа ўгирганча бошларини орқага ташлаб, иккинчи қаватнинг деразасига қараб туришарди. Кўпгина ҳайдовчилар машиналарини ювишдан тўхтаб, бўлаётган воқеаларга қизиқиб қараб туришарди. Керриден кутиб турди. Ҳамманинг назари уйга қадалган бўлса—да, Керриден ўзининг биринчи қадамиёқ ҳамманинг диққатини тортишини биларди. Роулинс ҳамроҳи билан ниманидир гаплашиб, бош силкиди ва ҳовли томондаги кўча эшигига қараб кетди.

Керриден тешиқдан нари қочди ва Роулинснинг қадам товуши тинмагунча қотиб турди. Кейин яна қаради.

Роулинс кўздан йўқолган, бошқа полициячи эса, афтидан, бутун кун шу ерда қолмоқчи эди. Керриден сабр билан кутиб турди. Бир неча дақиқадан сўнг детектив унга орқа ўгириб, ҳовлининг нариги томонига қараб кетди. Керриден иккиланиб ўтирмасдан эшиқдан чиқиб, ҳар сонияда орқасидан бақирган товушни эшитиб қолишни кутиб, орқага қарашдан ўзини зўрға ушлаб, кўчага қараб йўналди. Бироқ ҳеч нарса рўй бермади. Ҳовлидан эсон-омон чиқиб олиб, у қадамини тезлатди ва Гайд-Парк-Корнер томонга қараб йўналди.

- 2 -

Кўчада, икки метрли яшил деворда «Чейн-Уок. Рассомлик устахонаси» деган пешлавҳа осийлиқ турарди. Керриден бир сония кутиб тургач, атрофга бир қараб олди ва шундан сўнг дарвозадан ичкарига кирди. Бахайбат, асфальтланган ҳовли кичкина коттежлар билан тўла

эди. Кичкинагина, тартиб билан қурилган, деворлари оқланган 2 а уй чап қаторнинг охирида экан.

Керриден кўк рангга бўялган эшикка яқинлашиб, кўнғироғини жиринглатди. Кейин иккала қўлини чўнтагига тикиб, кута бошлади. У Мэллорининг синглисига нима дейишини тасаввур қила олмаётган, фақат ўзининг топқирлигига ишонаётган эди – Эннинг кўринишига қараб, гап бошлайверади. Илиқ куюш тафти остида туриб, Керриден худди хид олган този итдек, ичидаги кизиқиш ўсиб бораётганини хис қиларди.

Эшик очилиб остонада ёшгина қиз кўринди. Рита Алленга ўхшаш кимдир пайдо бўлади, деб кутиб турган Керриден эшикни очган қизни кўриб хайрон бўлиб қолди. Мэллорининг синглисини ҳеч ҳам гўзал деб бўлмасди. Ўрта бўйли, жуда ҳам ориқ, қўллари ингичка эди. Унинг катта–катта қўлранг кўзлари одамга мулойим боқар, соддагина кўйлаги остидан ихчам вужуди билиниб турарди. Унинг бутун туриши худди химояга муҳтождек таассурот қолдирарди.

– Хайрли кун, – деди қиз тиниқ овоз билан. Унинг юзи қўлги билан ёришиб кетди. У худди Керриденга уни ёктиришини айтаётгандек, уни яхшилик билан кутиб олаётгани ва унга ҳам шундай жавоб беришларига ишонаётганини гапираётгандек эди. ✓

Керридендаги овчилик эҳтироси ва ўз–ўзига ишончи қаергадир йўқолди, ўзининг топқирлигига бўлган ўмиди йўққа чиқди. Бу кўзлари катта–катта мулойим қиз уни мездан чиқарган эди. Ва Керриден ўзиайтишни мутлақо режалаштирмаган нарса – ҳақиқатни айтди:

– Мен сизнинг акангизни – Брайан Мэллориникидириб юрибман, – деди у. – Сиз унинг синглисисиз-а?

Қизнинг юзидаги жилмайиш йўқолиб, тунд тус олди.

– Бой, сиз ҳали билмайсизми? – худди Керриден унинг эски танишидек, деди у. – Брайан икки йилча илгари вафот этган.

Брюэр-стритдаги «Эндфилд» меҳмонхонаси зўр меҳмонхоналардан эмаслиги аниқ кўриниб турарди. Кираверишда пешлавҳа ҳам йўқ эди. Меҳмонхонанинг олтинранг ҳарфлар билан ёзиб қўйилган номи эса аллақачон ўчиб кетган эди.

Икки томонга очиладиган икки тавақали эшик орқасидан доимий елвизакда асабга тегиб шалдираб турадиган мунчоқлардан ясалган, чанг босиб кетган парда осиб қўйилган тепага олиб чиқадиган айланма зина бошланарди. Парда олтита кресло, учта бамбукдан ясалган стол ва иккита хира тортиб кетган мис тувакларга экилган иккита нимжон пальма турган кичкина, қоронғи, тўртбурчак формадаги фойени зина пиллапояларидан тўсиб турарди.

Меҳмонхонанинг административ қисми шу ерда жойлашган эди. Меҳмонхонада турган оддий одам учун бу қисм «БОШҚАРУВЧИ» деб ёзилган лавҳа осилган, доим ёпиқ турадиган эшик ва темирйўл кассасини эста соладиган кичкинагина туйнукдан иборат эди. Сиз бу ерда энгашганча дарчани тақиллатиб, хона беришларини илтимос қилишингиз ва анча кутгандан сўнг, хонанинг калитини олишингиз мумкин эди. Бу вақт ичида эса бошқарувчи хотинининг чанг босган қора корсажи ва ажин босган қўлларидан бошқа нарсани кўра олмасдингиз.

Бошқарувчи хонасининг яқинида «Дам олиш хонаси. Фақат меҳмонхонада яшовчилар учун» деган ёзув осилган эшик фойедан ҳам қоронғироқ ва файзсизроқ бўлган хонага олиб кирарди. Хонанинг деразаларидан ичкарига қуёш нури зўрға тушар ва хонада доимий нимқоронғилик ва зах хукмрон эди. Хонанинг бурчакла-



рига иккитадан эски чарм креслолар қўйилган эди. Деразалардан бирининг олдига қўйилган стол олдида қора берет кийган Ян Шиманович ўтирарди.

Мана бир соатдирки у ўтмиш хотираларига берилган. У бутун бўш пайтини шу ҳолда ўтказарди. Унинг бутун ҳаёти ўтмишда қолган эди. Унинг назарида келажаги йўқ эди. У худди тузалмас касалга дучор бўлган, истаган дақиқада ўлиб қолиши мумкин бўлган одамга ўхшарди. У бундай ҳаётга, агар умуман ҳаёт ҳақида ўйлайдиган бўлса, бутунлай бепарволик билан қарарди. Унинг ҳаёлида доим иккитагина одам: Шарлотта ва Мэллори бўлишарди.

Ян хотини ҳақида энг ёрқин хотираларни сақлаб қолган эди. У кўзини юмиши билан хотини ҳаётда бўлганиданда ёрқинроқ кўринишда кўз олдида пайдо бўлар эди. Ҳозир ҳам, фэйзсиз ва чанг хонада ўтириб у хотинининг образини кўз олдига келтираётган эди: семиришга мойил миқтидан келган, бўйи унча баланд эмас, оёқлари ҳам бақувват, тос суяги кенг ва қоп-қора елкасига тушиб турадиган сочлари бор. Улар турмуш курганларида Шарлотта ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган эди. Ўттиз беш ёшида ҳалок бўлди.

Ян Шарлотта билан бирга ўтказган ҳаётининг майда-чуйдаларигача кўз олдига келтирмоқчи бўлди. У кийинчилик кунларини ҳам, оддийгина хурсандлик кунларини ҳам, ўзининг бегона мамлакатда сотиб олган фермасидаги оғир меҳнатларини ҳам эсга олди. У камбағалчиликдан қутулиш учун қилган бетиним уринишларини, Шарлоттанинг мардлик ва меҳрибончиликларини, йигирма беш йил ичида Германия Францияга иккинчи марта ҳужум қилганини эшитганида кўзлари ғазаб билан қандай чақнаб кетганини эслади. Ян уни армияга чақириб қолишларини кутди, бироқ душман Мажино чегарасини ёриб ўтиб, Седан олдидаги кичкина ферма гитлерчилар қўлига ўтиб қолди.

Агар Шарлотта эрини яшириб қолмаганда Ян, албатта, гитлерчилар қўлига тушиб, лагерга юборилган бўларди. Айнан ўша пайтда Шарлоттанинг хаёлига эри билан бирга Қаршилик кўрсатиш армиясига бориш фикри келди. Ян бу эркакларнинг иши деб қаршилик қилди, бироқ Шарлотта айтганида туриб олди.

Пьер Гурвиль ва Жанна уларни хурсанд бўлиб кутиб олишди ва улар тўртталалари қўлларидан келганча иш кўрсатишди. Кейинчалик уларга Жорж, Любош ва Ренли; кейинчаликэса Гарри ва ниҳоят, Мэллори қўшилишди.

Ян англизларга ишонмасди. Ахир Польшага ёрдам беришга Англия ваъда қилмаганмиди? Ахир Францияни англизлар урушга тортишмаганмиди? Ахир Польша ва Францияни Гитлер қўлига ташлаб, шармандаларча Дюнкеркка қараб қочган англизлар эмасмиди?

Ян бошқа иккита англиздан ҳам кўра Мэллорига камроқ ишонар эди. Уни ёқтирмаслигининг сабаби Мэллори уларнинг ишларига Яннинг юрагини эзиб ётган хавфга бутунлай эътибор қилмай, худди бу бир ўйиндек ёндошар эди. Яннинг бу кўрқуви ўзи учун эмас – хотини учун кўрқув эди.

Жанна Мэллори Гурвилни сотибди, деганда Ян ажабланмади. Унинг ўзи гестапонинг тўридан қутулиб қолганининг сабаби у Гурвилни қўлга олганларидан сўнг бир неча соат кечикиб келган ва отишма пайтида ўлган Шарлотта билан Жоржнинг жасадини топган эди.

Аввалига унга Шарлотта ўлган бўлиши мумкин эмасдек туюлди. У хотинининг қаттиқ кулгисини эшитишни кутиб, унинг овқат қилаётгани ёки юзида улар бахтининг изи бўлган хотиржам ифода билан кир юваётганини кўришини кутиб яшарди. У хотини энди йўқлигига ишона олмасди. У одамларнинг гапларини эшитар, бироқ миясини худди туман босган каби эди. Бир неча кун ўтгандан кейингина у Шарлоттанинг ўлимида Мэллори айбдорлигини тушунди. Шунда унинг тушкунлиги ва

гами қасос олиш хоҳишига айланди. У бир ўзи сотқинни қидириш учун отилишга интилар экан, Жанна уни кутиб туришга кўндира олди. Унинг ўзи ҳам Мэллорк билан орани очиқ қилмоқчи эди ва у Янни аввал яхшилаб тайёрланишлари кераклиги, шу жумладан Ян инглиз тилини билиши кераклигига, чунки Мэллорини Англияда қидиришларига тўғри келишига ишонтира олди.

Ян бир йилдан ортиқ инглиз тилини ўрганди. Любош, Гаррис ва Ренли ҳам ўзлари хоҳлаб улар билан қолишди. Янга инглиз тилини ўргатаётган Ренли унинг муваффақиятидан ҳайратда эди. Бутун шу вақт давомида – тайёрланиб, ҳар қандай қора ишдан қочмай топган ҳар бир чақаларини йиғишар экан, Ян ўзининг Мэллорига нисбатан нафратини сақлаб юрди. Йигит унинг душманига қарши курашда бегоналар ҳам иштирок этишини ҳеч хазм қила олмаётган эди. У душманга ўзининг кучи етишига шубҳа қиларди, бегона мамлакатда бировнинг ёрдамисиз бир иш қила олишига ҳам ишончи комил эмас эди, бироқ айти пайтда Гаррис ва Ренли унинг шахсий ишига аралашаётганлари унинг ичини кемириб ётарди.

У Жаннанинг Гурвилга нисбатан севгиси ўзининг Шарлоттага бўлган севгисига нисбатан ҳеч нарса эмас, деб, Мэллорига нисбатан бўлган нафрати учун Жаннани ҳам ёмон кўриб кетаётган эди. У бошиданок Гурвиль билан Жаннанинг алоқаларини оқламаган эди. Агар улар чиндан ҳам бир-бирини ёқтиришган бўлишса, турмуш қуришлари керак, деб ҳисобларди у. Эркак билан аёл ўртасидаги ҳақиқий муносабатларнинг ечими бу – турмуш қуриш. Агар улар эр-хотин бўлишганда эди, ўйларди Ян, у ҳолда Жаннанинг ўч олиш учун ҳуқуқи бўларди. Бироқ улар турмуш қуришмаган. Бундай муносабатларда ҳақиқий ҳиссиётлар бўлиши мумкин эмас.

Агар бу ишларнинг барини ўзи қила олганда эди, дераза олдига кўйилган креслода ўтириб ўйларди Ян.

Жанна билан Ренлини аллақачон ташлаб кетган бўлиб, Мэллорини бир ўзи қидирган бўларди. Бироқ Лондонда уларсиз ёлғиз ўзи бирор ишқалга дуч келади ва албатта, полиция қўлига тушиб қолади. У ерда эса унинг паспорти йўқлиги маълум бўлгач, уни Францияга, балки ундан ҳам ёмони, Польшага қайтариб юборишади. Озиқ-овқат карточкаларини ҳам Жанна олиб кела олади, пуллар ҳам унда, пулсиз эса нима қилиб бўлади? Душманларини Керриден излаётгани тўғрисидаги фикрдан у асабийлашиб кетаётган эди. Ренли ташқаридан ёрдам олиш тўғрисида таклиф қилганда у қаттиқ қаршилик кўрсатган, бироқ Жанна бунга рози бўлгач, у кўпчиликка қарши индай олмай қолган эди.

Яннинг кайфиятини бироз ушлаб турган нарса бу – Крюнинг ўлими эди. Англияга келганларидан бери у биринчи марта – Ренли билан Жанна иккиланиб туришганда – ташаббусни ўз қўлига олди. Ренли хонадан чиқишга улгурмай у ўғрининг пешонасидан отди. Жанна қўшни хонада эди. Ян ўқ овозини ёстиқ билан ўчирмоқчи бўлганди, бироқ барибир Жанна эшитиб қолиб, хонага югуриб кирганда Крю полда ётар, Ян эса ёнаётган ёстиқни ўчириш билан овора эди.

Тан бериш керак, Жанна жазавага тушиб ўтирмади, балки бу ишда Керриденни ўз қўлларида ушлаб туриш имкониятини кўра олди. Крюнинг ўлимини Керриденга тўнкаш Яннинг хаёлига ҳам келмаган бўларди. У Керриденнинг бармоқ излари пистолетда қолган бўлиши мумкинлигига шубҳалансада, бироқ Жаннанинг айтишича, Керриденнинг ўзи бунга ишонар экан, бунинг аҳамияти йўқ. Асосийси, Керриденни қўлларида ушлаб тура олиш. Ян энди Жаннани Керриденнинг хизматидан воз кечишга кўндириш, пулларни қайтиб олиш, агар Керриден рози бўлмаса, у билан ҳисоб-китоб қилишни режалаштираётган эди.

Яна Ренли ҳам бор. Унга ишониб бўлмас ва Крюнинг ўлими ҳам уни издан чиқарганди. Ян ўзи бу бўшанг йигитга ҳеч қачон ишонмаган эди. Тўғри, у Францияда ўзини кўрсата олган, гестапонинг қийноқларига дош бера олган эди, бироқ бу нарсалар эркакларни мардликка ундайдиган уруш даврида эди, бир йиллик тинчлик ва бекорчилик Ренлини латтага айлантириб қўйган эди. Тез кунларда у билан ҳам шуғулланиш керак бўлади.

Дам олиш хонасининг эшиги очилиб, ичкарига кекса ёшли эркак кириб келди. У қоронғиликка қараб, остонада туриб қолди. Унинг ажин босган юзларида жаҳл аломати бор эди.

– «Таймс»ни яна қаергадир тиқиб ташлашибди! – титроқ товушда деди у. – Қаерларни қидирмадим... Мен бунга ортиқ чидаб ўтирмоқчи эмасман!

Ян эркакка нафрат билан қараб қўйиб, яна деразага ўгирилди.

Қария иккиланиб туриб қолди. Ғазаб уни бўшаштириб қўйган эди. У ёлғиз эди, гаплашишга муҳтож эди, кўринишидан чет элликка ўхшаётган бу йигит билан маза қилиб ўтириб гаплашган бўлар, бироқ суҳбат бошлашга ҳадди сиғмаётган эди.

– Безовта қилганим учун кечирасиз, мен бу ерда кимдир борлигини билмагандим, – хижолат бўлиб деди у. Кейин эса, Ян индамаганидан сўнг, олифтагарчилик қила бошлади: – Ҳеч ақлим етмайди: қандай қилиб сизларга бу мамлакатга киришга рухсат беришади! Ўзи шундоқ ҳам чет элликлар тиқилиб ётибди. Афтидан, давлат тепасида тентаклар ўтиради, шекилли! Яқинда ўзимизга ейишга ҳеч нарса қолмайди.

– Йўқол! Қари тентак! – бошини ўтирмай деди Ян.

– Нима! Нима дедингиз? – ажабланган қария безовталаниб қолди. – Кечирасиз, мен ёмон эшитаман, яна битта қайтаринг.

Ян жавоб кайтаришни ҳам лозим топмай, сабрсизлик билан елкасини учириб қўйди. Қария ўзига нисбатан нафратни сезиб, нима қилишини билмай, минғирлади:

– Сиз мабодо «Таймс»ни кўрмадингизми?.. Мен бошқарувчига арз қиламан. Сиз бу нималигини тушунмайсиз: бу ҳаётимизнинг бир бўлаги...

У орқасидан эшикни очик қолдириб, оёғини судраб босганча бошқарувчининг хонаси томонга қараб кетди.

Ян ўрнидан туриб бориб эшикни ёпди ва яна стол олдидаги жойига ўтириб, Ренлини ўлдириш режасини туза бошлади.

- 2 -

Жанна Персиньи меҳмонхонага кириб, қўлтиғида бир нечта газета, секин, ўйчанлик билан зинадан кўтарила бошлади. Ян билан сўхбатлашмоқчи бўлган қария айна бошқарувчининг дарчасини тақиллатаётган пайтда Жанна мунчоқлардан қилинган пардани сураётган эди. Жаннани кўриб унинг кўли ҳавода муаллак туриб қолди. У бу ёш аёлга биринчи келган кўниёқ эътибор берган бўлиб, ўшандан бери унинг ким бўлиши мумкинлигига қизикаётган эди. Қария «Эндфилд»да анча йиллардан бери яшаб келар ва меҳмонхонани жинидан баттар ёмон кўрарди. Бироқ Англиянинг Ҳиндистондаги колониал армиясининг нафақага чиққан капитанининг нафақаси унга тузукрок жой излаш имконини бермасди. Қариянинг исми Генри Мидоус эди. Етмиш учта чиққан ва бутунлай ёлғиз бўлган бу қария анча йиллардан бери бу меҳмонхонада бундай келишган ва гўзал аёлни кўрмаган эди. Қора свитер ва қора шим кийиб олган Жанна унга бошқа оламдан келиб қолганга ўхшарди.

– Хайрли тонг, – титрок товушда деди у ва аёлга таъзим қилди. – Бугун вақтли турибсиз... Аха, газеталарми?

Мен айна «Таймс»ни кидириб юрган эдим. Мабодо сизда...

Жанна унга совуқ назар ташлаб, қариянинг олдидан индамай ўтиб кетди. Бундай кўполлик ва бепарволикдан қария ўзини жисмонан ерга урилгандек ҳис қилди. У қизни кўзлари билан кузата туриб, бирдан ўзини жуда қари ва ҳеч кимга кераксиздек сеза бошлади.

Жанна дам олиш хонасига кириб, орқасидан эшикни ёпди.

– Полиция Крюнинг жасадини топибди, – хотиржамлик билан француз тилида деди у.

Ян ўрнидан сакраб туриб, унга ўтирилди.

– Сен кирганингни сезмабман ҳам, – деди у ўзининг асабийлигини оқлагандек. – Нима, ҳамма ёққа жар солишяптими?

Жанна газеталарни стол устига ташлаб, бурчакда турган чанг босган креслога бориб ўтирди.

– Биринчи бетида.

Ян газеталарни кўздан кечира бошлади. Унинг таранг семиз юзида ҳеч қандай ифода йўқ эди.

– Керриденни тўлиқ ифодалаб беришибди, – ўкиб бўлиб, деди у. – Энди ҳеч қаёққа қочиб кета олмайди.

– Менимча, бундай эмас. У яхшигина айёр – йўлини топади. Энди яна ҳам берилиб Мэллорини кидиради.

Ян қўлидаги газетани ташлаб, синовчан назар билан Жаннага қаради.

– Бироқ, агар уни ушлаб олишадиган бўлишса, у биз ҳакимизда айтиб беради. Бекорга мана шу одам билан иш бошладик. Мустақил ишлайверсак бўларди.

– Мингиллашни бас қил, жонга тегди! – асабийлик билан деди Жанна. – Агар Мэллорини топишга қурби етадиган бирортаси бўлса, ўша – мана шу одам бўлади. Ўзинг ўйлаб кўр: у бу мамлакатни яхши билади ва душманзимиз ҳам уни танимайди.

– Яна қайтараман: бу одамга ишониб хато қилдик, – ишонч билан деди Ян. – Мен бошидан бунга қарши эдим. Сен нега Ренлига кулоқ солдинг?

– Сен омисан, – овозини баландлатди Жанна. – Фақат танқид қилишни биласан. Шунчалик тентак ва ўжарсанки, ажалнинг оғзига ўзингни отишга тайёрсан. Гаррис ва Любошдек ўлгинг келяпти. Мен эса бунга рози эмасман. Сен Мэллори билан орани очиқ қилмоқчисан, бироқ мен ва Ренлига ўхшаб буни қандай қилишга ақлинг етмаяпти. Керриденники эса етади. Сенга неча марта қайтаришим керак? Мэллорини ким ўлдиради, фарқи нима? У ўлдирилса бўлди–да.

– Сен шундай ўйлайсан, – хириллаган овозда эътироз билдирди Ян. Унинг кўзлари ғазаб билан ёнарди. – Мен уни ўз қўлларим билан ўлдиришни истайман. Ва шундай қиламан ҳам!

– Майли, бор! – ўшқирди Жанна. – Сени тўхтатиб қолмоқчи эмасман. Уни топиб, ўлдир... Қўлингдан келса агар!

– Қўлимдан келади – вақти келганда, – ишонч билан деди Ян. – Мана бир йилдан бери мен вақти келишини кутиб юрибман. Энди аёл кишининг инжиқлигига қарашим қолувди.

– Худойим! Ян – қандай гентаксан-а! – нафрат билан деди Жанна. – Шу пайтгача ҳаммасини мен қилаётувдим. Мен сени бу мамлакатга олиб келдим, мен режалар туздим, яшашимиз учун карточкаларни мен топдим. Мен Керриденни топдим. Сен эса... Сенинг қилган ишинг фақат Крюни ўлдириш бўлди! Ҳали бу нарса учун пушаймон қилмасак бўлди. Яна аёл кишининг инжиқлиги ҳақида гапириб ўтирибсан!

– Курамиз, – дераза томонга ўгирилиб, деди Ян. – Шахсан мен, кутиб ўтирмоқчи эмасман. Балки, бу нарса сени қониқтирар, мени эса – йўқ. Агар бирга бўлишни



хоҳласак, тезроқ ҳаракат қилишимиз керак. Акс ҳолда мен пулнинг бир қисмини олиб, ўзим ишлайман.

– Пулни Керридендан сўра, – мазах қилиб, деди Жанна. – Пуллар унда, агар сен...

Жанна бирдан жим бўлиб қолди: эшик очилиб, Ренли кириб келганди. У хонадагиларга қараб қўйиб, эшикни ёпди ва хижолатли кўриниш билан камин олдига яқинлашди.

– Нега қайтиб келдинг? – олдинга эгилиб, сўради Жанна. – Керриден қани?

– Билмайман, – жавоб берди Ренли. – Мен уни йўқотиб қўйдим.

Орага узоқ жимлик чўқди. Ян Жаннага қараб, бармоғи билан ўқталди.

– Мана, кўрдингми! У пулларни олиб қочиб кетди! Яна мени тентак деб ўтирибсан!

– Ўчир, – ўзини зўрға босиб, деди Жанна ва кутилмаганда ўрнидан туриб, Ренлига яқинлашди. Оқариб кетган юзида унинг қора кўзлари ёниб турарди. – Қандай қилиб бунақа бўлди? Мен сенга уни кўздан қочирмасликни буюрган эдим-ку? Нима бўлди?

– У уйига жўнаб кетди, – хотиржамлик билан жавоб берди Ренли. – Чироғи ўчмагунча кузатиб турдим, кейин у ухлагани ётди, деб ўйладим. Эрталабдан бери ҳеч нарса емагандим, шунинг учун бирор нарса еб олиш учун рўпарадаги қаҳвахонага югуриб бориб келдим. Ниҳоят чорак соатча бўлмадим. Кечаси билан эшигининг тагида қоровуллаб чиқдим, бироқ эрталаб у уйдан чиқмади. Афтидан, мен қаҳвахонада бўлганимда қочиб кетган бўлса керак.

Жанна ғазаб билан қўлини силтади.

– Нега менга қўнғироқ қилмадинг? Ўрнингга Ян борган бўларди. Нима, калланг ишламайdimи? Ҳамма нарсани тушунтириб беришим керакми?

– Кечаси кетиб қолиб яхши қилган экан, – лабларини қимтиб, деди Ренли. – Эрталаб полиция келди... Мен кетаётганимда полиция ҳали ҳам ўша ерда эди.

Ян ва Жанна кўз уриштириб олишди. Ян ўрнидан турди.

– Полиция? – қайта сўради Жанна.

– Ҳа. Омадим келиб, мен қочиб қолдим – вақтида полиция машинасини кўриб қолдим.

– Кўрдингми? – тантана билан хитоб қилди Ян. – Топишади, деб айтгандим-ку!

– Уни ҳали ушлашгани йўқ, – безовталигини яшириб, деди Жанна.

– Мен қўлимдан келганини қилдим, – гапида давом этди Ренли. – Бориб ухлайман – кечаси билан кўз юмганим йўқ. Сизлар эса энди нима қилишни ўйланглар.

– Биз уни ортиқ кўрмаймиз, – алам билан деди Ян. – Пул билан қочиб кетди. Энди орқасидан полиция тушганда, биз билан иши бўлмайди. Яна ютқиздик... – У Жаннага қараб қўйди. – Энди бир ҳафта илгари қилишимиз керак бўлган ишни қилишимиз – Мэллорини топишимиз керак. Мен Рита Аллен билан учрашишга бораман.

– Ўзингни қийнаб ўтирмай кўя қол, – деди Ренли. – У ўлган.

У гапини гапириб бўлмасдан туриб, хато килиб қўйганини англади.

– Ўлган? – қайтарди Жанна. – Сен қаердан биласан?

– Менга Керриден айтганди, – алдаш хавфлилигини сезиб, деди Ренли.

– Керриден? – Ян ва Жанна кўз уриштиришди. – Қачон айтди?

Ренли чўнтагидан портсигарини чиқариб, ичидан бир дона сигарета олди ва ўйлаб олишга вақти бўлиши учун уни эзғилай бошлади.

– Кеча кечқурун. Биз... кўчада тасодифан учрашиб қолгандик. У Рита Алленникида бўлган экан.

– Тўхта–тўхта! – Ян сергак тортиб, кўзлари совук чакнаб кетди. – Нега бу ҳақда дарров хабар бермадинг?

Ренли асабийлик билан чека бошлади. Унинг қўллари титрарди.

– Ўзингиз менга имкон бермаяпсиз–ку! – жаҳл билан деди у. – Мен шунчаки улгура олмадим.

– Наҳотки! Бунақага ўхшамайди. Ритани ўлди, деяпсан. Қандай қилиб ўлган? Нима бўлган?

– Керриден уни Мэллори ўлдирган, деб ўйлаяпти. Ян ва Жанна сакраб тушишди.

– Бу гапни қаердан олибди? – сўради Жанна.

Бу пайтга келиб Ренли ўзини қўлга олиб олган эди.

– Керриден Рита Алленни кузатиб қўйибди, – хотиржам овозда тушунтирди у, – Мэллори эса, унинг фикрича, қизнинг квартирасида яшириниб олган экан. Қиз кўп нарсаларни гапириб ташлабди, Мэллори эса унинг ҳамма гапларини эшитиб қолган. Рита нимадир олиб келиш учун тепага чиққанида, ёввойи қичқириқ эшитибди... Керриден чиқиб қараганда Рита зинада бўйни синган ҳолда ётган экан. Буни Мэллори қилганига Керриденнинг ишончи комил. Бу гап ростга ўхшайди. Чунки буни Мэллоридан бошқа ким қилиши мумкин, тасаввур ҳам қила олмайман.

Ян Ренлига яқинроқ келди.

– Сенга яна нималар маълум? Ҳеч нарсани яширмаяпсанми? – Ренли Яннинг ғазабли нигоҳидан орқага тисланди.

– Нимани яшираман? – мингирлади у.

– Шунақами? У аёл нега юқорига кўтарилган экан?

– Мен қаердан биламан! Керриден менга икир–чирларни гапиргани йўқ.

– Сен ўзинг ундан сўрамадингми? Аниқми? Балки, биздан яшираётгандирсан?

– Нима демоқчисан?.. – жаҳл билан деди Ренли, бироқ Жанна унинг гапини бўлди.

– Яхши, Ренли, етади. Бориб ухла.

– Йўқ, етарли эмас! – портлади Ян. – У ёлгон гапиряпти! Мен унга ишонмайман! Мен унга ҳеч қачон ишонмаганман! У ниманидир яширяпти.

– Нималар деяпсан ўзи? – хавотир аралаш Ренли. – Тилингни торт! Рита унга нималар дегани ҳақида мен сендан ортиқ билмайман. Керриден жуда кўп гапиради-ганлардан эмас!

– Ян, уни тинч қўй, – деди Жанна.

– Йў-ўқ! – Бақирди ғазабдан кўкариб кетган поляк. – Мен ҳақиқатнинг тагига етаман!

– Жин урсин сени! – бақирди Ренли ва ўгирилиб, эшикка қараб йўналди.

– Ренли!

Яннинг товушидаги нимадир инглизни ўтирилиб қарашга мажбур қилди ва у ўзига қаратилган маузерни кўрди.

– Қимирлама! – бурди Ян. – Мен...

– Аҳмоқ, пистолетингни беркит! – бақирди Жанна. – Бу ёққа келишяпти.

Эшик очилиб, хонага қўлидаги «Таймс» газетасини болалардек ҳайрат билан силкитиб Генри Мидоус кириб келди.

– Миссис Коддистолл эрталабдан...

Пистолетни кўриб угапининг ўртасида тўхтаб, огзини очганча қотиб қолди. Унда – бунда тиккайиб турган оппоқ қошлари остидаги нурсиз кўзларини катта очиб Ян, Ренли ва Жаннага бир-бир қараб чикди.

– Нима бўлди? Бу ерда нималар бўляпти? – хириллаган товушда сўради у.

Ян шоша-пиша пистолетини елкасидаги ғилофга солди ва шахд билан қария томонга қараб қадам босди.

– Ян! – огоҳлантиргандек, уни туртди Жанна.

Мидоус орқага чекинди.

– Нима... нима... нима...

Яннинг ўзига аёвсиз нафрат билан қараб туришидан у гапира олмай қолди ва қўлидаги газетани остонага ташлаганча, тез-тез қадам ташлаб қочиб қолди.

Хонада бир сония жимлик чўкди. Уни биринчи бўлиб Жанна бузди. Унинг овози бир вақтнинг ўзида ҳам бўғиқ, ҳам қаҳрли эди.

– Жинни! Аблах тентак! Ҳамма нарсани буздинг! Чол энди индамай ўтиради, деб ўйлайсанми? Қочиб қолишимиз керак! Тезроқ! Нарсаларни йиғиштирамиз!

– У ҳеч нарса қила олмайди, – нима қилишини билмай, тўнғиллади Ян. – У ақлдан озган.

– Туриб, нарсаларни йиғиштиринглар! – қайтарди Жанна. – Агар у полицияни чақирадиган бўлса...

Қиз Янни итариб юбориб, йўлакка қараб югурди. Қария ғойиб бўлганди.

– Жанна тўғри айтяпти. – Ҳаяжонланганидан Ренлининг юзи уча бошлади. – Сен чиндан ҳам ақлдан озгансан! Қурол билан ўқталишни яши кўрасан.

Ренли ҳам эшикка отилди. Ян нималардир деб тўнғиллаб, унинг орқасидан кетди.

– Тезроқ юринглар! – юқоридаги майдончадан туриб, бақирди Жанна. – У кетди. Тезроқ!

Улар зинадан югуриб кетишди. Бошқарувчи хонасининг ёнидаги телефон кабинасига қараш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Букчайиб қолган Генри Мидоус ўша ерда эди. Унинг кекса юраги кўкрагида гурсиллаб урарди. Пистолет! Худойим: «Эндфилд» меҳмонхонасида пистолет!.. Агар у, Мидоус бўлмаса, дам олиш хонасида қотиллик содир бўлган бўларди! Мана нима!.. Бу чет эликларга унинг малакатида нима бор? Худойим, ахир унинг ўзини отиб қўйишлари ҳам мумкин эди!..

Қария титраб кетди. Бироқ офицер қуролдан қўрқмаслиги керак. Мидоус нима қилиш кераклигини билар ва ўз бурчини бажаришга аҳд қилган эди... Ян ва Ренли зинада ғойиб бўлишгандан сўнг, у қаддини рост-

лади. Унга ҳаво етишмаётган, бутун вужуди бўшашиб кетган эди, бироқ у иккиланмасдан телефон трубкасини кўтарди ва кўзларини қисиб – кўзойнагига бориб келишга вақт йўқ, бир сонияни ҳам йўқотиб бўлмайди! – титраётган бармоқлари билан 999 рақамини тера бошлади.

- 3 -

Улар ҳар бирлари қўлларида чарм чемоданча кўтарган ҳолда хоналаридан бир вақтда чикиб келишди. Учалалари ҳам уларга Францияда берилгани эски яшил рангдаги плаш ва қора берет кийиб олишган эди. Зина майдончасида улар бир-бирларига қапишиб туришар экан, худди уруш даврида умумий душманлари билан курашган пайтларидагидек ўзларининг бирдамликлари ва кучларини ҳис қилишди. Ўзининг бу ердаги шубҳали ўрнига қарамай, Ренли ўзига куч ва хушёрлик қуйилиб келаётганини сезаётганди. У кутилмаганда унинг учун ҳаёт ана шу ҳиссиётларда эканлигини тушуниб қолди. Китоблардаги эмас, ҳаётдаги ҳодисаларда. Ҳаракатда. Ва у яна ажабланганча тан олган нарса, агар у ҳаётини қайтадан қурадиган бўлса, ўз тақдирини ана шу чет элликлар билан боғлаган бўларди... Саргузашт, хавф – майли, фақат хароба бир райондаги бечора бир хонадон, жонга теккан хотин, зерикарли иш..., оломон ичидаги одамнинг ҳаёти эмас!

Меҳмонхонада сукунат ҳукмрон эди. Дам олиш хонаси бўм-бўш, ҳатто мунчоқлардан қилинган парда ҳам қочоқларни кўриб қотиб қолгандек эди. Қочоқларнинг учови ҳам уларни кузатишаётганини билиб туришарди. Улар нарсаларини чемоданларига итиқитишаётган ўн дақиқа ичида шароит ўзгарган: уларга тузоқ тайёрланган эди. Яқинлашаётган фалокат уларнинг ҳар бирларига ўзгача таъсир қилаётган эди.

Ренли ҳаяжонда, худди ёлғиз ўзи душман ичига кириб борган қахрамон ҳақидаги фильмни кўрган мактаб ўқувчисига ўхшарди.

Ян эса кўрқиб кетган эди. Шу пайтгача унинг ҳамма нарсада омади келаётган ва энди шу пайтга келиб омад ундан юз ўтирганига у ишона олмаётган эди. Энди, агар уларнинг умумий ишлари ниҳоясига етмай қолса, бу унинг айби билан, унинг тентаклиги деб бўлган бўлади. Тез орада ҳокимият кўлида бўлган одамлар унинг қуроли борлигини билишади. Полиция қидирув бошлайди, Ян эса полициядан ўлгудек кўрқади. Агар уни ушлашадиган бўлишса, турмага тикишади. У турмага тушади, Мэллори эса озодликда юради, деган фикрдан Ян жазавага тушаётган эди. У полиция кўлига тушмаслик учун ҳамма нарсага тайёр эди. Унинг учун уруш давом этаётган ва у душман лагериди эди. Агар қочиб қолишга ёрдам берса, у ўлимдан ҳам, қотиллик қилишдан ҳам кўркмайди.

Жанна буни жуда яхши ҳис қилаётган ва бу ҳолатда Ян жуда хавфли эканлигини ҳам тушуниб турарди. Ҳозир унинг кўлидан қуролини олиб қўйишга уриниш бефойда. У ҳеч қачон кўнгилчан бўлган эмас, агар Жанна ҳозир унга бўйсунмаса, йигит Жаннага қарши боради. Жанна ҳозир улар мехмонхонадан қаршиликсиз чиқиб кета олишларига ёрдам берадиган бахтли ҳодисага умид қилаётган эди.

Биринчи бўлиб Жанна, унинг кетидан Ян пастга туша бошлашди, Ренли эса охирида эди. Улар хотиржамлик билан, шошилмай, қопқон мана ҳозир ёпилади, деб кутиб туришар эди. Ренли орқасига ўтирилиб зинапоя панжарасидан қараб турган аёл кишини кўриб қолди. Унинг қараганини кўрган аёл кўрқиб кетиб, шу захоти ўзини орқага ташлади.

Уни қотиб қолишга мажбур қилган қандайдир ҳаракатни сезиб қолганида Жанна зинанинг ўртасига келиб қолган эди. Дам олиш хонасининг эшиги олдида

Мидоус турарди. Уларни кўриб чол бир зумда кўздан йўқолди. Жанна фақатгина эски, бироқ ялтиратиб тозаланган ботинкадаги ориқ оёқни кўриб қолди, холос. Демак, қария деразага қапишиб олган бошқарувчининг хотини каби сергак турибди.

Мидоус вақтни бекор кеткизмаган эди. У полицияга кўнғироқ қилган ва чет элликларнинг қўлларида курол борлиги тўғрисида бошқарувчини огоҳлантирган эди.

Бошқарувчи аввалига Мидоусга ишонмади ва ўзи шахсан бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. Бироқ бу нима эканлигига ақли етиб қолиб, фикрини ўзгартирди. Албатта Мидоус ақлини еб қўйган қария, бироқ, нима бўлганда ҳам собиқ офицер Британия армиясида эса ёлғончилар ва ваҳимачилар бўлган эмас. Полициянинг ўзи ҳал қилаверсин!

Учлик фойега етиб келганди.

– Кетдик, – деди омад уларга кулиб боққанига ишонган Жанна.

У охириги пролетга??? қадам қўйганча маржондан тикилган пардаларни суриб бирдан тўхтаб қолди. Меҳмонхонага иккита полициячи кириб келган эди. Улар бошларини кўтариб қарашди ва улардан бири «Мисс, бир дақиқа!» деб қичқирди ва Жаннага қараб югурди.

Жанна бир сония ичида тўрт йиллик меҳнатлари бекор бўлганини тушунди. У ваҳимага тушиб қолди. Орқасига ўгирилиб, қочмоқчи бўлди ва шубҳасиз, шундай қилган бўларди... Бироқ қочадиган жой йўқ эди.

Меҳмонхонадаги оғир сукунатни бузиб, отилган маузер товуши янграганда баланд бўйли малласоч ёш полициячи Жаннага етиб қолай деганди.



## 8-БОБ

- 1 -

«Брайан халок бўлган. Деярли икки йил бурун».

Керриден хайрон қолганини яширишга ҳам уринмади. У кўзларини қизнинг юзидан олиб, унинг кўк ва оқ гулли кўйлагига қаради. У бундай жавоб бўлиши мумкинлигини умуман хаёлига ҳам келтирмаган эди, шунинг учун «қизга унинг Мэллорини қидириб юргани маълум, шунинг учун мени адаштирмакчи» деб ўйлаб қолди.

– Мен билмагандим, – секин деди у. – Узр сўрайман. Агар билганимда, сизни овора қилмаган бўлардим.

У кўзларини қизнинг кўйлагидан зўрға узиб, қиз унга тикка самимий қараб турганини кўрди.

– Хечқиси йўқ, – худди унинг кўнглини кўтармоқчидек, тезгина жавоб қайтарди қиз. – Икки йил – узоқ вақт. Аввалига менга жуда оғир бўлди... Бироқ бир умр ўтмиш билан яшаб бўлмайди-ку, тўғрими?

– Ҳа, чиндан ҳам, – энди нима дейишни ҳам билмай, қизнинг гапига қўшилди Керриден. – Афтидан, энди қидирувни давом эттиришимнинг маъноси йўқ. Афсус. – Шундан сўнг, керакли гапни гапирмаётганини сезиб қолиб, қўшиб қўйди: – Мэллоридек шундай йигитнинг ўлганига ишониш қийин. – У ўтирилиб, рюкзагининг боғичидан кўтарди: – Ортиқ сизга халал бермайман...

Керриден қизнинг кулранг кўзлари уни диққат билан кузатаётганини ҳис қилиб, у ўзида акасининг душманини кўрмадимикин, деб ўйлаб қолди.

– Йўқ, йўқ, шундай кетмайсиз, – чин кўнгилдан деди қиз – Бу ёққа киринг, илтимос. Сиз акам билан бирга урушда бўлгансиз-а? Сиз ҳам учувчимисиз?

– Бизни таништириб қўйишган эди, – эҳтиёткорлик билан деди Керриден. – Ажойиб инсон эди... Айтганча

менинг исмим Керриден, Мартин Керриден. Сизга халал бермоқчи эмасман...

Киз бир кадам олдинга ташлаб, эшикни ланг очди.

– Илтимос, киринг.

Керриден остонадан ўтиб, ўзини кенг студияда кўрди. Подрамникда яланғоч аёл расми туширилган ҳали тугатилмаган холст турарди. Керриден рассомликдан ҳеч нарса тушунмасди, бироқ расмдаги бу аёлнинг кўзлари уни ҳайратга солди: бу кўзлар худди одамнинг кўнглини кўраётгандек эди.

– Ажойиб! – беҳос деб юборди у. – Сизнинг ишингизми?

– Ҳа.

Боши зўрға Керриденнинг елкасидан келаётган Энн қўлларини кўйлагининг катта чўнтагига суққанча, унга жуда яқин, деярли унга тегиб турарди. Улар бир неча вақтгача расмга индамай қараб туришди, сўнгра киз ғамгин овозда деди:

– Брайан бу расмни ҳазиллашиб откритка деган бўларди. У менга жуда ёрдам берди. Акам табиатан олдиндан келажакни кўра оладиган одам эди.

Расмдаги яланғоч аёлнинг ўта номусли ва тийрак кўзлари Керриденни безовта қила бошлади. У тескари ўтирилиб, ўта тартиб ҳукм сурган студияни кўздан кечира бошлади. Хонанинг бир томонида китоб тўла токчалар бўлиб, китобларнинг турли рангдаги муқовалари бутун хона бўйлаб қўйиб қўйилган гуллар ва деворга осилган расмлар билан бир бутунликни ҳосил қиларди. Устига ёстиклар қўйилган катта диван хонанинг бир бурчагида, бошқа бурчагида эса радиола турарди.

Девордаги ишлар Эннинг қўли билан бажарилган эди. Керриден бу расмларда қизнинг ички энергияси, ўша-ўша ёрқин ранглар ва қатъийликни кўрди. У кўришидан шундай нозик қизнинг шундай кучли расмлар чиза олишидан ҳайратда эди. Агар кишининг ижодида

табиати намоён бўладиган бўлса, у ҳолда бу қизда катта куч яширинган. Рухият кучи.

Керриден ўзини жуда ноқулай ҳис қилаётган, нима ҳақида гапиришни, гапни нимадан бошлашни билмаётган эди. Энн эса, аксинча, жуда хушмуомала бўлиб, Керриденга худди эски танишидек муомала қилаётган эди.

– Брайан билан қачон танишгансиз?

Қиз кутилмаганда Керриденга ўгирилиб, сўради ва йигит қизнинг кўз қараши суратдаги аёлнинг кўзлари каби тийрак ва ҳалол эканини сизди.

– Биз тасодифан учрашиб қолгандик, – ичида Ренлидан Мэллорининг биографияси ҳақида яхшилаб сўраб олмаганига ачиниб, деди Керриден. – Бир ҳафта бир том остида яшаганмиз... У менга ўн фунт қарз берган эди. Шунини қайтармоқчи эдим.

– Марҳамат, ўтиринг, – таклиф қилди Энн. – Мен қачондан бери унинг танишларидан ҳеч кимни учратмаганман. Энди уларга кўпда қизиқмаганимга ачинаман... Бирор нарса ичасизми ёки ҳали вақтлими?

– Ичиш учун менга ҳеч қачон вақтли бўлмаган, – пальтосини еча туриб, деди Керриден. Қиз буфетдан жин ва бир шиша «Дюбонне» олар экан, Керриден гапида давом этди: – Урушдан сўнг мен кўп вақтгача госпиталда қолиб кетдим, кейин эса Америкага жўнаб кетдим. Ва мана, яқинда у ердан қайтиб, акангизга пул қарз эканлигим эсимга тушиб қолди. Очиғини айтсам, бу учрашиш учун яхши бахона, деб ўйладим. Унинг манзилини телефон йўриқномасидан топмоқчи бўлдим, бироқ унинг исми ўрнига сизники чиқди. У бир пайтлар синглиси Энн ҳақида гапирганди. Мен бу сиз бўлсангиз керак, деб ўйлаб, бу ерга келдим...

– Мен ҳақимда у сизга нималар деган эди? – Энн шисани стол устига қўйди. Унинг қўли сал титраётганди. – Ўтирсангиз–чи!

– Эсимда йўқ, – креслога ўтираётиб, деди Керриден.

У энди керагидан ортиқ ёлғон гапирмоқчи эмас эди. Шусиз ҳам бўйнига олган ролини ўйнаш қийин бўлаётган, унга Мэллорини излашга уни мажбур қилган Жанна, Ян ва Ренли ҳақида очиғини гапириб бергиси келаётганини босишга ўзини зўрға мажбур қилаётган эди.

– Иккаламиз яқинларимиз ҳақида гапираётиб, у сиз ҳақингизда гапириб қолган эди. Ўшанда ўзим яхши кўрган исм – Энни эслаб қолган эдим.

– Қолган гаплар эсингизда йўқми? Афсус! Тўғриси айтсам, мен таъсирчанроқман. Брайн билан боғлиқ ҳамма нарса мен учун қадрли.

Ўзини йўқотиб қўйган Керриден яна янги ёлғон бошлади:

– Чиндан ҳам эсимда йўқ. Менимча, у сизнинг чиройли эканлигингиз ҳақида гапирганди...

Қиз унга синовчан тикилди.

– Йўқ, у бундай деган бўлиши мумкин эмас. Хўп, майли. Мен сиздан ўзи бу нарсаларни сўрамаслигим керак эди.

– Кечирасиз. Ҳамма нарса эсимдан чиқиб кетибди... Сизни учратиб қолишим мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди... – Керриден мавзуну ўзгартиришга уринди. – Брайн ўзи қандай ҳалок бўлди? Бироқ, агар бу ҳақда гапиришни истамасангиз...

– Бу ҳақда гапиришни истамайман? – Қиз олдинга энгашди: унинг юзи қизариб кетганди. – Аксинча, мен у ҳақда гапириш учун доим баҳона излайман! Бундай одам бошқа йўқ!.. Уруш бошлангандан сўнг бир неча ҳафта ўтгач, уни уриб туширишди ва асирга олишди. У ердан қочиб, акам француз Қаршилиқ кўрсатиш отрядига қўшилди. Ўша пайтда у менга охирги хатини юборишнинг иложини топа олган экан. Хатни унинг дўсти – америкалик учувчи олиб келган эди... Брайн у одамлар билан бирга бўлиб, ўзини шундай бахтли ҳис қилган эди.

ки! Улар саккиз киши бўлиб, поездларни издан чиқариш билан шуғулланишган эди. Командирлари француз – Пьер Гурвиль эди. Брайан командирининг кўрқмаслиги, ақлли ва адолатли эканлиги ҳақида ҳайратланиб ёзарди. У одатда жуда берилиб ёзар, оғряддаги ҳаммани – иккита француз йигити, иккита француз аёл, иккита поляк ва ўзини ҳам қўшганда учта инглизни худди тирикдек тасаввур қилиш мумкин эди. Ёшгина француз қиз Жанна Персиньи ҳақида у ғоят берилиб гапирарди. Афтидан, уларнинг бари ажойиб инсонлар бўлишган. Мен акамнинг қандай хавф остидалигини билиб, жуда хавотир олардим, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмасди... Ҳатто унга хат ҳам ёза олмасдим. Кейин ҳарбий ҳаво кучлари вазирлигидан менга акам гестапо қўлига тушиб қолгани ва қочишга уринганида отиб ўлдирилгани ҳақида хабар келди. У Германия капитуляция қилинишига икки кун қолганда ҳалок бўлган эди.

«Охири берк кўча», – ўйлади, қиз ўз хаёлида ҳақиқат деб ўйлаётганларини гапирётганига амин бўлган Керриден.

– Унинг ўлими кейин тасдиқландими? – эҳтиётлик билан қизиқсинди Керриден. – Баъзан шунақа бўладики...

Энн унга хайрон қолган назар билан қараб қолди.

– Нега бу ҳақда сўряпсиз?

Керриден қиз нималарни билишини ўсмоқчилаб кўрмоқчи бўлди.

– Мен яқинда сизнинг акангиз ҳақида... Рита Аллен билан гаплашгандим, – Керриден қизнинг чўчиб кетиб, қўлларини мушт қилганини сезиб қолди. – Сиз уни танийсизми? Унинг айтишича, акангиз тирик экан. У акангизни бир неча ҳафта бурун кўрганини айтиб берди.

Эннинг Рита номини эшитганда қўзиган ғазаби қандай пайдо бўлган бўлса, шундай йўқолди. У Керри-

денга диққат билан қараганча, узоқ жим қолди. Сунгра деди:

– Бу қандай тентаклик? Сиз нега у аёлнинг олдида бордингиз? Мен ҳеч нарса тушунмаяпман.

Керриден хижолатлик билан креслода ғимирлади.

– У қиз ҳақида акангиз гапириб берган эди. Ва мана, бир неча кун олдин биз тасодифан учрашиб қолгандик. Унинг исмини эшитганимда мен бу қиз Мэллорининг таниши бўлганини эсладим. Ўз–ўзидан мен ундан акангизни қаердан топиш мумкинлигини сўрадим. Унинг манзилини билмас экан, бироқ, ўтган ой кўришганларини айтди.

– Бўлмаган гап! – ғазаб билан қайтарди Энн. – Сиз янглишяпсиз: у ҳеч қачон Брайанга яқин бўлмаган. У менга бу қиз ҳақида гапирган эди. Акамнинг бу қизга қизиқиши шунчаки жисмоний қизиқиш бўлган. Ёш зобитларни ўзингиз яхши биласиз – худди бир нарсдан қуруқ қоладигандек... Бу қиз эса ўзи акамнинг бўйнига осилган. Ва шу заҳотиёқ ундан пул ундира бошлаган. Ахир акам у билан ниҳояти бир ёки икки мартагина учрашган... Бундай гапларни гапиришга унинг қандай ҳадди сиғди?

Керриден ҳайратда эди.

– У менга уларнинг танишувлари олти йилдан бери давом этаётганини айтди. У ҳатто акангиз унга уй сотиб олиб, жиҳозлаб берганини ҳам айтди.

– Уй! – ғазаб ва ҳайрат аралаш оҳангда деди Энн. – Ахир бу кулгили–ку! Брайан уни бир неча кунгина кўрган, кейин эса уни чет элга юборишган. Улар бошка учрашишмаган.

– Акангиз сизга ҳамма нарсани айтмаган бўлиши ҳам мумкин, – деди қизнинг акасига кўр–кўрона ишонишидан жаҳли чиқиб кетаётган Керриден. – Акалар одатда опа–сингилларига ўзларининг...

– Гап бунда эмас, – киз унинг гапини бўлди. – Акам ва бу қизнинг муносабатларининг бизга алоқаси йўқ. У сизга акамнинг тирик эканлигини айтдимиз? Нима ҳам дердим: у ёлғон айтяпти!

– Бироқ, нима учун? – деди ўзи сезмаган ҳолда баҳслашишга тушиб кетган Керриден. – Унга ёлғон гапирининг нима кераги бор?

– Бу саволдан Энн аввалига ўзини йўқотиб қўйди, сўнг-ра жавоб берди:

– Бу ахборотлар учун сиз унга қанча тўладингиз?

Энди Керриден ўзини йўқотиб қўйди.

– Мен унга пул тўлаганимни сиз қаердан билдингиз?

– Мен сизга бу аёлни яхши биламан, деяпман. Пул учун у ҳамма нарсага тайёр.

– Ҳа, чиндан ҳам мен унга пул бердим. Бироқ, у нима учун Брайан тирик, деб айтди?

– Ахир ўзингиз шу жавобни кутмаганмидингиз? Агар, Брайан ўлган, деб айтганда сиз у билан қизиқмай қўя қолган бўлар эдингиз.

Керриден кизга диққат билан тикилди. Бундай фикр унинг хаёлига келмаган эди. Унда шубҳа уйғонди. Керриден Рита уни алдаганми, йўқми, уйлар экан, Энн ўр-нидан туриб, холстинг олдига бориб, тўхтади.

– Мен хавотир ола бошляпман, – анча вақт жим туриб, деди у. – Брайан ҳеч қачон сизнинг исмингизни тилга олмаган эди. Неғалигини билмадим, бироқ менга сиз акам билан ҳеч қачон таниш бўлмаганга ўхшаб кўриняпсиз. Ундан сизга нима керак?

Керриден ўрнидан сакраб туриб, нимадир демоқчи бўлаётганда, бирдан уйга яшил плаш ва қора берет кийиб олган одам яқинлашаётганини кўриб қолди. Ренли! Нафаси оғзига тикилиб, терлаб кетган Ренли эшик олдига югуриб келиб, эшик кесақисига сўянди ва қаттиқ тақиллата бошлади.

Керриден бир сакрашда эшик олдига бориб, уни очди ва ағанаётган вужудни ушлаб қолди.

– Нима бўлди? – сўради у.

– Улар менинг орқамдан изма–из келишяпти, – овози хириллаб, деди Ренли. – Менинг бошқа борадиган жойим йўқ эди... фақат шу ер... Анави аблах тентак иккита полициячини отиб ўлдирди...

– Ўчириг! – шивирлади Керриден ва шоша–пиша атрофга аланглаб қаради.

Орқада Энн турарди.

– Акангиз сизга Ренли ҳақида ёзган эди, эсингиздами; саккизтадан биттаси. Мана бу йигит – ўша Ренли! Брайннинг дўстларини яхши билмайман, деб афсусланган эдингиз. Энди улар билан бемалол танишиб олишингиз мумкин.

– 2 –

Баланд оппоқ деворга ўрнатилган яшил дарвозанинг лўкидони кўтарилиб, дарвоза секин очилди. Бир неча сония ўтиб, дарвоза тирқишидан полициячининг боши кўринди. У диққат билан ҳовлини кўздан кечирди. Ҳамма ёқ тинчлигига ишонч ҳосил қилгач секин олдинга қараб юра бошлади. Унинг қўлида сўйил бор эди. Ортдан иккинчи полициячи кўринди: унинг ҳам қўлида сўйил бор эди.

Коттежлар бир–биридан йигирма фут нарида жойлашган эди. Парда орқасида яшириниб олган Керриденга иккита уй орасидаги масофа, деворнинг бир қисми ва дарвоза кўриниб турарди. У иккала полициячининг бетон плиталар тўшалган тор йўлқадан эҳтиётлик билан ҳаракат қилишаётганини кўриб турарди. Полициячилар ўнг томондаги коттежларга қадам – бақадам яқинлашиб келишаётганди. Керриден уларга ачиниб кетди. Улар-



нинг қуроллари бўлмиш сўйиллари қидиришаётгани қуролланган қотил олдида ўта кулгили эди.

– Сизни сезишдимми? – кўзини деразадан олмай, сўради Керриден.

Ҳорғин аҳволда креслога ўзини ташлаган Ренли аста-секин ўзига кела бошлаган эди.

– Менимча, йўқ. Мен эллик ярдларча олдинда эдим, кейин бурчакка қайрилиб бу ёққа қараб югурдим. Йўлда ҳеч кимни учратмадим. Мени кўришмаган бўлса керак. Улар шу ердами?

– Ҳовлини кўздан кечиришяпти.

Ренли қийинчилик билан ўрnidан турди.

– Агар мени ушлашса, тамом бўлдим. Ян отмоқчи бўлганидан менинг хабарим бўлмаганига ким ишонади?

– Ўтириб, жим бўлинг, – Эннга хавотир билан қараб қўйиб, Ренлининг гапини бўлди Керриден. – Сизнинг бу ердалигингизни билишмаса, шунга ҳам шукур.– Ренли яна креслога чўқди, Керриден эса қизга қараб, деди: – Жуда афсусдаман. Мен сизга ҳаммасини тушунтириб бераман, фақат ҳозир эмас. Нима ҳодиса рўй берганда ҳам, мен сизни бунга аралаштирмасликка ҳаракат қиламан. Бироқ, сиз ўзингиз ҳам индамай ўтира олмайсиз, шекилли?

Қиз унга қўрқув эмас, хавотир билан қаради.

– Мен на сизни, на дўстингизни илгари кўрмаганман. Агар полиция савол берадиган бўлса, мен уларга озгина билган нарсамни ҳам айтиб бераман.

Керриден жилмайди.

– Бу энг ақлли йўл. Бироқ биз сизнинг улар билан учрашишингизга йўл қўя олмаймиз. – У Ренлига қаради. – Бу қизни боғлаб қўйишимизга тўғри келади. Қараб кўргин – бир қулоч арқон топилса керак...

Энн олдинга бир қадам ташлади, бироқ Керриден унинг билегидан ушлаб қолди.

– Илтимос, эс-ҳушингизни йиғиб олинг, – деди у. – Агар қичқирмасангиз ва қаршилиқ кўрсатмасангиз, сизга ҳеч нарса қилмайди. Агар шарт бўлиб қолмаса, биз ҳам куч ишлатишни хоҳламаймиз. Илтимос, қаршилиқ қилишга ҳаракат қилманг. Анави икки полициячи кетиши билан, биз сизни тинч қўямиз.

– Сизнинг ёлғон гапираётганингизни сезгандим... – деди Энн. – Яхши, қаршилиқ кўрсатмайман. Дўстингиз нима деганини мен эшитдим. У қотилми?

– Вой Худойим, йўқ! Ренли пашшага ҳам озор бермайди. Ян отган. Янни эслайсизми? Поляк-чи?

Қиз шунчалик эсанкираб қолган эдики, хатто кўрқувни ҳам ҳис қилмаётган эди.

– Бу нима деганингиз? Нега иккаловингиз бу ерга келдингиз?

– Кечирасиз, буни кейин тушунтириб берамиз, – Ренли хонага бир талай камар ва шарфлар билан хонага кириб келганда, деди Керриден.

Ренли дераза олдига келди.

– Демак, қаршилиқ қилмайсизми?

Керриден қизнинг қўлини қўйиб юборса ҳам, у қичқириб қолиши мумкин деган шубҳада уни диққат билан кузатиб турди. Бироқ Энн паст товушда деди:

– Йўқ, қилмайман. Мен нима қилишим керак?

– Ўгирилиб, қўлларингизни орқага қилинг.

Қиз унинг айтганини қилди ва Керриден тезгина унинг қўлларини боғлади.

– Жуда қаттиқ эмасми? – ўзининг қилаётган ишидан ўзи нафратланиб, сўради Керриден.

– Бўлади.

Керриден Ренли унга берган ипак дастрўмолни гижимлади.

– Оғзингизни очинг.

Қиз энди кўркиб кетди.

– Мен бақирмайман, – ваъда берди у орқага тисарилиб.

– Менга қаранг, агар бирор нарса ўхшамай, сизни шу ахволда топиб олишса, нега бақирмаганингизга қизиқиб қолишади, – шошилмай тушунтирди Керриден. – Латта сизнинг фойдангиз учун керак. – Эннинг ранги бироз оқарди, бироқ даструмолни оғзига тикишларига қўйиб берди.

– Мана, яхши бўлди, – тетик товушда деди Керриден. – Юринг, ётоқхонага ўтамиз. Ҳамма нарса тугамагунча, каравотда ётиб турасиз. Улар кетиши билан мен қўлингизни ечаман.

Улар кичкина дахлиздан ўтиб, ётоқхонага киришди. Қиз каравотга ўтириб кўркув ва хавотир тўла кўзлари билан Керриденга қаради.

– Сиз менга ишонишингизни истайман, – тиззасига ўтириб, қизнинг оёқларини боғлар экан, деди Керриден. – Сўз бераман, сизга ҳеч нарса қилмайди.

Энн ёстиққа суянди.

– Ҳозир нималар ўйлаётганингизни тасаввур қиляпман, – нима қилиб бўлса ҳам қизни тинчитишга ҳаракат қилиб, деди Керриден. – Ҳаммаси яхши бўлади. Сиз кўркмаяпсиз–ку, тўғрими?

Қиз бир оз иккиланиб туриб, бошини чайқади. Керриден унинг елкасига уриб қўйди, жилмайиб, студияга чиқиб кетди.

– Нима гап? – Ренлининг елкаси оша деразага қараб, сўради у.

– Менимча, улар ҳар бир уйни биттадан текшириб чиқишяпти, – жавоб берди Ренли.

– Менга худди сиз ўзингиз ҳар хил ёқимсиз саргузаштларни сўраб оладиганга ўхшаяпсиз. Бундай нарсалар ҳақида бутунлай бегоналар олдида гапириш – ғирт тентаклик!.. Ҳўш, нима бўлди?

Ренли чуқур ҳўрсинди.

– Ян иккита полициячини ўлдирди! Аҳмоқ, эсипаст жинни!.. У нимадандир шубҳаланиб қолиб, мени сотқинликда айблади. Мен эса ҳаммасини инкор қилдим. Шунда у пистолетини чиқариб, меҳмонхонанинг ўзида, дам олиш хонасида менга ўқтала бошлади! Ва, албатта, меҳмонхонада яшайдиганлардан бири кириб қолиб, бизни кўриб қолди. Жанна, бу яхшилик билан тугамаслигини тушуниб, бизга нарсаларимизни йиғишни буюрди. Полициячилар пайдо бўлганда биз нарвондан ташқарига чиқиб кетаётган эдик. Улардан бири Жаннага отилган эди, Ян хотиржамгина уни отиб ташлади. Иккинчиси эса қимирлашга ҳам улгурмай, Ян уни ҳам отди...

Керриден сигарет тутатди.

– Бу мамлакатда қилиш мумкин бўлмаган ягона нарса бу – полициячини отиб ўлдириш, – тундлик билан деди у. – Бундан баттар ёқимсиз ҳодиса йўқ... Кейин нима бўлди?

– Мен, афтидан, ўзимни йўқотиб қўйдим, – паст товушда давом этди Ренли. – Полициячиларнинг ўлганини тушуниб, нарсаларимни отиб юбориб, кўчага отилдим. Йўловчилар меҳмонхона томонга қарашаётган эди – афтидан, ўқ товушларини эшитишган, шекилли. Ўша пайтда кўринишим қандай бўлганини тасаввур қиламан. Биттаси мени тўхтатмоқчи бўлди, бироқ мен қочиб кетдим. – Кутилмаганда Ренли ўгирилди: унинг юзи учаётганди. – айтсам ишонмайсиз, бироқ Жанна меҳмонхонадан югуриб чиқиб, ёввойи товуш билан худди мен қотилдек, «Уни ушланглар» деб бақира бошлади. Табиийки, ҳамма менинг кетимдан югура бошлади, Жанна билан Ян эса ур-тўполонда полиция машинасига ўтириб, қочиб қолишди. Улар шундай ёнгинамдан менга ҳатто қарамай ҳам ўтиб кетишди. Орқамдан эса ғазабланган оломон қувлаб келаётганди...

– Қойилман!.. Қани, давом этинг–чи. Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

– Омадим келиб қолди. Бир сафар полициячи ушлаб қолди, бироқ мен қутулиб, қочиб қолдим. Изимни адаштириб, яшириниб, яна қочишда давом этдим. Кейин Виктория вокзалигача такси олдим. Ҳайдовчи билан ҳисоб–китоб қилаётганимда, полиция машинаси бизга етиб олди ва улардан бири ҳайдовчига бақириб мени ушлашни буюрди. Мен яна қочиб қолдим ва ҳаммаси яна қайтадан бошланди. Кейин мен Чейни–Уокда эканимни тушундим. Агар бу ёққа қайрилмаганимда, мени ушлаб олишган бўларди.

Керриден «Ҳм»лаб қўйди.

– Бу ерда кўп қола олмайсиз. Ренли, сиз ҳамма нарса-ни буздингиз, менинг режамни барбод қилдингиз. Эндигина йўлини топганимда ҳаммасини буздингиз.

Бироқ ўз муаммолари билан банд бўлган инглиз унинг гапига қулоқ солмаётганди.

– Менинг бегуноҳ эканимга ким ишонади? – тишлари орасидан деди у. – Анави икккаласи – ҳақиқий шайтоннинг ўзи! Аввалига улар Крюнинг ўлдирилишини сизга тўнкашди, энди эса мени тутиб беришмоқчи.

– Чиндан ҳам шайтон, – жилмайиб, инглизнинг гапига қўшилди Керриден. – Бироқ бу... – У жим бўлиб қолди ва Ренлини тирсаги билан туртиб, дераза томонга имо қилди. – Ана улар!

Иккита полициячи ва улардан сал орқароқда оч жигарранг чийдухоба костюм кийган калбош одам коттежлар қатори орасидан чиқиб, 2 а уй томонга йўналишди.

– Ётоқхонага кириб кетинг! Буларни менга қўйиб беринг, – буюрди Керриден. – Ва тайёр бўлиб туринг.

Ренли хонага кириб кетиши билан эшик қўнғироғи жиринглади. Керриден Ренли ётоқхона эшигини ёпиб бўлишини кутиб турди ва шундан сўнг эшикни очгани кетди.

– Сизларга нима керак? – бепарволик билан сўради у.  
– Биз шу яқин атрофдаги бир одамни излаяпмиз,  
– ўткир овоз билан деди полициячиларнинг бири ва дахлизга қараш учун бўйнини чўзди. – Баланд бўйли, орик, бир қўли ва бир кўзи йўқ. Юзида чандиғи бор. Яшил рангли плаш ва қора берет кийиб олган.

– Бунақасини кўрмадим.

Калбош эркак эшикка тикилди. Унинг

– Сиз кимсиз? – Керридендан сўради у. – Мен сизни бу ерда илгари кўрмаганман.

Керриден такаббурлик билан уни бошдан–оёқ кузатиб чиқди.

– Соқол–мўйловингизни олиб олсангиз бўлар экан, – истехзо билан деди у. – Ёки сиз соқол қўяяпсизми?

– Сиз кимсиз? – Жигарранг костюмдаги кишининг семиз, осилиб ётган юзи кизариб кетди.

– Менинг исмим Хэнли. Мисс Мэллорининг эски та-нишиман. Сизнинг ишингиз нима?

– Мен Холройдман, Криспин Холройд, – худди унинг исми ҳамма нарсани тушунтираётгандек, деди у. – Мисс Мэллорининг қўшнисиман. У қаерда? Мен у билан гаплашмоқчиман.

– Унарсалар харид қилгани чиқиб кетган эди, – жавоб берди Керриден ва полициячига ўтирилди. – Бўлдими?

– Агар сиз бизни кизиқтираётган одамни кўрмаган бўлсангиз...

– Йўқ. кўрмадим.

Холройд полициячининг енгидан тортиб унинг қулоғига нималарнидир шивирлади. Керриден унинг гапларидан «Нотаниш... биринчи марта... у менга ёқмаяпти...» деган сўзларни илғаб олди.

Керриден полициячига кўзини қисди.

– Агар бўш вақтингиз бўлса мисс Мэллори ярим со-атдан сўнг қайтиб келади ва мен учун гувоҳлик беради.

– Майли, майли, – полициячи Холройдга қаҳр билан қараб, жаҳл билан ундан қўлини тортиб олди ва касбдошига қараб деди: – Билл, кетдик.

Керриден полициячилар ва Холройднинг йўлкадан узоқлашишаётганини кузатиб турди.

– Ҳаммаси жойида, – эшикни ёпиб, бақирди у.

Дахлизга ранги оппоқ ва асаблари таранг тортилган Ренли чикиб келди.

– Уни нима қиламиз? – ётоқхона томонга имлаб, сўради у.

– Қиз ўз уйида. Сизни нима қиламиз?

Ренли студияга кириб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Шароитим дабдала. Агар ўз хоҳишим билан полицияга борсам яхши бўларди. Балки менга ишонишар.

– Бу ишлар қандай бўлганини кимдир кўрдими?

– Билмайман. Балки... Ахир улар ҳаммаси биздан яшириниб олишганди-ку. Отишмани, албатта, эшитишган, бироқ, баҳс бойлашаман, ҳеч ким мўралаб ҳам қарамади.

– Шундай бўлса ҳам сиз ёлғиз бўлмаганингиз полицияга маълум. Улар Яннинг ташки кўринишини билишади. Агар уни биринчи бўлиб ушлашса, у ҳолда маузерни ҳам топишади.

– Нима қилиш керак? Асир тушайми?

– Яхшиси мен билан юринг, – бир дақиқа ўйланиб туриб, деди Керриден. – Тез орада Рита Алленнинг жасадини топишади ва ўшанда ҳамма менга ташланади. Мен Шотландияга кетяпман. Ҳа айтганча, мен сизга Мэллори Данбар яқинида уйи билан орол сотиб олган эканини айтмадимми? Иккаламиз учун зўр бошпана! Яна ким билади – у ерда балки Мэллорининг ўзини ҳам кўриб қолармиз?

– Биз сизлар билан бирга борамиз, – остонадан туриб дона-дона қилиб деди Жанна, Унинг ёнидан ўтиб эса хонага Ян кириб келди ва Керриденга қараб пистолетини ўқталди.

– Сизларга бўйнингизни сиртмоққа тутиб бериш ёқишини кўриб турибман, – оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб, истеҳзо билан деди Керриден.

– Ортиқча ҳаракат қилинмасин! – огоҳлантирди Ян. Унинг кўзлари қаҳр-ғазабга тўла эди. – Сен эса, ўтир! – Ренлига қараб, буюрди у.

Ренли бажонидил ўтирди.

– Сиз дўстингизнинг орқасидан кузатиб юрибсизми? – сўради Керриден.

Жанна орқа томондан Керриденга яқинлашди.

– Ҳа, – деб жавоб берди у. – Қимирламанг, мен қуролингизни олиб қўяй. Агар қимир этсангиз, Ян отиб ташлайди!

– Худо ҳақи, олинг, илтимос... Мен эса сизларни бошқа кўрмайман, деб умид қилиб юрибман, – елкаси оша Жаннага қараб, деди Керриден. – Сизлар, албатта, полициячилар шундай ёнгинамизда эканлигидан хабарингиз бўлса керак?

Жанна қўлини Керриденнинг плаши чўнтагига тикиб пистолетини олди ва нари кетди.

– Мен ҳаммасини биламан, – қисқа қилиб деди у. – Керриден, айёрлик қилишга уринманг. Сиз ҳам, Ренли.

У Керриденнинг олдидан айланиб ўтиб, пистолетни ўз плашининг чўнтагига солиб қўйди.

– Мен уни нишонда ушлаб туришимга ҳалал берма, – сабрсизлик билан деди Ян. – Бир жойда тургин!

– Отишма бўлмайди. Энди ҳаммамизнинг муаммоимиз битта!

– Сизнинг муаммоларингиз мени қизиқтирмайди, – Жаннанинг гапини бўлди Керриден. – Мен полициячини ўлдириш тарафдори эмасман, шунинг учун ўзингиз



жавоб бераверинг. Мана бу қарсилдоқ эса бечора Крюни отишган пистолетга жуда ҳам ўхшар экан. Менинг изларим у ерда қолган бўлиши жуда шубҳали. Энди, мен бутунлай озодман, деб умид қиламан.

Жанна чўнтагидан кундузги газетани олиб, Керриденнинг олдига ташлади.

– Хулоса қилишга шошилманг! – мазах қилиб кулди у. – Рита Алленнинг жасадини топишибди ва сизни қидиришяпти.

Керриден биринчи саҳифага кўз югуртириб чиқдида, юзини бужмайтирди.

– Жиноятчи учун таксистдан ортиқроқ душман йўқ. Ва яна мени «хавфли» деб аташади! Ҳа, асаблари чарчабди... – Керриден газетани ерга ташлаб, совуққина кулди. – Наҳотки мен «хавфли»га ўхшасам? – У сигарета ёндириб, чека бошлади ва ўйламсираб, Жаннага қаради. – Қизиқ, улар газетанинг бу сонини қачондан бери сотишаётган экан?

– Менимча, бир соат бўлмади. Нега бу сизни қизиқтиряпти? Сизни бу ерда бирортаси кўрдими?

– Бўлмаса–чи? Мен иккита полициячи ва бир қўшни билан суҳбатлашиш шарафига эга бўлдим. Улар дўстимиз Ренлини қидиришяпти. Сизлар йўлда уларни кўрмадингизми? Улар жиноятчининг кўриниши қандайлигини ўқишган заҳоти бу ерга қайтиб келишади ва ... қўшимча куч билан.

– Қанақа жиноятчининг кўриниши? – хириллаб сўради Ренли. Бу унинг Жанна келгандан бери энди оғиз очиши эди.

Керриден газетани ердан кўтариб, Ренлига қараб отди:

– Ўзингиз ўқиб кўришингиз мумкин.

Шундан сўнг у Жаннага қаради.

– Нима бўлганда ҳам бу ерда қолиб бўлмайди. Тезроқ жўнаб қолишимиз керак.

Жанна сабрсизлик билан имо килди.

– Бу атрофдаги ҳамма кўчалар полициячилар билан лиқ тўла. Кундуз куни улар орасидан ўтиб кета олмай- миз.

– Агар биз бу ердан ҳозирроқ кетмас эканмиз, ҳаммамизни худди қоққонга тушган каламушдек, уш- лаб олишади, – газетага кўз югуртириб чиқиб, деди Рен- ли.

– Мана энди, шу даражага келдик! – Керриден кулиб юборди. – Шахсан мен ўзимни каламушлар қаторига қўшмайман.

Ренли унга алам билан қараб қўйди.

– Кетиш керак! Бир жойда қола олмаймиз! Улар қайтиб келишади!

– Фақат асабийлашманг. Полициячилар ва анави нус- ха – Холройд мени бу ерда кўришди. Яхши, кечасигача Холройднинг устахонасига жойлашиб турамиз. Агар по- лициячилар бу ерга қайтиб келиб, уйнинг бўшлигини кўришса, мени чегарадан ўтиб кетган, деб ўйлашади, деб умид қиламиз. Агар улар яна студияларни текширишни бошлашса, мен Ян Холройдни отишга мажбур бўлади, деб умид қиламан.

– Ким бу, Холройд? – сўради Жанна.

– Ажойиб қўшни. У шундоқ рўпарада яшайди.

– Мэллорининг синглиси қани?

Керриден ўйчанлик билан аёлга тикилди.

– Ажабланарли ҳол! Сиз ҳар доим ҳамма нарсадан ха- бардорсиз! У қиз тўғрисида қаердан билдингиз?

Жанна унга совуқ назар билан қаради. Оппоқ юзида унинг кўзлари ялтираб турарди.

– Гапни чўзманг! Қани у?

– Ётоқхонада, боғлаб қўйилган.

– У сени кўрдими? – Ренлига ўтирилиб, сўради Жан- на.

– Ҳа.

– У ҳолда уни бу ерда қолдириб бўлмайди.

Керриден Жанна тўғри айтаётганини тушуниб турар, бироқ унинг гапига қўшилгиси келмаётган эди.

– Агар уни Холройдникига олиб борадиган бўлсак, иш мураккаблашиб кетади...

– Холройд бу ёққа қараяпти. – деразани кўрсатиб, унинг гапини бўлди Ренли.

Ингичка парда орқали ўз уйининг остонасида турган Холройд кўриниб турарди. У буларнинг коттежини кузатаётган эди. Унинг терлаб кетган юзида қизиқиш ифодаси бор эди.

– У билан мен шуғулланаман, – тезгина деди Жанна. – Мэллорининг синглисини, ҳамма юкларингизни олиб, орқамдан юринглар.

У хонадан чиқиб, кўча эшикни очди ва йўлга бўйлаб Холройд томонга қараб кета бошлади. Улар бақамти келишганининг натижасини кутиб ўтирмай, Керриден ётоқхонага кириб кетди. Каравот устидаги ҳолатни кўриб Энн қутулишга ҳаракат қилганини тушунди. Қиз унга хавотир тўла кўзлари билан қаради.

– Шароит ўзгариб қолди, – лўнда килиб тушунтирди Керриден. – Мен ҳозирча сизни қўйиб юбора олмайман. Банда аъзоларининг ҳаммаси шу ерда: Жанна Персиньи, поляк Ян. Бироқ бу ерга полиция келиб қолиши мумкин, шунинг учун биз Холройдникига ўтапмиз.

Керриден қизнинг оёғини ечиб, туришига ёрдамлашди. Ётоқхона эшигида Ренли пайдо бўлди.

– Кетдик! Жанна ўша ерда, ҳаммаси жойида.

– Менинг шляпамни ҳам кўтариб олинг, – илтимос қилди Керриден, – рюкзагимни ҳам эсдан чиқарманг. – Унинг ўзи Эннинг қўлтигидан олди. – Ҳеч нарсадан қўрқманг, мен сизга ёмонлик қилишларига йўл қўймайман.

Бироқ бу сафар қиз уни гапиришга қўймай, ўзини ундан олиб қочди.

– Ақлингизни йиғинг... – гап бошлади Керриден.

Ренлини итариб, хонага Ян кириб келди.

– Вақтни чўзма! – ғазаб билан деди у. – Сенга қизни олиб кел, деб айтилдим, демак, олиб кел, тезроқ кимирла!

Ян уни кўриб қотиб қолган қизга пистолетини тўғрилади.

– Кетдик, кичкинтой, – деди Керриден. – Ҳаммаси жойида бўлади, фақат қаршилиқ қилмагин.

Ян қиздан кўзини узмай қараб турарди.

– Оғзидаги латтани олиб ташла, – буюрди у. – Уни кўриб қолишлари мумкин. Агар у кичкирадиган бўлса, отиб ташлайман. Елкасига бирор нарса ташлаб қўй. – Поляк қизнинг олдига яқинлашар экан, Керриден унинг пальтосини олиш учун шкаф олдига борди. Яннинг кўзлари худди ўлимнинг ўзи каби совуқ эди. – Агар биз билан ҳазиллашадиган бўлсанг, мен сени ўлдираман. Сотқиннинг синглисини бажонидил ўлдираман.

Керриден яқин келиб, Янни четга итариб юборди, қизнинг оғзидаги латтани олиб ташлаб, қўли боғланганини кўринмайдиган қилиб, елкасига пальтосини ташлаб қўйди.

– Унинг гапига қулоқ солманг, – қизнинг қўлидан ушлай туриб, деди у. – Кетдик.

– Қимирла! Чик! – Ренлига қараб ўшқирди Ян. Ренли олдинга ўтди. Керриден ва Энн эса унинг орқасидан кета бошлашди.

– 2 –

Холройднинг студияси ифлос ва акварелда Чейни-Уок ва Темза сохилларининг кўриниши тасвирланган расмлар билан лик тўла эди. «Бу расмлардан бу ерда юзлаб бор шекилли, – ўтган йилги кули ҳали ҳам олинмаган печка олдидаги шалағи чиқиб кетган креслога ўр-

нашиб ўтириб олар экан, ўйлади Керриден. – Иқтидори йўқ расомнинг бир умр шу деворларда осилиб туришга маҳкум асарлари».

Жанна қорачадан келган кучли кўллари тиззасига кўйганча, Керриденнинг рўпарасида турган бошқа эски креслога ўтирди ва ўйчанлик билан бир Керриденга, бир деразага қараб кўйди.

Ренли эса кичкина ошхонада нималардир қилаётган – ўша ерда бор нарсалардан овқат тайёрлаётган эди. Қовурилаётган гўштнинг хиди Керриденга қорни очлигини эслатди. Эшиги ёпиқ ётоқхонада эса Ян ўзи истамаган ҳолда Энн ва Холройдни қоровуллаб ўтирарди.

Энн Керриден билан бирга уйга кириб келганда Жанна билан юзма-юз келди. Уларнинг кўзлари учрашди. Жанна кўкариб кетди, унинг кўзларидаги нафрат учкунларини кўриб Керриден қизни тезроқ ётоқхонага олиб кириб кетишга шошилди.

Жанна шу пайтгача ўзини совуққонлик билан хотиржам тута олмаётган, буни кўриб турган Керриден уларни бирга қолдириб бўлмаслигини ҳис қилиб турарди. Жаннанинг Мэллорига нафрати шу даражада кучли эдики, Энннинг ёнида у ўзини тута олмай қолиши мумкин эди.

Худди Керриденнинг кўнглидан кечаётганларни кўриб тургандек, Жанна кутилмаганда деди:

– У билан гаплашиб кўринг. Бу орол қаерда эканлигини билиб олинг. Уни ўзимиз билан олиб кетишимизга тўғри келади.

Бусиз ҳам Керриденнинг ўзи шундай қилиш зарурлигини тушуниб турар, унинг юрагидаги хавотир ўсиб қораётган эди. Бироқ бошқа иложи йўқ эди. Агар Энн оролни қандай топишни айтадиган бўлса, уни тирик қолдириб бўлмайди. Акс ҳолда полиция уларни қаердан қидириш кераклигини дарров билиб олади.

– Яхши, – деди Керриден ва гижимланиб кетган бир қути сигарета чиқариб, Жаннага таклиф қилди. – Холройд-чи? Уни нима қиламиз?

– Унинг бизга кераги йўк: у биз ҳақимизда ҳеч нарса билмайди. Бунинг устига Мэллорининг синглиси бизнинг қўлимизда эканлигини билишлари жуда муҳим. Мэллори синглисини қидиради. Қиз биз Мэллорига қўяётган тузоғимиз учун ем бўлади.

– Нега сиз у синглисини кидириш учун отилади, деб ишонапсиз?

– Бунга шубҳа қилмайман, – секин жавоб берди Жанна ва унинг қорача қўллари мушт бўлиб тугилди.

– Ҳали қиладиган ишимиз кўп. Саёҳатимиз узун ва мураккаб бўлади. Мамлакатнинг бутун полицияси изимиздан тушади.

– Бу мени хавотирга солади, деб ўйлаяпсизми? Биз гестаподан қоча олдик, инглиз полициясидан ҳам қоча оламиз.

– Энг акасини ўлган, деб айтяпти. Унга акаси қочишга уринганда ҳалок бўлган, деб хабар беришган экан. Мэллори чиндан ҳам тириклигига ишончингиз комилми? Бу ерда хато бўлиши мумкин эмасми?

– Сиз Гаррис ва Любошни арвоҳ ўлдирган, Рита Алленни ҳам зинадан арвоҳ итариб юборган демоқчимисиз? – истехзо билан деди Жанна. – Ўзини ўлганга солиб, бизлардан қутилиш, кейин эса яна тирилиш, албатта, унга керак!

Керриден елкасини учириб қўйди.

– Балки... Яхши, мен Энг билан гаплашиб кўраман. Ҳозир муҳими – ўша оролни топиш... Айтганча, – ўрнидан тураётиб, гапида давом этди Керриден, – режаларингизни ўзгартиришга тўғри келади. Агар биз уни тутиб олган тақдиримизда ҳам, бу фақат уни полицияга топшириш учун қилинган бўлади. Тушуняпсизми? У мени Рита Алленни ўлдирган, деган шубҳадан ҳалос қилади ва уни осишади. Сиз қасдингизни олган бўласиз. Бироқ унга қўлингизни теккиза кўрманг! У энди меники, тушунарлими?

Жанна унга қараб совуқ жилмайди.

– Биз ҳали уни тута олмадик. Балки, ҳеч қачон тута олмасмиз ҳам... Кўрамиз.

Керриден бу аёлга ишониб бўлмаслигини тушунди. Улар Ян икковлари Мэллорини ўзлари ўлдиришмоқчи, бу кўриниб турибди. Керриденга нима бўлади, уларга ба-рибир. Демак, улардан олдин ҳаракат қилиб, Мэллорини топиши ва полиция аралашмагунча, уни булардан асра-ши керак бўлади. Бўлажак операция жуда мураккаб эди.

Жанна билан ортиқ баҳслашишни истамай, Керриден ётоқхона томон йўналди. Энн ва Холройд стулда ўти-ришар, уларнинг қўллари орқага қилиб бойлаб ташлан-ган эди. Ян каравотда чўзилиб олиб, маузерини ёнига қўйганча, чекиб ётарди. У бошини кўтариб Керриденга ғазаб тўла назар билан қаради.

– Холройдни олиб, ўзинг ҳам бу ердан қорангни ўчир. Ян сакраб турди.

– Нима демоқчисан?

– Мен у билан гаплашиб олишим керак, – боши билан Энни кўрсатиб, деди Керриден.

– Қимирла! – пистолети билан ўқталиб, Холройдга буюрди Ян.

Холройднинг юзи оппоқ оқариб кетган эди. У ўрни-дан турар экан, оёқлари букилиб, йиқилиб тушай деди.

– Тезроқ! – уни шоширди Керриден. – Сизга ҳеч нарса қилмайди. Бир неча соатдан кейин биз кетамиз. Ўйлаб кўринг-а: кейин одамларга нималарни гапириб берасиз. Сиз махаллий қахрамонга айланасиз!

Шундай сўзлар билан у титраётган Холройдни эшик-ка қараб итарди.

– 3 –

– Ҳозир мен кўлингизни ечаман ва дарров енгил тор-тасиз, – қизнинг қўллари боғланган камарни ечаётиб,

деди Керриден. – Энди бир оз гаплашиб олишимиз керак бўлади.

Қиз қон айланишини яхшилаб юбориш учун билагини ишқалади, бироқ чурқ этиб оғзини очмади.

– Сиз бир нарсани тушуниб олишингизни истайман. – қизнинг унга хотиржам боқишидан хижолат тортиб, деди Керриден. – Бу поляк – қотил. Жанна эса – телба, шунчаки жинни. Ренли бутунлай хавфсиз, бироқ иродасиз ва анави иккитасидан ўлгудек кўрқади. Уларнинг ҳаммаси қотилликда айбланиб, ҳозир қидирувда. Ян учун отиб ташлаш – туфлашдек гап. У аллақачон иккита полициячи ва мумкин бўлмаган жойга бурнини тикиб қўйган бечора Крюни отиб ташлаган. Агар биз унга халал бермоқчи эканлигимизни сезиб қолса, ўйлаб ўтирмай, бизни ҳам отиб ташлайди. Мен буларни сизга айтишимдан мақсад, қочишга ҳаракат қилиш хавфли эканлигини сиз тушуниб етишингизни истайман.

– Агар айтганларингиз рост бўлса, – деди Энн, – унда сиз қандай қилиб буларнинг орасида бўлиб қолдингиз?

– Мен сизга айтдим: Ян Крю исмли биттасини отиб қўйган. Мен эса ўша бечора билан қотиллик содир этилишидан бир неча дақиқа илгари гаплашган эдим. Мени унинг квартирасидан чиқаётганимни кўришган ва энди ўша қотилликда менда шубҳаланишяпти. Икир–чикирини айтиб ўтирмайман, бироқ агар мени ушлаб олишса, мен ўзимни оклашим жуда қийин, балки, умуман оқлай олмасман. Мана, мен нима учун булар биланман: Крюни мен эмас, Ян ўлдирганини исбот қилиш учун далил топишга ҳаракат қиляпман.

Энн Керриденга ишонқирамай қараб қўйди.

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман, ҳаммаси саргузаштга ўхшайди!.. Мен қандоқ қилиб сизга ишонай?

– Ҳозир, – деди Керриден. – Фақат, Худо ҳақи, тентаклик қилиб ўтирманг.



Керриден студияга қайтиб кирди. Жанна ва Ян шивирлашишаётган эди; кўрқувдан юзлари қийшайиб кетган Холройд улардан кўзини узмаётганди. Керриден ҳеч нарсага эътибор бермай стол устида ётган эски газеталарни титкилай бошлади ва кераклисини топгач, шошганча яна ётоқхонага қайтиб кетди.

– Мана, ўқинг, – газетани қизга узатиб, деди у. – Бу ерда Крюнинг ўлимнинг ҳамма деталлари ёзилган. Менинг кўринишим ҳам тасвирланган.

Энн репортажга тезгина кўз югуртириб чиқиб, газетани стулга қўйди. Керриден унинг ҳаяжонланганини сизди.

– Бироқ уни сиз ўлдирмаганингизни мен қаердан билман?

– Бунинг аҳамияти йўқ. Тўғриси айтсам, сиз мени қотил, деб ўйлаётган бўлсангиз ҳам менга барибир. Асолийси, полициячилар бундай деб ўйлашмаса бўлди.

– Тушунаман, – деди қизариб кетган қиз. Ва бирдан сўради: – Бироқ бунга менинг акамнинг нима алоқаси бор?

– Мен сизга унинг алоқаси бор, дедимми?

– У ҳолда менинг олдимга нега келдингиз? Нега у ҳақида шунча сўрадингиз? Сиз у билан таниш бўлганингизга мен ишонмайман. Ва нега анави одам уни сотқин деди? Бу билан нима демоқчи?

– Акангиз ўлган. Уни тинч қўяйлик.

– Улар акамнинг ўлганига ишонишмаяпти, шундайми? – сўради қиз.

– Ҳа. Бироқ бу бирор нарса дегани эмас.

– Сиз ҳам ишонмаяпсиз. Рита Аллен ҳам. – Эннинг кўкраги кўтарилиб тушди, унинг кўзларида кўрқув пайдо бўлди. – У тирик, а? Шунинг учун улар бу ерга келишдими? Акам уларга бирор нарса қилганми? Улар акамни қидиришяптими? Ялинаман, айтинг: акам тирикми?

– Ҳар ҳолда, улар шундай ўйлашяпти, – эҳтиёткорлик билан деди Керриден.

– Улар энди акамга дўст эмасми?

– Йўқ.

– Нега?

– Бунинг маълум бир сабаблари бор. Сиз яхшиси бу гапларга аралашмай қўя қолинг.

– Бироқ мен акам тирикми ёки йўқми – билмоқчиман. Илтимос, менга тўғриси айтинг!

– Мен сиздан ортиқ билмайман. Сиз ҳарбий ҳаво кучлари вазирлиги сизга акангизнинг ўлгани тўғрисида хабар берган, деяпсиз. Бошқалар эса, у тирик ва ўч олишларидан қочиб, яшириниб юрибди, дейишяпти. Мен ҳам сизга фақат шуларнигина айта оламан. Уларнинг ўйлашича, сизни ўзлари билан олиб кетишса, акангиз сизни қутқариш учун отилар экан. Шундай қилиб улар акангизга тузоқ қўйишмоқчи... – Шу гапларни айтиб, Керриден жим бўлиб қолди ва асабийлик билан бармоқларини шиқиллатди. – Мен кўп гапириб юборяпман.

– Илтимос, давом этинг, – секин деди Энн.

– Ҳўп, майли. Фақат огоҳлантириб қўяй, ҳозир айтадиганларим сиз учун ёқимли бўлмайди. Балки, ишонмасиз ҳам. Мана, менга нима айтиб беришди. Жанна, акангиз ва Ренлини гестапочилар ушлаб олишибди. Улардан гуруҳ командири Гурвильнинг қаерда яширинганини билмоқчи бўлишибди. Жанна билан Ренли қийноқлар остида ҳам бир оғиз сўз айтишмабди. Акангиз эса ўзи ҳамма нарсени гапириб берибди. Унга ҳали қўлларини ҳам теккизишмаган экан, у эса ҳамма нарсени айтиб берибди. Гурвилни ушлаб, гестапода қийнашган ва у вафот этган. Булар учови энди унинг ўлими учун қасос олишмоқчи. Мана нима учун улар акангизни кидириб юришибди.

Энн гавдасини кескин тўғрилади. Унинг қони қочган оппоқ юзида ғазаб ва ҳайрат ифодаси учқунлаётган катта очилган кўзлари ёниб турарди.

– Йўқ! Йўқ! Бу ёлғон! – алам билан кичқирди у. – Бари ёлғон! Брайн ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди. У сотқинлик қила олмайди! Буларнинг қандай ҳадди сиғяпти!..

Керриден сигарета ёндириб, қизга қарамай туриб гургурт чўпини кулдонга ташлади.

– Мен уларнинг айтганларини қайтардим, холос. Бу одамлар у билан елкама–елка туриб курашишган. Уларга ёлғон гапиришнинг нима кераги бор? Агар акангиз чиндан ҳам Гурвилни сотмаган бўлса, қасос олишнинг уларга нима кераги бор?

– Сизга бу гаплар бари ёлғон деб айтяпман! Брайн ҳеч қачон дўстини сотмаган бўларди, Гурвиль эса унинг дўсти эди. Мен айтганларингизнинг бирортасига ҳам ишонмайман.

– Ўзингиз биласиз, – куруққина деди Керриден. – Бироқ улар ишонишади ва шунинг ўзи етарли.

– Сиз ҳам акамни айблаяпсизми?

– Акангиз қилган нарсанинг менга ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Бироқ сиз ҳам уни сотқин, деб ўйлаяпсиз, а?! Ахир сиз уни билмайсиз–ку!

Керриден чиндан ҳам Ренли унга айтиб берганларига шубҳа қилмаётган эди. Ҳатто ҳозир ҳам, Эннинг юраги бу янгиликдан вайрон бўлаётганига бепарво бўлиб, гуруҳ аъзолари айтган гапларга сўзсиз ишонаётганди.

– Ҳақиқатга ўхшаш ҳодиса. Акангизнинг қилган ишини тушунса бўлади. Ренли гестапода кўзи ва қўлини қолдирибди, Жанна эса фақат аёллар учун қўлланиладиган даҳшатли азобларни бошидан кечирибди... Эртами, кечми барибир кимдир гапириб юборган бўларди. Акангиз керакли маълумотларни айтиб берган ва шу билан азобдан қутулиб қолган. Мен уни айблай олмайман.

– Шунақами? Мен эса айблаган бўлардим! – Қиз кўлини мушт қилди ва Керриден қиз ҳозир уни уриб юборади, деб ўйлади. – Агар у дўстини сотган бўлса уни мен ўзим... – Энн кўз ёшларини яшириш учун тескари ўтирилди. – Бироқ у бундай қилмаган, мен буни билман!

– Яхши, – ҳиссиз товушда деди Керриден. – Нима бўлиб ўтганда ҳам, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Сизга айтишим керак эмас эди. Мен буни истамаган ҳам эдим.

Қиз кутилмаганда унга ўтирилди.

– Брайан тирикми?

– Ҳа. Тирик ва соппа-соғ.

– Худойим! – Энн креслога ҳолсиз чўкди.

Керриден дераза олдига келиб, рўпарадаги оқ коттежга қарай бошлади. Орага жимлик чўкди.

– Унинг ҳаёти ҳавф остидами? – ниҳоят сўради қиз.

– Балки, – қизга ўтирилмай, жавоб берди Керриден. – Агар уни тутиб олишадиган бўлса, албатта, ўлдиришади, бироқ у ҳақда гапирганлари рост бўлса, у ўз ўзини ҳимоя қила олади.

Яна орага жимлик чўкди.

– Менга нима бўлади?

Керриден қизга ўтирилди.

– Акангизнинг Данбар атрофида уйи бор-а?

Энн ажабланган кўйи бош силкиди.

– Ҳа... Сиз буни... қаердан биласиз?

– Кичкина оролда, тўғрими? Аниқ қаерда эканлигини сиз билмайсизми?

– Албатта, билман. У энди менга тегишли. Нега сўра-япсиз?

– Чунки ҳаммамиз ўша ёққа қараб йўл оламиз. Сиз ҳам биз билан борасиз.

– Брайан ўша ерда, деб ўйлаяпсизми?

– Мен ҳеч нарса ўйламаяпман? Улар акангиз сизни қутқаришга ҳаракат қилади, деб ўйлашяпти.

Қизнинг кўзлари чакнаб кетди.

– Албатта, ҳаракат қилади. Агар мен қаердалигимни билса.

Қизнинг акасига ишончи Керриденнинг асабига тега бошлаган эди.

– Ҳаракат қилмаса–чи? Ахир сиз уни неча йиллардан бери кўрганингиз йўқ–ку!

– У келади. Акам ўзиникини бировга бериб қўймайди.

Ўйланиб қолган қизга қараб гуриб, Керриден унинг нақадар одамни ўзига тортдадиган даражада ёқимли эканини сизди...

– Сиз яқингинада мендан бетараф қолмаслигимни сўраган эдингиз, – бирдан деди қиз. – Мен энди сиздан сўрамоқчиман. Сиз ўзингиз кимнинг тарафидасиз? Меними ёки уларнинг тарафидами?

Керриден бундай саволни кутмаган эди. Нима деб жавоб беришни билмай, қизга қараб қолди.

– Нима демокчисиз?

– Сиз мендан ўзингизга ишонишимни сўраган эдингиз. Нима учун?

– Ҳм, айтиш мумкинки, мен сизга ачиняпман, – хи-жолатлик билан деди Керриден. – Сизга ёрдам бергим келаётганди – ахир, менинг айбим билан сиз шу аҳволга тушиб қолдингиз–ку.

– Чиндан ҳам, шундай. Сиз гапингиздан қайтмайсизми?

– Албатта, йўқ, – жавоб берди Керриден. – Мен сизга зарар етказмасликларига ҳаракат қиламан.

– Сиз улар билан эканлигингизнинг сабаби қотилликда, сиздан қилишаётган шубҳадан ҳоли бўлиш учун эканини айтгандингиз. Бошқа сўз билан айтганда – сиз уларга қаршисиз. Мен ҳам. Иккаламиз кучимизни қўшсак мантиқдан бўларди, тўғрими?

– Балки, – жилмайди Керриден. – Сиз тентак эмас экансиз.

– Брайан ҳам. Агар у тирик бўлиб, ҳаёти хавф остида бўлса, мен унга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Бироқ мен сиздан ҳам ёрдам кутяпман. Ахир сизнинг унга қаршилигингиз йўқ-ку, тўғрими?

Керриден иккиланиб қолди. У ҳеч ҳам қизга Мэлло-рининг қотил эканига ишонишини айта олмаётган эди.

– Мен улар акангизни отиб қўймасликлари учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан.

– У Гурвилни сотган эмас, – қатъий ва хотиржам товушда деди қиз. – Мен сезиб турибман, сиз бундай фикрда эмассиз. Бироқ уни акам сотган эмас. Агар у билан Дарвеш оролида учрашиб қолсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз.

– Қизиқ ном экан.

– Орол Басс-Рокдан йигирма мил нарида.

– Сиз бизни ўша ергача кузатиб бора оласизми?

Қиз бошини силкиди. Керриден унинг қатъийлик акс этиб турган юзига ажабланиб қаради.

– Нима учун?

– Мен анави уч киши билан акамнинг тўқнашуви унга таниш жойда юз беришини истайман. Сиз оролнинг ҳар бир қаричи унга таниш бўлмаган киши учун қанчалик хавfli эканлигини билмайсиз. Ҳеч ким йўқ, бирдан пайдо бўлиб қоладиган куюқ туман, кўплаб яширин бурчаклар, билқиллаган қум ва ўткир қоялар... Биз Брайан иккимиз оролни беш панжамиздек биламиз. – Қизнинг кўзлари чақнади. – Улар эса – билишмайди. Ҳа, ҳа, мен уларни олиб бораман... Ва улар ҳали пушаймон ҳам ейишади!

Улар Холройднинг студиясида тун киришини кутиб ўтиришарди. Қўлларини плашининг чуқур чўнтаклари-га тиқиб олган Ян дераза олдида деворга суяниб турар, ингичка лабларига сигарета қистириб олган эди. Унинг ёнида креслода Жанна мизғирди. У дам ўтмай, чўчиб, сакраб тушар ва қаддини ростларди. Ренли эса уларнинг рўпарасида бошини қўллари билан ушлаганча ўтирарди. Бутун кун бўйи у бир неча оғизгина сўз айтган эди, холос.

Хонанинг узоқ бурчагида, бошқалардан ажи-бужи экран билан тўсилган ҳолда диванда Энн ва Керриден ёнма-ён ўтиришарди. Коттеж ичидаги атмосфера хавфли бўлиб, икки аёлнинг бирга бўлишларидан яхши нарса кутиб бўлмаслигига амин бўлган Керриден қизни Жаннанинг кўзидан нарироққа олиб кетишга уринган эди.

Энн ёрдамида Керриден Данбарга боришнинг маршрутини ишлаб чиқди. Ниҳоят, улар қизнинг машинасидан фойдаланишга қарор қилишди. Қизнинг айтишича, Данбарда уларни оролга олиб борадиган, унга тегишли бўлган моторли қайиққа ўтиришади.

Энди туннинг киришини кутиш қолганди. Полициячилар қайтиб келишмади ва Керриден улар афтидан унинг кўринишини газеталардаги тасвирга ўхшатишмаган бўлса керак, деб хулоса қилди.

Ян ҳар ярим соатда дераза олдидан каравотга боғлаб қўйилган Холройд ётган ётоқхонага қараб йўл оларди. Ва ҳар сафар, Керриден ва Эннинг олдиларидан ўта туриб, ишончсизлик ва нафрат тўла кўзлари билан қизга қараб қўярди.

Вақт еттидан бир оз ўтиб, қоронғи туша бошлаганда Ренли кечки овқат тўғрисида нималардир деб, ошхонага йўл олди.

Узоқ кутишдан чарчаган Керриден ҳам, ўрнидан туриб, дераза ёнига келди. У Жаннанинг ёнидан ўтиб кетаётганда аёл чўчиб туриб, сакраб ўрнидан турди.

– Вақт бўлдими? – сўради у.

– Йўқ, ҳали, – ўзида Яннинг шубҳали назарини ҳис қилиб, деди Керриден. – Тахминан бир соатлардан сўнг қоронғи тушади. – Ҳамма тунд осмонга қаради. Коттежларнинг томлари устида қуюқ булутлар сузиб юрарди. Салқин туша бошлаганди. – Ёмғир ёғади, – гапида давом этди Керриден. – Яхши бўлди – кўчада одам камроқ бўлади.

Қолганлар индашмади. Уларнинг ёвларча муносабатларини ҳис қилиб турган Керриден, Ренли нималардир қилаётган ошхонага қараб кетди.

– Ишлар қалай? Ёрдам керак эмасми?

– Улар мен билан гаплашишмаяпти, – ҳаяжон билан шивирлади Ренли. – Крю ўша пайтда нимани ҳис қилганини энди тушунаяпман.

– Асабийлашманг, – деди Керриден. У очиқ турган эшикдан кўз ташлаб, деразадан қараб турган Яннинг елкасини кўрди. – Икки кишига қарши биз учтамыз. Энг биз билан.

– Ундан нима фойда? – умидсизлик билан деди Ренли.

– Биз оролга етиб келганимиздан сўнг ундан фойда бўлади.

– Агар биз у ерга бора олсак. Мен уларни сиздан яхшироқ биламан. Уларда шафқат деган нарса йўқ. Улар менга ишонишмаяпти...

Қичқирган товушни эшитиб, Ренли жим бўлиб қолди. Керриден бир сакраб, ошхона остонасига келди. Энг унинг ёнига келиш учун экран ортидан чиққан ва Жанна билан юзма-юз келиб қолган эди. Керриден хонага учиб кирганда ғазабдан ранги оқариб кетган Жанна Эннинг



қўлидан тутиб олган эди. Унинг юзи ғазаб ва нафратдан қийшайиб кетган эди.

Керриден Жаннанинг елкасидан ушлаб кескин ўзига қаратди.

– Етар, – ўзини тутиб, деди у. – Ўзингни бос. Уруш чиқармагин, илтимос.

Жанна бир сония худди Керриденни танимаётгандек қараб қолди, сўнгра урмоқчи бўлди, бироқ Керриден унинг қўлини ушлаб қолиб, итариб юборди. Жанна йиқилиб тушай деди.

– Етар деяпман! – ўшқирди Керриден.

Жанна нимадир дейишга уриниб, деворга суянди, бироқ тили ўзига бўйсунмаётганди. Сўнгра бирдан нафаси қиса бошлади ва кўзи орқага кетиб, юзи қотиб қолди, қаттиқ қисилган лаблари орасидан хириллаган товуш эшитила бошлади.

– Эҳтиёт бўл! – бақирди Ренли. – Мен унинг аввал ҳам шундай бўлганини кўрганман...

Керриден беихтиёр ўзини орқага ташлади. Энн энтикиб, чуқур нафас олди. Жаннанинг кўзларида ёнаётган нафрат ўтидан улар иккалови даҳшатга тушишган эди. Жаннанинг панжалари қийшайиб, қорача қўллари билан худди уриш учун ораларидаги масофани мўлжалга олаётгандек ҳаракат қилди.

Шу пайтгача индамай кузатиб турган Ян бирдан ўзини улар томонга отиб, Жаннанинг энгагига бир солди. Қиз олдинга қараб йиқила бошлади, бироқ Ян уни ушлаб олиб, эҳтиётлик билан полга ётқизди ва

– Ёстик келтир, – деди Ренлига қараб. Унинг буйруғини Керриден бажарди, чунки даҳшатдан кўзлари катта-катта бўлиб кетган Ренлининг қимирлашга холи йўқ, фақат ерда беҳуш ётган Жаннага қараганча қотиб турарди.

Ян қизнинг бошига ёстик қўяр экан, Керриден чўнтагидан дастрўмолини олиб, юзини артди. Унинг бутун бадани бўшашиб кетган бўлиб, у бирдан ўзининг аёл

ҳақидаги таассуроти тўғри эканлигини тушунди. Жанна чиндан ҳам ақлдан озган эди.

– Сув олиб келайми? – сўради у.

– Йўқ, ҳозир ҳаммаси жойида бўлади, – жавоб берди Ян. Унинг кўзларида хавотир бўлиб, қўпол қўллари билан аёлнинг ёстиғини тўғрилаб қўйди. – Озгина ухлаб турсин. Касаллик хуружи. Унда баъзан бўлиб туради. Ажабланишнинг хожати борми? – Ян ўрнидан туриб қўрқиб кетганидан ранги оппоқ оқариб кетган Эннга қаради. – Ҳамма ҳам унинг бошидан кечганларга чидай олмаган бўларди.

– Бироқ бу жуда жиддий, – Эннинг ёнига келиб, деди Керриден.

– Фақат унга ҳеч нарса деманглар. У ўзи нима бўлганини эслай олмайди. Ҳечқиси йўқ, асаблар... – ёлғондакам бепарволик билан деди поляк.

– Бизга эртак айтмай қўя қолинг, – қуруққина қилиб деди Керриден. – Жанна ўзини ўта ақлдан озганлардек тутяпти. Унга махсус қаров керак.

– Чиндан-а? – кулиб, деди Ян. – Мен бундай деб ўйламайман. Ҳаммасига доимий хавотирланиш ва хаяжонланишлар сабаб. Жаннанинг бошидан кўп нарсалар ўтган. Мэллорини топганимиздан сўнг у тузалиб кетади.

Ян яна жилмайди – унинг бу совуқ кулгисидан Эннинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди.

Жанна кўзини очди. Ян унинг олдида ўтириб, дастрўмолини секин силкитаётган эди.

– Кўзингни оч! Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

Овоз унга узоқдан эшитилаётган бўлиб, боши гувиллар, чаккаси қаттиқ оғриётганди.

– Мен ўзимни яхши ҳис қиляпман... – аста деди у. – Мен ухлаб қолдимми?

Бирдан полда ўтиргани ва Яннинг қўлини ушлаб олганини сезиб, аёл йигитга хавотир билан тикилиб қолди.

– Нима қилди? Менга нима бўлди?

– Сен ҳушингни йўқотдинг, – одатда беморлар билан гаплашадиган оҳангда деди Ян. – Бирпас ёт, ҳали вақт бор. Керриден машина олиб келиш учун кетди.

– Ҳушимни йўқотдимми?! Сен алдаяпсан! – Жанна полякнинг енгига ёпишди. – Нима бўлди?

Шунчаки сен ҳушингни йўқотдинг. – сабр билан туншунтирди поляк. – Ҳаяжонланма, қўрқадиган ҳеч нарса йўқ.

Аёл поляк уни алдаётганига ишончи комил эди. Уни қўрқув босди.

– Очиғини айт! Менда яна хуруж бўлдими?

Жанна худди ҳақиқатни билиб олмоқчидек Яннинг кўзларига ялинчоқлик билан тикилди.

– Ўтган сафардагидекми? Тан ол! Мен билишим керак!

Ян нима дейишни билмай қолди ва Жанна унинг бу ҳолатидан ўзининг ҳақлигини сезди.

– Жуда оғир хуруж бўлдими? – жавобни кутмай сўради у. – Қанча вақт ҳушсиз ётдим?

– Қўрқинчли ҳеч нарса йўқ, – минғирлади Ян. – Одатдагидек ҳушдан кетиш. – Жаннанинг кўзларида шубҳа ва даҳшатни кўриб, қўшиб қўйди: – Афтидан, бундай хуруж энди қайтарилмайди.

Жанна иягини ушлаб, чўчиб кетди.

– Оғрияпти!.. Сен мени урдингми?

– Йўқ! Сен ҳушингни йўқотдинг, бўлди. Арзимаган гап!

– Сен мени урибсан, – қайтарди Жанна. – Яна арзимаган гап дейсан! – Аёл Яннинг қўлини қўйиб юборди. Бирдан унинг товушида қўрқув пайдо бўлди. – Ян, менга нима бўляпти? Мен ақлдан озаётганимни ҳис қиляпман.

– Бу ҳаммаси асабдан. Сенга нималар қилишганини эслаб кўр...

– Энди нима бўлади? – яна сўради Жанна.

Полякнинг сабри тугади.

– Бизга нима бўлиши менга барибир – Мэллорини топа олсак бўлди! Менинг яшашдан ортиқ умидим йўқ... Сен-чи?

Жанна бармоқлари билан чаккасини сиқди.

– Фақат биз уни топа олармиканмиз? Агар топсак... шу билан бўлди. Унинг ўлимидан сўнг бизнинг ҳам ҳаётимизнинг маъноси қолмайди. Тамом бўламиз.

– Менинг ҳаётим Шарлотта ўлганда тамом бўлган, – оддийгина қилиб деди Ян. – Кел, яхшиси ҳозир бу ҳақда гаплашмайлик.

Жанна яна унинг қўлидан ушлади.

– Ян, сенсиз нима қилган бўлардим, билмадим. Бир-биримиз билан баҳслашамиз, баъзан жанжаллашамиз ҳам, гоҳида бир-биримиздан нафратланиб кетамиз, бироқ керак пайтда сен доим ёнимдасан.

Бу чучмал гаплар Яннинг жиғига тега бошлади. Йи-гирма дақиқалик сабр-тоқатдан сўнг унинг бор назокати-ю, кўнгилчанлиги тугади. У энди фақат биргина нарсани: аёл тезроқ кучга кириб, унга оғирлиги тушмаслигини истаётган эди.

– Иккаламизнинг душманимиз битта, – совуққина қилиб деди у. – Чинакам дўстлар ҳар доим баҳслашишади. Дўстлик шу билан синалади. Тура қол, вақт кутиб турмайди.

Жанна асабларини тинчитиш, ўзига келиб олиш ва бошидаги кучли оғриқни унутиш учун зўрға ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Зўрға-зўрға, гандираклаганча Янга суяниб, ўрnidан турди.

– Ишлар қандай кетяпти?

– Керриден билан қиз машинага кетишди, Ренли ош-хонада, овқат тайёрляпти.

Жаннанинг жахли чиқиб кетди: Ян ҳеч қачон бирор нарсани кўнгилдагидек қила олмайди!

– Сен уларни бирга қўйиб юборавердингми?

– Мен сенинг олдингдан кета олмадим, кимдир машинага бориши керак эди–ку...

Жанна ўзига келди.

– Мени кечир, Ян. Фақат уларга қочиб қолиш учун энди ҳеч ким халал бермайди.

Поляк бефарқлик билан елкасини учирди.

– Қочса қочаверсин, менга барибир. Уларнинг бизга кераги йўқ.

– Йўқ, Керриден бизга ҳали керак, Мэллорини ўша топади. Уни кўздан қочирмаслигимиз керак.

Яннинг жаҳли чиқиб кетди.

– Бир нарсани қайтараверишни бас қил! Менга ишон! Керриденга нега бунча ишонавермасанг?

– Билмайман. Ўзим ҳам тушунмайман. Ичимдан ҳис қиляпман. У Мэллорини топишига ишончим комил. Негалигини билмайман, бироқ ич–ичимдан ҳис қилиб турибман. Иккаламизнинг тақдиримиз қандайдир йўл билан туташиб кетган... Мен аниқ биламан: у Мэллорини топади.

– Нима ҳам дердим. Яхши, майли. – Ўзини зўрға бошишга ҳаракат қилиб, деди Ян. – Кўрамиз. Фақат сени огохлантириб қўяй: унга ишониб бўлмайди.

– Биламан, – бўйнига олди Жанна, – мен ҳам ундан нафратланаман. – Агар ихтиёрим ўзимда бўлса, у билан пачакилашиб ўтирмасдим. Бироқ айнан Керриден бизни Мэллорининг олдига олиб боради.

– Бориб Ренли нима қилаётганига қараб келай, – агар ҳозир чиқиб кетмаса, Керриден тўғрисидаги гапларга ортиқ бардоши етмаслигини ҳис қилиб, деди Ян. – Кутиб ўтира тур. Ҳозир машина келиб қолади. Ҳаяжонланма.

У шу гапларни айтиб, ошхонага чиқиб кетди.

– Қалай, ҳамма нарса тайёirmi?

Ренли унга хижолатлик билан қараб кўйди.

– Ҳа, кўп бўлмаса ҳам, нимадир топдим... Жанна қалай?

– Бўлади. Машина кўринмаяптими?

Ренли бошини тебратди.

– Холройд–чи? Яхши ўтирибдими?

– Билмадим. Мен унинг олдига чиққаним йўқ.

Ян нафрат билан илжайиб қўйди.

– Сендан фойда йўқ...

Ян ошхонадан чиқди ва студияни кесиб ўтиб, ётоқхонага кирди. Жанна унинг сўкинган товушини эшитди.

– Нима гап? – Поляк хонага югуриб кирганда сўради у.

– Холройд қочиб кетибди! – деди Ян. – Бу телба Ренли уни кузатиб турмаган экан. Ҳозир бу ерга полиция келиб қолади!

– 2 –

– Чироқни ёқманг, – Энн билан унинг коттежига киришар экан, огоҳлантирди Керриден. – Бизни гаражда деб ўйлашади... Энди эса менинг гапларимни эшитинг. Бу аёл хавфли, у ақлдан озган. Сиз биз билан бирга кетмаслигингиз керак.

Улар бир–бирларига тегай деб, қоронғи студияда туришарди. Керриден қизнинг юзини кўрмаётган – бироқ унинг бир маромда нафас олишини эшитиб турарди.

– Биз қаерга кетганимизни сотиб қўймасликка онт ичинг ва мен сизни қўйиб юбораман. Ўзим эса уларга эса сизни қочиб кетди, деб айтаман.

– Мен сизлар билан бирга бораман, – ўйлаб ҳам ўтирмай, жавоб берди қиз. – Агар Брайан тирик бўлса, мен ўша ерда бўлишим керак. Унга балки менинг ёрдамим керак бўлиб қолиши мумкин.

– Бироқ Жанна тентак! – хавотир билан қайтарди Керриден. – Мен сизни доим ҳам қўриқлаб тура олмайман, ва ким билади, балки...

– Таваккал қилишга тўғри келади. Мени оғохлантирганингиздан сўнг энди мен эҳтиёткорроқ бўламан. Мен сизлар билан жўнайман, ортиқ гап бўлиши мумкин эмас.

– Майли, сизнинг айтганингиз бўла қолсин, – деди Керриден. – Чиндан ҳам, оролни яхши билганингиз сабаб ёрдамингиз керак бўлиб қолиши мумкин. Кўп вақтни тежаб қоламиз... Гапингиздан қайтиб қолмайсизми?

– Ҳеч қачон.

– Унда тезроқ керакли нарсаларингизни йиғиштиринг. Телефонингиз қаерда? Мен битта кўнғироқ қилиб олишим керак.

– Дераза олдида.

Қиз ётоқхонага кириб кетиши билан, Керриден қоронғида қўли билан қидириб, телефон аппаратини топди ва почтага кўнғироқ қилди.

– Телеграмма қабул қилинг. Скотланд-Ярд. Криминал полиция, инспектор Роулинсга.

«Крю ва «Эндфилд» меҳмонхонасида иккита полициячи отиб ўлдирилган ўқларни солиштиринг. Бу ўқлар отилган маузернинг эгаси Ян... – харфлаб айтаман: Ян Ш-и-м-а-н-о-в-и-ч. – Ёздингизми? Давом этаман. – Бу одам иккита шериги билан меҳмонхонада яшаган: текшириш айна шу одамлар Крюнинг квартирасида ҳам уч кун бўлишганини кўрсатади. Бу қотилликларга менинг ҳеч қандай, қайтараман, ҳеч қандай алоқам йўқ. Керриден». – Ҳаммасини ёзиб олдингизми? Яхши. Энди эса, гўзал қиз, телеграммани юбораверинг!

Керриден энди деразанинг олдидан кетай деганда, унинг эътиборини қандайдир ҳаракат тортиб қолди. Ҳовли орқали Холройднинг коттежи томон қандайдир вақти-вақти билан металл тугмачалари ялтираётган гавдаларнинг кетаётгани зўрға кўриниб турарди. Керриден дераза олдидан қочиб, ётоқхонага отилди.

– Энн! – шивирлади у. – Қаердасиз?

Киз бирдан қоронғиликдан чиқиб келиб, унга урилиб кетай деди.

– Нима гап? Мен деярли тайёрман...

– Полиция! Ҳамма нарсангизни ташланг. Уйдан чиқиб кетадиган бошқа эшик борми?

– Ҳа, мана бу ерда. Менинг ортимдан юринг.

Эннинг товушида на иккиланиш, на қўрқув бор эди. У қатъийлик билан Керриденнинг қўлидан ушлаб, қоронғида йўл бошлаб кетди.

– Тўхтанг, – киз эшик олдига келганда деди Керриден. – Келинг, аниқлаб олайлик. Қаерга кетяпмиз?

– Гаражга, у ердан Рили–стрит, у ердан эса Кинг–Роудга чиқамиз.

– Яхши. Мендан узоқлашманг. Агар сезиб қолишса, ўзингизни ерга отинг. Бу сафар улар қуролланишган бўлади. Тушундингизми?

– Ҳа, тушундим.

Керриден эҳтиётлик билан орқа эшикни очиб, ташқарига қаради. Шу пайт қоронғиликда уч марта отилган товуш янгради.

– Ян... – кизга шивирлади Керриден. – Қўлингизни беринг.

Улар қоронғилик қўйнига шўнғишди ва шу захоти кизнинг уйи томонда ўқ товушлари янгради. Уларнинг шундай яқинларида қичкириқ товуши эшитилди.

– Кетдик! – Керриден шахдам қадамлар билан қизни хира ёритилган Рили–стритга бошлади. – Кўчани ўраб олган бўлишлари мумкин. Агар бизни тўхтатиб қолишса, ҳамма нарсани менга қўйиб беринг.

Улар тез–тез қадамлар билан чарақлаган чироқлар билан ёритилган Кингз–Роудга қараб кетишди. Ярим йўлда Керриден қоронғиликда полициячини сезиб қолди ва қадамни секинлаштирмай Эннинг қўлтиғидан олди.

– Югуришга тайёрланинг, – оғзининг бир чети билан деди у. – Унинг ёнида ҳеч ким йўқ, шекилли?



– Менимча, йўқ, – ҳаяжонланганидан хириллаган товушда деди қиз.

– Ҳой, бир дақиқа! – қўлини силкиб, уларни чақирди полициячи.

– Белги беришим билан югуринг, – шивирлади Керриден, кейин эса баланд овозда полициячига мурожаат қилди: – Бизга айтяпсизми?

Энди улар бараварлашиб, деярли ёнма-ён туришарди. Полициячи қоронғида уларни яхшироқ кўриш учун, уларга қараб қадам ташлади. Керриден унинг иягига қаттиқ бир мушт тушириб, тротуарга ағанатди.

– Югуринг! – қизга буюрди у ва уни олдинга қараб итариб юборди.

– 3 –

Ғижимланган ўрин, полда икки бўлак арқон бўлаги, шамолда қимирлаётган дарпарда... Холройднинг қочганига амин бўлиш учун бир қарашнинг ўзи кифоя эди. У қачон қочишга улгурди экан? Ўн беш, йигирма дақиқа бурунми? Полицияга хабар берилган бўлса керак...

Остонада Яннинг орқасида туриб, Жанна ва Ренли бўш каравотга қараганча қотиб қолишган эди. Жанна ҳали ҳам ярим уйқуда эканга ўхшарди: унинг қотиб қолган кўзларидан Ян хавотирга тушаётган эди. Хавф туғилиб қолган тақдирда бу француз аёлга ишонса бўларди. Ўтган замонда. Ҳозир эса бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. «Афтидан, у ҳали ҳам хуруждан сўнг ўзига келгани йўқ, – ўзича ҳал қилди Ян. – Ва энди ҳозирча ҳеч нарсага ярамайди». У тезгина Ренлига қараб қўйди ва ғалати кўринса-да, унинг ўзини тутиб турганини кўриб, энгил тортди.

– Улар мана ҳозир бир зумда шу ерда бўлишади. – Ренли яқинлашиб қолган хавфни дарров баҳолади. –

Агар Холройд қўнғироқ қилган бўлса, у ҳолда бизда бир неча дақиқагина бор, ҳолос.

– Ҳа ва бу сафар полициячилар қуроқланган бўлишди, – тундлик билан унинг гапига қўшилди Ян. – Бу ердан қочиш – «Эндфилд»дан қочишга ўхшамайди... Жаннага кўз ташлаб тур. Мен ташқарида нима гаплигига қарайчи.

У ич-ичидан ҳозир Ренлига ишониш мумкилигини ҳис қилиб турарди. Шароитларининг умидсизлиги, олдларидан турган хавф йигитнинг асабларини эғовлаб, унга матонатини қайтаргандек эди. Вақт ҳам орқага қайтгандек эди. Бу яна ўша – гестапо билан курашган, ҳамма кийноқларга чидаган, бўйсунмас тўққизликнинг аъзоси эди.

Ян йигитдаги бу ўзгаришни сезди. Ниҳоятини ўн икки соатгина бурун уни ўлдирмоқчи бўлганини эслаб, қулиб қўйди.

– Деразага чиқ, – маслаҳат берди Ренли. – Эшикда пойлаб турган бўлишлари мумкин.

«Тўғри», – ўйлади Ян. Илгариги кўникмалари ундан кўра Ренлига тезроқ қайтаётган эди. У маузерини ғилофидан чиқариб, қўлида тортиб кўрди.

– Унга Керриденнинг пистолетини бергин, – Жаннага буюрди у.

Бироқ Жанна ҳайкалдек индамай, қимир этмасдан қотиб турарди. Фақат кўкрагидан шовқин билан чиқаётган нафаси эшитиларди, ҳолос.

– Найжел, ундан қуролини ол, – Ян инглизга биринчи марта исмини айтиб, мурожаат қилди. У бу билан Ренлига унга яна ишонаётганини билдираётган, ва буни билдиришнинг бошқа йўлини топа олмаётган, ўз хиссиётларини сўз билан ифода қилай олмаётган эди.

Ренли қўлини Жаннанинг чўнгагига тиқиб, у ердан пистолетни олди. Аёл титраганча, ўзини нари олди.

– Менинг бошим оғрияпти, – деворга сунганча, чак-  
касани қўллари билан сиқиб, ингради у.

Ян аламдан сўжиниб қўйди. Ренли пистолетни предо-  
хранителидан ечар экан, тун сукунатида отганга ўхшаш  
шикиллаган товуш эшитилди.

– Уйнинг орқасида нима бўлаётганига қараб келай, –  
деди Ренли. – Мен қайтиб келмагунча, шу ерда тура тур,  
– Жаннага қараб, деди у.

Унинг овозида диққат-эътибор ва гамхўрлик  
оҳанглари бор эди. Ян, ана шундай қийин шароитда эски  
дўстлик ришталари ўзини кўрсатади, шекилли, деб ўй-  
лади.

Ренли ҳеч қандай товуш чиқармай кўздан ғойиб  
бўлгач, Ян дераза олдига келиб, дарпардаларни сурди ва  
коронғиликка тикила бошлади. У ҳеч нарса кўра олма-  
ди, бироқ шу пайтгача мизғиб ётган бўлса–да, йўқолиб  
кетмаган ички ҳисси ташқарида хавф борлигини ай-  
таётганди. Ян деразани очиб, қулоқ сола бошлади. Авва-  
лига Кингс–Роуддаги бир маромдаги ҳаракат шовкини  
эшитилди. Кейин эса, қулоғи ўрганганидан сўнг бошқа  
товушлар: сув шилдираши, асфальтга пошналарнинг  
урилиб тақиллаши, паст товушлар эшитила бошлади.  
Ян диққат билан қотиб қолди сўнгра кўзи коронғига ўр-  
гангач коттежлар олдини эгаллаб олган одамларнинг  
қорасини ажрата бошлади. Тугмачаларнинг ялтираши  
унинг фикрини тасдиқлади. Полиция аллақачон етиб  
келган эди – улар захарланган, бироқ ҳали ҳам хавфли  
бўлган ҳайвоннинг уясини эҳтиётлик билан шошилмай  
ўраб олишаётган эди.

Ренли қайтиб келди.

– Мана, бўлди, – деди у. – Орқа эшикнинг олдида тўрт-  
таси қоровуллаб турибди.

– Олдинда эса мен саккизтасини санадим, – жавоб  
берди Ян. – Аслида эса улар бундан ҳам кўпроқ, кўчалар-

ни ҳам беркитиб ташлашган бўлса керак. Бизга қийин бўлади.

Ян чўзиб ва ҳиссизлик билан гапираётган бўлса—да, унинг томоғи қуриб кетган ва юраги гурсиллаб урарди.

Улар қоронғида индамай туриб қолишди. Ян яна ёнидаги инглиздан хотиржамлик қўйилиб келаётганини ҳис қилди ва ўзи қўрқувга тушиш арафасида турганидан жаҳли чиқиб кетди.

– Учаламиз бирга кета олмаймиз, – деди Ренли. – Жаннани олиб, орқа эшиқдан чиқиб кетишга ҳаракат қилинглар. Мен сизларни пана қилиб тураман.

Ян ўз қулоқларига ишонмади.

– Сен бизларни пана қилиб турасан? – қайтарди у. – Қандай қилиб?

– Боринглар, – шоширди Ренли. – Бу ягона имконият. Жаннани ўзинг билан олиб, югуринглар.

– Нима деяётганингни тушуняпсанми? – сўради Ренлининг гапларидан ларзага келган Ян. – Сени отиб ташлашади—ку!

– Фарқи нима? – деди Ренли ичидан келаётган ҳисларини босиб. – Ҳозир кўп гапириб ўтирадиган пайт эмас. Сизлар ўтиб кета оласизлар, деб умид қиламан.

– Ҳа... – Ян ҳозиргина ана шу одамни ташламоқчи бўлганидан уялиб кетди. – Бироқ сенинг ҳам...

Ренли унинг гапини бўлиб, дераза олдидан нари итарди.

– Жаннани олиб кет! Мен отишга бошлашим билан югуринглар!

Ян қоронғида инглизнинг қўлини топиб бор кучи билан сиқиб қўйди. У ҳаёти учун инглиздан қарздор бўлиб қолганидан уятда эди.

– Менинг вафодор дўстим, – деди у, ич—ичидан лаънатлар ёғилиб келаётган бўлсада. – Менинг меҳрибон, вафодор дўстим!..

Ренлини ёлғиз қолдириб, кўздан йўқолди.

Ренли бир қанча вақтгача ўз қурбонлигининг дахшатидан ларзага тушган ҳолда қимир этмай туриб қолди. Ян яқингинада уруш улар учун давом этаётганини айтган эди. Урушда эса, инсон дўсти учун жонини қурбон қилса бу қахрамонлик – Ренли доим шундай ҳисобларди. Агар душмани учун жонини фидо қилса – бу ундан ҳам ортиқ қахрамонлик – Ренли шунга ўзини ишонтирмоқчи бўлди. Унинг Янга нисбатан ҳеч қандай ёлғон тасаввурлари йўқ эди. Эртами, кечми бу поляк – бошига отибми, орқасидан пичоқ санчибми, фарқи нима, уни ўлдирган бўлар эди. Нима бўлганда ҳам Ренлининг масаласи ҳал бўлган эди. У бу борада ўзини ўзи алдамаётган эди.

Шуниси яхши. Энди улар Ренлини умрларининг охиригача эсларидан чиқаришмайди. Энди Ренли ҳам Яннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, орқасини ўгиришга кўрқиб, кечасилари ухламай ўлимни кутиб юришига тўғри келмайди.

Ва яна, ўйларди Ренли, ўзининг бу иши билан ғалаба қозонди: ўзини энг яхши дўстим дейишга Янни мажбур қилди!.. Ренли аччиқ кулиб қўйди. Бу триумф эди: агар Ян уни ўлимдан қутқарганда, ўзи уни дўстим деб атамаган бўларди.

Ренли пистолет қўндоғи билан дарпардани секин сурар экан, очиқ деразадан кирган совуқҳаво унинг қизиб ётган юзига урди. Шубҳа йўқ: отишни бошласа бўлди ва ниҳоя тез келади. Ташқаридагилар ҳазиллашишмоқчи эмас. Уларнинг иккита ўртоқлари ўлдирилган ва улар олифтагарчилик қилиб ўтиришмайди... Қизик, Мэллори нима бўлади? Мэллори... Бечора йигит. Нима жин уриб сотқинлик қилган экан?.. Бироқ Мэллори бўлмаганда бу саргузаштлар ҳам бўлмаган бўларди!

Бошқа тарафдан эса, алам билан ўйлади Ренли, агар Мэллори бўлмаганда у ҳозир заводда ишлаётган, ёки конторада кун ўтказаётган, одамларнинг ачинишига мухтож бўлиб юрган бўлармиди? Ҳар ҳолда Мэллори уни

шундай пасткашликлардан қутқариб қолди. У Ренлига тез бўладиган ўлимни совға қилди.

«Ким билади, – ўйлади Ренли, – балки нариги дунёда учрашиб қолармиз?»

Шундан сўнг Ренли Ян эшикнинг илгагини сурганини эшитди, бирданига унинг ўзига ишончи бир неча сонияга сўнганга ўхшаб туюлди ва у ўзининг бу бўшанглигидан қўрқиб, титраб кетди. Кўлидаги пистолет бир тоннага ўхшаб туюлди. Уни кўтариб туриш учун катта куч талаб қилинаётган эди. Ян шивирлади: «Биз тайёرمىз»; бу шивирлашда ҳам сабрсизлик, ҳам ишонмаслик бор эди.

Шу пайт Ренли бир ҳаракат билан дарпардани сурди ва яширинмай, дераза олдига туриб олди ва бутун асаб толлари ўлимни келтирадиган зарбани кутиб қақшаётган бўлса – да, коронғиликка қараб, отишни бошлади.

Такси «Аметист» жойлашган боши берк кўчага етиб келди. Ёмғир ёғаётган бўлиб, Фрит-стрит бўм-бўш эди. Керриден худди ёмғирдан яширинаётгандек, бошини ичига тортиб, ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилди ва жала остида Энн билан югуриб кетди.

У тўппа-тўғри меҳмонхонанинг хизматчилар учун эшиги олдига келиб, темир эшикни очди ва қизни хира ёритилган овқат қолдиқлари ва ошхона ҳиди анқиётган йўлакка итариб киргизди.

– Ҳозирча ҳаммаси жойида. Агар мен Эффини топа олсам, бир неча соат хавфсизликда бўламиз, – секин деди Керриден ва плашидан сувни силкитди. – Шу ерда кутиб туринг. Мен ушланиб қолмасликка ҳаракат қиламан.

– Яхши, – жавоб берди Энн. – Биров мени кўриб қолса-чи?

– Эффининг дугонасиман, деб айтинг. Бироқ мен тез келаман. – У қизнинг қўлидан ушлаб, жилмайди. – Сизга қойилман. Худди ҳар куни полициядан қочиб юрганга ўхшайсиз.

– Эффининг олдига бора қолинг, – ёдига солди Энн. – Мақтовлар кутиб туради.

«Ғаройиб қиз! – еростидаги ошхоналарга олиб борадиган йўлақдан тез кетар экан, ўйлади Керриден. – Ўзини тута билишини-чи! Қилт этгани йўқ. Агар Мэллори ҳам синглисидек бўлса, у ҳолда Жанна билан Ян ундан кўрқишаётгани бежиз эмас экан!»

Ошхонанинг эшиги ярим очик бўлиб, Керриден кирмай туриб, ичкарига қаради: кизариб кетган ошпазлар плиталар олдида нимадир қилишар эди. Керриденнинг бурнига пиёз ва қиздирилган ёғнинг ҳиди урди. У бу ерда Эффини кўрмай илгарига қараб юрди: қиз сабза-

вотлар сақланадиган хонада экан – картошка артиб, паст овозда қандайдир ашулани хиргойи қилиб ўтирарди.

– Эффи! – остонадан туриб чақирди у. – Ёлғизмисан?

Кутилмаган бу ҳодисадан қиз кўлидаги пичоғини тушириб юборди ва Керриденга катта–катта очилган кўзлари билан қараб, картошка солинган идишни кўксига босганча, ўрнидан туриб кетди.

– Мистер Керриден!

Керриден ичкарига кириб, эшикни оёғи билан ёпди ва жилмайди.

– Ҳар доимгидек мен ноқулай шароитга тушиб қолдим. Эффи, сенинг ёрдаминг керак... Рад қилмайсанми?

– Албатта ёрдам бераман! – Эффи идишни ерга қўйди. Унинг катта–катта кўзларида хавотир пайдо бўлди. – Мистер Керриден, нима бўлди?

– Хонангга чиқсак бўладими? Мен билан бирга дўстим бор. Биз шу ердалигимизни Зани билиб қолишини истамайман. Айтганча, ўзи қани?

– Залда. Мен картошкаларни артиб қўйишим керак. Кейин бўшман. Менинг хонамни топа оласизми?

– Топа оларман. Бўшашинг билан келгин. Поездлар қатнови жадвали билан ейишга бирор нарса ҳам олиб келгин, илтимос. Бироқ, асосийси, биз тўғримизда бировга чурқ этиб оғиз очма!

– Мистер Керриден, хотиржам бўлинг. Хонамга бораверинг. Мен ўн дақиқадан сўнг бўламан.

Керриден қизнинг ориқ елкаларидан дўстона кучоқлаб қўйди.

– Эффи, сен ажойиб қизсан. Қачондир вақти келиб менга ёрдам беришингни билардим.

– Сизларни полиция қидиряптими? – Меҳр билан Керриденнинг қўлларидан ушлаб, сўради қиз.

– Шундай бўлса керак, деб қўрқаман, – кулди Керриден. – Хавотир олма, йўлини қиламиз.

Керриден ифлос деворга суянганча уни хотиржам кутиб ўтирган Эннинг ёнига қайтиб келди.



– Тепага юринг. Эффи унинг хонасига киришимизга рухсат берди.

Улар йўлда ҳеч кимни учратмай Эффининг хонасига етиб боришди. Чироқни ёқишдан олдин Керриден пардаларни беркитди.

– Келинг, ёрдамлашиб юбораман, – деди Керриден қиз плашини ечгач ва ўзиники билан унинг плашини эшик орқасидаги илгакка осиб қўйди. – Уринга ўтиринг, стулдан кўра ўша ер қулайроқ... – Ва жилмайиб, қўшиб қўйди: – Мана энди хотиржам яшайман, деб айта олмай-сиз.

– Агар мен рассом бўлсам, – енгил киноя билан деди Энн, – бу мен мўмин-қобилман дегани эмас... Хаёлимдан анави учта одам кетмаяпти – ахир улар у ердан қочиша олмайди-ку, тўғрими?

– Баҳс бойлашаман, айти тескариси. Улар бундай ша-роитга биринчи марта тушишлари эмас. Келинг, улар кетишди, деб фараз қиламиз ва ўз режаларимизни шундан келиб чиқиб тузамиз. Мен ҳали ҳеч нарсага аралашмай туриб, уйингизга қайтишингизни қатъий талаб қиламан. Бироқ мен билан қоладиган бўлсангиз, эртами, кечми жиддий муаммоларга дуч келасиз.

– Мендан жуда қутулгингиз келяптими? Мен муаммолардан қўрқмайман ва ўзимни ўзим ҳимоя қила оламан – Брайаннинг ўзиман.

– Шунақага ўхшайди, – қуруққина деди Керриден. – Бироқ полиция билан олишишнинг нима кераги бор? Агар Дарвеш оролига боришингиз керак бўлса, ёлғиз ўзингиз бораверсангиз бўлмайдими?

– Мен иккаламиз бирга қўшилишиб ҳаракат қилишга келишдик, деб ўйлагандим, – қизнинг кўзлари истехзо билан ялтираб кетди, бироқ юзи жиддийлигича қолган эди.

– Бу гап полиция аралашгунча эди, – сабр билан эътироз қилди Керриден. – Ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетди.

– Мен анави учта одамни кўздан йўқотиб бўлдим, – қатъийлик билан деди Энн, – энди сизни ҳам йўқотмоқчи эмасман... Бунинг устига, – кулиб юбориб, қўшиб қўйди у, – сиз бу оролни менсиз топа олмайсиз, мен эса бу оролга сиз улардан олдин етиб боришингизни хоҳлайман.

Керриден хўмрайиб, ўйчанлик билан қизга қараб қолди.

– Ажойиб!.. Аёллар ўзларини бекордан бекорга бундай тутмайдилар. Ҳаммаси бутунлай тескариси: сиз ўлгудек кўрқишингиз керак эди. Бунинг ўрнига сиз биринчи марта кўрган одамингиз – яна сизга ёпирилган одам билан қалтис ишга қўл уряпсиз.

– Ҳаммасига уруш айбдор – кулиб, гап бошлади Энн. – Умид қиламанки, мени уйида бекор ўтирган, деб ўйламаётгандирсиз? Ўшандан бери мен тинчгина яшаб келишга ҳаракат қиляпман, бироқ бу нарсанинг ярмигагина эндигина эришгандим: кутилмаганда сиз пайдо бўлиб қолдингиз... – Қиз жим бўлиб қолиб, жилмайди. – Мен кутилмаган ҳодисаларни яхши кўраман ва ҳозир ҳам ўзимни шундай нарсадан четга олмоқчи эмасман.

– Уруш пайтида нима қилгансиз? – шубҳаланиб, сўради Керриден.

– Сиз нима қилган бўлсангиз мен ҳам ўша билан шуғулланганман. Аввалига мен сизни танимадим, кейин ўйлаб қолдим. Мен сиз тўғрингизда кўп эшитганман. Ричи сизларга инструктор эди-а? Мен эса Мэссингемнинг гуруҳида эдим.

– Мэссингемнинг гуруҳида?.. Вой, Худойим! Сиз менга унинг шаддод амазонкалари гуруҳида эдим, демокчи эмасмисиз?

– Айнан шундай. Парашютда ўн марта сакраганман.

– Бизга қизлардан парашют десанти тайёрланаяпти, дейишганда биз бу янги махфий қурол бўлса керак, деб ўйлаган эдик! – Керриденнинг кўзлари чакнаб кетди. –

Агар Мэссингем унинг жангчилари ҳақида биз қандай ҳазиллар тўқиганимизни билганда эди! Ҳай агар! Мана, демак қандай...

– Ажабланманг, – деди Энн. – Менга қараб кўпчилик, гугурт чўпидек нозик, деб ўйлашади. Ишонаверинг, бундай эмас. Мен ўзимни ўзим ҳимоя қила оламан.

– Шубҳам йўқ, – деди Мэссингемнинг шогирдларига доим ҳурмат назари билан қараган Керриден.

Эшик оҳиста тақиллаб, овқат солинган патнис кўтариб олган Эффи кўринди. Энни кўриб у қўлидагиларни тушириб юборай деди. Керриден қизнинг кўзлари қорайиб кетганини сизди: у бирдан сўниб қолгандек бўлди ва шу билан ўзининг бутун жозибасини йўқотди.

– Эффи, кира қол, – Керриден қизнинг қўлидагиларни олди. – Таниш, бу – Энн Мэллори. Энн – бу Эффи, менинг энг яхши дўстим.

Ҳатто бу кўпол мақтов ҳам қизнинг кўзларидаги совуқ чакнашни йўқ қила олмади. Энн ёрдами учун қизга миннатдорчилик билдирганда, Эффи қизариб кетиб, тескари ўгирилди: у Энн тимсолида рақибасини ҳис қилаётган эди.

– Поездлар жадвалини олиб келдингми? – сўради Керриден патнисни стол устига қўяр экан ва соатга қаради: ўндан бир неча дақиқа ўтган эди.

– Ҳозир топишга ҳаракат қиламан, мистер Керриден, – жавоб берди Эффи ва хонадан чиқиб кетди.

Керриден қовоғини уйди.

– Келинг, овқатланиб оламиз, – деди у. – Вақтни бой бермайлик.

Энн жўжали сэндвич олди ва ликопчани Керриденга узатди.

– У сизни севадими?

– Ким? Эффими? – Керриден елка қисди. – Балки... Ширин қиз. Афтидан, мен ўзим айбдор бўлсам керак. Мен уни жуда кичкиналичигдан билардим ва унга

қуёнлабидан қутулишига ёрдам бермоқчи эдим. У ҳар доим менга вафодор дўст бўлиб келган...

Энн Керриден хижолат бўлаётганини тушуниб, мавзунни ўзгартирди.

– Анавиларга нима бўлганини билсак яхши бўларди. Биз оролга улардан олдинроқ етиб боришимиз керак.

Кўлида поездлар жадвали билан Эффи қайтиб кирди.

– Менга қара, – Эффига қараб, деди Керриден, – мен Лондондан кетишим керак. Бор гапни айтиб беришимнинг хожати йўқ: қанча кам билсанг, сенга шунча яхши. Бугун кечкурун биз Шотландияга жўнаб кетяпмиз. Йўлга овқат керак бўлади ва яна сен бизни вокзалгача кузатиб боришингни ва биз учун билет сотиб олиб беришингни илтимос қиламан. Полиция, албатта, вокзалларни ҳам кўз остига олган; хуллас, бизнинг поездга ўтирганимизни ҳеч ким сезиши керак эмас. Ёрдам бера оласанми?

– Яхши, мистер Керриден, – тунд овозда жавоб берди Эффи. Керриденнинг ана шу қиз билан жўнаб кетаётганидан унинг юраги чок–чокидан сўкилиб кетаётган эди.

– Илтимос, овқат тайёрлаб, бу ерга Максни чақириб юбор. Зани ҳеч нарса сезиб қолмаслигига ҳаракат қил.

– Ҳаракат қиламан, – жонсиз товушда деди Эффи ва хонадан чиқиб кетди.

– Бечора, афтидан мени ўзига рақиба деб ўйлаяпти, – хавотир билан деди Энн. – Бу борада уни тинчлантириб қўйсангиз бўлмайдими?

– Иложи йўқ, деб қўрқаман, – берилиб ўқиётгани йўриқномадан кўзини узиб, деди Керриден. – Ўзимнинг ҳам бунга жуда ишончим комил эмас.

Энн бир сония шошиб қолди, кейин елкасини учириб қўйди.

– Менга бундай гапларни гапиришга мажбур эмассиз. Керриден яна йўриқномани ўқишга тушди.

– Яхши, – деди у жадвалдан Шотландияга борадиган вақтни кўра туриб. – Бироқ, гап шундаки, мен сизга буни

айтиб кўйишим лозим... Кингз–Кросс вокзалидан Данбарга тунги соат бирда поезд бор экан. Эртага тушда ўша жойда бўламиз.

– Вокзалларни кузатишяпти, деб ўйлайсизми?

– Агар анавилар қочиб кета олишган бўлса, полиция жуда эътибор билан турган бўлса керак – сичқон ҳам қочиб қутула олмаса керак, – деди Керриден. – Шунинг учун мен билетларни Эффи сотиб олишини истаяпман. Менинг кўринишим ҳаммага маълум; энди сизники ҳам маълум бўлса керак.

Энн чўнтақларини кавлай бошлади.

– Сигарета билан меҳмон қила олмайсизми? Мен ўзимникини уйда қолдирибман. Эсиз, юкларимни йиғиштиришга вақт бўлмади.

– Мен ҳам рюкзагимни қолдирибман, – қизга сигарета тута туриб, ачинди Керриден. – Яна Холройдникида. Полиция мен Ян билан бирга бўлганимни сезиб қолади. Жуда зўр бўлди-а? – Керриден жаҳл билан қўл силкиди. – Агар бу тўғрида аввалдан ўйламаган бўлсам, афтидан, жуда шошиб қолдим, шекилли.

Эшик аста очилиб, тирқишдан Макснинг боши кўринди. Унинг кўзи Эннда тўхтади ва секин хуштак чалиб кўйди.

– Мен сенга керакманми?

– Ичкарига кириб, ортингдан эшикни ёп, – қисқа қилиб деди Керриден. – Сизларни таништириб ўтирмайман. Қанча кам билсанг, шунча кам ёлғон гапиришингга тўғри келади.

Макс Эннга чуқур таъзим қилди.

– Афсусдаман, мисс.

– Бўлди, бўлди, – Керриден афтини буриштирди. – Олифтагарчилигингни кейинги сафарга олиб қўя тур. Чейн–Уокдаги отишма тўғрисида бирор нарса эшитдингми?

Макс кулди:

– Бўлмасам–чи, бутун клуб фақат шу ҳақда гапиряпти!

– У ерда нима бўлибди?

– Сен билмайсанми? – Макс ажабланди. – Йўғ–ей!

– У ерда нима бўлибди? – қуруққина қилиб яна сўради Керриден.

– «Эндфилд»да иккита полициячини ўлдириб кетган анави уч кишини айтаман. – Макснинг кўзларида ҳайрат аломати чакнаётганини кўриб, у ҳам тинчгина юрадиган одам эмаслигини билиш мумкин эди. – Полиция уларни Чейн–Уокдаги студиялардан бирида топиши мумкинлиги тўғрисида маълумот олиб, уйни ўраб олибди. Уларнинг орасидаги бир қўллиси полициячиларни ушлаб турибди, қолган иккитаси эса орқа эшикдан қочиб қутулишибди. Роса отишма бўлибди. Ўша ерда бўлиб қолсам эди!.. Сидни–стритда бўлган воқеадан қизиқроқ. Айтганча, у пайтлар сен стол остида юрардинг...

– Сидни–стритни тинч қўй! Улар қочиб кетиша олибдими?

– Ҳа, иккитаси қочибди. Бир қўллини эса илма–тешиқ қилиб ташлашибди. Бечора йигит. Ўша йигитга қойил қолса бўлади... – Макс ачиниб, бошини тебратиб қўйди. – Анави иккитаси пичокни ишга солишибди– битта нозирни ўлдиришибди, иккинчисини ярадор қилишибди. Улардан бири ҳам ярадор бўлган дейишяпти, балки, бу шунчаки гапдир. Нима бўлганда ҳам, иккови яширина олишган.

Керриден ва Энн кўз уриштириб олишди.

– Яхши, Макс, раҳмат. Тилингни тийиб юргин.

– Хавотир олма. – Макс кўзларини Керридендан узмай, жим қолди. – Сен ўзинг ўша учлик билан боғлиқсан, деган гаплар юрибди... Уйдирма бўлса керак-а?

– Ҳозир савол берадиган пайт эмас.

– Тушунарли... Менинг ишим огохлантириб қўйиш. Полиция бу одамларни топишга қатъий аҳд қилган. Фараонлар ҳаммаси оёққа турган! Эҳтиёт бўл.

Керриден бошини силкиди.

– Эҳтиёт бўламан. – У чўнтагидан иккита беш фунтлик пул олди. – Мана, ўзингга галстук сотиб ол.

Максингичка бармоқлари билан пулларни олди.

– Агар мухтож бўлмаганимда, олмасдим, – деди у. – Раҳмат. Яна керакманми?

Керриден бош чайқади.

– Яхши қол, Макс.

Макс яна Эннга таъзим қилди.

– Мисс, кейинги учрашувимиз бундан ёқимлироқ тарзда бўлади, деб умид қиламан, – деди у.

Ва қандай овозсиз кирган бўлса, шундай кўздан йўқолди.

– 2 –

Бутхонанинг шипида осилиб турган ягона электр лампочкаси пол ва олд қатордаги ўриндиқларни зўрға ёритиб турарди. Бутхонанинг ичкарироғида юзини қўллари билан беркитиб олган кекса кампир ўтирарди. Унинг қийналиб нафас олиши сукунатни бузиб турар ва орқа қаторда панада ўтирган эркак ва аёлга улар ёлғиз эмасликларини белдириб турарди.

Кампир кетишга шошилмаётган эди. У айни Ян оғриқдан букилганча, плашини ечаётганда кириб келган ва уларнинг яқинларига ўтириб олиб, шунчалик берилиб ибодат қилардики, Яннинг жони чиқиб кетаётган эди. У венасини бойлашга ҳаракат қилар, чап бицепсидаги яра ҳали ҳам қонаётган эди. Қон енгига шимилиб, ўриндиққа ва бутхонанинг оқ тошдан ишланган полига томчилаётган эди. Ян костюмини ечиб, кампирнинг эътиборини тортиб қолишдан чўчиётган эди – полициячилар яқин атрофдаги кўчаларни титкилаб чиқишаётган эди. Битта кичқириқ ва улар бу ерга югуриб келишади.

Жанна чормихга тортилган Исо сурати солинган бутдан кўзини узмай йигит ёнида ўтирар ва унинг бутунлай бефарқлиги ярадорнинг ғазабини кўзитаётган эди.

Муъжиза юз бериб, улар қочиб кета олган эдилар. Жанна ҳеч нарсада ёрдам бермай, худди кўтариб юриш шарт бўлган кўғирчокка ўхшаб, унга фақат юк бўлаётган эди. Қиз тушкунликка тушиб қолган бўлиб, ҳозирги шароитларини ҳисобга олмаётган эди. Ян шу пайтгача улар қандай қилиб чегарадан ўта олганларига хайрон эди. Шундай дақиқалар бўлдики, у ҳаммаси тамом деб ўйлади. Қоронғиликдан полициячи чиқиб келди. У ҳуштагини оғзига солиб, Янга қараб сўйилини кўтарди, бироқ Ян ўзини олиб қочиб, унинг қорнига пичоғини санчиди ва ҳуштак унинг оғзида қолганча қолди. Зимистонда пистолет отилди ва ўқ қиздирилган игнадек Яннинг қўлини жизиллатиб ўтди. Бироқ у Жаннани қўлидан қўйиб юбормай, оғриқдан тишларини ғичирлатганча, ўз орқасидан тортиб кетди.

Энди ҳеч қандай йўл йўқ, деб энди бутунлай тушкунликка тушган сонияда Ян кичкина ибодатхонани кўриб қолди ва пичоғини қўлида қисганча, кираверишда яширинди. Полициячилар эса кўрмай ўтиб кетишди.

Ана шундагина Ян қўлидан қон шариллабоқаётганини сезди. Пешонаси ёниб кетаётган, қулоқлари шанғиллаб, атрофга қулоқ солишга ҳалал берарди. Жаннанинг қўлидан тортиб Ян ибодатхонанинг ичига олиб кирди ва ўриндиққа ўтирган заҳоти на оғриқ ҳис қилмайдиган, на қотилликлар бор ва на тутиб олишлари хавфи бор қоронғилик қўйнига ғарқ бўлди.

Бироқ бутунлай кучдан қолган миясининг ҳушсизланиб қолишидан кўрқиб кетган Ян бир сесканиб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. У энди фақат ўзига ишонишига тўғри келарди: Жанна энди ҳеч нарсага ярамаётган эди. У катта очилган кўзлари билан тўғрига



қараганча индамай ўтирарди: лаблари титрар, қўллари билан чаккасини сиқиб олган эди.

Ян секин ўгирилиб орқага қаради – унинг қарашида қўрқув бор эди. Кампир ҳали ҳам аввалгидек олдинга энгашган кўйи, олдиндаги суянчиққа тирсагини тираб, юзини қўллари билан беркитганча ўтирарди. Унинг нафас олиши янада қаттиқроқ эшитилаётганди. У энди ортиқ ибодат қилмаётган эди: у ухлар эди.

Ян оғриқдан юзларини бужмайтириб, костюмини ечди ва қондан ивиб кетган енгига қўрқув билан қараб қолди.

– Бирор нарса қилсанг–чи! – Жаннанинг қулоғига шивирлади у. – Қон тўхтамаяпти. Менга ёрдам бер!

Аёл секин бошини буриб, худди ярим уйқудадек, йигитга кўрмаётган назар билан қараб қолди. Ян аёлнинг қўлидан ушлаб, тирноқларини ботирганча уни силтади.

– Мендан қон кетяпти! Менга ёрдам бер!

Шунда Жанна ниҳоят ўзига келди ва кўзини йигитнинг юзидан олиб, енгига қаради.

– Пичоқни бер, – деди у. – Шарфнинг ҳам еч.

Ян енгил тортиб уфлади ва қизга пичоқни узатди. Жанна ўзига хос бўлган чаққонлик билан кўйлакнинг енгини қирқиб, Яннинг шишиб кетган қўлини очди.

– Тампон қилиб, иложи борича қаттиқ бойлаб қўй. Қонни тўхтатиш керак.

Жанна дастрўмолчадан тампон қилиб, йигитнинг қўлини шарф билан қаттиқ бойлаб қўйди.

– Ана энди яхши, – терлаб кетган юзини артиб, хўрсинди Ян. – Плашимни кийишга ёрдам бериб юбор.

Энди кутиш қолган эди. Ян қулай ўтириб олиб, ёнига пистолетини қўйиб қўйди. У оёқлари бўшашиб кетганини сезиб, қанчалик кўп қон йўқотгани тўғрисида дахшат билан ўйлади. Агар ҳозир полициячилар келиб қолса, қочиш тўғрисида орзу қилмаса ҳам бўлади. У ўлдира

олганча одамни ўлдиради ва кейин ўзини отади. Улар Янни тирик ушлаша олмайди. Ян соатга қаради: ўндан чорак ўтган эди. Қизик, Керриден билан анави қизга нима бўлди экан? Агар улар полициядан қоча олишган бўлса, оролга боришармикан? Мэллори Керриден тахмин қилаётгандек, чиндан ҳам ўша оролдамикан?..

Ян худди ундан куч олмоқчидек, пистолетнинг қўндоғига тегиб қўйди. У вақти оз қолганини яхши тушуниб турарди. Эртами, кечми полиция унга етиб олади. Агар у Мэллорини ушламоқчи бўлса, бу ишни иложи бориша тез қилиши керак. Охирги умид – орол. Агар Мэллори у ерда бўлмаса, у ҳолда енгилганини тан олиш керак. Энди орқаларидан полиция қувлаётганда Мэллорини бутун мамлакат бўйлаб қидиришнинг иложи йўқ. Нима қилиб бўлса ҳам оролга етиб бориш керак... Бироқ, буни қандай қилса бўлади, Ян тасаввур ҳам қила олмаётган эди.

Ян таваккал қилиб кўчага чиқса бўлади, деб қарор қилганда ярим кеча бўлган, кампир ҳам бу ерда уларнинг борлигини ҳам сезмай, аллақачон кетиб бўлган эди.

Ибодатхонада анча пайтгача жимжит бўлиб турди. Кейин Ян уйқусини қочириш учун секингина Жаннанинг елкасига туртди.

– Кетадиган пайт бўлди. – Йигитнинг қўли узилиб тушгудек оғриётган эди. – Ўзингни қалай ҳис қиляпсан?

Жанна қаддини ростлар экан, Ян унинг кўзларида маъноли ифода пайдо бўлганини кўриб, кўнгли ёришди: аёл аста-секин ўзига кела бошлаган эди.

– Ҳаммаси яхши, – жавоб берди аёл ва тўзғиб кетган сочларини текислади. – Сен-чи? Қўлинг қандай?

– Ҳечқиси йўқ, чидаса бўлади. Кетишимиз керак!

– Мен сенга ёрдам бера олмадим-а? – тўсатдан сўради Жанна.

Мулойим бўлиш учун жуда чарчаган ва ҳаяжонланган Ян бошини тебратиб қўйди.

– Энди сен ҳиссасини чиқаришинг керак. Мен ҳозир ҳеч нарсага ярамайман. Ҳолим ёмон.

– Нима қилиш керак?

– Мендан сўраяпсанми? – кескин сўради Ян. – Ахир ҳамма режаларни ўзинг тузмасмидинг?

Жанна фикрини бир жойга жамлашга уриниб, бироқ қўлидан келмаётган назар билан унга узоқ қараб қолди ва Ян аёлга ишониш беҳудалигини тушуниб, даҳшатга тушди. Охирги хуруж аёлнинг онгини издан чиқаргани кўриниб турар эди. Олдинлари Жанна тез ўзига келар ва дарров кучли ва топқир бўлиб қоларди. Бироқ ҳозир унинг ақлий қобилияти издан чиққан ва у иродаси ва матонати туфайлигина ўзини тутиб тураётганди.

– Орол тўғрисида гапиряпман, – сабрсизлик билан аёлнинг ёдига солди Ян. – Биз оролга етиб боришимиз керак. У ерга қандай борамиз?

– Шотландияга поездлар Кингз–Кросс вокзалидан жўнайди. Автомобилга ўтиришнинг иложи йўқ.

– Кингз–Крос? У қаерда? – оғриқни босиш учун у ёқдан бу ёққа тебраниб, сўради йигит.

– Грей–Иннз–роуд ёнида. Яёв боришимизга тўғри келади.

Яннинг юраги тортишди. У узоқ юришдан қўрқаётган эди. Оёқлари титраб, вақти–вақти билан жуда бўшашиб кетаётган эди. Йўлни кўтара олмаслигини ўзи тушуниб турарди.

– Мен ета олмайман, деб қўрқаман, – деди поляк ва шу заҳоти, агар аёл унинг қандай ҳолатда эканини тушуниб қолса, уни ташлаб кетишни ўйлаб қолади, деб қўрқиб кетди. У аёл томонидан сотқинликнинг учи кўриниши билан отиб ташлашга қарор қилди. Ҳозир йигитнинг боши енгил бўлиб, айланаётган, қўлидаги оғриқ эса чидаб бўлмас даражага етган эди. У ўзининг тушкун аҳволи ва ғазабини зўрға яшириб турарди. – Жуда кўп қон йўқотдим.

Жанна унга ўтирилиб қаради ва йигитнинг кўкариб кетган буришган юзини, пешонасидаги тер томчилари ва ичида қайнаётган ғазабни кўрди.

– Ян... – Жанна Яннинг ярадор қўлини секин ушлади. – Кўркма, ҳаммаси яхши бўлади. Бирор йўлини топамиз. Мен сени ташлаб кетмайман. Сен мен учун қанча нарса қилдинг... Таваккал қилиб такси оламизми?

Ян қуриб кетган лабларини ялади. У қиздан энг кўп кутмаётгани – бу унинг меҳрибонлик қилиши эди. Пьернинг ўлими қиздаги ҳамма инсоний сифатларни ўлдирган эди. Шунинг учун унинг кутилмаган меҳрибончилиги Яннинг кўнглини юмшатди.

– Яёв мен узоққа бора олмайман, – деди у. – Таксисиз иложи йўқ. Мен плашимни шу ерда қолдираман, сен эса ўзингни менга бер. Агар бошимизда ҳеч нарса бўлмаса балки, бизни танишмас. Эсингда тут: улар берет кийганларни қидиришяпти.

Жанна плашини ечиб, йигитнинг ярадор қўлини беркитадиган қилиб, унинг елкасига ташлади.

– Поездлар жадвалини аниқлаб олиш керак. – Жавобгарлик ва ташаббусни ўз қўлига олиб, Жаннанинг яна ўзига ишончи ортди. – Сен шу ерда кутиб тур, мен эса вокзалга қўнғироқ қиламан.

Ян бошини тебратди.

– Жанна, биз айрилишимиз керак эмас.

Қиз йигит унинг соткинлик қилиши мумкинлигидан кўрқаётганини тушунди ва ҳали ҳам бошидаги кучли оғриқдан, ақлдан озиб қолишдан кўрқаётган бир вақтнинг ўзида у Яннинг ўзига муҳтожлигидан кўнгли кўтарилаётганини ҳис қилди.

– У ҳолда юк поездига ўтириб қўя қоламиз... Бунга ўрганиб кетганмиз – ку.

Ян оёғига зўрға кўтарилди.

– Бизнинг озгинагина қолган имкониятларимиздан бири – ғамгинлик билан деди у. – Олдинда узоқ йўл, мен хавотирдаман. Нима дейсан, етиб бора олармиканмиз?

– Ҳа, – Жанна ўтирилиб меҳробдаги кумуш бутга тикилди. – Менга яна бир неча дақиқа бергин. Балки мен ибодатхонада охирги марта бўлаётгандирман.

Ян бостириб келаётган беҳушлик билан олишиб, ўриндикқа чўқди.

– Бўла қол, – пешонасидаги терни артар экан, деди у.

Жанна меҳроб олдида тиззасига чўқди, Ян эса унинг кенг елкалари ва тикка қаддига қарар экан, у қандай қилиб ибодат қилар экан-а? – деб ажабланди. Ўзи ҳам бир пайтлар Худога ишонар эди; бироқ, ҳозир, йўқ. Унинг эътиқоди Шарлотта билан бирга вафот этган. «Ибодат қилишга интилиш Жаннада қаердан экан?» – кўзларини юмиб ўтирар экан, сўрарди у ўзидан ўзи. У совқотиб кетаётган, қўлидаги оғриқдан бақириб юбормаслик учун тишини тишига босиб ўтирарди. – Наҳотки бу қиз Худо унга мўъжиза яратади, деб умид қилаётган бўлса? Ёки у Худо билан ярашиб олмоқчими? Ҳаётдаги ягона мақсади – Мэллорини ўлдириш бўлиб турганда у қандай қилиб кечирим сўрамоқчи?.. Йўқ, у бекорга вақтини ўтказяпти».

Ян сабрсизлик билан Жаннани елкасидан тортди. Аёл унга ўтирилиб, бошини кўтарди ва ёнаётган кўзлари билан йигитга қаради.

– Жўнаш керак. Ҳар бир дақиқа ғанимат.

– Ҳа, сен ҳақсан. Бизга бу ерда қиладиган иш йўқ.

Улар жимгина ибодатхонадан чиқиб, бир дақиқа қотиб қолишди. Сўнгра иккита арвоҳдек қоронғилик қўйнига сингиб кетишди.

Шимолий экспресс Бервик станциясига жадвал бўйича- соат саккизда етиб келди. Қоп-қора тунд осмондан ёмғир қуйилаётган эди. Платформанинг соябонига ёмғир уриб, бўш ўринларни эгаллаб олиш учун вагонларга шошаётган йўловчиларнинг бошига оқиб тушаётган эди.

Бервик Данбардан олдинги охирги тўхташ жойи эди. Керриден учинчи класс вагонининг деразасидан полиция кўриниб қолмайдими, деб қараш учун бошини чиқарди.

Кингз-Кросс вокзалида у граждан кийимида юрган бир нечта жосусларни кўриб қолган эди. Улар Керриденни пойлашаётганмиди, айтиш қийин эди, шунинг учун Керриден таваккал қилмасликка қарор қилди. Эффидан билетларни олишганидан сўнг, агар ҳаммаси яхши бўлса Бервикдан сўнг поездда учрашишга келишиб олиб, улар Энн билан ажралишди. Энн поезд жўнашига ўн дақиқа қолганда поездга ўтирди. Керриден эса охирги сониягача кутиб, поезд юра бошлаганда вагон зинасига сакраб чиқиб олди. Энди кутиш қолганди. Агар поездга чиқаётганида уни сезиб қолишган бўлса, энг хавфли станциялар Питерборо, Йорк, Дарлингтон, Дархем, Ньюкасл ва Бервик эди. Ҳар тўхташ жойида Керриден кўзлари билан полициячиларни қидирар, бироқ шубҳа уйғотадиган ҳеч кимни кўрмасди.

Керриден енгил тортиб ҳўрсинди ва унга қараб югуриб келаётган газета тарқатувчи болани чақирди. Бир нечта газета сотиб олди, уларни чўнтагига солиб, Энни қидиришга бошлади. У поезд бошидаги вагонда кетаётган бўлиб, Керриден лик тўла составда унга жой топи-лармикин, деб ўйлаб қолди. Йигит иккита учувчининг

чемоданларини жойлаштириб бўлишларини кутиб турди ва поезд юришни бошлаганда тебраниб кетаётган йўлаклар орқали у вагондан бу вагонга ўтиб, безовталиқ билан ўзини қидираётган Энни кўрди.

Уларнинг кўзлари учрашди, бироқ Керриден ҳеч нарса бўлмагандек қизнинг олдидан ўтиб кетиб, тамбурда тўхтади. Қизни кута туриб у чўнтагидаги газеталарни чиқариб, сарлавҳаларга кўз югуртирди. Газеталардан бирининг биринчи бетиде катта расм бўлиб, остига йирик ҳарфлар билан «СИЗ БУ ОДАМНИ ТАНИЙСИЗМИ?» деб ёзилган эди.

Керриден бу фотографияни яхши эсларди. У бир таниши учун расмга тушган бўлиб, охириги дақиқада ўйлаб қолиб, уни жўнатмаган ва бир куни кечқурун у йўқолиб қолганини – афтидан полиция ўғирлаган бўлса керак, сезмагунча эсидан чиқиб кетган эди.

Расм остиде майда ҳарфлар билан нима ёзилганини ўқиб ўтиришни истамай, Керриден бошқа газетани очди ва яна ўзининг расмини кўрди.

Бундай нохушлиқни у асло кутмаган эди. Истаган маҳал уни кимдир таниб қолиши мумкин. Бундан баттари бўлиши мумкин эмас! Одатда одамлар тасвирлашларни эслаб қолмайдилар, бироқ кўплар расм билан ўхшашликни сеза оладилар.

Керриден, хавотири ошиб, газетани ўқий бошлади. Полиция аҳолига мурожаат қилиб, Эдвин Крю, Рита Аллен ва «Эндфилд» меҳмонхонасида совуққонлик билан отиб ташланган икки полициячининг ўлими юзасидан сўроқ қилиниши керак бўлган Мартин Керриденни тутишда ёрдам беришни сўрар эди. Газетада бу одам тергов учун муҳим бўлган кўрсатмалар бериши мумкинлиги эҳтиёткорлик билан айтиб ўтилганди.

Ян Шиманович тўғрисида оддийгина қилиб, у иккита полициячини ўлдиргани сабаб қидирилаётгани эълон қилинган эди.

– Менга кўрсатинг–чи, – Керриден газетани яширишга улгурмай, унинг олдига келиб талаб қилди Энн. Йигит газетани тахлаб, плашининг чўнтагига солиб қўйди.

– Бу ерда ушланманг, нарироққа кетаверинг. Бизни бирга кўрмасликлари керак. Газеталарда менинг расмим жойлаштирилибди, истаган дақиқада мени ушлашлари мумкин.

Энн тепаларидаги хавфни дарров тушунди, бироқ нари кетиш ўрнига Керриденнинг қўлидан ушлаб, хожатхонага тортди ва орқасидан эшикни қулфлаб қўйди.

– Бу ерда ҳеч ким бизни безовта қилмайди, – хотиржамлик билан деди у. – Улар расмингизни қаердан топишган?

Керриден кулди.

– Фарқи нима? Уларда бу расм неча йиллардан бери бор. Асосийси, улар истаган пайтда мени таниб қолишлари мумкин: агар аллақачон танишмаган бўлса.

– Менга расмни кўрсатинг–чи!

Керриден аввалига Энн Рита Алленнинг ўлганини билиб қолишини истамай, иккиланиб турди, бироқ кейин, у эртами, кечми барибир билади, шунинг учун яхшиси ўзимдан эшитгани тузук, деб ўйлади. Газетани чиқариб, қизга узатди.

Энн газетадаги расмга диққат билан қаради.

– Ҳа, ўхшашлик бор... Ярим соатдан сўнг биз Данбарда бўламиз, Энди нима қилмоқчисиз?

– Таваккал қиламан, – тундлик билан деди Керриден. – Сиз эса мендан нарироқ туринг.

Энн йигитнинг гапларини газетадаги матнни ўқий туриб, чала–чулпа эшитди. Керриден юрак ютиб қизнинг Рита Алленнинг ўлими тўғрисида ўқиганидан кейинги реакциясини кута бошлади. Узоқ кутишига тўғри келмади. Қиз газетани ғижимлаб, қотиб қолди.

– У ўлибди! – Йигитга синчковлик билан қараб, хитоб қилди қиз. – Бу ерда уни ўлдириб кетишган, деб ёзилибди!



– Тўппа-тўғри, – секин деди Керриден. – Полиция буни мен қилган, деб ҳисоблаяпти. Мен чиндан ҳам шу пайтда ўша ерда эдим. У зинадан йиқилиб тушди.

Эннинг юзида кўрқув ва нафрат пайдо бўлди.

– Бироқ бу ерда у ўлдирилган, деб ёзилган, – қатъият билан қайтарди қиз. – Ва анави, бошқаси... Крю ҳам. Сиз уникида ҳам бўлганмидингиз?

– Ҳа.

Керриден бир қути сигарета чиқариб, қизга таклиф қилди, бироқ Энн бошини тебратиб, йигитдан секин нари қоча бошлади. Қизнинг ортиб бораётган хавотири-ни сезмаганга олиб, Керриден сигарета тутатди.

– Мен сиз нима ўйлаётганингизни билиб турибман. Нима ҳам қилардим, сиз ўз фикрингизга эга бўлишга ҳақингиз бор ва мен уни ўзгартира олмайман. Тўғри, жуда хунук воқеа. Ва яна қайтараман, мен ҳеч нарса қила олмайман. Асосийси, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ – деди Керриден.

Ва шу заҳоти гаплари ёлғонлигини сезиб қолди. Бунинг аҳамияти бор эди: у Энн ўзини қотил деб ўйлашини истамас эди.

– Биз ҳозир сиз билан хайрлашамиз. Мен томонимдан сизни бу ишга тортиш ўта ахмоқлик бўлди. Маслаҳатимни қабул қилинг: Данбарга етиб келишимиз билан биринчи поезддаёқ Лондонга қайтиб кетинг. Оролга мен ўзим етиб бораман, у ерда акангизни топиб, у билан гаплашаман. Агар унга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, полицияга мен қаёққа йўл олганимни айтманг.

– Сиз мендан ниманидир яширяпсиз, тўғрими? – бирдан сўради қиз.

Хайрлашув олдидан Эннда ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириши кераклигини муҳим деб ўйлагани сабаб, Керриден ҳақиқатни айтишга қарор қилди.

– Сиз ҳақсиз, Бу ҳақда гапириш ёқимли эмас, бироқ бошқа йўл йўқ. Эсингиздами, Гурвилнинг гуруҳи аввал-

бошда тўққизта одамдан иборат эди? Гурвиль, Шарлотта ва Жоржлар гестапо томонидан ўлдирилишган; акангиз ғойиб бўлган. Қолган бештаси Гурвилни айнан акангиз сотган, деб уни кидириб топиш мақсадида Лондонга келишган. Любош ва Гаррис унинг изини топишганда – уларни ўлдириб кетишди: биттаси поезддан тушиб кетди, иккинчиси ҳовузда чўкиб ўлди. Мен акангиз ҳақида сўраш учун Рита Алленникига борган эдим. Мен унинг уйида эканлигимда Ритани зинадан итариб юбориб, бўйнини синдиришибди. – Керриден Эндан кўзини узмай туриб деворга суянди. – Любош, Гарри ва Рита ҳалок бўлишди, чунки улар акангиз ҳақида нимадир билишарди ёки тасодифан унга дуч келишган. Уларни ким ўлдирган. Менимча, жавоб аниқ.

– Нимага шама қилаётганингизни тушунмаяпман, – секин деди қиз. – Бунда Брайаннинг қўли бор, демоқчимисиз?

– Мен тасодифларга ишонмайман. Жуда бўлмаганда, кетма-кет учта тасодифга.

– Мана нима учун акамни топмоқчи экансиз!

– Тўппа-тўғри. Ва сиз бетараф қола олмайсиз. Сиз учун энг яхши йўл – ҳамма нарсани менга ташлаб, ўзингиз Лондонга қайтиб кетиш. Агар полицияга менинг қаердалигимни айтсангиз, бу билан акангиз қаердалигини ҳам айтиб берган бўласиз.

– У сизга жуда ҳам керакми?

Керриден қизга тикилиб қолди.

– Жуда ҳам. Биласизми, агар Рита Алленни ўлдирган мен эмаслигимни исботлай олмасам, куним битди. Полиция қотилликда мени айбдор қилади. Мен нима қилиб бўлса ҳам акангизни топишим керак.

– Нега буларни менга олдинроқ айтмадингиз?

– Очиғини айтсам, мен уни сиз орқали топмоқчи эдим.

– Нега бирдан фикрингизни ўзгартирдингиз?

Керриден шляпасини ечиб, сочларини силади.

– Афтидан сизни яқинроқ билиб олганимдан сўнг, шекилли. Аввалига сиз мен учун фақат керак эдингиз. Энди эса...

– Тушунарли.

– Мана, ҳамма гап шу. Энди жойингизга боринг, Данбарда эса орқага кетадиган поездга ўтириб, уйга қайтинг. Мени эсингиздан чиқаринг. Мен акангизга нисбатан адолатли бўлишга ваъда бераман. – Кутилмаганда уни қизни маҳкам кучоклаб, бағрига босиш истаги чулғаб олди. У ўзини зўрға ушлаб қолиб, бепарволик билан кўшиб қўйди: – Демак, хайр. Сиз билан танишганимдан хурсандман.

Керриден эшикни очиб, уни ушлаб қолмоқчи бўлган кўлни силтаб туширди ва йўлак бўйлаб тез юриб кетди.

– 2 –

Юк вагонларининг узун занжири қаттиқ силкиниб, тўхтади. Эрталабки сукунатни локомотивнинг чинкириғи бузди.

Ян кўзини очди ва бошини кўтариб, қоронғиликка тикилди. Вагоннинг бир маромда силкиниб кетишидан у ниҳоят, ухлаб қолган эди. Ҳозир поезд тўхташи билан эса у яна уйғониб кетди. Шишиб ва ёниб кетаётган кўлидаги оғриқ чаккасига бераётган, бошига худди резина болға билан ураётганга ўхшарди. Ян умрида ўзини бунчалик ёмон хис қилмаган эди...

– Жанна! – овози таниб бўлмас даражада хириллаб қолган эди; у бундан баттар кўрқиб кетди. – Жанна! Шу ердамисан?

– Ҳа, шу ерда, – қоронғилиқдан товуш эшитилди ва Ян қиз вагон полига ўтирганини эшитди.

– Кўлим жуда ёмон бўляпти, – тишларининг орасидан деди Ян, оғриқ зўридан бир титраб кетиб. – Ичадиган ҳеч нарсамиз йўқми?

– Йўқ.

Ян аёл олдига келишини умид қилаётган, ундан ҳамдардлик сўзларини кутаётган эди, бироқ Жанна ўз жойида қолди. Ян қимирламасдан, нима қилиб бўлса ҳам қўлидаги оғриқни босишга ҳаракат қилиб ётарди. Худойим, шу пайт ичида у қанчалик бўшашиб кетди–я!

– Бу ерда нафасим қайтиб кетай деяпти. Жанна, бир оз соф ҳаво киритишнинг иложи борми? Биз қаердамиз? Жанна, қарагин!

Ян аёлнинг ўрнидан туриб, пайпаслаб эшик олдига борганини эшитди, сўнгра металл жаранглаши эшитилиб, эшикнинг тепа қисми орқага эгилди ва вагон ичига хира ёруғ тушиб, қизнинг гавдасини ёритди.

Ян бор кучи билан ўтириб олишга ҳаракат қилди, бироқ оғриқ ва бўшашганлиги сабаб оғир–оғир нафас олиб, йиқилиб тушаётган эди. Бошига ураётган резинка болғанинг кучи ўн баробар ортган, бошини майда–майда бўлақларга бўлиб юборгудек эди.

– Қизил семафор, – хотиржамлик билан деди Жанна ва соат циферблатига тикилди. – Эрталабки соат тўрт бўлди.

– Ҳозир қаердамиз? Тасаввур қиляпсанми?

– Аниқ билмайман. Менимча, Шантили атрофидамиз. – Аёл яна ташқарига бошини чиқариб, атрофга қаради. – Менимча, Шантилидан ғарброкдамиз.

«Шантили?» У нима деяпти?» Ўйлаш миясига оғриқ бериб, Ян кўзини юмиб олди. У назарида жуда узоқ вақт, қимирламай ётди, кейин поезд бир силтаниб, сукунатни паровоз қичқириви бузди.

Силкиниш Янни ҳушига келтирди. Жанна нима деди? Шантилими? Бироқ Шантили Францияда, улар эса Англияда–ку; ҳар ҳолда у шундай ўйларди. Ундай бўлмаса–чи? Ян юзидан совуқ тер оқаётганини сезиб, тишларини ғичирлартди ва нима бўлганини аниқ эслаш учун бутун кучини йиғишга ҳаракат қилди. Чейни–Уокдан

қочганлари, ибодатхона... Ўша ер, ибодатхонада у кўп кон йўқотди. Жанна Кингз-Кросс вокзалига боришлари кераклигини айтди. Таксига ўтиришди. Рулда қандайдир қария ўтирган эди, чарчаган ва ҳамма нарсага бепарводек эди. Улар машинага ўтиришганда, қария Ян билан Жаннага тезгина бир қараб қўйди, холос ва уларни ҳеч қачон танимайди. Бунга Яннинг ишончи комил эди. У яна таксида ҳушини йўқотганини, вокзалга етиб келишган пайтда Жанна уни зўрға ўзига келтирганини ҳам эсларди.

Қайси поездга ўтиришлари кераклигини Жанна қаердан биларди, Ян ҳеч тушуна олмасди. У Янни нефть солинган цистерна ёнида қолдириб, ўзи кўздан йўқолди. Анча пайт йўқ бўлиб кетди, аслида Ян учун вақт ўз маъносини йўқотган эди. У қимирламай, тинч ўтирганига ҳам хурсанд эди: у оғриётган қўлини тинч қўйиб, ҳеч нарса тўғрисида ўйламаётган, ҳамма жавобгарликни бўйнига олгани учун Жаннадан миннатдор эди.

Ян аёл уни кўтариб турғизгани, у қаёққа кетишаётгани тўғрисида умуман ўйламай, оёғини битта битта босиб кетишига ёрдам берганини яхши эсларди. У яна чидаб бўлмас балиқ ҳидини, эшик лўкидони гичирлаганини, Жаннанинг кучли қўллари плашининг ёқасидан тортиб уни вагонга чиқарганини ҳам эсларди. Аёлнинг ёрдамисиз у вагонга ўла қолса ҳам чиқа олмаган бўларди.

Бироқ Ян ортиқ ҳеч нарсани эсламасди. У бутун гавдаси билан ярадор қўлининг устига йиқилиб, кучли оғриқдан ҳушидан кетган эди.

Мана энди Жанна Шантили ҳақида гапиряпти. Демак, улар Ла-Маншни кесиб ўтишибдими? Қандай қилиб улар Шантилидан ғарбда бўлиб қолишди? Балки Жанна айтилиши ўхшаб кетадиган бирорта инглиз шаҳри ҳақида гапиргандир?

Ян хотираларга чўмди. Шантили! Улар бу ерда курашган эдилар. Пьер Гурвилнинг охирги бўлган жойи шу ер.

Шарлотта шу ерда кўмилган... Ҳайратда қолган Ян Жанна қандайдир эпини қилиб уни Англиядан олиб чиқиб кетган, деб ўйлай бошлади. Бироқ ақли ғолиб келиб, ниманидир тушунмадим, шекилли, деб хулоса қилди.

– Жанна, нима дединг? Биз қаердамиз?

– Шантилида, – елкаси оша қараб, сабрсизлик билан жавоб қайтарди аёл. – Туриб, ўзинг қара! Нега ялпайиб ётибсан? Тун ўрнингдапн! Поезд бир неча дақиқадан сўнг тўхтади!

– Бироқ биз бу ерга қандай келиб қолдик? – ўзини йўқотиб, сўради Ян. – Ахир биз Шотландияга кетаётган эдик–ку... Нима бўлди?

– Оғзингни юм! Сен алахлаяпсан! – жаҳл билан бақирди Жанна ва яна ташқарига суқилди. Унинг сочлари худди шамолдаги байроқ каби хилпирарди.

Ян юзини яшириб, йиғлаб юборди. Мўъжиза юз берган ва уларни нима кутаётганининг энди унинг учун фарқи йўқ эди. Улар уйга кетишяпти! Агар у шу ерда вафот этса хурсанд бўлган бўларди. Агар уни Шарлотта билан ёнма–ён кўмишса, у ўлимни хурсанд бўлиб қарши олади... Яннинг фикри яна тиниқлашди. Улар Францияда бўлишлари мумкин эмас. Бундай бўлиши умуман мумкин эмас.

– Жанна! Бу ёққа қара! – поезднинг шовқинини босиб гапиришга уринди Ян. – Жанна!..

– Шошма! – қичқирди аёл ва ўтирилди. – Мен Пьерни қараяпман. У бизни кутиб олишга ваъда берган эди.

– Жанна! Нималар деяпсан?

Бироқ Жанна унга эътибор бермади. Поезд одамнинг ичини ўртаб юборадиган узун қичқириқ билан газ чироклар билан ёритилган кимсасиз, ёмғир ва нефтдан ифлос бўлиб кетган кичкина станция ёнидан ўтиб кетди.

– Поезд тўхтамади! – алам билан қичқирди Жанна. – У Шантилидан ўтиб кетди!

Қандайдир сония бўлдики, Янга аёл ҳозир ўзини поезддан ташлайдиганга ўхшаб туюлди. Жанна гавдасини зўрға тутиб, қайрилишдан сўнг составнинг узун думи тўғри йўлга тушиб олиб, поезд яна тезликни оширган пайтда станцияни охириги марта яна бир бор кўриб қолиш учун яна ташқарига суқилди.

– Биз ёнидан ўтиб кетдик! – Жанна ўтирилиб, алам билан қўлларини букди – Пьер нима деб ўйлайди? Энди нима қиламиз?

– Бу ёққа келиб ўтир, – деди аёлнинг ақлдан озганига бутунлай ишончи комил бўлган Ян. У илгарилари ҳам гестаподаги қийноқлардан кейин, Пьерни йўқотгани ва кўп ойлар давом этган касалликдан сўнг унинг ақли хиралашганини гумон қиларди. Ғалати хуружлар, вақти-вақти билан тушкунликка тушиб, сўнгра қутилмаганда бирдан ғазабланиб кетиши ва кўзларининг чакнаши – булар ҳаммаси руҳият бузилганлигидан дарак берарди. Ва айни ҳозир, Ян унга муҳтож бўлиб турганда аёл онгининг ингичка илиниб турган ингичка ипи бутунлай узилган эди.

– Ҳозир ўтирадиган вақт эмас! – жон аччиғида ҳитоб қилди аёл. – Поезд Парижга кетяпти. Нимадир қилиш керак!

– Мен ҳеч нарсага ярамайпман, – эътироз қилди Ян. – Мен оғир ярадорман. Наҳотки эсингда йўқ? Қўлимда ўк...

Вагоннинг тебранишидан гандираклаб, Жанна унинг ёнига келди ва тиззасига чўкди.

– Қандай қилиб яраландинг? Нега менга ҳеч нарса демадинг? Қачон бўлди?

Қизнинг кўзлари ёнар, юраги тез-тез ураётган эди.

– Аҳволинг ёмон, – унинг қўлидан ушлаб деди Ян. – Ўзингни қўлга ол, сен менга кераксан... Эшит: Пьер ўлган. Уни Мэллори сотган. Биз ҳозир Англиядамиз, Мэллорини топиш учун Шотландияга кетяпмиз. Эслаяпсанми?

Жанна тиззасида турганча, анча вақт жим турди. Ян унинг гавдаси титраётганини сезди. Ниҳоят, Жанна тилга кирди:

– Ҳа, эсимда... Ҳозиргина эса ҳаммаси худди ростдек эди! Мен Пьерни учратамиз деб ўйлаган эдим. Сен ҳақсан: у ўлган.

«Мен уни тинчита олдимми?» – аёлнинг юзини кўришга ҳаракат қилиб, ўйлади Ян. – Агар тинчиган бўлса, анчага етармикин?» Йўқ, аёлнинг ўзига келиши фақат вақтинчалик эканига у энди ишонган эди.

– Ҳаяжонланма – деди Ян. – Анчадан бери поездда юрмаган эдик, шунинг учун беихтиёр эсга тушди... Менга ҳам аввалига бу Францияга ўхшаб туюлди... Бирок ҳозир қаердамиз?

– Билмайман, – хириллаб зўрға гапирди Жанна. – Менинг бошим оғрияпти. Менга савол бераверма.

У ўрнидан туриб, гандираклаганча эшик олдига борди ва қоронғиликка тикилиб қолди.

«Бефойда!» – алам билан ўйлади Ян. Уларга нима бўлади энди? Энди, Мэллорини қидириб топиш вазифаси унга юкланганда, Яннинг қатъияти сусайиб қолган эди. Бунинг иложи йўқ, қаршиликлар ҳаддан ташқари кўп! Йигит қуролини ташлаб, ўзини енгилдим, деб тан олишга қарор қилган дамда бирдан уни летаргик уйку чулғаб олди. Ҳатто, кўлидаги оғриқ ҳам тўхтаб, бир неча сония ичида у шунчалик қаттиқ уйқуга кетдики, на вагоннинг силтаниши, на паровознинг кулоқни тешиб юборгудек чинқириғи уни уйғота олмасди.

– 3 –

Биринчи класс купесидан баланд бўйли бақувват эркак чиқиб йўлини тўсганда Керриден йўлакда шошиб-пишиб кетаётган эди. Бу одам инспектор Роулинс эди.



– Фақат, илтимос, шовқин қилманг, – жилмайиб, гап бошлади у. – Орқангизда Хадсон турибди, шунинг учун тўполон қилманг.

Керриденнинг юраги гурсиллаб уриб кетди, у қотиб қолди, бироқ дарров ўзини қўлга олиб, зўраки эркинлик билан хитоб қилди:

– Вой Худойим, Роулинс! Салом. Сизни бу ерда кўранман деб ҳеч кутмагандим! Менинг телеграммамни олдингизми?

– Олдим, – мулойимлик билан деди инспектор.

Доим жилмайиб турадиган, юзлари қизил, юзи истарали, гавдасидан соғломлик ёғилиб турган бу бақувват эркак худди эндигина денгизда икки ҳафта дам олиб келгандек кўринарди. Керриден йигитнинг довюрак, виждонли ва мард полициячи эканини яхши биларди. Роулинснинг йўлига тўғаноқ бўлиш хавfli эканлигини хис қилган Керриденда беихтиёр унга нисбатан ҳурмат уйғонди.

– Сиз Крю ҳақида бекор хавотир олибсиз, – кўнгилчанлик билан деди Роулинс. – Сизнинг мактубингиз бизга янги нарса бергани йўқ. Нима бўлганда ҳам ахборот учун раҳмат. Хадсон сизни тинтиб кўрса, қарши эмасмисиз? Албатта, қуролингиз бўлса керак?

– Албатта, – истехзоли кулиб, деди Керриден. – Бошланг, Хадсон, чап чўнтагимда.

Юзи қотиб қолгандек Хадсон қўлини Керриденнинг чўнтагига тикиб, 25–калибрли автомат пистолетни чиқарди.

– Уйинчоқлар билан қизиқиб қолибсизми? – қўлини-қўлига ишқалаб, ажабланди Роулинс. – Мен жиддийроқ бирор нарсани кўришни кутган эдим. Қурол олиб юришга рухсатингиз борми?

– Албатта! Хамёнимда. Кўришни истайсизми?

– Шошилинч эмас! Сиз ўзингизни адолат қўлига топширишга жуда ҳам шошилмадингиз-а?

– Адолатнинг менга даъвоси борми? – Керриден қошларини чимирди. – Мен ойнадек мусаффоман.

– Э–э–э! Деярли ҳамма жиноятчилар одатда шундай дейишади, – кулди Роулинс. – Мен ҳайрон қолдим, Керриден. Сиздек одам – ўзингизни бошқаларга тенглаштиряпсиз!.. Бу ёққа киринг, дўстим. Сизнинг ўрнингизда мен мағрурроқ бўлган бўлардим, – ўзи ҳозиргина чиққан биринчи класс купесига йигитни олиб кирар экан, гапида давом этди Роулинс. Купега киришганда у ерда Керриденга хўмрайиб қараб қўйган яна битта полициячи ўтирар эди. – Жой бўшатиш учун биз йўловчиларни сиқиштиришга мажбур бўлдик. Данбарда эса махсус машина сизни Лондонга олиб кетади. Сиз ўзингизни муҳим шахсдек тутсангиз бўлади!

– Э, ҳа, – деди Керриден. – Бироқ мен Лондонга қайтмоқчи эмасман.

– Қария, мен жуда афсусдаман, бироқ сиз билан бироз гаплашиб олишмоқчи, – сигарета қутисини чиқара туриб, деди Роулинс. – Афтидан, арзимаган майда–чуйдалар... Соғлигимизни ишдан чиқарамизми?

Керриден узатилган сигаретани олиб, инспекторнинг ёндиргичидан ўт олдириди.

– Агар шундай бўлса, у ҳолда қарши эмасман, – кулиб юборди Керриден. У Роулинс Энн поездда эканлигини биладими, йўқми, шуни билиб олмоқчи эди. – Айтганча, сиз қаердан пайдо бўлиб қолдингиз?

Роулинс эшик олдига жойлашди.

– Биз Бервикда ойнадан чиройли юзингизни кўриб қолиб, поездга чиқдик. Сизни вақтидан илгари безовта қилгимиз келмади. Тўғримиз, Хадсон?

Керриденнинг ёнида ўтирган Хадсон «Ҳм»лаб қўйди.

– Йигитларимиз ўзи сизни Кингз–Кроссда сезишган эди – гапида давом этди инспектор, – бироқ, бироз кечикиб қолишди. Питерборо полициясига қўнғирок қилишга тўғри келди ва поездга инспектор Стюарт ўтир-

ди. Насиб қилган экан, мен ўзим ҳам бутунлай бошқа вазифа билан айна Карлайлда эдим. Менга қўнгиروق қилишди ва Бервикда мен ҳам сизларга қўшилдим.

«Энн ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади», – энгил тортиб, ўйлади Керриден.

– Сиз менга айб қўяяпсизми?

– Жуда бўлмаган ҳолдагина шундай бўлади, – одамни мафтун қиладиган жилмайиш билан деди Роулинс. – Сизнинг ўрнингизда мен ишни бунгача олиб бормасдим. Муносабатларимизни бузмайлик. Мен ҳамма нарсани сиз ўз ихтиёрингиз билан айтиб беришингиз тарафдориман. Агар таранг қиладиган бўлсангиз, сизни қамайман. Демак, ўзингиз ҳал қилинг.

– Мени нимада айблашяпти?

Роулинс кўзини қисди.

– Қария, кавлаштиришнинг хожати йўқ. Агар керак бўлиб қолса, албатта, бирор айбингизни топишим мумкин... Биринчи навбатда, сизнинг ёрдамингиз билан анави полякни қўлга оламиз. Кейин эса, балки, сиз билан жиддийроқ суҳбатлашиб олишимизга тўғри келар.

– Бошқача айтадиган бўлсак, сизда далиллар йўқ, – хулоса қилди Керриден. – Ва, ваъда бериб айтаманки, ҳеч қачон бўлмайди.

– Қўрамиз! – бепарволик билан деди Роулинс. – Очиғини айтаман, дўстим, мен сизни бажонидил қафасга тикқан бўлардим. Ҳатто, иложи бўлса, бўйнингизга арқон ҳам солдирган бўлардим. Уруш олдидан бўлган элчихонанинг секретарини йўқ қилганингиз тўғрисидаги анави кичкинагина воқеа менга ҳеч тинчлик бермайди. Биласизми, мен доим, ўша пайтда ёмон ишлаганман, деб ўйлайман, қўполлигим учун кечирасиз-ку, бироқ ёмон ишдан менинг жиғилдоним қайнайди.

– Қанақа элчихонанинг секретари? – сўради Керриден.

– Майли, майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ... Анави малласоч аёлчи? – кутилмаганда давом этди Роулинс. – Ўринда зўр эдими?

– Сиз топишмоқ айтяпсиз! Аввалига элчихона секретари, энди қандайдир малласоч аёл... Нима деганингиз бу?

Роулинс қувноқлик билан Керриденга совуққина бепарволик билан қараб турган икки изқуварга юзланди.

– Ўзини тута билишини қаранг-а? Ҳа, бу билан ўйнашиб бўлмайди. – Инспектор яна Керриденга ўтирилди.

– Мен ўн еттинчи майга ўтар кечаси сиз уйига кузатиб қўйган анави бузуқ аёл – Рита Аллен тўғрисида гапиряпман. Эсингизга тушдими, зинадан йиқилиб, бўйнини синдирган аёл?

– У ҳақида биринчи марта эшитяпман, – ҳозиржавоблик билан деди Керриден. – Менинг малласоч таниш аёлларим жуда кўп, бироқ Рита... Йўқ. Фамилияси нима эди дедингиз?

Бирдан купенинг полига кимнингдир сояси тушди ва Роулинс дарров ўтирилиб қаради. Эшик олдида ёш қиз турарди. Керриден ҳам бошини кўтарди ва баданидан чумоли ўрмалагандек бўлди. Бу Энн эди. У остонада Роулинсга қараб жилмайиб турарди.

– Узр сўрайман. Шу ерда ўтирмоқчи эдим, – деди у инспекторнинг купега кираверишни тўсиб турган семиз оёқларига кўз ташлаб.

Роулинс сакраб ўрнидан турди.

– Кечирасиз, мисс, – ҳурмат билан деди у, – купе банд қилинган. Сиз ўзингизга бошқа жой топа оласиз, деб ишонаман.

– Қолган купелар ҳам банд қилинган деб қўрқаман, – хижолат ҳам бўлмай, эътироз қилди Энн. – Мен ҳаммасини қараб чиқдим. Кейин, ҳеч қаерда купе банд қилингани айтилмаган – ку, тўғрими?

– Тўппа-тўғри, мисс. Бироқ биз полицияданмиз, – сабр билан тушунтирди Роулинс. – шунинг учун сизга рад қилишга мажбурмиз. Жуда афсусдаман, мисс.

– Э-э, мен билмагандим. Бироқ, сиз полициядан бўладиган бўлсангиз... Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? – Энн ғамза билан жилмайди.

– Албатта, – ажабланганча, деди Роулинс. – Нима гап экан?

– Менинг акам, «Шу пайтгача ҳали ҳеч ким сабабсиз авария тормозининг ричагини тортгани учун беш фунт штраф тўлаган эмас», деб таъкидлаяпти. У айтадики, бу ёлгон эмиш. Бироқ, аслида штраф тўлашади, тўғрими?

– Ҳа, мисс, чиндан ҳам штраф тўланади, – деди Роулинс. – Шунинг ўзими?

– Ҳа, шу. Безовта қилганим учун узр.

Керриденнинг юраги уриб кетди. Бу аҳмоқона саволнинг маъноси битта эди: Энн Керриден қоча олишига шароит қилиб бериш учун поездни тўхтатмоқчи!

– Арзимайди, мисс, ёрдам берганимдан хурсандман! – назокат билан деди Роулинс.

– Яна бир карра раҳмат. – Энн жилмайди ва эшикни ёпди.

– Мафтункор қиз! – деб қўйди Роулинс қўлини ишқалаб. – Қария, аёлларни яхши биладиган одам сифатида нима дейсиз, чиндан ҳам мафтункор-а?

– Сўзсиз, – жавоб берди Керриден.

Ва оғзи қуриб кетганча поезд тўхташини кута бошлади.

Кимдир қаттиқ қичқирди:

– Ушланг уни!

Бироқ Энн вагон эшигини очиб, қияликка сакради ва водий ичкарисидаги унча катта бўлмаган дарё устидан ўтган кўприкка қараб югурди. У келганда Керриден тўсиқдан пастга қараб сакраган, Роулинснинг қўли хавода муаллақ қолган эди.

Вагондан яна иккита изқувар чиқиб келишди – улардан бири қон бўлиб кетган даструмолини бурнига босиб олган эди – ва инспекторга қўшилишди.

Улар учаласи ҳам нафасларини ютганча Керриден – гўё жуда узоқ вақт, сувга учиб тушаётганини кузатиб туришди. Қанчалик жасур бўлгани билан Роулинс унга эргашишга юраги дов бермади.

Улар бу воқеага шунчалик берилиб кетишган эдики, ўзларидан бир неча метргина нарида кўприкнинг панжарасига чиқаётган Энни сезишмади ҳам.

Бу ҳодисани поезд ойнасидан бошини чиқариб олган ўнлаб йўловчилар кўришди ва ўз кўзларига ишонмай, даҳшат билан қичқириб юборишди. Роулинс ўтирилиб қиз томон чопди, бироқ Энн аллақачон хавода эди.

Керриден сув юзасига айна Энн сакраган маҳал сузиб чиқди. Қиз сув ичига ўкдек, ҳеч қандай шапиллашсиз кириб кетди ва сузиб чиқиши билан Керриден унинг олдига сузиб келди.

– Тентак! – яқинлашаётиб, қизга бақирди у. – Бўйнингизни синдириб олишингиз мумкин эди!

– Ўзингиз-чи! – Эътироз қилди Энн. – Бунинг устига ҳаммаси яхши тугади, тўғрими?

– Чиндан ҳам ҳаммаси жойидами?

– Албатта! – Қиз Керриден билан ёнма–ён суза бошлади. – Поездни хўп вақтида тўхтатдим–а, нима дейсиз?.. Менга келадиган бўлсак, бошқа иложи йўқ эди. Бу инспектор мен сизнинг шеригингиз эканимни билиб қолиши мумкин эди, мен эса қамоққа тушишни асло истамайман.

– Зўр чикди, – тан олиб, деди Керриден. – Бироқ, жин урсин, сиз нега бу ишларни қилдингиз? Мен сизга менадан нарироқ юришни буюрган эдим–ку?! Мана энди, кўринг, қандай шароитга тушиб қолдингиз!

– Ичига тушиб қолиш мумкин бўлган нарсалар ичида сув – энг ёмони эмас, – кулди Энн. – Ҳозир менга у ердан кўра бу ер тузукрок.

Қиз орқасига ўгирилиб, кўприкда нима бўлаётганига қаради. Кўпчилик йўловчилар вагонлардан чиқиб, тўсиқларга чиқиб олишган эди. Керриден оломон ичида Роулинсни топиб, унга қўлини силкиди. Бошқа иложи йўқ инспектор ҳам унга қўл силкиди.

– Бечора қария Роулинс! Баҳс бойлашаман, ҳозир у тоза сўкинаётган бўлса керак!.. Келинг, оқим бўйлаб бироз сузамиз–да, кейин қирғоққа чиқамиз.

Оқим жуда тез бўлиб, кўприк тез орада ортада қолди. Бир неча дақиқадан сўнг улар поезднинг бўшгина қичқириғига қарилиб қарашди: энди ўйинчоққа ўхшаб кўринаётган паровоз яна йўлга тушган эди.

– Қизиқ, Роулинс ўша ерда қолдимикан ёки тревога кўтариш учун энг яқин станцияга шошаётганмикан? – овозини чиқариб ўйлади Керриден. – Баҳс бойлашаман: орқадан қувлашни бировларга юклаб қўйиб, ўзи телефонда ўтиришни афзал кўради. Қалай, ҳали чарчамадингизми?

– Сал–пал, – бўйнига олди Энн. – Кийимим ҳалал беряпти... Нима дейсиз, балки етар?..

Керриден диққат билан қалин ўрмон ўсган қирғоқни кузатди.

– Майли. Чапроққа борайлик!

Тикка қияликка эмаклаб чиқиб, Энн ўт устига ҳолсиз ағанади.

– У-уф! – ҳўрсинди у. – Бутунлай издан чиқиб кетибман... Қизик, қачондир қуриймизми?

Устидан оқаётган сувга эътибор бермай, Керриден ўрnidан туриб буталар ўсиб ётган тепаликлари бор яримсахро жойга қаради.

– Ҳечқиси йўқ, қуриймиз, – қизнинг кўнглини қўтарди у. – Сал нафасингизни ростлаб олинг, кейин кетамиз.

– Қаерга боришни биласизми?

– Анави ёққа, шимоли-шарққа. Данбарга энг яқин йўл. Бу тепаликлардан юриш, албатта, осон эмас, бироқ нима ҳам қилардик? Афтидан, бу ерларда ҳеч қандай турар жой йўқ.

– Балки, тепаликлар ортида бордир? – оёғига зўрға кўтарилаётиб, деди Энн. – Худойим, ҳамма ёғим қақшаб кетяпти!.. Данбаргача ана шу ҳўл латта-путтада бораманми?

Керриден унга қараб, жилмайди.

– Уларни ечиб ола қолинг, мен қарши эмасман. Қуритишга вақт йўқ.

– Ўйламай ҳам қўя қолинг! – жавоб берди қиз, кўйлагининг у ер, бу ерини сиқар экан. – Йўқ, жиддий айтяпман, кийим алмаштириб оладиган жой топиш керак, у бу нарса еб олсак ҳам ёмон бўлмасди. Данбаргача йигирма милча борлигини сиз тушуняпсизми?

– Бу сиз учун арзимаган нарса! Менимча, Мессингемнинг амазонкалари ноқулайликлардан қўрқишмасди.

– Мен сизга айтяпман: бутунлай формадан чиқиб кетибман. Нима қиламиз? Балки, бирорта машинани олиб қочамизми?

Керриден кулиб юборди.



– Ўзини полицияга тутиб беришнинг энг яхши йўли. Агар гаплаша олсак – бошқа гап... Бироқ аввал бу машинани топиш керак! Майли, кетдик.

– Мен бу ҳолда бир қадам ҳам юрмайман! – қатъий деди Энн. – Дарахт орқасига ўтиб кийимларимни сиқиб оламан. Туфлигим сувга тўла, орқамда эса балиқлар гимирлаётганга ўхшайди.

– Фақат, Худо ҳақи, тезроқ бўлинг.

Киз дарахтзорда ғойиб бўлди. Уни кута туриб, Керриден ҳам костюм ва шимини сиқиб олди.

– Энн! – камарини тақа туриб, чақирди у. – Ўзи нега поездни тўхтатдингиз? Ажралишга келишиб олган эдикку! Ва яна бирдан пайдо бўлиб қолиб, менга қочишга ёрдам беряпсиз...

– Сизга қараган одамнинг раҳми келарди – полициячилар қуршовида ғамгин бўлиб, бошингизни осилтириб ўтиргандингиз, – дарахтлар орасидан чиқиб келиб, жавоб берди киз. – Қандай қилиб кета олардим?

– Қўйсангиз–чи, – унинг гапини кесди Керриден. – Мени қотил деб санашади. Сиз ҳам мен акангизни қидираётганимни жуда яхши биласиз. Агар мени камашса, сизнинг ҳамма муаммоларингиз ўз–ўзидан ечилган бўларди. Гап нимада ўзи?

– Анави учтаси пайдо бўлишганда сиз мени улардан кутқармоқчи бўлдингиз. Мен сиздан қарздорман, – жавоб берди Энн. – Ва, бундан ташқари, мен бунга аминман, сиз Рита Алленнинг ўлимида айбдор эмассиз. Яширмайман, аввалига мен кўрқдим, кейин ёлғиз ўзим қолгач, ўйлаб кўриб, сиз айбдор эмассиз, деган хулосага келдим.

– Бўлмаган гап! – жаҳл билан деди йигит. – Яхшиси, сизга алоқаси йўқ нарсага бурнингизни тикмасангиз бўларди.

– Бошқачасига айтсак, менга раҳмат демоқчисиз! – кулиб юборди Энн.

Кечқурун соат олтиларда Керриден уларнинг изидан тушишганини сезиб қолди. Унгача йигит улар изимизни йўқотишди, деб ҳисоблаётган эди, бироқ тепаликда пайдо бўлган одамлар гуруҳини кўриб, Роулинс айёрроқ чиққанини тушунди.

– Ана улар, – қўли билан кўрсатиб, деди Керриден. – Қаранг, ана у ёқда! Энн ва йигит ўрмон ёқасида туришар ва балки кўринишмаётган ҳам эди, бироқ Керриден ҳар бир кескин ҳаракат уларни билдириб қўйишини яхши биларди; айниқса, кетидан тушганлар ичида кўзи ўткир подачилар бўлиб қолса.

– Бизни қидиришяпти, деб ўйлайсизми? – сўради Энн.

– Сўзсиз! Келинг, ўрмонга қайтамиз – фақат шошилмасдан, акс ҳолда сезиб қолишади.

Улар яна секинлик билан ўрмон ичига қайтишди. Керриден ерга чўкиб, Энни ҳам кетидан тортди. Шу пайтгача уларнинг омадлари келаётганди. Кўприқдан бир неча мил нарида улар ёлғиз фермага дуч келишди. Керриден таваккал қилишга қарор қилди: эгниларини қуришиб олишлари ва егулик топишлари керак эди.

Фермернинг хотини уларнинг автомобил ҳалокати тўғрисидаги гапларига ишонди. Кийимларини қуришиб, Энн ва Керриден камин олдида исинишар экан, уларга катта товада гўшт қўшиб қуймоқ пишириб берди. У меҳмонларга пешин пайтида озиқ-овқат олиб келадиган фургон келишини айтиб, балки фургон ҳайдовчиси уларни механик топишлари мумкин бўлган Бортуиккача олиб кетиши мумкинлигини айтди.

Бу Керриденга тўғри келарди. Фургон кўринганда уларнинг кийимлари деярли қуриб бўлган эди. Бортуикда улар Гиффардга борадиган автобусга ўтиришди – бу изларидан келаётганларни чалғитиш учун бўлиб, улар

машина топа олмаган эдилар. Керриден автобусда бирортаси уларни таниб қолса, тревога кўтаришига шубҳа қилмаётган эди.

Улар энди Гиффарддан тахминан беш мил нарида эдилар: Данбарга яёв кетишаётган эди. Яхши дам олиб олганлари учун улар кучга тўла эдилар ва орқаларидан қувлашаётгани тўғрисидаги фикр Керриденни энди жуда ҳам хавотирга солаётгани йўқ эди.

– Ўн дақиқа олдинроқ чиққанимиздауларга дуч келган бўлардик, – изларидан келаётганларнинг четга қараб кетаётганини кузата туриб, деди Керриден. – Қаёққа борамиз – мана муаммо. Аввалги маршрутга амал қилсак, улар биз Данбарга интилаётганимизни дарров сезишди.

– Шимолга қараб юрсак-чи? – таклиф қилди қиз. – Хэдингтонга етиб борамиз, у ердан эса, улардан қутула олсак, шимолга, Данбарга қараб кетамиз.

Керриден қизга ажабланиб қараб қолди:

– Сиз қаердан биласиз?

– Эҳ, бу эркаклар! – кулиб хитоб қилди Энн. – Албатта, фақат сизлар ҳамма нарсани биласизлар!.. Кўриниб турган нарса-ку: мен Шотландияга кўп саёҳат қилганман, Хэдингтонда бўлишимга ҳам тўғри келган.

– Табрикларимни қабул қилинг, – жилмайди Керриден. – Афсуски харитамиз йўқ. Кўр-кўрона кетавериш хавfli ва кўп вақт йўқотамиз. Қалай, Хэдингтонгача олиб бора оласизми?

– Умид қиламан, – ишончсизлик билан деди қиз. – Ўтган сафар мен йўлдан четроқда юришимга тўғри келмаган эди... Нима қиламиз? Қоронғи тушишини кутамизми ёки дарров йўлга тушамизми?

– Вақтимизни бекор йўқота олмаймиз. Орқамиздан келаётганлар тепалик ортида яширинишган. Улар ғарбга қараб кетишяпти, биз эса шимолга қараб кетамиз.

Улар йўлга тушишди.

– Мен сиз учун хавотирдаман, – кутилмаганда деди Керриден. – Ўшанда мени ташлаб кетсангиз бўлар экан.

– Хавотир олманг, – жилмайиб, деди қиз. – Мен ўзим учун тура оламан.

– Сизга шундай туюляпти, – жаҳл билан деди Керриден. – Агар мени Рита Аленнинг ўлимида айблашадиган бўлса, бошқача сайрай бошлайсиз. «Жиноятда шериклик» деган гапни эшитганмисиз?

– Олдиндан хавотир олишнинг нима кераги бор? Мен ҳаяжонланмаяпман – ку! Нега сиз ҳаяжонланяпсиз?

Керриден «Ҳм»лаб қўйди, кейин эса норозилик билан қўшиб қўйди:

– Менга ёқа бошлаётганингизни ўзингиз сезиб турибсиз – ку!

– Чиндан ҳам – а? – Энн унга тезгина қараб олди. – Фақат, менимча, бу сизни хурсанд қилмаяпти.

– Ҳеч ҳам ёқмаяпти. Мен сизга тўғри келмайман.

– Сизнинг пашшадан фил ясайдиган одатингиз бор экан.

– Мен бир пайтлар аёлларни кунига алмаштирардим. Уруш мени қолипга солиб қўйди ва мен бу ажойиб жинс вакилларига қизиқишимни йўқотдим. – Керриден кизга қараб қолди. – Сиз эса мени қизиқтириб қўйдингиз ва бу менга ёқмаяпти. Сиз унаштирилганмисиз?

– Шунга ўхшаган нарса, – жилмайиб, жавоб берди Энн. – У флотда хизмат қилади. Ҳар ярим йилда кўришиб турамиз.

Керриден яна «Ҳм»лаб қўйди.

– Майли, унда ҳаммаси кўриниб турибди.

– Шунақами? Нима сизга кўриниб турибди? Биз шунчаки бир биримизни ёқтирамиз.

– Ёқтиришда давом этаверинг, – тундлик билан деди Керриден. – Кўп хафагарчиликлардан озод бўласиз. Ортиқча мураккабликларнинг нима кераги?

– Қандай мураккабликлар?

Йигит тўхтаб, Эннга тикилиб қаради.

– Сиз менга ёқасиз. Агар кимдир менга ёқиб қолса мен ўша одамга ёмонлик қила олмайман.

– Нега менга ёмонлик қилишингиз керак экан? – ажабланиб сўради қиз.

– Мен сизнинг акангизни қидиряпман, тўғрими? – сабрсизлик билан деди Керриден. – Ва уни полиция қўлига топширмақчиман. Сиз эса беихтиёр мени йўлдан уряпсиз.

– Уни полиция қўлига топширишингизга тўғри келмайди. – аста деди Энн. – Чунки бу гаплар ҳаммаси тўқиб чиқилган.

– Яъни?

– Мен сизга Брайан Рита Алленни ўлдирмаган ва Гурвилни сотмаган деяпман. Мен уни жуда яхши биламан. У нимаси биландир сизга ўхшайди: у шунчаки бундай ишни қилмаган бўларди.

– Менга қаранг, – хўрсинди Керриден, – ахир кимдир Рита, Любош ва Гаррисни ўлдирган-ку. Агар ўлдирган акангиз бўлмаса, у ҳолда ким?

– Тасаввур ҳам қила олмайман. Бироқ бу Брайан эмас.

– Бу тушунтириш эмас.

– Ва бунинг устига мен унинг тириклигига ишонмайман. Жуда ҳам ишонгим келяпти. Сизнинг айтганларингизни эшитиб, аввалига ишонгандек эдим. Бироқ... Мен уни жуда яхши кўрардим ва у ҳалок бўлганини биламан. Бир йил олдин бир куни кечаси у ўлганини ҳис қилиб уйғониб кетдим. Ўлими ҳақидаги хабар шундан сўнг тўрт ой ўтиб келди. Мен ҳатто оғриқ ҳам ҳис қилмадим.

Керриден меҳр билан қизнинг елкасига уриб қўйди.

– Келинг, яхшиси бу ҳақда гаплашмаймиз. Яхшиси келишган денгизчингиз ҳақида ўйланг... Олға! Вақтни бекор ўтказаяпмиз!

Шундан сўнг сал ўтиб, қуёш тепаликлар орқасига ўтганда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Аввалига Энн двигател ғириллаганини эшитди. Бошини кўтариб дарахтлар тепасида вертолет пайдо бўлганини кўрди.

– Ётинг! – бақирди Керриден.

Бироқ йигит ётиб олганида Энн аллақачон қалин ўт устида ётарди. Улар кўзларини тепаларида осилиб турган вертолетдан узмай, қотиб қолишди.

– Бизни билиб қолишди! – нафрат билан хитоб қилди Керриден. – Нима дейсиз? Ҳа, афтидан мен уларга жуда керакман. – Вертолет учувчиси бошини чиқариб уларга қўлини силкиди. – Хушмуомала экан!.. Ҳозир радиодан ўзининг исковучларини чақиради. Тезроқ ўрмонга юринг, бу бизнинг ягона йўлимиз.

Улар сакраб туриб қарағайзорга отилишди. Вертолет уларнинг ортидан калхат каби отилди.

Шамолнинг эсиши уларга одамларнинг овозини олиб келиб, Керриден орқасига қаради. Чап томондаги тепаликнинг учида бир гуруҳ одамлар кўринишди.

– Уларнинг иккитаси чинакамига югура олади, – тунд оҳангда деди Керриден. – Бўлинг тезроқ! Улар билан очиқ жойда учрашиб бўлмайди.

– Менимча, улар билан умуман учрашишнинг кераги йўқ, – югураётиб деди Энн ва кулиб юборди. У енгил чопиб кетаётган, кўзлари ҳаяжондан ялтирарди.

Керриден яна бир марта орқасига қаради. Қувлаётганларнинг иккитаси асосий гуруҳдан анча илгарилаб кетган ва уларга етиб олай дейишаётган эди.

– Югуринг! – Эннга қарата қичқирди у. – Мени ўрмонда кутиб туринг. Мен анави иккитаси билан шуғулланаман... Қани!

Киз янада тезлашиб, ўрмонга ўқ каби учиб кирди.

Орқадан эшитилаётган оёқ товушлари баландлашди ва Керриден яна елкаси оша орқасига қаради. Унга етиб қолаёзган эдилар. У қоқилиб тушиб, йиқилай деб қолди.

Ўрмон ёқаси шундай ёнгинасида бўлиб, Энн шохларни синдирганча, дарахтлар орасида йўқ бўлиб қолганди. Керриден қувлашишни ўрмон ичига олиб кирмоқчи эмасди. Орқадан қувиб келаётганларнинг бошқалари ярим мил орқада қолиб кетишган ва бу иккитасини бир амаллаб, кейин хотиржам қочиб қолиш мумкин эди.

Керриден кутилмаганда орқага ўтирилди ва орқасидан келаётганларнинг бири унга ташланганда кафтининг қирраси билан унинг бўйнига солди. Эркак худди кесилгандек ерга қулади.

Бирдан ўзгариб қолган шароитни ҳисобга олиб, йиқилган эркакнинг шериги ўзини олиб қочди, бироқ Керриден унинг оёғига ёпишиб, иккаласи ҳам ўтга юмалашди. Керриден томоғига ёпишаётган қўлларни осонлик билан итариб ташлаб, тиззасига турди. Рапқиб и ҳам унга эргашиб турмоқчи бўлганда ўнг қўли билан унинг иягига солди. Рақиб ағанаб тушди.

Керриден шу заҳоти ўрнидан сакраб турди. Изларидан қувлаётганларнинг қолганлари ҳали ҳам узоқда эдилар. Улар орасида пишиллаб келаётган Роулинсни кўриб Керриден унга қўлини силкиди ва қуюқ дарахтзор ичига югурди. Энн унинг қўлидан ушлаб олиб, иккалалари сўқмоқ бўйлаб югуриб кетишди.

Эшитилаётган товушларга қараганда, қувлаётганлар ўрмонга етиб келишган эди: синаётган шохларнинг шитирлаши, бақир-чақир ва хуштак товушлари эшитилаётганди. Энн ва Керриден тезликни бироз камайтириб, орқаларидаги шовқин тинмагунча югуришда давом этишди.

Сўнгра Керриден тўхтади.

– Бўлди, шекилли, – деди у юзини қўли билан артиб. – Улардан зўр қочиб қолдик-а?

Энн дарахтга суюниб олиб, нафасини ростлаб олаёт-ганди. Кўриниши жуда аянчли бўлса-да, у Керриденга қараб жилмайди.

– Энди нима қиламиз?

– Ўрмонда бизнинг орқамиздан юришлари учун жуда қоронғи. Улар эрталаб бўлишини кутишса керак. Агар омадимиз чопса, у пайтга келиб биз узоқда бўламиз.

– Демак, олдингами?

– Энг зўр йўли шу. Қалай, тайёрмисиз?

– Бундай дея олмайман. Бироқ бошқа йўли йўқ.

– Шошилиш шарт эмас. Мана шу сўқмоқдан кета-верамиз – ахир бир жойга олиб чикса керак. Ўрмондан чиқишимиз билан, қаерда эканимизни билиб оламиз.

Ярим соатдан сўнг улар ўрмон ёқасига чиқишди. Тун қоронғисида юриш қийин эди – агар махсус тайёргар-ликлари бўлмаганда улар бир қадам ҳам ташлаша олма-ган бўларди.

– Қизиқ, қаерга келиб қолдик ўзи? – овозини чиқариб, ўйлади Керриден. – Кейин, юришни бошлашдан олдин бирор нарса еб олсак бўлармиди? Мен очдан ўлай деяп-ман.

Улар ўт устига ёнма-ён ўтиришди. Энн камарига осиб олган сумкасидан фермернинг меҳмондўст хотини со-либ берган егуликларни олди. Ҳар бири ўз хаёли билан банд, индамай ўтириб овқатланишди. Керриден Мэлло-ри билан юзма-юз келганимда нима бўлади, деб хаво-тирда эди. Ва яна аксинча: агар Мэллори оролда бўлмаса нима қилади?

– Сиз яна нимадандир хавотирдамисиз? – Керриден-га қараб, сўради Энн.

– Ҳа-да! – Керриден кулиб юборди. – Биласизми, ха-вотирланиш менга ёқади...

«Мэллори ўлган деб айтиш унга осон, – ўйларди Кер-риден. – Бироқ арвоҳлар кечаси отишмайди». У Крюнинг



квартирасидаги шивирлаган товушни, ўқ товушини эслади. Йўқ, Мэллори тирик! Ва жуда хавфли.

– Қаранг, анави ерда машина! – бирдан хитоб қилди Энн. – Пастда йўл бор, шекилли.

Тепаликлар ортидан секин қишлоққа яқинлашаётган иккита нур, жуда узун нурлар, кўринди.

– Улар жуда ҳам шошилишмаяпти, – қоронғига диққат билан қараб, деди Керриден. – афтидан тўхта-шяпти, шекилли... – У ўрнидан сакраб турди. – Тўхтади! Энн, тезроқ қимирланг, балки бизни шаҳаргача ташлаб кетишар.

– Бу полиция бўлса-чи? Таваккал қилиш керакми-кан?

– Эҳтиёт бўламиз. Кетдик!

Йўлга тушиш тикка бўлса ҳам, айти пайтда осон бўлди ва тез орада улар капоти очиқ турган машинага яқин келишди. Кўлида электр фонарини ёқиб, мотор устига энгашганча қандайдир эркак киши турарди.

– Сиз шу ерда кутиб туринг, мен гаплашиб келаман, – буюрди Керриден.

Энни қолдириб, у машинага яқинлаша бошлади ва яқинроқ келиб, ҳайдовчининг ёлғизлигига амин бўлди.

– Ёрдамлашиб юборайми?

Эркак кескин қаддини ростлади ва фонар нуруни Керриденга қаратди.

– Қўлингиздан келмаса керак, – ёмон кайфиятини яширишга ҳам ҳаракат қилмай, жаҳл билан деди у. – Агар мабодо автомобилни тушунмасангиз...

– Бу ердан беш милча нарида қишлоқ бор, – Керриден яқинроқ келиб, ҳайдовчига яхшилаб қаради. «Хавотир олишга ҳеч қандай асос йўқ, ўйлади у. – Оддий савдогар».

– Бу янги моделлардан кўнглим кетади! – жаҳл билан машина ғилдирагига тепиб, деди ҳайдовчи.

– Келинг, қараб кўрамиз, – таклиф қилди Керриден ва двигатель устига энгашди. – Нима бўлган эди?

– Бу ярамас аввалига ғингиллаб турди, кейин бира тўла ўчиб қўя қолди.

– Бензини борми?

– Бак тўла.

– Балки, карбюратордир... Асбобларингиз борми?

– Мархамат. Сизни учратганимиз яхши бўлди, – хайдовчининг кайфияти кўтарилиб кетди. – Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

– Хотиним билан кичкина саёҳатга чиққандик, – жавоб берди Керриден ва овозини баландлатди: – Азизим, чиқа қол!

Коронғилиқдан Энн чиқиб келди.

– Рафиқам билан танишинг!.. Энн, бу жентелменнинг мотори бузилиб қолибди. Ёрдам бериб юборамиз.

– Эримнинг қули гул, – кулиб, деди Энн. – Ҳозир бир зумда ҳаммасини тўғрилайди.

– Зўр! – хитоб қилди эркак. – Менинг исмим Брюэр. Раҳмат сизларга! Мен машиналар бўйича ҳеч нарса туншунмайман.

Эркак Эннга хайрат билан қараб турарди, Энн тўсатдан юбкаси оёғини очиб, тортилиб қолганини сезиб қолди.

– Очиғи, биз учун ҳам бу омад бўлди, – асбобларни ёя туриб, деди Керриден. – Биз бу ерда адашиб қолиб, бирорта машина тўхтатмоқчи бўлиб турган эдик. Ҳеч ким йўқ жойлар экан-а? Иккаламизнинг ҳам омадимиз келибди.

Керриден карбюратор билан овора экан, эркак очикчасига Эннга хушомад қила кетди ва Керриден охирги винтни бураб, двигательни ёқишни сўраганда кайфияти бузилиб қолди.

– Менимча, энди ҳаммаси жойида. Шунчаки ахлат тикилиб қолибди. Қани, кўрайлик-чи!

Стартерни босиш билан двигатель ишлаб кетди.

– Чиндан ҳам кўлингиз гул экан! – машина ойнасидан бошини чиқариб, деди Брюэр. – Сизлар бўлмасангиз, кечаси билан шу ерда қолиб кетардим. Мархамат, ўтиринглар! Қаерга олиб бориб қўяй?

– Ўзи биз Данбарга кетаётгандик, – деди Энн. – Ташлаб қўя оласизми?

– Нега бўлмас экан? Мен Эдинбургга кетяпман, бироқ сизларга фойдам тегса, хурсанд бўламан.

Машина тезлаша бошлади. Энн Керриденнинг кўлидан ушлаб олди, бироқ йигитнинг хаёли Мэллори билан банд эди.

Моторли қайиқ узунасига ўн саккиз фут бўлиб, қўлда бошқарилар эди. У ангарда пўлат трослардаги арғимчоқда осиглиқ турган бўлиб, кнопка босилиши билан электр чиғир қайиқни секин сувга туширарди.

Энн моторни текширар экан, Керриден безовталиқ билан эшик олдида қоровуллаб турди.

Уларни Данбарнинг асосий кўчасига олиб келиб қўйган Брюэр кўздан йўқолиши билан улар денгиз томонга кетишди. Ва шу заҳоти Керриден уларни кузатишаётганини хис қилди. Қанчалиқ қоронғиликка тикилиб, қанчалиқ қулоқ солмасин, у ҳеч нарсани сезмади ва Энни безовта қилмаслик учун унга индамай қўя қолди.

Энди ангар эшиги олдида туриб, ўз безовталиги учун ҳеч қандай сабаб топа олмай у ҳаммасини асаби чарчанига йўйди.

– Бўлди, – деди Энн. – Кетдикми?

– Ҳа, – ўз ўрнини зўрға ташлаб кетар экан, деди Керриден. – Шамол туряпти. – Қанча тезроқ йўлга тушсак, шунча яхши. Узоқ юрамизми?

– Бир соатга яқин, – жавоб берди қиз. – Асосийси – оролгача етиб олиш. Уйда озиқ-овқат етарли, жуда бўлмаганда бир ҳафтага етади.

– Бир ҳафтага? Унда етарли экан. – Керриден яна эҳтиётлик билан қотиб қолди.

Энн унинг безовталигини сизди.

– Нимадир бўлдимми?

– Ҳеч нарса, шунчаки асабларим ишдан чиққан, шекилли. Менга худди орқамиздан кимдир пойлаётганга ўхшайди.

– Унда тезроқ кетайлик. Жуда ҳам...

Эшик олдидаги қандайдир ҳаракат уларни ўтирилиб қарашга мажбур қилиб, қиз секин қичқирганча, жим бўлиб қолди. Қайиқда кимнингдир сояси липиллади.

– У ерда ким бор? – олдинга қадам ташлаб, сўради Керриден.

Уларга маузериани ўқталиб, ёруғликда Жанна кўринди. Унинг оппоқ юзида қатъият ифодаси бўлиб, кўзлари чақнарди.

– Мен сизлар биланман, – нафаси сиқаётган каби, деди у.

Керриден енгил тортиб, хўрсиниб қўйди. Худога шукур, Роулинс эмас!

– Ўзингизга ўхшайсиз, доим кутилмаган пайтда пайдо бўлиб қоласиз, – кулиб, деди у. – Бу ерга қандай келдингиз?

– Шу ерда учрашишга келишган эдик, – жавоб берди Жанна. – Мендан осонлик билан кутуламан, деб умид қилмаётгандирсиз?

– Мен сизни умуман эсдан чиқариб юборгандим, – секин маузерга қараб қўяр экан, деди Керриден. – Ян қани? У ҳам яшириниб турибдими?

Қиз хахолаб кулди ва нотабиий янграган бу кулгидан Керриденнинг баданида титроқ турди. У диққат билан тикилиб Жаннанинг бутунлай мазаси йўқлигини сезди. У озиб кетган, ич–ичига ботиб кетган кўзларининг атрофи кўм–кўк, ялтираб турар, қони қочган лаблари ёрилиб кетган эди.

– У ўлди.

– Ўлди? – Керриден хайрон қолди. – Нима бўлди?

Жанна Эннга қаради, лабларида истехзо пайдо бўлди.

– Ана ундан сўранг. У биледи. Янни Мэллори ўлдирди.

Энн чуқур бир нафас олиб, олдинга қадам қўяр экан, Керриден уни тўхтатиб қолди.

– Нима деяпсиз? – ишонқирамай, Жаннадан сўради у.

– Мен ҳаммасини кўрдим. – Қиз асабийлик билан қалин сочларини кўли билан таради. – У бизни кузатиб юрганди.

– Кузатиб юрганди?

Жанна бир сония жим турди, сўнгра бирдан оғзидан сўзлар қуйилиб кела бошлади.

– Ренлини ўлдиришди, у биз учун ўзини қурбон қилди. Янни ярадор қилишди. Бизни полиция тутиб олай деди. Биз ибодатхонада яшириниб олдик.

Қиз бирдан кўллари билан чаккасини қисиб, жим қолди.

– Гапираверинг, хўш? Кейин нима бўлди?

– Биз бир амаллаб юк поездига ўтирдик. Омадимиз келган эди: поезд тўғри Данбарга борадиган экан. Яннинг ахволи чатоқ эди. У сувсизликдан қийналиб, дам ўтмай сув сўраётганди. Мен уни қолдириб, сув топиш илинжида вагонларни айлана бошладим. Кейин қичқирган товушни эшитиб, орқага қарадим. Ян бор кучи билан эшикни ушлашга ҳаракат қилиб, эшикда осилиб турарди... – Жанна овозини пасайтириб, деярли шивирлаб, қўшиб қўйди: – Мэллори унинг томоғидан ушлаб турарди. Мен ҳеч нарса қила олмадим, узоқда эдим. Ян рельсга қулади ва рўпарадан келаётган поезд уни майдалаб ташлади. У ҳам Любош каби ўлди. Уни Мэллори ўлдирди.

Керриденни яна титроқ босди.

– Демак, сиз Мэллорини кўрдингиз? – кўзини Жаннадан узмай сўради у.

– Ҳа.

– Ва сиз уни танидингизми? Янглишаётган бўлишингиз мумкин эмасми?

Қизнинг юзи тошдек қотиб қолганди.

– Сиз мен янглишган бўлишим мумкин, деб жиддий сўряпсизми?

– У ёлғон гапиряпти, – Керриденга ёпишганча, шивирлади Энн.

– Шошманг, у гапириб бўлсин... Кейин нима бўлди?

Қизнинг қараши қоронғилашди. У қошларини чимириб, худди эслаётгандек, ишончсизлик билан, деди:

– У оролга қараб кетди. Мен уни кўрдим.

– Шошманг! – сўради Керриден. – Мэллори сиз Ян билан кетаётганингизни билар эди. Нега у сизни ўлдиришга ҳаракат қилмади?

– У оролда. Мен уни кўрдим, – зўрға гапирди Жанна.

– Қизик, у қандай қилиб оролда бўлиб қолиши мумкин? Мана унинг қайиғи. Демак, у қайиқсиз йўлини қилган бўладими?

Жанна қўли билан пешонасини ишқалади. Унинг кўриниши ўзини йўқотиб қўйгандек эди.

– Мен уни кўрдим. У қайиқни бандаргоҳдан олди... Бутун гуруҳимиздан ёлғиз мен ўзим қолдим. Мэллори уларнинг ҳаммасини биттадан ўлдирди. У биздан айёрроқ чиқди!.. Бироқ унинг айёрлиги менга ўтмайди. – Жанна пистолетини ўқталганча олдинга қадам ташлади. – Қайиққа чиқинг, тезроқ! Биз шундоқ ҳам қанча вақтни йўқотдик. Бу сафар у кета олмайди.

– Кетдик, – Эннга қараб деди Керриден ва ярим товушда қўшиб қўйди: – Пайида бўлиб туринг, у бутунлай ақлдан озибди.

Жанна уларга маузерини ўқталганча, қайиқнинг тумшуқ томонига ўтирди. Асабийлашиб, ранги оқариб кетган Энн моторни ёқиб, қайиқни очиқ денгизга олиб чиқди.

– 2 –

Дарвеш ороли Керриден кутганидан ҳам каттароқ экан. У тасавурида ҳамма ёғи тошдан иборат тангадай жойни кўраётган эди, шунинг учун қоронғиликда йўқ бўлиб кетаётган баланд қояли соҳилни кўрганда ҳайратга тушди. Сув устини қуюқ туман босган бўлиб, қояларнинг

ёриқларида шамол гувилларди. Қайиқ яқинлашиб келиши чайкаларни чўчитиб юборди ва улар кутилмаганда бир дақиқага ўз қичқириқлари билан тўлқинларнинг айқирган товушини босиб, ҳавога кўтарилишди.

Кичкина ангари бор причалдан тепага қараб қояда ўйилган айланма пиллапоялар кетган бўлиб, кичкина гуруҳ тошларга тирмашганча, уларни денгизга улоқтиргудек бўлаётган кучли шамол билан курашиб, юқорига чиқиб боришарди. Текисликка чиқишгунча Керриден икки юздан ортиқ пиллапояни санаб чикди. Узоқда, эрталабки осмон фонида чўққиси ўткир учли баҳайбат қоятош кўриниб турарди.

Шамолга қарши олдинга эгилиб олганча, Керриден тор йўлка бўйлаб Эннинг кетидан кетарди. Жанна эса вақти–вақти билан тошларга қоқилиб кетиб, нималардир деб минғирлаганча энг орқада кетарди.

Уй қоронғилик ичидан кутилмаганда пайдо бўлиб қолди. Бу қалин бетон плиталардан терилиб, тошлоқ ерга пўлат троллар билан маҳкамланган пастаккина икки қаватли қурилиш бўлиб, хунуклиги ва бақувватлиги билан қадимги шотланд қалъасини эслатар эди.

Уйнинг олдида Керриден қаергадир юқорига олиб борадиган бошқа тор пиллапояларни кўрди. Кейинчалик у бу пиллапоялар Дарвеш оролининг узоқ чўққисидан ташқари оролнинг энг юқори нуқтаси бўлган платога олиб боришини билиб олди.

Уй қоронғиликка чўккан, деразаларда худди қора ойналардаги каби секин сузаётган булутлар акс этиб турарди. Энн эшик олдига келди, бироқ Керриден унинг қўлидан ушлаб, орқага тортди.

– Бунчалик тез эмас, – уйнинг олдини қарай туриб, деди у. – бунчалик шошилишнинг нима кераги бор? Агар бу ерда бирортаси беркиниб турган бўлса...

– Бу ерда ҳеч ким беркинмаган, – унинг гапини бўлди Энн. – Наҳотки сиз шу аёлнинг ёлғонига ишондингиз?



– Менга барибир, таваккал қилишга арзимамайди.

– Менинг кўрқадиган жойим йўқ! – Қиз бир силтаниб, Керриден ўзига келгунча, эшик олдига етиб борди. – Фонарингиз борми? – елкаси оша қараб, сўради у. – Биз жўнаб кетаётганда доим эшикни тамғалаб кетамиз. Демак, тамға бутун бўлса, унда уйда ҳеч ким йўқ.

Керриден қизга яқин келиб, ёритиб турди. Тамға бутун бўлиб, эшик анчадан бери очилмагани кўриниб турарди.

– Бошқа кирадиган жой борми? – олдиларига Жанна яқинлашганда сўради Керриден.

– Йўқ, фақат шу ердан кириш мумкин. Кўриб турганингиздек, биринчи қаватнинг деразаларида панжара бор ва улар ичкаридан ёпиқ.

Қиз чўнтагидан калит олиб қулфни очди. Учовлари ўзларини катта, шинам хонада кўришди. Энн чирокни ёқаётганида, Керриден олдинга чиқди.

– Сизлар шу ерда бўлинглар. Мен уйни қараб чиқаман.

– Ҳеч кимни топа олмайсиз, – хорғин товушда деди Энн.

– Ҳечқиси йўқ, ҳар эҳтимолга қарши.

Керриден уйнинг ҳар бир бурчагини қараб чиқди, уй ичига фақат асосий эшик орқали кириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина меҳмонхонага қайтиб кирди. Энн электр камин олдида турар, Жанна эса безовталиқ билан у ёқдан бу ёққа юрарди.

Вақт ярим тунга яқинлашган бўлиб, Керриден қидирувни эрталабгача қолдиришни таклиф қилди. Жанна истамайгина рози бўлди. Оролнинг ўлчамлари, ўткир қоялар ва шамолнинг тезлиги, афтидан, унга таъсир қилган эди.

Энн аёлга уни ётоқхонага кузатиб қўйишни таклиф қилганда у меҳмонхонада, камин олдида қолишини айтди.

– Унга тегманг, – секин деди Керриден. – Яхшиси тепага юринг.

Йигит Эннинг кетидан иккинчи қаватдаги тўртта ётоқхонанинг бирига кириб, орқасидан эшикни ёпди.

– Сиз ҳали ҳам Брайан шу атрофда, деб ўйлаяпсизми? – сўради Энн.

– Жаннанинг ақлдан озганига менинг ишончим комил, – хотиржам жавоб берди Керриден. – Унинг Яннинг ўлдирилиши ҳақидаги гаплари – шунчаки алахлаш. Афтидан, у Мэллорига шунчалик ёпишиб олганки, айтиб берган гапларининг ярми унинг тасаввурининг натижаси. – Керриден қошларини чимириб, иягини силади. – Мен ҳатто бу гаплар ҳаммаси ўйлаб топилган нарса дейишга ҳам тайёрман. Агар Любош, Гарри ва Рита Алленларнинг ўлимини тушуниб бўлганда эди... Ҳамма гап шундаки, Жанна қанчалик эсидан оғган бўлмасин, Ян ва Ренли ҳам акангиз тирик эканлигига шубҳа қилишмаётган эди.

– Демак, полякни Брайан ўлдирганига сиз ишонмаяпсиз-а?

– Йўқ. Эслаб кўринг: Жанна айтдики, Ян ва Мэллорининг уришаётганларини кўриб, у ҳеч нарса қила олмабди. Бироқ унинг маузери бор эди! Маузер Янда эмас, унда бўлгани аниқ, чунки поляк поезддан тушиб кетган бўлса, қурол қандай қилиб қизда бўлиб қолади? Жанна зўр отади – нега акангизни ўлдириб қўя қолмаган? Йўқ, ҳеч уланмаяпти. Тўғрироғи, Ян ярадорликдан ўлган, қиз эса бу Мэллорининг иши деб, тасаввур қияпти ёки атай алдаяпти. – Керриден сочларини хурпайтирди. – Бироқ алдаш унга нима учун керак? Бу ерда нимадир етишмаяпти... – У ўрнидан туриб, қизга яқинлашди. – Ёта қолинг. Ўйлашни менга қўйиб беринг ва ҳеч нарсадан хавотир олманг.

– Худойим, сиз унинг айтганларига ишонмаётганлигингиз қандай яхши! – йигитнинг қўлини ушлаб, ҳитоб қилди Энн. – Брайан бутунлай бошқача...

– Жанна уни оролда, деб таъкидлаяпти, – қизнинг гапани бўлди Керриден. – Жуда яхши! Агар у шу ерда бўлса, мен уни топаман.

– Брайан бу ерда йўқ, – оддийгина қилиб деди Энн.

– Ётинг. Ва эшикни ёпиб олинг. Жаннага ишониб бўлмайти. Афсус, ундан пистолетини тортиб ола олмайман... Энн, бора қолинг, бугун энди ҳеч нарса қилиб бўлмайти.

Энн чиқиб кетганидан сўнг Керриден асабийлашиб, хонани айлана бошлади. Деразага ёмғир урар, шамолнинг гувиллаши ва тўлқинларнинг шовқини эшитиларди.

Керриден асабийлик билан креслога чўкди. Қачондан бери ухламаяпти? Поездда озгина кўзи илиниб турганди – шунинг ўзи. Қовоқларига қўрғошин осиб қўйгандек эди, бироқ шунга қарамай, Керриден ухлай олмаслигини сезиб турарди. У креслога ястаниб ўтириб олиб, кўзларини юмди ва Мэллори ҳақида ўйлай бошлади.

Мэллори: тунги овоз; бировларнинг ҳикоялари орқасида ҳосил бўлган образ; ажойиб йигит, аблах; афсонавий шахс, бераҳм қотил. Ренлини ҳайратга солган, Энн жонидан азиз кўрган одам; Ян ва Жанна учун нафратга лойиқ душман. Виждонли, қўрқмас ва олийжаноб; сотқин. Қани у қўлга тушмас арвоҳ – шу ерда, оролда яшириниб юрибдими ёки Францияда кўмилиб, номаълум қабрда ётибдими?

Бу занжирдабитта халқа етишмаяпти. Энди бунга Керриденнинг ишончи комил эди. Ҳаммаси сотқинликдан бошланган. Агар Мэллори гапирмаганда, бу воқеалар бўлмаган бўларди. Гаррис, Любош ва Рита Аллен тирик бўлишган бўларди. Ва анави учаласи ҳам Керриденга мурожаат қилишмаган бўларди. Мэллори гапирмаганда эди... Бироқ нима учун у Гурвилни сотган? Ҳатто Ренли ҳам буни тушуниб ета олмаяпти. Масаланинг ечими шу ерда эмасмикин?

Бирдан хонада чироқ ўчиб қолди.

Линияда авария бўлдими ёки кимдир рубильникни ўчириб қўйдими? Керриден шовқинсиз ўрнидан туриб, билдирмай эшик олдига келди ва йўлакка қаради. Уй қоп-қоронғи эди. Керриден юраги гурсиллаб урганча, қулоқ солди ва узоқдан эшитилаётган тўлқинларнинг товуши орасида пастдан келаётган овозни эшитиб, сочлари тикка-тикка бўлди. У Крюнинг квартирасида эшитган шивирлаган, хирқироқ товуш... Мэллорининг товуши.

– Жанна, шу ердамисан?

Керриден пистолет отилиб, кўзни оладиган ёруғлик пайдо бўлишидан бир сония илгари ўзига келди. Шу захоти кичқирди эшитилди. Кичқирган Жанна эди! Кейин сурилаётган лўкидон товуши эшитилди ва уйга совуқ шамол кирди.

Ўз хонасидан Энн югуриб чиқди, улар қоронғида Керриден билан тўқнашиб кетишди.

– Нима бу? Нима бўлди? – Унинг овози кўрқувдан титрарди.

Керриден уни бир чеккага итариб юбориб, зинага югуриб чиқди ва фонарини ёқди.

Меҳмонхона бўш эди. Ланг очилган эшик ҳали ҳам ошиқ-мошиғида кимирлаб турарди.

– Жанна! – чақирди Керриден.

Жавоб бўлмади.

– Таксимловчи шит? қаерда? – сўради Керриден.

– Ошхонада.

– Шу ерда кутиб турунг, – деб, йигит зинадан югуриб кетди. Бир неча сониядан сўнг чироқ ёниб, Керриден меҳмонхонага кирди. – У йўқ.

– Ким отди? Нима бўлди? – Энн ҳам меҳмонхонага тушиб келди.

Керриден эшик олдига келиб, тун қоронғисига тикилди, кейин эшикни беркитиб қўйди.

– Энн, яхшилаб қаранг. Мен ўқни топмоқчиман.

Хона деворлари қопланган эман дарахтидан қилинган панелга кириб қолган ўқни Энн кўриб қолди. Керриден уни пичоқ билан чиқариб олиб, бир бўлак ясси металлни ўйламсираганча, қўлида айлангирди.

– Бу маузернинг ўқи, – деб истеҳзо билан кулди. – Мен биттагина халқа етишмаяпти дегандим-а? Мен товушга алданган эканман. Менимча, энди ҳаммаси тушунарли.

– 3 –

Уй тепасидаги тепаликдан узоқда мағрур қора Дарвеш чўққиси билан бирга бутун орол кўриниб турарди. У ер– бу ерда супургигуллар ўсиб ётган бутазорлар кўриниб қолмаса, денгизгача асосан яланғоч тошлар ёйилиб ётарди.

Теварак–атрофни яхшилаб ўрганиб чиқиб, Керриден бутазорда яшириниб бўлмайди, деган хулосага келди. Оролнинг юмалоқ катта тошлар ётган қоялар бор қисмида ишонса бўладиган пана жой топиш мумкин

Керриден унча катта бўлмаган водийга тушди ва энгашганча буталардан пастроқ бўлишга ҳаракат қилиб олдинга қараб юрди. Бир қанча вақтдан сўнг у сўқмоқлар кесишган жойдан чиқди. Сўқмоқлардан бири қумли қирғоққа олиб борар, иккинчиси эса оролнинг ғарбий қисмидаги қояларнинг тикка қияликларига илонизи бўлиб кетган эди.

Керриден қоялар олдига етиб келганда кун пешин бўлган ва қуёш ҳамма ёқни ёндираётган эди. У аллақачон уч соатдан бери айланиб юрган бўлиб, шу пайт ичида тепаларида баланд қичқирганча айланиб юрган чайкалардан бошқа бирорта тирик жонни учратмаган эди.

Керриден осмон фонида ажралиб турмаслик учун ерга ётиб олди ва жарга қараб ўрмалаб кетди. Шундайгина пастда тошли қияликлар чўзилган бўлиб, ўнғроқда

эса куёшда куриб бўлган қумлар бошланарди. Қумнинг устидаги нимадир унинг диққатини тортди. У бўйнини чўзиб, яхшилаб тикилди.

Излар! Хатто баландлиги икки юз фут бўлган шундай масофадан туриб ҳам одам оёғининг изи якқол кўриниб турарди.

Керриден ҳайратда эди. Мана айни нимани кўришни у кутмаган эди! Мэллори! Ва худди биров айтиб тургандек, узоқда кимнингдир сояси кўринди. Атрофга бесамар қараб, Керриден эндигина тасаввурим мени алдади, деб хулоса қилмоқчи бўлганда бирдан баланд бўйли, елкадор эркакнинг силуэтига кўзи тушиб қолди. Силуэт қанча тез пайдо бўлган бўлса, шундай тезлик билан кўздан йўқолди. Бироқ шунинг ўзи ҳам етарли эди.

Керриден иккиланиб ўтирмай тўрт оёқлаб сўқмоқдан туша бошлади, сўнгра ўнглини олиб нотекис қумли ердан югуриб кетди.

Ундан уёғи эса, Дарвеш чўққисигача, тош бўлаклари сочилиб ётган кенглик кетган эди. Қандайдир ғор ичидан бургут учиб чиқиб, юқорига кўтарилаётиб кўрққандек товуш чиқарганда қоятошга етишга ярим мил қолганди. Керриден ҳозиргина кўрган одами шу яқин атрофда эканини тушунди ва ўша тарафга қараб эҳтиёткорлик билан кета бошлади.

Ярим соатдан сўнг у буталар орасидан бошини чиқариб Дарвеш қоясининг этагига қаради. Кўрган нарсаси уни бор бўйи билан кўтарилишга мажбур қилди.

Шундай яқингинада каттакон тош устида бақувват гавдали эркак ўтириб олиб, берилиб товонини ишқалаётган эди.

У бошини кескин кўтариб қаради ва Керриденни кўргач енгил тортиб хўрсинди.

– Салом, қария, ниҳоят! – кўтаринки руҳда хитоб қилди у. – Бу ердаги йўллар дабдала экан. Очиғини айт-

сам, мен сизни илгарироқ кўришни мўлжал қилгандим.  
Бу орол жуда жонимга тегди.

Бу Роулинс эди.

- 4 -

- Айтсам ишонмайсиз, - шошмай яқинлашар экан, деди Керриден. - Бироқ учрашганимиздан мен ҳам сиздан кам хурсанд эмасман.

Роулинс дўстона қарашда давом этди, бироқ секин-аста қарашни қаттиқлашиб, қўли костюмининг чўнтагига қараб кетди.

- Нахотки? - ажабланиб, деди у. - Мени кўришдан хурсанд бўласиз, деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим!

- Шунга қарамай бу ҳақиқат, - уни ишонтиришга уринди Керриден. - У ерда нимани титкиляпсиз? Револьвер керак бўлмайди, - инспекторнинг ёнига ўтириб, киноя билан давом этди у. - Мен сизга муаммо туғдирмайман. Сиз беихтиёр менинг бир назариямни таъкидладингиз... Менга қаранг, бу ердан бир неча мил нарида қирғоқда сиз юрган эдингизми?

- Мен, ҳўш? - Роулинс юзидаги кулгисини зўрға ушлаб турарди.

- Мен эса, тасаввур қиляпсизми, бошқа биров, деб ўйлаб қолгандим. Аслида полициячидан ташқари яна ким ҳам шундоқ ўлчамдаги изларни қолдирарди... Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

- Бизни поляк йўлга солди, - қисқагина қилиб тушунтирди инспектор. - Француз қиз шу ердами?

- Албатта. Демак, Ян сизлардами?

- Ҳа, тўғрироғи ундан қолган нарса. Менинг йигитларим уни Кокбариспат ёнидаги йўлда топиб олишибди. Унинг гапирадиган гаплари бор экан.

- Унинг соғлиғи жойидами?

– Бундай дея олмасдим. Узоққа бориши даргумон. У поезддан тушиб кетган экан. У гапира олаётганинг ўзи мўъжиза.

Керриден сигарета тутатди ва сигарета қутисини Роулинсга узатди. Унга орқасида шитирлаш эшитилганга ўхшади, бироқ у ўгирилиб қарамади.

– Йиқилган? Уни итариб юборишмаганми?

– Бу француз қиз... Исми нима эди?

– Жанна Персиньи.

– Ҳа–ҳа. Унинг айтишича ўша қиз уни уриб, кейин рельслар устига итариб юборган.

Керриден бошини силкиди.

– Худди шундай бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Сиз бу ҳақда нима биласиз? – беҳосдан сўради Роулинс.

Тепадан тош думалаб тушди. Роулинс бошини кўтарди, бироқ Керриден ҳеч нарса сезмагандек эди.

– Кўп нарса... Бу ҳодисалар ҳаммаси Мэллори деб аталмиш битта одам атрофида бўляпти. Ян бу ҳақда гапирмадими?

– Ҳа! У фақат шу ҳақида гапирди! Ва сиз ҳақингизда ҳам – сизни ўша йигитни топиш учун тортишгани ҳақида ва ... Менга қаранг, сизга етти юз эллик фунт тўлашгани ростми?

Керриден кулди.

– У бўрттириб гапирибди. Аслида, чиндан ҳам менга бироз пул беришган эди.

Роулинс унга синовчан тикилди.

– Унинг айтишича Мэллори унинг дўстларини: Любош, Гаррис ва Рита Алленларни ўлдирган эмиш... Бечора йигит: бутунлай ақлдан озган. Биз дарров аниқладик. Мэллори бир йил бурун ҳалок бўлган экан. Бунга шубҳа йўқ.

– Ишончингиз комилми?

– Бутунлай.



– Тушунишимча, Ян сизга ҳамма нарсани айтиб берган, – қизиқди Керриден. – У Гурвиль ҳақида ва бу воқеалар қандай бошланганини айтиб бердимиз?

Инспектор «Ҳм»лаб қўйди.

– О, ҳа! Ҳозирча биз текширяпмиз, бироқ бунинг бизга алоқаси йўқ. Мен биринчи ўринда Рита Алленнинг ўлими сабабларини қидиряпман ва француз қиз билан гаплашмоқчи эдим... – Роулинс Керридендан кўзини узмай қараб турарди. – Сизни ўзингизни тута олишингиз ҳайратланарли. Сизга Рита Аллен ҳақида нималар маълум? У вафот этган пайтда сиз ўша ерда эдингиз, тўғрими?

Керриден бош силкиди.

– Фақат иккимиз ўртамизда қолсин: ўша ерда эдим. Бироқ мен унга қўлимнинг учини ҳам теккизганим йўқ. Мен қичқирган товушни эшитдим, зина тагида жасадни кўрдим ва яхшиси кетишни афзал кўрдим. Менинг обрўим учун у шароит жуда чалкаш эди. У йиқилиб тушди-ми, биров итариб юбордим, ақлим етмайди.

– Экспертиза хулосасига кўра уни итариб юборишган. Бошқачасига айтганда: қотиллик, – тундлик билан деди инспектор.

– Буни ҳали исботлаш керак, – эътироз қилди Керриден.

– Ҳаракат қиламиз. Сизнинг обрўингиз... – Роулинс жилмайди. Унинг яхши кайфияти қайтиб келган эди. – Агар биз ютадиган бўлсак, ажабланмаган бўлардим.

– Жўжани кузда санайдилар, – мулоимлик билан деди Керриден. – Сезишимча, ҳозир сизга кичкина совға бўлади, фақат, илтимос, кескин ҳаракатлар қилман. У аёл зўр отади ва мана уч дақиқадан бери бизни мўлжалга олиб ўтирибди. Ахир ўзингиз эшитмадингизми? – Керриден елкаси оша қараб, овозини кўтарди: – Жанна, чиқа қолинг. Мен сизни инспектор Роулинс билан таништириб қўяман.

Тошлар орқасидан қўлида маузери билан Жанна чиқиб келди. Унинг лаблари четида нафратли жилмайиш қотиб қолган эди.

– Ҳеч бўлмаса бир марта вақтида келдингиз, – деди Керриден ва қотиб қолган инспекторга қараб, қўшиб қўйди: олдингизда Жанна Персиньи турибди. У билан ҳазиллашишни маслахат бермайман. Тинч ўтиринг ва иложи бўлса, гапирманг. Биз Жанна билан гаплашиб олишимиз керак. Тўғрими, Жанна?

– Шунақами? – жавоб берди аёл совуққина оҳангда.

– Менга қаранг, – гап бошлади Роулинс, бироқ Керриден уни имо қилиб тўхтатди.

– Сиз бизнинг гапларимизни эшитдингизми ёки йўқми, билмадим, бироқ эшитмаган бўлсангиз Ян полиция қўлига тушгани ва ҳамма нарсани гапириб ташлаганини билиш сиз учун қизиқ бўлса керак. Унинг айтишича айнан сиз, Мэллори эмас, уни поезддан итариб юборган экансиз. Шундай бўлганми?

Жанна қояга суяниб, қўлида пистолетини маҳкам қисганча, индамай турарди. Юзидаги истехзоли кулгига қарамай, у тамом бўлган аҳволда эди.

– Ҳозир бўйнингизга олсангиз ҳам бўлади, – кескинлик билан деди Керриден. – Уни рельслар устига сиз итариб юбордингизми?

– Ҳа, – хириллаб деди қиз. – Ҳўш нима қилибди?

– Қанақасига «нима қилибди?» Бу жуда муҳим! – хитоб қилди Керриден. У биров жим турди, сўнгра гапида давом этди: – Мэллори бир йил илгари ҳалок бўлганини билмаганингиз алам қилади.

– У тирик, – қўлини пешонасига кўтараётиб, деди қиз.

– Афсуски, йўқ. – Керриден ундан кўзини узмади. – Агар у ўлган эканлигини билганингизда, бу воқеалар ҳаммаси юз бермаган бўларди, шундайми? Кечаги кунгача мен тентакка ўхшаб бу гапларнинг ҳаммасига ишониб юрган эдим. Бироқ, сиз ўтказиб юбордингиз. Сиз

нинг Мэллорининг овозини ўхшатишингиз бир мартага яхши эди, сиз бекор яна иккинчи марта қайтардингиз. Эшик ва деразалар ёпиқ эканлигига амин бўлганимдан, сўнг мен уйга ҳеч ким кира олмаганини тушундим. Кейин мен маузернинг ўқини топдим ва ҳамма нарса тушунарли бўлди – қолди. Фақат биттагина одам маузернинг тепкисини босиб сизнинг исмингизни шивирлаши мумкин эди – сиз ўзингиз. Мен ўйлай бошладим: агар сиз кеча Мэллорининг овозини ўхшатган бўлсангиз, унда, Крюнинг квартирасида ҳам унинг овозини сиз ўхшатгансиз. У ҳолда нега? деган савол пайдо бўлади.

Жаннанинг девор каби оппоқ юзи уча бошлади.

– Мени бошқа савол ҳам қизиқтираётган эди: Нима учун Любош, Гаррис ва Рита Аллен ўлдирилди? Уларни боғлаб турган битта нарса бор эди: уларнинг ҳар бири Мэллори ҳақида нимадир биларди... Қандайдир маълумотлар унга олиб келиши мумкин эди. Агар Мэллори ўлган бўлса у ҳолда уларни ким ўлдирган?

Керриденнинг тикилиб қарашидан Жанна орқага тисарилди.

– Менинг хатоим шунда бўлдики, мен Ренлининг Мэллорининг сотқинлиги ҳақидаги айтиб берганларига чиппа-чин ишондим, – хотиржамлик билан гапида давом этди Керриден. – Ренлининг ўзи ҳам ишонар эди... Бироқ у буни сиздан эшитган эди! Гурвиль қаерда яширинганини Мэллори эмас, сиз айтиб бергансиз!

Жанна алам билан хўрсиниб, қўлларини юзига олиб борди.

– Мана шу ягона ҳақиқат. Мен сизни айбламоқчи эмасман: гестапонинг қандай ишлашини ўз бошимдан ўтказганман. Сиздан ҳеч нарсага эриша олмагач улар Ренлини қийнашни бошлашган. У хушини йўқотгандан кейин эса яна сизга қайтишган ва бу сафар сизни гапиришга мажбур қилишган. Мэллори сиз Гурвилни сотганингизни эшитган, бироқ сизга ачиниб, эркаклик қилиб,

айбнинг ҳаммасини ўз бўйнига олган. Жуда ҳам олийжаноблик, айнан у йигитга муносиб ҳаракат... Ренли ўзига келганда унга Гурвилни сотганини айтган. Ва Ренли бу гапга ишонган. Тўғри айтяпманми?

Жанна нимадир дейишга ҳаракат қилди, бироқ бўғзидан ҳеч нарса чиқмади.

– Ҳамма гап ана шунда, – қизни диққат билан кузата туриб, гапида давом этди Керриден. – Ян нима қилиб бўлса ҳам қасос олишни миясига тутиб олади, сиз эса у ҳақиқатни билиб қолишидан қўрқасиз. Сиз улар Мэллорини топишадиган бўлса, у бор гапни айтиб беришини яхши тушунардингиз. Ва сиз улар Мэллори билан учрашмасликлари учун қўлингиздан келган ҳамма нарса-ни қилдингиз Любош ва Гаррис Мэллорининг изига тушишганда, айбингиз очилиб қолишидан қўрқиб, уларни ўлдирасиз. Сиз Рита Алленнинг Мэллорининг ороли ҳақида айтганларини эшитиб оласиз, қўрқиб кетиб уни зинадан итариб юборасиз. Қотил – сиз! Фақат ёлғиз сиз! Мэллорининг бу ерда ҳеч қандай айби йўқ!

Жанна юзлари қийшайиб кетганча кўзлари ёниб қичқирди:

– Ҳа! Ҳа, мен Гурвилни сотдим! Улар мени нима қилишганини сиз билмайсиз!.. Бироқ айбни бўйнига олишни Мэллоридан мен сўрамаганман. У мени севарди, аҳмоқ!

Жанна пистолетини ўқталганча орқага тисарила бошлади.

– Жойингиздан қимирламанг! – Роулинс ўрнидан турганда бақирди у. – Мен қамоққа тиқишларига йўл қўймайман! Агар қимирласангиз, отаман!

Аёл ўгирилиб йўлга ҳам қарамай тошли қияликлар бўйлаб жарга қараб югура бошлади. Роулинс қаттиқ бақирганча олдинга қараб югурди, бироқ буталар орасидан иккита эркак чиқиб унинг орқасидан югуришганини кўриб тўхтаб қолди.

– Хадсон унга етиб олинг! – бақирди у. – Қочиб кетишига қўйманг!

Бироқ изқуварлар кизга ета олишмади.

– Ҳечқиси йўқ, узоққа кета олмайди, – секингина деди Керриден.

Жар ёқасига етиб борган Жанна қайилишга ҳам уринмади. Жуда узоқ туюлган вақтдан сўнг тананинг қояларга урилган товуши эшитилди.

– 5 –

Плашга ўралган юкни кўтариб олган изқуварлар полиция катерига қараб қум устидан юриб кетишарди.

Қўлларини чўнтагига тиқиб олган Роулинс нималарнидир ўйлаб шамолда турар ва дамба–дам тош устида чекиб ўтирган Керриденга қараб қўярди.

– Афтидан, бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқасиз, шекилли.

– Сиз мен тўғримда янглишяпсиз. Мен жуда самимий ва кўнгилчанман. Мен доим одамларга ёрдам беришга тайёрман, бироқ бундан менга доим ташвиш туғилади.

– Во–ей! – истехзо билан кулди Роулинс. – Етти юз эллик фуетга «одамларга ёрдам бериш». Бундан кейин сизга эҳтиётроқ бўлишни маслахат бераман. Эртами, кечми бу ишингиз яхшилик билан тугамайди.

– Гап пулда эмас. Қанча тўлашган тақдирда ҳам бундай синовлар учун у пуллар арзимаган нарса! – қизиққонлик билан деди Керриден. – Менинг суратларим ҳамма газеталарда босилди, изимдан қувишди, ўлдирмоқчи бўлишди, қотилликда айбламоқчи бўлишди ва яна нима балолар! Энди эса, сиз билан боришим кўрсатмалар беришим ва яна нималардир қилишим керак бўлади, шекилли...

– Жуда бўлмаганда сизни узоқ ушлаб турмаганимизга хурсанд бўлинг. Бахтингизга Хадсон ва Сандерс яқинда

бўлишди ва Персиньининг сўзларини тасдиқлашлари мумкин. Қани йўлга тушдик. Ўзингиз билан ҳеч нарса олмайсизми?

– Йўқ, мен тайёрман.

– Қайиғингиз–чи? Ахир бу ерга сузиб келмагандирсиз?

– Қайиқ ҳақида хотиржам бўлинг, – куруққина қилиб деди Керриден. – Вақтни бекор ўтказишнинг кераги йўқ. У оролнинг нариги томонида. Мен уни Данбарга олиб келишлари учун кимнидир юбораман.

– Анави ёш аёлчи? Поездни тўхтатган? – туриб олди Роулинс. – У шу ердами? У беш фунт штраф тўлаши керак. Уни ўзим билан олиб кетишга мажбурман.

– Бемаъни гапни гапирманг! Поездни у тўхтатганини ҳеч ким кўрмаган, мен эса унинг айби йўқлиги тўғрисида онт ичаман. Судда ҳеч нарсани исбот қила олмайсиз

– Ҳақим йўқ. Гувоҳлик кўрсатмаларини олишга мажбурман.

– Менга қаранг: у ажойиб қиз! – қизиққонлик билан деди Керриден. – бу унинг уйи, унинг қайиғи...Полициячи эканингизни бир марта унутсангизчи!

Роулинс иягини қашиди.

– У Мэллорининг синглиси-а?

– Ўзингиз буни жуда яхши биласиз. Газеталар шов-шув кўтаришади, мен эса унинг исми меникининг ёнида бўлишини асло истамайман. Репортерлар шундай бўяб ташлашадики... Сизнинг қизингиз борми?

Инспектор ёйилиб жилмайди.

– Бўлмай қолган. Менда ўғил. – У ўйлаб туриб, сўради: – Уруш вақтида мабодо Францияга шу қизни ўн марта ташлашмаганми?

– Шу қиз. Сиз бу кунларда парашют билан...

– Яна нималарни хоҳлайсиз! – У жим бўлиб қолди ва сўнгра бошқа оҳангда давом этди: – Майли, жуда галати бўлса–да, ҳозир сиз ҳақсиз. Унинг номини сиздек

мутаҳҳам билан бирга келтириб бўлмайди... Яхши, кетдик!

– Яна полициячиларни бағритош деб аташади–я! – киноя билан деди Керриден.

Керриден катер томон кетар экан, Роулинс бепарволик билан деди:

– У билан хайрлашишни истамайсизми? Кутиб турамиз.

Керриден унга ажабланиб қаради:

– Нима кераги бор? У менинг дидимдаги қиз эмас. Бунинг устига флотда унинг дўсти бор.

– О, денгизчилар – мард йигитлар! Барибир сиздан кўнглим қолди. Мен сизни аёллар билан лочинсиз деб ўйлардим!

– Жим бўласизми, йўқми! – ўшқирди Керриден ва катерга ўтираётиб, Энни яна бир кўриш умидида қоялардан иборат қирғоққа қараб қўйди.

## Мундарижа

1-БОБ.....	3
2-БОБ.....	15
3-БОБ.....	33
4-БОБ.....	51
5-БОБ.....	68
6-БОБ.....	85
7-БОБ.....	98
8-БОБ.....	115
9-БОБ.....	130
10-БОБ.....	145
11-БОБ.....	161
12-БОБ.....	176
13-БОБ.....	192
14-БОБ.....	206



## Қайдлар учун

**Жеймс Чейз**

# **СОТҚИН**

*роман*

**Нашр учун масъул:**

**А.Тилавов**

**Муҳаррирлар:**

**А.Абдужалилов**

**У.Султонов**

**Техник муҳарир:**

**Ю.Ўринов**

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 11.12.2016 йилда топширилди. Босишга  
07.08.2017 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.

Офсет босма. РТ Serif гарнитураси. Шартли б.т. 13.5

Нашр б.т. 14.25 Адади: 5000 Буюртма №37.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95





"Sano-standart"  
нашриёти

ISBN 978-9943-4882-8-1



9 789943 488281